

АБДУЛЛА РАСУЛОВ

**ТУРКИСТОН
ВА
ВОЛГАБЎЙИ,
УРАЛОЛДИ ХАЛҚЛАРИ
ЎРТАСИДАГИ
МУНОСАБАТЛАР**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА РАСУЛОВ

ТУРКИСТОН ВА ВОЛГАБЎЙИ,
УРАЛОЛДИ ХАЛҚЛАРИ
ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР
(1917-1924 йиллар.)

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

Namangan
Davlat 262258
Universiteti
Ilmiy kutubxonasi

Тошкент
«Университет»
2005

яти тизимини бошқариш йўлида Туркистонга сафарбар қилинганларнинг аксарияти «порлоқ жамият қуриш», «шарқни уйғотиш» байроғи остида, аслида эса, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги озиқ-овқат тақчиллигидан қочиб, ўлкада паноҳ топганликлари ҳам архив манбаларининг таҳлили асосида ёритилади. Ўзаро муносабатларда Марказ татарларнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятидан «усталик» билан фойдалангани ҳам ўзининг янги талқинига эга.

Китобда илк бор Туркистон халқларининг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этиш йўлидаги чоратадбирлари, халқимизга хос меҳр-мурувват, болажонлик, бағрикенглик намуналари ҳали илмий муомалага киритилмаган кўп сонли архив манбалари асосида ёритиб берилган. Туркистон халқи совет даврининг қийинчиликларини ўз бошидан кечираётган пайтда оч-қочқин тариқасида ўлкага келганларга бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат топиб бергани кенг миқёсли манбалар асосида ўз исботини топган. Бошқирдистон МИҚ ваколатхонасининг Туркистондаги фаолияти мисолида ўлка аҳолисининг бошига кулфат тушган халқларга кўрсатган ёрдами очиб берилган.

Монографияда ўзаро муносабатларда иқтисодий жараёнларнинг мураккаб йўналишлари ҳамда Туркистоннинг маданий ҳаётида татарларнинг ўрни ҳам таҳлил қилинган.

Мазкур китоб миллатлараро муносабатлардаги ўзига хос мураккабликлар моҳиятини очиб беришда, Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатларнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилишда нафақат илмий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга нашр ҳисобланади.

Раҳбархон Муртазаева,
тарих фанлари доктори, профессор.

К И Р И Ш

Юртимиз миллий истиқлолга эришиши шарофати билан тарихий ҳақиқатни ҳар қандай мафкуравий тазйиқ ва таъсирлардан холи тарзда, мавжуд бирламчи манбаларга таянган ҳолда холисона талқин қилиш ва халқимизга етказиш имконияти юзага келди. Тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариш вазифаси юзасидан И.А. Каримов Республикамиздаги етакчи тарихчиларга қарата «сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин. ...Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»¹ деган фикри тарих ва тарихчилар зиммасига катта масъулият юклади. Ҳақиқатан ҳам мустабид совет тузуми даврида кўплаб муаммолар қаторида миллатлараро муносабатлар ҳам ҳаққоний ёритилмади, аксинча бу масала фақатгина бирёқлама, «буюк рус халқи байналмилалчилиги»ни ҳукмрон партия ва шўро органларининг чекка ўлкаларга берган гўёки «беғараз» ёрдами билан бурттириб кўрсатиш гоёси асосида ёритилди.

Албатта, мавжуд шароитдан келиб чиқиб, Россия ўз мустамлакасига айлантирган ҳудудларда «... муайян даражада маърифатчилик вазифасини ҳам адо этиб келган. Мустамлакачиликка бундай баҳо берувчилар империялар босиб олинган мамлакатлар инфраструктурасини, айрим ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга, улар аҳолисини фаолиятнинг янги турларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд қилишга қўшган ҳиссаларини таъкидлаб ўтадилар. Лекин буюк империялар билан камсонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг салбий жиҳати ҳам бўлган... Энг аввало, мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилганди.»²

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. VII том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 153-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 55-56-бетлар.

Айнан совет ҳокимияти ҳам ўзининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик, маданий-маърифий, мафкуравий йўналишлардаги сиёсатида, энг аввало, Марказ манфаатларидан келиб чиқиб иш олиб борди. Лекин тарихий тадқиқотларда Россиянинг Туркистонда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик манфаатлари борлиги очиқ-ойдин баён этилмади. Аксинча, Россиянинг Туркистондаги манфаатлари ҳастпўшланиб, чекка, олисадаги қолоқ халқларга берилган «ёрдам» сифатида кўрсатилди. Туркистон халқларининг ана шундай ёрдамларга зориққанлиги турли даражадаги анжуманларда, илмий-тадқиқот ишларида, ўз «исботи»ни топди. Бундай тартиб, яъни ҳукмрон мафкура манфаатларини четлаб ўта олмаслик совет даври тарихшунослигининг ажралмас бир қисми эди. Шунинг учун ҳам Туркистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар шу пайтга қадар бир томонлама ёритиб келинган. Эндиликда бир томонлама талқинлардан воз кечган ҳолда Туркистон ва Россия ўртасидаги муносабатларни ҳолисона ёритиш имконияти тугилди.

Илмий тадқиқотимиз ҳудуди¹ ва даври совет ҳокимиятининг дастлабки, эндигина ҳокимиятни қўлга олган йилларини қамраб олган. Бу давр, тарихда тутган ўрнига кўра, жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий ҳолатда эканлиги билан ҳамон илмий жамоатчилик қизиқишини сўндирмай келмоқда. Шу пайтгача тадқиқотчилар биз ўрганаётган даврни турли жабҳаларини ўз илмий ишларида ёритдилар ва маълум йўналишларда ҳамон иш олиб бормоқдалар.

1917-1924 йиллар оралигида Туркистон ҳам мухтор республика мақомида РСФСР таркибига киритилган бўлиб, бу давр тарихда ўзига хос мураккабликлари билан ажралиб туради. Айнан шу даврда Россиянинг кўплаб чекка ўлкаларида, хусусан Ўрта Осиёда ҳам демократик тамойилларга асосланган мухтор республикалар тузишга ҳаракатлар бўлган. Шунингдек, истиқлол учун кураш, зўравонлик ва миллий-маданий бойликларни талон-тарож қилиш ҳам бу даврнинг таркибидан ўрин олган. Шўро тарихшунослигида эътиборни, асосан, Россиядан Туркистонга берилган ёрдамларга қаратиб, бу ёрдамлардан Марказнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик манфаатлари борлиги четлаб ўтилди. Тадқиқотларда ўлка аҳолисининг «боқиманда»лигини исботлаш йўли танланган эди. Ҳолбуки, Россиядан Туркистонга кўрсатилган ёрдамлар эвазига ўлкада пахта экишни сусайтирмаслик

¹ Ушбу ҳудуд аҳолиси билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги муносабатларнинг XX аср бошларигача бўлган тарихи тўғрисида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги узбеклар. Т.: Шарқ, 2003.

сиёсати ётгани тўғрисида ёзилмади. Шунингдек, айнан шу даврда Туркистондан Россияга олиб кетилган озиқ-овқат маҳсулотлари ўлка аҳолиси турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатгани ҳам эътибордан четда қолди. Туркистон халқлари ўзлари юпун, ночор ҳаёт кечираётган бўлишига қарамай, Волгабўйи, Уралолдидаги озиқ-овқат тақчиллигига барҳам беришда, эвакуация тариқасида келтирилганларни бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида гапириш ва ёзиш ҳам қабул қилинмаган эди. Лекин айнан шу даврдаги тарихий шарт-шароит туфайли Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасида кенг қамровли муносабатлар бўлгани тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда акс этган.

Ушбу монографияда Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий-маърифий муносабатлардаги ижобий ва салбий оқибатларнинг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Ушбу китобни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви (ЎЗР ПДА) ҳамда унинг қошидаги Самарқанд, Тошкент, Фаргона вилоятлари бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (ЎЗР МДА) ва Андижон (АВДА), Бухоро (БВДА), Наманган (НВДА), Фаргона (ФВДА) вилоятларидаги давлат архивлари, Туркменистон Республикаси марказий давлат архиви (ЦГА Рес. Туркм.), Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон республикаларидаги собиқ партия марказий қўмитаси қошидаги марксизм-ленинизм интитуту марказий партия архивининг филиаллари, Россия Федерацияси давлат архиви (ГАРФ), Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви (РГАСПИ), Россия давлат ҳарбий архиви (РГВА), Бошқирдистон Республикаси марказий давлат тарих архиви (ЦГИА РБ), Бошқирдистон Республикаси жамоат бирлашмалари марказий давлат архиви (ЦГАОО РБ), Татаристон Республикаси тарихий-сиёсий ҳужжатлар марказий давлат архиви (ЦГА ИПДРТ), Татаристон Республикаси миллий архиви (НА РТ), Оренбургдаги вилоят жамоат бирлашмалари энг янги тарихи ҳужжатлари маркази (ЦДНИ ОО) ва давлат архиви (ГАОО), Ульяновск вилоят жамоат бирлашмалари энг янги тарихи ҳужжатлари маркази (ЦДНИ УО) манбаларидан бирламчи манба тариқасида фойдаланилди. Ўзаро муносабатларда шу пайтга қадар ёритилмай қолган тарихий воқеаларни кўплаб архив ҳужжатлари асосида биринчи марта илмий муомалага киритилди. Шунингдек, китобни ёзишда Ўрта Осиё ва Россия Федерациясида чоп этилган адабиётлар, матбуот нашрларидан ҳам фойдаланилди.

I боб. ТУРКИСТОН ВА ВОЛГАБЎЙИ, УРАЛОЛДИ ХУДУДЛАРИДАГИ АҲВОЛ ҲАМДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

1.1. ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК

XIX аср иккинчи ярмида подшо Россияси Қўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлигини ўзига бўйсундирди. Натижада Ўрта Осиё халқлари тақдирида зуравонликка асосланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият юзага келди ва бу маҳаллий аҳоли учун янги тартибдаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйишга асос бўлди. Собиқ империя томонидан Россия манфаатларини, хусусан ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қамраб олган тизим қарор топтирилди. Шундай қилиб, Россия мустамлакачилари бу ерда ўзларининг босқинчилик ва талончилик сиёсатини амалга ошира бошладилар. Мустамлакачилар асосий эътиборни ўлка бойликларини тула-тукис Россия манфаатлари учун ишлатишга қаратдилар. Туркистонда Россиянинг бошқарув тузилмалари жорий этилиб,¹ бу ҳам тула-тукис метрополия манфаатларига хизмат қилган. Туркистонни босиб олингандан кейинги асосий эътибор ўлкадаги иқтисодий бойликларга қаратилди. Зурлик билан жорий этилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар минтақадаги анъанавий қарор топган муносабатларга зарба берди. Оқибатда минтақадаги анъанавий турмуш тарзининг емирилиш жараёни бошланди. Бундай жараён хўжалик юриштишнинг ўзига хос миллий хусусиятларига, унинг асрлар давомида шаклланган анъанавий таркибига путур етказди. Туркистон Россия марказидаги фабрикалар учун пахта, пилла, қоракўл тери стказиб берувчи хом ашё ўлкасига айлантирилди.

Туркистон босиб олингач, Россия сармоядорлари маҳаллий қишлоқ хўжалигини ўз манфаатларига бўйсундириш йўлига ўтдилар. Бунинг учун империя банклари деҳқонлар ва майда товар ишлаб чиқарувчиларга қарз бериб, уларни иқтисодий жиҳатдан

¹ Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. Т.: Академия, 2002.

ўзларига қарам қилиб олдилар ва бу, ўз навбатида, уларнинг хужалик фаолиятининг характерини ҳам белгилай бошлади. Банклар олинадиган ҳосил ҳисобидан қарз берар, галла, мануфактура, деҳқон хужаликларига зарур буюмларни келтирар эдилар. Бундай аҳвол деҳқонларни купроқ пахта етиштиришга ундар эди. Масалан, ХХ аср бошларидан 1917 йилгача Туркистон ўлкасида пахта экиш қуйидаги тарзда бўлган:

1-жадвал.

Йиллар	Фарғона вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспий орти вилояти	Жами
	десятина	десятина	десятина	десятина	десятина
1901	210279	15327	23407	11000	260013
1902	174216	15530	16343	16000	222089
1903	149056	11019	9312	22000	191887
1904	186828	17812	18307	31000	353647
1905	166789	13302	18737	11000	191111
1906	189869	24366	13937	32000	254647
1907	199994	32125	15521	34000	288640
1908	190884	28007	21683	42000	282574
1909	208053	31463	31269	31000	301785
1910	235891	35675	25224	28000	324790
1911	268317	49268	28666	38000	383281
1912	255566	64450	29130	42319	319465
1913	274897	76726	31758	43000	426381
1914	283000	84399	30846	62260	460505
1915	333525	74050	55573	57466	523614
1916	348469	64535	60305	60362	533671
1917	286699	56134	42004	33953	418790

Ана шундай, узоқни кузлаб олиб борилган сиёсат натижасида Туркистонда бугдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириб келинган ер майдонлари кескин камайиши ҳисобига пахта экиш майдонлари тезлик билан купайтирилди. Оқибатда, Туркистон пахтаси Россия туқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг 1900 йилда 33 фоизини ташкил қилган бўлса, бу рақам 1916 йилга келганда 72 фоизга тўғри келди.¹

Туркистон ўлкаси Россия империясини нафақат пахта, балки

¹ Қаранг: Зиёева Д.Ҳ., Зиёев Ҳ.З. Чор империясининг хазинасидаги Туркистон моддий бойликлари. // Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Т.: Шарқ, 2001, 125, 129-бетлар.

хўл ва қуруқ мевалари бўлмиш ўрик, узум, қора олхўри, нок, олма, майиз, ёнғоқлар билан ҳам таъминлаган. Масалан, 1907 йилда ўлкадан 10915 пуд олхўри олиб кетилган бўлса, 1912 йилда 2519 минг пуд қора майиз Россияга стказилган. Шунингдек, ўлкадан 1914-1916 йиллари 360 минг пуд гўшт, 925 минг пуд жун, 70000 от, 12737 та туя ҳам Россияга олиб кетилган.¹

Шундай қилиб, Россия ўз мустамлакаси Туркистонда иқтисодий манфаатлардан келиб чиқиб, узоқни мўлжаллаб сиёсат юргизди. Хусусан, Россия ўзи томонидан забт этилган Туркистон худудини ва вассалига айлантирилган Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигининг асрлар давомида шаклланган иқтисодий мувозанатига путур стказиш ҳаракатида бўлди. Ўз навбатида, Россия ана шундай иқтисодий манфаатларини қондириш учун айрим, ўзига хос ижтимоий-сиёсий тадбирларни ишлаб чиқди. Масалан, Туркистондаги вақф ерларидан ташқари ҳамма ерлар Россия давлатининг мулки деб эълон қилинди ва фақатгина империя мустамлакачилигига хайрихоҳ йирик заминдорларга қарашли ерларгина ўз эгаларида қолди. Шунингдек, Россия ўзининг мустамлакаси Туркистонга рус деҳқонларини аста-секин режали равишда кўчира бошлади. Бу жараён XIX аср иккинчи ярмидан дастлаб режали тарзда амалга оширилган бўлсада, кейинчалик кўчиб келувчилар оқими маълум даражада назоратдан четда қолди. Масалан, фақатгина 1889-1891 йиллари Туркистонга 28911 оила ёки 100 мингдан ортиқ киши кўчиб келган эди. 1891-1892 йилларда Волгабуйидаги очарчиликдан кейин Туркистонга кўчиб келувчилар сони янада кўпайиб кетди².

Россиянинг кўчириш сиёсати жуда узоқни ўйлаб, империя манфаатларидан келиб чиқиб, олиб борилган эди. Ҳолбуки, Россиядан Туркистонга кўчирилганлар 1903 йилгача насроний динининг, асосан православ оқимидаги русларни ва қисман немис, полякларни ташкил қилган. Аммо қайси динга эътиқод қилишидан ташқари, Россиянинг туркий тилда сўзлашувчи аҳолисини Туркистонга кўчиришга йўл қўйилмаган. Масалан, Россия империяси томонидан татар, бошқирларни Туркистонга кўчиб келишига ва бу ерда кўчмас мулкка эга бўлишига руҳсат берилмаган.³ Умуман олганда, Россия империясининг октябрь (1917) тўнтаришига қадар кўчириш сиёсатини тўрт даврга бўлиш мум-

¹ Қаранг: Зияева Д.Ҳ., Зияев Ҳ.З. Кўрсатилган асар. 146-147, 152-бетлар.

² Исхаков Ф., Национальная политика паризма в Туркестане (1867-1917 гг.), Т.: ФАН, 1997. С. 96.

³ Губасва С.С. Население Ферганской долины в конце XIX - начале XX в Т.: ФАН, 1991. С. 111-112.

кин: 1) 1867-1881 йй.; 2) 1881 й. июль-1886 й. июнь; 3) 1886 й. июнь-1903 й. июнь; 4) 1903 й. июнь-1917 й.¹

1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиши натижасида Россия ўз талафотларини иқтисодий томондан қоплашни ҳам Туркистон зиммасига юклади. Ўлкада уруш муносабати билан галла ўрнига яна пахта экиш майдонларини кенгайтириш авж олди. Оқибатда галла, озиқ-овқат ва ем-хашак нархлари кескин ошиб кетди ҳамда бу ҳол деҳқонларни бозорга қарамлигини кучайтириб юборди. Ўлкани, асосан, пахта экишга мослаштириш оқибатида чорвачилик ҳам жуда катта зарар кўрди. Айниқса, бундай ҳолатни Фарғона вилояти мисолида кўриш мумкин. Вилоятда чорвачилик сиқиб чиқарилиши натижасида, маҳаллий аҳоли гўшт ва бошқа чорва маҳсулотларини истеъмолидан қийнала бошлаган. Биринчи жаҳон урушига қадар ҳам Фарғонага ҳар йили Етгисув вилоятидан 150 минг атрофида чорва молларини олиб келинар эди².

Россия мустамлакачиларининг урушгача ва уруш йилларидаги олиб борган иқтисодий сиёсати натижасида Туркистон аҳолиси очарчилик ҳамда қашшоқликка учради. Чунки ўсиб келаётган нарх-наво пахта ва галла ўртасида номутаносиб ҳолатга келди. Хусусан пахта нархи 1913 йилда 50 фоизга оширилган ҳолда, бошқа аҳоли эҳтиёжи учун зарур моллар нархи 400-500 фоизга кўтарилди. Ўз навбатида ноннинг нархи эса 6 баробар ошди. Шунингдек, уруш йиллари Россияга Туркистон 59 млн. пуд пахта, 8,5 млн. пуд пахта ёғи, 950 минг пуд гўшт, 229 минг пуд совун, 474 минг пуд балиқ стказиб берди³.

Чунончи, 1916 йилга келиб, галла нархи 1915 йилга нисбатан 300 фоизга ошган бўлса, гуруч — 200, шакар — 250, нон эса 400 фоизга ошди. Агар ўлкада ер солиги 1914 йилда 6.859.021 рубль бўлган бўлса, 1916 йилда 14.311.775 рубль қилиб белгиланди. Саноат солиғига келсак, унинг миқдори 1914 йилда 1.149.676 рублни ташкил қилган бўлса, 1916 йилга келиб 2.838.240 рублга стказилган. Умуман олганда, 1914-1917 йиллари Туркистонда йиғилган солиқ миқдори 3,2 млн. рублни ташкил қилган бўлса, унинг 2,8 млн. рубли туб жой аҳолиси ҳиссасига тўғри келган. Бундан ташқари, ўлкада уруш йиллари деҳқонлардан турли баҳоналар билан маҳаллий маъмурлар, қози, оқсоқол ва бўлис бошлиқла-

¹ Исхаков Ф., Национальная политика царизма... С. 98, 100, 104; Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае. Т.: ФАН, 1983. С. 24, 26, 37.

² Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. Т.: Ўзбекистон, 1994. 58, 73-бетлар.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-китоб, Т.: Шарқ, 2000. 415-бет.

ри қўшимча солиқлар ундиришга ҳаракат қилар ҳамда уруш манфаатлари учун расман «ўз хоҳиши билан», аслида мажбурий тарзда хайриялар, эҳсонлар йигиб олинарди. Ана шундай «ўз хоҳиши билан хайрия»лар миқдори уруш йиллари 2.400 минг рублни ташкил қилган¹.

Туркистондаги бундай аҳвол нарх-навони кескин ўсишига, озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслигига олиб келди. Натижада қаҳатчилик ва очарчилик вужудга келди. Шундай танглик устига, подшо Николай II 1916 йил 25 июнда «Империядаги «ёт» халқлар (элатлар) эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин ҳудудида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий иншоот-истеҳкомлар қуриш, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ишларга жалб этиш тўғрисида»ги фармонини имзолади. Ушбу фармонга биноан, Туркистон ўлкасидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклардан 250 минг киши сафарбар қилиниши керак эди².

1917 йил феврал инқилоби натижасида Россия ва унинг чекка ўлкаларида бир неча ой, яъни октябрда большевиклар ҳокимиятни эгаллагунга қадар эркинлик ҳукм сурди. Февраль инқилоби натижасида Россияда қўшқоқимият, яъни Муваққат ҳукумат вужудга келди. Муваққат ҳукумат барча табақа, диний ва маҳаллий чекланишларнинг бекор қилинганлиги ҳамда умумий, тенг, тўппа-тўғри, яширин овоз бериш асосида маҳаллий органларга сайлов ўтказиш, сиёсий амнистия (умумий авф) эълон қилиниши лозимлигини ҳам маълум қилди. Шунингдек, урушни галабагача давом эттириш ва иттифоқ шартномаларига содиқ қолишларини ҳам эълон қилди.³

Туркистонда ҳам подшо ҳукумати ағдарилганлиги бефарқлик билан кутиб олинмади. Масалан, Россиянинг Саратов, Уфа, Челябинск, Бугуруслан, Оренбург ҳамда Кўқон ва бошқа ҳудудлардаги мусулмонлар подшоликни ағдалириши ва Муваққат ҳукумат ту-

¹ Қаранг: Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1916-1917 йй.). Т.: Шарқ, 1999. 27-29-бетлар.

² Восстание 1916 г. в Средней Азии и Казахстане. Сб. док. М.: 1960. С. 25,77. Ушбу мавзуга оид материаллар куйидаги китобларда ўзининг янги талқинига эга: Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш: (XVIII-XX аср бошлари). Т.: Шарқ, 1998; Унинг ўзи: Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т.: Шарқ, 2001; Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши. Т.: ФАН, 1997.; Чориев З. Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. Т.: Шарқ, 1999.; Зиёева Д. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати. Т.: 2000; Туркистон чор Россияси мустамакчилиги даврида. I-китоб. Т.: Шарқ, 2000; Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. Т.: Шарқ, 2003.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамакчилиги даврида. II китоб. Т.: Шарқ, 2000. 22-бет.

зилгани билан қутлаб, Петроградга телеграммалар юборганлар. Уфа губерниясидан И. Шахлев, Оренбургдан И. Бузикаевлар, Қўқондан Тазиёв, Казалинскдан Сейфульмулюков, Абубакиров, Собаев, Сейфудинов ва Туркистон шаҳридан Содиқ Ўтганиевлар 1917 йил март-апрел ойларида Петрограддаги давлат думаси мусулмонлар фракцияси раисига юборган телеграммаларида Муваққат ҳукуматни қўлаб-қувватлашларини билдирганлар¹.

Шундай қилиб, 1917 йил февраль воқасидан сунг Туркистондаги сиёсий жараёнлар фаоллашиб кетди. Туркистонда сиёсий партиялар, ҳаракатлар вужудга келди ва бу ўлкада демократик кучлар саъий ҳаракати билан миллий-ҳудудий мухториятга эришиш, ўз давлатчилигини барпо этишга интилишлар бўлди. 1917 йил март-апрель ойларида тараққийпарварлардан тузилган «Шўрои Исломия», дин арбобларидан ташкил топган «Шўрои Уламо», «Турон» жамиятлари, Туркистон федералистларининг «Турк адами марказияти партия»си, бутун Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларига раҳбарлик қилиш учун «Иттифоқи муслимин» сиёсий партияси фаолият кўрсата бошлаган эди. Шунингдек, 1917 йил мартдан фаолият кўрсатган Самарқанднинг эски шаҳаридаги Қўшқовуз деган жойда атиги бир ярим ой иш юритган «Клуб исломия» («Камбагаллар йиғилиши» ҳам дейилган — Р.А.) ташкилоти ва яна 1917 йили Самарқандда «Мирваж-ул ислом», Андижонда «Озод халқ», «Мифтаҳ-ул маориф», «Сана-ул ислом», Қўқонда «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи», Каттақўрғонда «Равнақ-ул ислом», Хўжандда «Муайин-ат толибин» каби ташкилотлар ҳам тузилди.²

«Турк адами марказияти партия»си ва «Шўрои Исломия» ташкилоти ўз фаолиятида Туркистонни Россиядан тўла ажратиш ва ўз ҳукумати ҳамда мустақил давлатига эга бўлиш ғоясига эҳтиёткорлик билан ёндашганлар. Шунингдек, ушбу сиёсий ташкилотлар Россиядаги мусулмон сиёсий марказлари билан доимий алоқада бўлганлар.³

Туркистондаги сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1917 йил октябрга келиб, Туркистон жамиятининг илғор намоёндалари ўлкада Туркистон мухториятини ташкил этиш тарафдори

¹ Февраль 17-го в телеграммах от мусульманского населения. Гасырлар авазы — Эхо веков. Казань, журнал, (татар ва рус тилларида), № 1/2, 1997. С. 168-170.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти Т.: Маънавият, 2000, 38-40-бетлар; Унинг ўзи: Туркистонда миллий-демократик давлатчиликни барпо этиш учун кураш. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. Т.: Маънавият, 2001, 92-93-бетлар.

³ Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. Т.: Маънавият, 2001, 86-87-бетлар.

бўлган бўлсалар, иккинчи қисми, яъни большевиклар зудлик билан ҳокимиятни эгаллашга интилдилар. Воқеалар ривожда Туркистон большевиклари учун 1917 йил 25 октябрида Петрограддаги давлат тўнтаришининг амалга оширилиши натижасида 1917 йил 1 ноябрда Тошкентда ҳам ҳокимият советлар қўлига ўтди. Бироқ галаба советларнинг тарафдорларидан 80 га яқин кишини ва аввалги ҳокимият тарафдорларидан бунданда кўпроқ одамлар талафоти эвазига эришилди. Шундай қилиб, ҳокимият учун кураш қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлиши ҳисобига большевиклар ва сўл эсерлар қўлига ўтди¹. Натижада ҳокимият Туркистонда ўлканинг миллий манфаатларига бутунлай зид фаолият кўрсатишга мойил советлар қўлига ўтди. Бу билан ўлка аҳолисининг асосини ташкил қилган мусулмонлар манфаати оёқ ости қилинди.

Эндиликда совет ҳокимиятининг фаолият бошлашига қарши норозилигининг ифодаси бўлиб, Кўкөн шаҳрида 1917 йил 26 ноябрда IV фавкулудда ўлка мусулмонлари қурултойи ўз ишини бошлади. Қурултой 1917 йили 28 ноябрда ташкил топаётган давлатнинг номини «Туркистон мухторияти» деб атайдиган бўлди.²

Туркистон Мухториятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор ўлка халқлари томонидан хурсандчилик ва катта умидлар билан кутиб олинди. Ўлка бўйлаб қўллаб-қувватловчи митинглар, намойишлар, мажлислар бўлиб ўта бошлади. Кўплаб аҳоли пунктларида халқ милицияси отрядларига ва миллий кўнгилли ҳимоячилар сафига йўриқчи сифатида рўйхатдан ўтишга таклиф қилинди. Бундай аҳволдан совет ҳокимияти ташвишга туша бошлади ва мухториятни турли йўллар билан обрўсизлантириш ҳаракатида бўлди. 1918 йили январида Туркистонда бўлиб ўтган деҳқонлар қурултойида сўз олган Ақасв мухториятга қилинаётган ҳужумлар самарасиз эканлигини қайд этиб, ҳеч қачон мусулмонлар «руслар Туркистонни тарк этсинлар» демайди, деб таъкидлайди. У сўзида давом этиб, «... мусулмонлар руслар... билан қўлни қўлга бериб ишлайдилар... агар бунга бойлар қарши бўлса, мусулмонларнинг ўзи уларни йўқ қилади» — дейди.³

Аммо Туркистондаги совет ҳукумати мухториятни обрўси кундан-кунга ортиб бораётганидан хавфсираб, жойларда тинч намойиш ва митингларни бостириш билан бирга мухториятга хайрихоҳ кишиларни тинтув қилиш ва ҳатто ҳибсга олишга эришди-

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. II китоб. Т.: Шарқ, 2000. 44-45-бетлар.

² Аъзамхужасв С. Туркистон Мухторияти... 128-бет.

³ Новый путь (Ташкент), 24 января 1918 г.

лар.¹ Туркистон Мухториятига маҳаллий демократик кучларнинг муносабатидаги келишмовчиликлар ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, совет ҳукумати бисотидаги ҳамма усулларни қўлаб, Туркистон Мухториятини барбод қилишга киришди. Охир-оқибатда Туркистон Мухторияти қизил гвардиячилар, арман бирлашмалари (дашноқлар) ва австро-венгер ҳарбий асирларидан иборат совет қўшинларидан мағлубиятга учради.²

Туркистон Мухториятини йўқ қилишда қурол-яроқсиз халқни ўққа тутдилар. Бу ҳам қолиб талон-тарож, номусга тегиш, қиргип бошланди. Натижада маҳаллий аҳоли томонидан русларга, арманларга нисбатан норозилик кучайди. Бу ўша ёши, жинсидан қатъи назар аҳолини қиргин барот қилиниши туфайли мусулмонлар ўлкасида вужудга келган норозилик эди. Аммо бу норозиликлар қанчалик қатъий тарзда билдирилганига қарамасдан³, амалда Кўқон аҳли подшо Россияси армиясига қарши туришда ожизлик қилишларига иқрор бўдилар.

Сўзи билан амалдаги фаолияти бир-бирига тўғри келмаган большевиклар Туркистон Мухториятини йўқ қилиш билан асд қиёфаларини кўрсатишга улгурган эдилар. Ҳолбуки, большевикларнинг асосий ётакчилари 1917 йил 20 ноябрда меҳнаткаш халқни ўз томонига ағдариш, аҳолида «инқилоб»га хайрихоҳликни кучайтириш мақсадида «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаат қилгандилар. Ушбу мурожаатда Туркистон, Волгабўйи, Қрим, Сибирь, Кавказорти мусулмонларига «Сизнинг дин ва урф одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз» дейилади⁴. Аммо амалда «доҳийлар» ётакчилигидаги совет ҳукумати ҳар қандай ҳурфикрликка, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилашига қарши чиқдилар. Большевиклар томонидан Туркистон Мухториятини бадном қилинганига 1918 йил 1 июнида Закий Валидий Тўғон ўз муносабатини билдириб, «... мухториятчиларни ҳибсга олиб, кўпчи-

¹ Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 121-фонд, 1-руйхат, 65-иш, 23-варақ ва орқаси.

² Туркистоннинг биринчи миллий-демократик давлат қурилиши тажрибасини Туркистон мухторияти тимсолида кенгроқ ургатиш учун қаранг: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... 51-68-бетлар.

³ ФВДА, 121-фонд, 1-руйхат, 27-иш, 11-варақ.

⁴ Ленин В.И. Урга Осиё ва Қозогистон тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 1984. 493-бет.

лигини ўлдирдилар. Кўплаб уй-жойларга ўт қўйиб, минглаб одамларни совуқ Сибирга сургун қилдилар... Большевиклар ўз амалий фаолиятларида ҳар қандай ифлосликдан қайтмадилар», — дейди. Шунингдек, З.В. Тўғон Қўқон, Маргилон, Қува ва бошқа шаҳарларда ўт қўйиш, қиргин бўлгани, муслмонларнинг айримлари «соқолини олдиришга ва бўйнига хоч осгандагина қутулиб қолишга» эришганликларини таъкидлайди¹.

Шундай қилиб, совет ҳукумати фақат ўзига яъни советларга мос мухториятни тан олиш мумкинлигини эътироф этди. 1918 йил 30 апрелда советларнинг V ўлка курултойи «Туркистон Шўро Федератив Республикаси тўғрисидаги Низом»ни қабул қилди. Ҳолбуки, маҳаллий аҳоли ўлкада истиқомат қиладиган аҳолининг 95 фоизини ташкил қиларди².

Туркистон Мухторияти тор-мор этилгандан кейин ўлкада, хусусан Фарғона вилоятида ижроия кўмита рухсатисиз ҳар қандай йиғин ва мажлислар ўтказиш қатъий маън этилди. Эндиликда фақатгина расман рўйхатдан ўтган демократик ва жамоа ташкилотлари аввалдан кун тартибини кўрсатиб, ижроия кўмитадан рухсат олгандан кейингина ўз тадбирларини ўтказишлари мумкин бўлиб қолди. Ўзбошимчалик билан йиғин ва мажлислар ўтказиш ташкилотчилари инқилобий трибунал ихтиёрига топшириладиган бўлди³.

Совет ҳукумати Туркистон Мухториятини тор-мор этгандан кейин ҳам ҳокимиятни мустақкамлаш йўлидаги беҳаловатлигини йўқотмаган. Шўро ҳокимиятининг турли комиссарлари ўз лавозимларини суистеъмол қилиб, маҳаллий аҳолига нисбатан ҳеч қандай асоссиз равишда террор ишларини бошлаб юборишган. Натижада, гуноҳсиз кишилар ҳам ҳеч қандай суд қарорисиз озодликдан маҳрум қилинар ва бу, ўз навбатида, норозиликни янада кучайтирар эди. Шу сабабдан, Туркистон адлия комиссарлиги ҳамда Туркистон ХКК раиси Ф. Колесов ўзининг 1918 йил 15 июлдаги қарорига мувофиқ, фуқороларни судсиз жавобгарликка, ҳибсага олишни таъқиқлаган эди⁴. Аммо, айти пайтда, зўравонлик барибир давом этаверган. Туркистондаги демократик кучларни таг-томири билан йўқ қилиш ва ҳар қандай йўл билан бўлсада совет ҳокимиятини мустақкамлаш большевикларнинг асосий мақсади эди. Туркистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликка

¹ Ахметзаки Валиди Тоған. Не сочтите за пророчество... (бошқирл ва рус тилларида), Уфа: Китап, 1998. С. 108-109.

² Ўзбекистон совет мустамлақчилиги даврида... 74-бет.

³ ФВДА, 8-фонд, 1-руйхат, 8^а-иш, 8-варақ.


⁴ Ўша жойда, 37-иш, 15-варақ.

пришиш ва совет ҳокимияти манфаатларига зид фаолиятларни амалга оширмаслик учун Туркистон МИҚ 1918 йил 18 декабрда ўлканинг ҳамма вилоятлари учун бажарилиши шарт бўлган қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, совет ҳокимиятига қарши тарғибот-ташвиқот ишлари масжидларда, черковларда, синагогларда олиб борилса ҳамда шу мазмунда адабиётлар тарқатилса, уларни ким бўлишидан қатъи назар отиб ташлашга руҳсат берилган¹.

Ҳар қандай ҳокимият давлат бошқаришга киришар экан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бирга иқтисодий вазифаларни ҳам ўрганиши ва халқ фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиши керак. Бундай ҳолат, айниқса, халққа тинчлик, ер, тенглик, фаровон ҳаётни ваъда қилган большевиклар ҳокимияти учун ҳам бегона эмасди. Чунки ижтимоий-сиёсий барқарорлик учун иқтисодий муаммолар ҳам ўз счимини топаётган бўлиши керак эди. Марказ октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин ҳам Туркистон халқларига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмади. Илгари подшо Россияси манфаатлари учун ўлка талон-тарож қилинган бўлса, эндиликда «социалистик суғуриш — юлиб олиш» тажрибаси қизил шиорлар остида олиб бориладиган бўлди.

1917 йил баҳоридан Туркистондаги ҳарбий қисмлар, ҳукумат ва жамоат ташкилотларининг Муваққат ҳукуматга очарчилик камрови ва халқнинг аҳволи жуда аянчли эканлиги тўғрисидаги телеграммалар билан мурожаати кўпайиб кетди. 1917 йил февралига қадар очарчиликни олдини олишга қаратилган нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига жорий этилган карточка тизими ҳам кутилган натижа бермади. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини тежашга чақириш ҳам ҳеч қандай ёрдам бермади. Аҳолига бериладиган киши бошига ун ҳам 1917 йил майида дастлаб ойига 2 фунтдан, кейинроқ эса $1\frac{1}{2}$ ва ҳатто 1 фунтдан қилиб белгиланди. Фарғона вилоятининг айрим уездларида бора-бора мутлақо ун беришнинг иложи ҳам қолмади. 1917 йил ёзига келганда, Туркистонда озиқ-овқат муаммоси янада кучайди. Натижада, 1917 йил августидан ўлка озиқ-овқат қўмитаси $1\frac{1}{2}$ фунтлик ун билан фақатгина мудофаа ишларида ишлаётганларнигина таъминлаш мумкинлигини қайд этган. Бу ҳам етмагандек, ўлканинг эски шаҳарларида яшовчи туб аҳоли янги шаҳарларда яшовчилардан ортсагина карточка оладиган бўлдилар. Бундай ҳолатдан вужудга келган норозилик туфайлигина 1917 йилнинг май ойидан Тошкентнинг эски шаҳар аҳолисига ҳам карточка бериладиган бўлди. Аммо бу чоралар ҳам иқтисодий аҳволни яхшилашга олмади. Ўлкада озиқ-

¹ ФВДА. 8-фонд. 1-архив уз. 27-б. № 208-109-варақлар.



овқат маҳсулотларнинг танқислиги, бозорларда нарх-навони тинимсиз ўсишига олиб келди. Уннинг нархи 1916 йилдан 1917 йилгача бир пуди 2,5 рублдан 81 рублгача стиб борди.¹

Шундай қийин аҳволда ҳокимият вакиллиги томонидан аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда асосий эътиборни русийзабонларга қаратилди. Масалан, Авлиёота шаҳрида истиқомат қилаётган русийзабон аҳолига 0,5 фунтдан дон берилган ҳолда, ерли аҳолига ҳеч нима берилмаган. Аммо айни пайтда русийзабонлар берилаётган 0,5 фунт дон етарли эмаслигидан ўз норозиликларини билдирганлар. Ушбу ҳолат бўйича шаҳар бошлиги Мешечков ўлка озиқ-овқат бошқармасига телеграмма юбориб, «оммани тинчлантириш учун қачон галла юборилишини хабар беринг. Ерли халқ ҳозирча чидаб турибди, аммо бундай ҳолат узоқ давом этмас керак» деб ўз хавфсирашини билдиради.²

Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволдаги мураккабликларга қарамасдан, Москва матлубот иттифоқи Самарқандда «Харид пункти» очган. Ушбу «Харид пункти» вазифасига аҳолидан мевани харид қилиш ва қуриштириш, уларни тозалаш ҳамда тегишли навларга ажратиш, мураббоблар, компотлар, пюрелар тайёрлаш кирган. Самарқанддаги «Харид пункти»га Ашхабод, Бухоро, Тошкент, Фарғона вилоятидаги ҳамма харид пунктлари қўшилиб, марказий пункт вазифасини ўтаган.³

Ўлкадаги озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига сабаб илгарироқ биринчи жаҳон уруши, 1916 йилги кўзғолон, галла ўрнига пахтани кўпроқ экилгани деб келинган бўлса, эндиликда бунга сабаб ўлка «инқилобий ҳаракатлар» ичида қолгани эди. Чунончи 1917 йилги февраль инқилоби ва Муваққат ҳукумат фаолияти ҳамда орадан кўп ўтмай, 1917 йил октябрь давлат тўнтариши, бу тўнтаришга «инқилоб» либосларини кийинтириб, Туркистонга экспорт қилиниши фикримизга далил бўла олади. Ҳокимият тепасига келган большевикларнинг Туркистонни иқтисодий бошқаришдаги дастлабки хатоларга йўл қўйиши, шундоқ ҳам издан чиққан иқтисодиётни янада чуқурроқ таназулга юз туттирди. Боз устига Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол натижасида ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Оқибатда, ҳокимиятни бошқаришда ҳам бошбошдоқлик вужудга келиб, большевиклар давлат бошқарувида уқувсиз эканликларини кўрсатдилар.

¹ Қарап: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т.: Шарқ. С. 48-49.

² Туркестанские ведомости, 20 сентября 1917 г.

³ Ўша жойда.

Совет ҳокимияти жойларда олиб бораётган миллий, сиёсий, иқтисодий ҳамда кадрлар сиёсатида бир қанча хатоликларга йўл қўйди. Масалан, бу борада Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол тўғрисида ўлка мусулмонлари бюросининг I қурултойида нутқ сўзлаган Т. Рыскулов шундай деган эди: «Ишчи-лехқон ҳукуматининг Туркистон шароитидаги... бошқаруви, афсуски ўзаро ишончсизликни кучайтириб, тескари натижага олиб келди. Мусулмонлар инқилоб ғояларини амалдаги фаолиятга номувофиқлигини ўзлари кўриб, ишондилар. Мамлакатнинг барча бурчакларидан ҳокимиятдан норозилик овозлари эшитилмоқда. Ўлка аҳолиси 95 фоизининг ҳуқуқи ҳисобга олинмади. Бу норозилик давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб кетди... Масалан, озиқ-овқат тақсим қилишни олайлик, ҳамма жойда мусулмон манфаатларига бефарқ қаралиб, баъзи жойларда бу жиноят даражасига етиб борган. Халқ ҳужалигида ҳам аҳвол шу. Кўпчилиги ёт, салбий унсурлар, ҳатто жиноятчилардан тузилган Қизил Армия фаолияти натижаларини узоқ кутишни ҳожати бўлмади (айниқса, Фаргона вилоятидаги дашноқлар фаолияти). Қизил Армиянинг интизомсиз бўлинмалари қишлоқларга келиб, «реквизиция» шиори остида аҳолини таладилар, қўлларига тушган нарсани — этиклар, кўрпа ва гиламлардан тортиб, энг оддий буюмларгача, орқа-унгиларига қарамай тортиб олдилар, аҳолини азобга қўйдилар... Маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қаралдилар.»¹

Шундай қилиб, 1917 йилги октябрь давлат тўнтаришигача ва ундан кейинги дастлабки йиллардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволни танглигига дахлдор сабаблар дастлаб Россия подшолигининг мустамлакачиликка асосланган сиёсати натижасида бўлса, кейинчалик большевикларнинг ҳокимиятни бошқаришдаги нўноқлиги бу жараённи янада кучайтириб юборган. Умуман олганда, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларда олиб борган ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий сиёсати буткул халқни фаровон ҳаёт, мавҳум тенгликка, адолатга йўналтирилган жамият қуриш йўлида ўз ҳаётларини бағишлашга чақириб билан ўтди. Бу эса ўлкадаги иқтисодий тангликни янада чуқур илдиз отишига ҳамда ижтимоий-сиёсий аҳволни издан чиқишига олиб келди.

¹ Қарағ: Рыскулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. Т.: 1922. С. 17-20.

1.2. ВОЛГАБҮЙИ, УРАЛОЛДИ ХУДУДЛАРИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

Кўп миллатли Россия империясидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол XIX аср охири XX аср бошларида узининг ачинарли даражадалиги билан кўзга ташланарди. Бу аҳвол, айниқса, қишлоқ хўжалигида ерни ишлаш ва қайта ишлашга, чорвачиликка бўлган муносабат орқали кўринар ҳамда бундай ҳолат аҳолининг ижтимоий-сиёсий аҳволига ҳам таъсир қилмай қолмасди. Шундай ҳолат Волгабуйи, Уралолди ҳудудлари¹ учун ҳам ёт эмасди. Масалан, Бошқирдистон аҳолиси XIX аср охири ва ҳатто XX бошларига қадар ҳам асосан чорвачилик хўжалиги билан шугулланиб келган. Хўжаликнинг асосий тури чорвачилик бўлгани учун ҳам аҳоли XIX аср охирида ҳам ярим кўчманчилик билан тирикчилик ўтказган. Бошқирд ерлари учун кўрғоқчилик ва унинг натижасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ҳолатлари 1864, 1874-1875, 1879-1880, 1889-1890, 1896-1897 йиллари қайтарилиб турган. XX аср бошларига келганда ҳам бошқирдлар истиқомат қиладиган ҳудудларда ҳосилсизлик, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги учраб турарди.²

1877 йилдан 1905 йилга қадар Уфа губерниясида бошқирдлар ихтиёридаги ерлар 853, 4 минг, Оренбург губерниясида эса 722,8 минг десятинага, яъни 1,5 млн. десятинадан кўпроққа камайиб кетган эди. 1905-1915 йиллар орасида ерлар яна 522 минг десятинага камайиб кетган эди. Шундай қилиб, 1915 йилга қадар 2 млн. десятинадан кўпроқ бошқирдлар ери руслар томонидан эгаллаб олинган. Натижада бошқирдлар ҳосилдор ерларидан ажраб, унумсиз ерларга куни қолган эди.³

¹ Волгабуйи, Уралолди ҳудудлари Россиянинг ҳозирги Татаристон, Бошқирдистон, Чувашия, Удмуртия, Марий республикалари ҳамда Ульяновск (Симбирск), Самара, Оренбург, Пенза, Саратов, Тамбов, Астрахан, Свердловск (Екатеринбург), Перм каби субъектларни ўз ичига олади.

² Янгузин Р. Хозяйство и социальная структура башкирского народа в XVIII-XIX вв. Уфа: Китап, 1998. С. 115.

³ Қаранг: Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана: становление национальной государственности башкирского народа (1917-1925 гг.) Уфа. Китап, 1997. С. 40.

Ҳақиқатан ҳам кўп миллатли қолоқ, аграр Россия ва унинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ер, ерга бўлган муносабат, чорвачилик — иқтисодий тараққиёт ёки таназзулликнинг муҳим бир бўғини эди. Шунинг учун ҳам тараққиёт омили деҳқончилик ва чорвачиликтан деб билинарди. Масалан, Қозон губерниясида XX аср бошларида қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун унумдор ерларнинг деярли ярми помешчиклар ихтиёрида эканлиги ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмасди. Қозон губерниясининг деярли 90 фоиз аҳолиси деҳқонларни ташкил этишига қарамасдан, умумий экин ерларининг 58,3 фоизигина уларнинг қўлида эди. Бунинг устига, подшо Россияси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида унумдор ерларни тортиб олиб, татар, бошқирларни ўз ерларидан маҳрум қилдилар. Натижада, татар ва бошқирлар амалда русларга ёлланиб ишлайдиган бўлиб қолдилар¹. Албатта, бундай аҳвол Волгабўйи, Уралолдидаги қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолининг ижтимоий турмушига салбий таъсир қилди.

1914 йили Россияни биринчи жаҳон урушига тортилиши, бусиз ҳам иқтисодий қолоқ мамлакатни янада аянчлироқ ҳолатга туширди. Уруш аҳолининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсир ўтказиб, хўжаликдаги бошбошдоқликка ҳам олиб келган эди. Натижада, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги товар алмаштириш имконияти ҳар томондан қисқариб кетди. Мамлакатда очарчилик ҳамда қаҳатчилик ҳукм сура бошлади.

Фақатгина 1917 йили Россия бўйича урушга қишлоқ аҳолисининг 47,4 фоизи жалб қилинган эди. Биргина Қозон губерниясидан армияга 277600 та деҳқон сафарбар қилинган бўлиб, бу меҳнатга яроқли аҳолининг 45 фоизини ташкил этарди. Бундан ташқари уруш жуда катта миқдордаги отларни ҳам талаб қиларди. Маълумотларга қараганда, уруш учун 1917 йил баҳорига қадар мамлакат аҳолисига қарашли деярли 2,6 млн. та отлар тортиб олинган эди².

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида яшовчи халқлар феврал инқилобидан катта умид қилганлар. Айниқса татар, бошқирд, чуваш ва бошқа рус миллатига мансуб бўлмаган халқлар Муваққат ҳукумат тузилганини хурсандлик билан кутиб олганлар. Улар охир-оқибатда ушбу инқилоб натижасида уруш тўхташига ва борган сари қийинлашиб бораётган яшаш шароитлари, хусусан, озиқ-

¹ История Татарской АССР. Казань: Татарское книжное изд-во, 1980. С. 88-89; Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана... С. 39-40.

² Қаранг: Белокопытов В.И. Борьба с голодом и его последствиями в Татарии (1921-1923 г.г.). Дисс. на соискание учен. степ. канд. ист. наук. Казань, 1978. С. 33.

овқат масалалари счимида ижобий ўзгаришлар бўлишини кутганлар. Чунки Волгабўйи губернияларидаги иқтисодий аҳвол анчагина оғир эди. Империя тугатилмасдан озгина аввал, яъни 1917 йил 17 январида Қозон губернатори яшаш шароити борган сари қимматлашиб бораётганлигидан аҳолининг асаби таранглашиб кетаётганлиги, боз устига ун етишмай, очарчилик бўлиш эҳтимоли борлиги тўғрисида қайд этган эди¹.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида аҳоли томонидан февраль инқилобини хурсандлик билан кутиб олишга сабаб, бу ҳудудларда яшаётган халқлар подшо Россияси сиёсатидан норози эдилар. Чунки Россия империяси ўз сиёсатида рус бўлмаган халқларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти учун ҳеч қандай ишларни амалга оширмас эди. Билъакс, айрим рус бўлмаган халқларни ўз динидан қайтариб, чўқинтириш ишларини ҳам қўллаб-қувватлаган эди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг Қозон, Симбирск, Самара, Саратов, Пенза, Уфа, Нижегород, Вятск губернияларида рус бўлмаган халқларнинг аксарияти, яъни татар, бошқирд, чуваш, мордва ва бошқа миллатлар истиқомат қиларди.²

1917 йил февралдан кейин берилган демократик эркинликлар таъсирида Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидаги сиёсий доиралар ҳаракати билан турли миллий жамиятлар тузила бошланди. 1917 йил март ойи бошларида Қозонда Мусулмон кўмитаси ташкил топди. Петроградда давлат думасидаги мусулмонлар фракцияси ўз фаолиятини фаоллаштирди ва уларнинг ташаббуси билан Москвада Россия мусулмонлари муваққат марказий бюроси ташкил топди. Шунингдек, 1917 йил мартада Уфада мусулмон кўмитаси, ҳарбий ташкилот, ишчи, солдат депутатлари совети, жамоат ташкилотлари кўмитаси, Чуваш миллий жамияти ташкил топди. Ушбу жамият кейинроқ Қозон, Симбирск, Чебоксар, Цвильцқда ҳам ташкил этилган эди. Шунингдек, шу даврда Мари марказий иттифоқи ҳам ташкил топганди. Татарлар жамиятлар тузишда фаоллик кўрсатдилар. Россия мусулмонлари муваққат марказий бюроси ташаббуси билан 1917 йил май ойи бошларида Москвада Бутунроссия мусулмонларининг I курултойи бўлиб ўтди ва унда Курултой Марказий Миллий Кенгаши ташкил қилиниб, унинг таркибига Туркистондан 7, Кавказдан 6, Қримдан 2, Қозо-

¹ История Татарской АССР (с древнейших времен до наших дней). Казань: Таткнигоиздат, 1968. С. 316.

² Карант: Хайрулдинов Р. Г. Осуществление коммунистической партией лесинской программы по национальному вопросу в 1917-1920 гг. Казань, КГУ, 1976. С. 20, 23.

гистондан 5, Литвадан 1, марказий Россиядан 10 кишига ҳамда Хива, Бухоро номзодларига ҳам жой ажратилди. Ушбу Марказий Миллий Кенгаш Бутунроссия Муслмонлари кенгаши, яъни Миллий Шуро деб юритилди. Ушбу Миллий Шуро Таъсис мажлисига қадар Россия муслмонларига раҳбарлик қилиш керак эди. Миллий Шурога Оренбургдан Ф. Каримов, Қозондан И. Алькин, Уфадан В.И. Ахтямов, Туркистондан А.З. Валидов ва бошқалар сайланган эди¹.

1917 йил февралдан кейин Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ташкил топган турли жамиятлар, амалга оширилган қурулгойлар жамиятни демократлаштириш, сиёсий ва миллий онгни уйғотиш, иқтисодийни ривожлантириш, давлат қурилиши, ижтимоий ҳимоя ва диний ишлар масалаларини кўриб чиқди. Аммо 1917 йил февраль инқилоби натижасида, Муваққат ҳукумат турли қарама-қарши сиёсий партиялар курашига қарши ўзининг лаёқатсиз эканлигини кўрсатди. Ҳар ҳолда урушни давом этиши иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволни оғирлашиб боришига олиб келди. Муваққат ҳукуматнинг ҳокимиятни бошқаришдаги лаёқатсизлиги туфайли Россияда аграр масала ўз счимини топмади. Билъакс, большевикларнинг омма орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари, советларни большевиклашувига олиб келди. Натижада, большевиклар 1917 йил 25 октябрида ҳокимиятни эгаллаб, сулҳ ва ер тўғрисида дастлабки декретларни қабул қилдилар.

Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши Туркистон, Қозон, Уфа, Самара ва бошқа ҳудудларда бир хил кутиб олинмади. Ҳокимият советлар қўлига ўтганлиги тўғрисидаги хабар 1917 йил 26-27 октябрь кунлари Туркистон ва Россиянинг бошқа ҳудудларига етказилди. Шу муносабат билан Уфа, Қозондаги эсерлар, меньшевиклар амалга оширилган инқилобга ўз муносабатларини билдириб, Таъсис мажлисигача қурол билан амалга оширилган ҳокимият эгалланишини қораладилар. Уфа меньшевиклари номидан Ахтямов амалга оширилган тўнтариш «инқилоб учун бахтсизлик» деб ҳисоблаган бўлса, эсерлардан Штсйнберг эса «биз ягона йўқсиллар яккаҳокимлигини талаб қиламиз» деб, ўз муносабатини билдирган².

Большевиклар ҳокимият тепасига келгандан кейинги дастлабки пайтларда миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаши масаласида

¹ Хайрулдинов Р. Г. Трудное возрождение (февраль 1917-1920 гг.) Казань: Татарнигоиздат, 1992. С. 11.

² Хрестоматия по истории Башкортостана 1917-1920. Часть II, Уфа, 2001. С. 29-30.

Россиянинг Волгабуйи, Уралолди ҳудудларига нисбатан сал юмшоқроқ ёндашганлар. Бунга сабаб шу эдики, биринчидан большевиклар 1917-1918 йилларда ҳали миллий сиёсатда аниқ бир тўхтамага кела олмаган бўлсалар, иккинчидан, юқорида қайд этилган ҳудудларда истиқомат қилаётган татар, бошқирд, чуваш ва рус бўлмаган бошқа миллатларнинг октябрь «инқилоби» (1917)га хайрихоҳлигини сўндирмаслик мақсади бўлган, учинчидан, инқилобий гояларни ҳаётга татбиқ этишда ана шу рус бўлмаган миллатлар, айниқса улар ичида ўзининг «фаоллиги» билан ажралиб турадиган татар ва бошқирдлардан Шарқда «фойдаланиш» кўзда тутилган эди. Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки фаолияти даврида қатъий марказлашган давлат тузишга мойил бўлсаларда, маданий, маърифий жараёнларда маълум бир мустақил фаолият кўрсатишга ўз қаршиликларини билдирмадилар. Хусусан, миллий «кийим кийган» аммо коммунистик гоя билан сугорилган ташкилотлар, секцияларни тузилиши, миллий матбуот, миллий нашриёт, диний ташкилотларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмасликни мақсадга мувофиқ, деб топдилар. Ҳатто бу борада миллий ҳарбий қисмлар ташкил қилинишини ҳам қўллаб-қувватладилар. Аммо ҳамма «миллий, мусулмон» ташкилотлари «инқилоб» манфаатларига хизмат қилиши керак эди.

Маълумки, 1917 йил октябридан кейин, дастлаб Татаристон ва Бошқирдистон мухтор республикалари ташкил топмасдан аввал, татар ва бошқирдларни бирлаштирган Волга-Урал штати тузиш ғояси илгари сурилган бўлса¹, кейин Татар-Бошқирд совет республикаси тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу гоялар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши лозимлигидан келиб чиққан эди. Ҳатто, бу борада С. Мақсудий татарлар Миллий Мажлис тузиши керак ва унинг ижро органи ҳам бўлиши лозим, деди. Марказ томонидан Миллий Мажлис ва унинг ижро органига диний, миллий-маданий, солиқ, жамоат тартибини назорат қилиш ваколати берилиши керак эди². Аммо сиёсий жараёнларда большевиклар реал ҳокимиятни миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига йўл қўйишни хоҳламасдилар. Бунинг устига янги ҳукумат олдида иқтисод масаласи ўзининг долзарблиги билан кўндаланг бўлиб турарди³.

Большевиклар ҳокимият тепасига келгунга қадар халққа катта

¹ Қаранг: Советская Татария (Казань). 4.11 января 1992 г.

² Хаит И.Г. Национальная политика в послеоктябрьский период. // Система ценностей Российской национальной политики. Казань, 1998. С. 61.

³ Тагиров И. Почему большевики не удержали государственную власть. // Советская Татария. 19, 27 июня 1992 г.

инъдаларни беришганига қарамасдан, аслида ҳокимиятни қўлга киритганларидан кейин ҳаққоний қийинчиликлар билан тўқнашишди. Большевиклар дастлабки фаолиятлариданоқ мусодарага асосланган сиёсатни амалга оширишни энг маъқул йўл деб топишди. Масалан, 1917 йил ноябриданоқ қизил гвардиячилардан ташкил топган дастлабки мол-мулкни давлат ҳисобига мусодара қилувчи ва тўсувчи бўлинмалар қишлоқларга йўл олишган эди. Улар қуролланган ҳолатда қишлоқларда уйма-уй юришиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқчасини аёвсиз тортиб олиш, мол-мулкдан фавқулодда солиқлар ундириш ишлари билан шуғуллана бошладилар. Натижада, мусодара отрядлари томонидан 1918 йилга қадар қишлоқларда олиб борилган бу ҳарбий-коммунистик сиёсат қизил гвардиячиларни тарқатиб юбориш билан тугади. Аммо юқорида қайд этилган отрядлар озгина вақт ичида ҳам жойлардаги қишлоқ деҳқонлари ичида шаҳарликларга ва янги совет ҳокимиятига норозилик туйғуларини уйғотишга улгурган эди¹.

Совет ҳокимияти дастлабки ойлардаги фаолиятиданоқ нафақат ерни, балки саноат корхоналарини ҳам «ижтимоий иқтисод» манфаатлари йўлида давлат ҳисобига тортиб олиш билан шуғулланди. 1918 йил январь ойидан майга қадар Самара губерниясидаги 16 та параход, 13 та метални қайта ишлаш заводи, 4 та тери, 2 та қанд, 3 та озиқ-овқат, 4 та тегирмон саноати, 1 та қурилиш материаллари, 11 та босмахона саноати, 25 та тўқимачилик, 4 та кимё заводлари давлат ҳисобига ўтказилди. Шунингдек, Самарадаги ҳамма хусусий банклар ҳам давлат ихтиёрига ўтказилди. Самара губерниясида яна савдогарлардан озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш сиёсати ҳам олиб борилди ва бу масалалар счими билан губерния озиқ-овқат комиссияси шуғулланди. Тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига тарқатиш мавжуд дўконлар орқали амалга оширилди. Ҳатто губерниядаги оч аҳолини боқиш учун «халқ ошхоналар»и очилди. Губерниядаги озиқ-овқат муаммоси долзарблигига қарамасдан, 1917 йил ноябрида Петроградга дастлабки озиқ-овқат ашёлари юборилди. Бундан ташқари, помешчиклардан тотиб олинган битта чорва молини камбағал оилага, битта отни оти йўқ оилага тарқатиш ишлари олиб борилди. 1918 йилнинг ўзида Самара губерниясида 73 та коммуна ташкилоти тузилган эди. Губернияда совет ҳокимияти томонидан ерни тарқатиш, галлага қатъий нарх қўйишлар ўрта деҳқон ва қулоқлар томонидан норозилик билан кутиб олинди ҳамда айрим жойларда исёнлар ҳам бўлиб ўтди².

¹ «Военный коммунизм» как это было. М.: Знание, №6, 1991. С. 55.

² Очерки истории Куйбышевской организации КПСС. Куйбышев. Книгоизд-во, 1983. С. 133.

Большевиклар томонидан галлага қатъий нарх белгиланиши Қозон, Симбирск, Уфа ва бошқа губернияларда ҳам норозиликларга сабаб бўлди. Масалан, 1918 йили Симбирск уезди Тереньче қишлоғидаги деҳқонлар галлага қатъий нарх жорий этиш ва эркин савдони таъқиқлашга муносабатларини билдириб, «огизларида кўпик билан қасам ичдиларки, совет ҳокимияти томонидан берилган нархда бирор фунт ҳам галла бермаймиз»¹ деб...

Россиянинг кўплаб губернияларида давом этаётган озиқ-овқат муаммоси Марказни хавотирга солмай қўймади. Агар фавқулодда чоралар кўрилмаса, совет ҳокимияти тўла назоратни ўрната олмай қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам большевикларга ички имкониятларни ишга солишга, хусусан, мусодара ва зўрлик билан тортиб олиш сиёсатини олиб боришдан ўзга чора қолмаган эди.

Россиядаги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, Бутунроссия марказий ижроия кўмитаси (БМИК) 1918 йил 9 майида озиқ-овқат халқ комиссарлигига фавқулодда ваколатлар бериш бўйича декрет қабул қилди. Ушбу декретга мувофиқ, бирор пуд ҳам галла помешчиклар қўлида қолмаслиги керак эди. Шунингдек, декретда галла заҳираларини қатъий назорат остига олиб, тарқатиш билан шугулланилсагина, Россия ушбу озиқ-овқат тақчиллигидан қутулиши мумкинлиги қайд этилади².

Аммо совет ҳокимияти томонидан қабул қилинаётган қарорлар асосида мамлакатдаги иқтисодий ночорликка барҳам бериб бўлмасди. Бунинг устига мамлакатда большевиклар томонидан янада кескинроқ чораларни қўллашга асосланган «ҳарбий коммунизм» сиёсати жорий этилди. «Ҳарбий коммунизм» — бу совет ҳокимиятининг фуқоролар уруши (1918–1920) йилларидаги иқтисодий сиёсати эди. Ушбу зўравонлик шароитида 1918 йил май ойидан қишлоқ жойларига бориб, қишлоқ буржуазиясидан галлани, озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун махсус ишчилардан иборат озиқ-овқат отрядлари ташкил қилинди. Бундан ташқари, яна БМИКнинг 1918 йил 11 июнидаги декретига мувофиқ, қишлоқ камбағаллари кўмитаси ташкил қилинди. Ушбу кўмитанинг иши озиқ-овқат халқ комиссарлиги раҳбарлигида иш олиб бориб, маҳаллий органларга озиқ-овқат маҳсулотларини мусодара қилишда ва уларни тарқатишда ёрдам беришдан иборат эди. Қишлоқ камбағаллари кўмитаси 1919 йил бошларидан ўз фаолиятини тугатди. Совет ҳукумати томонидан 1918 йил ёзида кўрил-

¹ Қаранг: Очерки истории Ульяновской организации КПСС. Саратов. Приволжское книгоизд-во Ульяновское отделение, 1977. С. 137.

² Қаранг: Хрестоматия по истории Башкортостана... С. 83.

ган қатъий тадбирлар ҳам маълум даражада озиқ-овқат тайёрлашни кучайтирди, аммо озиқ-овқат таъминотини ҳал қила олмади. Ҳатто ушбу муаммо счими учун 1918 йил 30 октябридан жорий этилган озиқ-овқат солиғидан ҳам кутилган натижа бўлмади¹.

1919 йил 11 январидан БМИҚ декретига биноан, озиқ-овқат тақсимоти (разверстка) жорий этилди. Айрим ҳолларда озиқ-овқат тақсимотини жойларда бажарувчилар ўзларига юклатилган ваколатдан ҳам четга чиқиб, суистеъмол қилишдан ҳам тоймас эдилар. Масалан, Аргаяшск кантонидан² 1920 йил 15 мартада Бошқирдистон республикаси МИҚга берилган телеграммада озиқ-овқат комиссари Лебедевнинг кантон ҳудудидаги ўзбошимчалигини чегараси қолмаганлигини қайд этади. Телеграммада Лебедев ўз ихтиёридаги 200 кишилик озиқ-овқат бўлинмаси аъзолари билан аҳолининг ҳамма истеъмолбоп озуқасини тортиб олишга ва ҳатто одамларни уришгача борганлиги тўғрисида хабар берилади. Шунингдек, 1920 йили деҳқоннинг бор-будини талон-тарож қилиниши натижасида, 1921 йили экиш учун ҳам уруғлик қолмаган аҳоли яшаш жойлари бор эди. Масалан, Бошқирдистон республикаси Белебеевск уездини Кишкимявск волостида 1921 йил учун эккани уруғ ва егани буғдой қолмаган эди. Аммо волост аҳолисидан ўша йили озиқ-овқат тақсимоти учун галла йигиб олинган эди. 1920 йили Аргаяшск кантони Буринск волости озиқ-овқат тақсимотини 100 фоизга бажарган бўлса ҳам, 92 минг кишилик волост аҳолиси очарчиликка мубтало бўлган эди³.

1920 йили Бошқирдистондаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол издан чиқиб, хўжаликларда бошбошдоқлик давом этишига сабаблардан яна бири Марказ томонидан юборилганларнинг жойларда, хусусан бошқирд халқига нисбатан олиб борган сиёсатининг ҳам натижаси деса бўлади. Масалан, 1920 йил 29 октябрда М.Д. Халиков ўзининг Марказдаги раҳбариятга аризасида: «...Бошқирдистонда сиёсий ва маъмурий ҳокимият бошқирд бўлмаганлар... ҳисобига алмаштирилди. БошМИҚ ҳайъатида бирорта бошқирд йўқ. ... оч ва яланғоч бошқирд йўқсиллари йўқ қилиняпти... Поленов, Руденков ва бошқалар томонидан 300 мингга яқин бошқирд йўқ қилинди»⁴ деб ёзади. Совет ҳокимиятининг жойлардаги бундай сиёсати Марказга бўлган ишончни пучга чиқарган эди. Бу эса Бошқирдистонда хўжаликни издан чиқишига хизмат қилган омиллардан бири ҳисобланади.

¹ Хрестоматия по истории Башкортостана... С. 86-87.

² Россиядаги маъмурий ҳудуд шундай деб помланган.

³ Заринова Р.К. Политическая обстановка в деревне Башкирии перед нэпом. // Актуальные вопросы отечественной и всеобщей истории. Казань, КГУ, 1991. С. 56.

⁴ Хрестоматия по истории Башкортостана... С. 153-154.

1921 йил апрель ойига келгандаёқ Ўрта ва Куйи Волга ва унга яқин хуудларда ёз иссиғи, яъни июнь ойида бўладиган иссиқ вужудга келди. Натижада, буғдой, экинлар сарғайиб, куриб қолиш ҳолатига келди. 1921 йил июнь ойига келганда эса Волгабўйи, Уралолди хуудлари учун очарчилик фалокати келганлиги яққол сезилиб қолди. Қурғоқчилик кўлами шимолий Каспий бўйидан бошланиб, Волгабўйи, Уралолдининг бир қисми, ҳамда Украининг айрим хуудларини қамраб олган эди.

Очарчилик хуудларидан Марказга ёрдам сўраб қилинган муурожаатлар 1921 йил февраль-март ойлариданоқ бошланган эди. Бошқирдистондаги озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси билан республика ҳарбий ишлар бўйича халқ комиссари М. Муртазин 1921 йил 19 апрелида РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарига ёрдам сўраб муурожаат қилган. Аммо ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаган. 1921 йил 22 майида Бошқирдистон МИҚ раиси Ш. Худайбердин РСФСР миллатлар иши халқ комиссарлиги, РКП(б) МҚга юборган телеграммаларида «Бошқирдистондаги очарчилик қамрови борган сари кенгроқ хуудларни эгалламоқда ва одамларни очликдан қирилиб кетиши давом этмоқда... Очарчиликка йўлиққанлар 200 мингдан ортиқ кишини ташкил қилиб, уч ойга камида 200 минг пуд галла керак...» — дейилади. Бошқирдистон озиқ-овқат ишлари бўйича халқ комиссарлиги ҳам Марказдан «ўзининг омборидаги 50 минг пуд галла ва газламани (қанчалиги кўрсатилмаган — Р.А.) оч-ялангочларга тарқатишга» рухсат сўраган. Аммо ҳар қанча ўтинч ва илтимосномалар Марказ эътиборидан четда қолган¹.

Совет ҳукумати томонидан очларга ёрдам эътиборсиз давом этаётган бир паллада, 1921 йил 22 июнда Москвада қишлоқ хўжалиги жамияти таркибида Е.Ф. Кускова бошчилигида «Очарчиликка қарши кураш бўйича жамоа қўмитаси» ташкил топди. Бу қўмита расмий мақомга эга эмас эди. Қўмитага катта обрўга эга бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативлари, профессор, ёзувчи ҳамда артистлар кирганди².

Очарчилик борган сари кенгроқ хууддаги аҳолини ўз қамровига олиши муносабати билан 1921 йил апрель-май ойларидан бошлаб Қозон, Уфа, Саратов, Самара, Оренбург ва бошқа губерниялардаги турли мажлислар ҳамда анжуманларда озиқ-овқат

¹ Центральный государственный архив общественных объединений Республики Башкортостана (ЦГАОО РБ), ф. П-22, оп. 4, д. 29, л. 15; Қаранг: Бейеш Экрэм. Башкорт халқынын тары вэм азатлык корэше (бошқирд тилида). Офо, Китап, 1993, Б. 274-275.

² Ушбу қўмита БМИҚнинг 1921 йил 27 августидеги қарори билан тарқатиб юборилди. Қаранг: Ватандаш (Уфа), журнал №3, 1997.

тақчиллиги, очарчиликка қарши кураш масалалари кўриб чиқиларди. Албатта, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик масаласи Марказ эътиборидан ҳам четда қолмаган¹.

Мамлакатдаги очарчилик қўламадан хавотирга тушган совет ҳукумати очарчиликка қарши уюшган ҳолда тадбирлар кўришга кириша бошлаган. Хусусан, Бутунроссия МИҚ райси М.И. Калинин 1921 йил июли бошларида Россия фуқороларига мурожаат қилиб, «...ғалла стишмайди, ҳайвонларни боқишга ем йўқ... БМИҚ ҳамма республикалар миллий комиссарлигига, маҳаллий кенгашларга зудлик билан очларга ёрдам тадбирини кўрсинлар» деб қайд этган эди².

Юқорида қайд этилган ҳудудларда кенг тарқалишга улгурган очарчилик туфайли 1921 йил 18 июлда М.И. Калинин бошчилигида БМИҚ қошида «Очларга ёрдам марказий комиссияси» (ОЁ МК) тузилди. БМИҚ қарори асосида ҳосилдор ҳудудларда, хусусан Туркистон МИҚ қошида ҳам ОЁ МК тузилди³. Жойларда ташкил топган ОЁ комиссиялари зиммасига очарчилик азобини тортаётганлар сонини аниқлаш, уларни уюшган ҳолда овқатланиши ёки озиқ-овқат билан таъминланишига ёрдам бериш, эвакуация ишлари билан шуғулланиш ва бошқалар кирарди. Энди бу тузилган ОЁ комиссиялари расман бўлиб, тегишли ваколатларга эга эди.

Очарчилик ичак, вабо, ошқозон, сил, безгак ва бошқа касалликларни борган сари кўпайишига олиб келди. Ўз навбатида, ўша касалларни даволаш учун дори-дармонлар, даволаш муассасалари, даволовчи мутахассис-шифокорлар мутлақо етишмас эди. Кўча-кўйларда эгасиз қолиб кетган ўликлар бир неча кунлаб йиғиштириб олинмас эди. Бундай «эгасиз» мурдалар тўғрисида Оренбург губернияси соғлиқни сақлаш бўлимининг берган маълумотига кўра, фақатгина 1921 йил 1 октябрдан 20 октябрга қадар очликдан ўлганлардан 368 таси Оренбург шаҳар кўчаларидан йиғиштириб олинган ва дафн этилган. Ушбу дафндан 2-3 кун ўтиб-ўтмасдан, яъни 1921 йил 21-23 октябрь кунлари Оренбург соғлиқни сақлаш бўлими яна шаҳар кўчаларида ўлиб қолганлардан 311 тасини йиғиб олингани ҳамда дафн этилгани тўғрисида «Очларга ёрдам губерния комиссияси»га берган ҳисоботида қайд этилган⁴. Яна шуни қайд этиш лозимки, Оренбург бошқа очарчилик ҳукм сурган шаҳарларга нисбатан ўзининг «эгасиз» ўликлари

¹ Центр документации новейшей истории Ульяновской области (ЦДНИ УО), ф. Р-1, оп.1, д. 394, л.63

² Известия (ТуркЦИК), 15 июля 1921 г.

³ Ушбу комиссия фаолияти тўғрисида кенгроқ маълумот учинчи бобда ёритилмоқда.

⁴ Государственный архив Оренбургской области (ГАОО), ф. Р-501, оп. 2, д. 196, л. л. 3,45.

кўплиги билан ажралиб туради. Чунки Оренбургда очлар миқдори нафақат губерния аҳолиси орасида ўлаётганлар ҳисобига, балки Самара, Қозон, Уфа, Симбирск ва бошқа губерниялардан келаётган очлар оқими орасидаги қурбонлар ҳисобига ҳам тўлиб борар эди. Келаётган очларни бир қисми уюшган ҳолда, эвакуация бюроси томонидан ажратилган транспортларда, хусусан поездларда келаётган бўлса, бошқалари ўз ҳолларича ҳам Туркистонга отланган эдилар.

Очарчилик балоси Оренбург аҳолисини кундан-кунга ўз сиртмогига тортарди. 1921 йили Оренбургда атиги 1 млн. пудга етмаган буғдой ҳосили олинди. Бу ҳар йилги ҳосилнинг атиги $\frac{1}{7}$ қисмига тўғри келарди. Натижада, 1922 йил февралига келганда, очарчилик Оренбург губерниясининг 570 минг кишисини қамраб олган эди. Очарчиликнинг дастлабки йилидаёқ Оренбург губернияси 80 минг деҳқонидан айрилган эди. Туркистон очарчилик йиллари ўз бағрига Оренбург губерниясидан 30 мингдан ортиқ кишини қабул қилган эди¹.

Оренбург губерниясига келтириляётган озиқ-овқат ёрдам салмоғи бўйича ҳам Туркистон республикаси етакчи ўрин тутганини қайд этиш лозим. Масалан, 1921 йил декабрь ойида Оренбургга Витебскдан 15 вагон қора жавдар уни, Брянскдан 4 минг пуд ва Семипалатинскдан 30 вагон ғалла, Москвадан 4 вагон (2310 пуд) озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилгани ҳолда, айни шу даврда Тошкентдан 54 вагон буғдой келтирилган эди².

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик давом этаётганда ҳам Марказ ўз манфаатларини эсдан чиқармасди. Чунки совет ҳокимияти олиб бораётган иқтисодий сиёсат дастлабки йилларда ўз халқини талон-тарож қилишдан у ёғига ўта олмаган. Қуйида келтирадиган мисолларимиз фикримизга далил бўла олади. Масалан, Бузлук уезди маъмурияти 1921 йил октябрида чиқарган кўрсатмасига мувофиқ, озиқ-овқат отрядлари томонидан йигиб олинган маҳсулотларини аҳоли томонидан ўғирланишидан қўриқлаш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўрилиши керак бўлган. Чунки аҳолидан йигиб олинган озиқ-овқат маҳсулотларини Москва ва Петроград аҳолисини боқиш учун жўнатилиши керак эди. Бунини қарангки, Бузлук уезди аҳолисининг ўзи оч бўлишига ва ёрдамга муҳтожлигига қарамасдан, 1921 йил уездан Петроград, Москвага 147009 пуд буғдой ва буғдой ем-хашаги, 33279 бош йирик шохли ҳайвон, 3903 пуд эритилган ёғ, 285718 пуд картошка, 238 пуд балиқ, 30 пуд асал юборган. Ҳолбуки,

¹ Любовь и Восток. М.: Московский писатель, 1994. С. 271.

² Фёдорова Г. «Всё на борьбу с голодом!» // Южный Урал (газета, Оренбург), 16 июня 1989 г.

айнан 1921 йил 1 октябригача бўлган маълумотга кўра, Бузлук уездида истиқомат қилаётган 618 минг 976 кишидан 553014 киши очарчилик азобини тортар эди. 1921 йил охирига келганда Бузлук уездида 600 мингдан ортиқ кишидан 463141 кишигина тирик қолган эди холос¹.

Татаристонда очарчилик аҳолининг кенг қатламини ўз домига тортишида 1919-1920 йилларда ўтказилган озиқ-овқат тақсимо-ти ҳам катта рол ўйнаган эди. Озиқ-овқат тақсимо-тига кўра, Та-таристон республикаси 22 млн. пуд буғдойни ҳарбийларни бо-қишга етказиб берган эди. Ўша 1921 йилги очарчилик йилида ҳам Татаристон озиқ-овқат солиғини 85 фоизга бажаришга мажбур бўлган эди². Татаристондаги очарчилик даҳшати ҳақида Г. Ахмед-шин эслаб, 1921 йили қуёш нуридан ўт-ўланлар сарғайиб кетга-нини ва ёзга келганда ем-хашак йўқлигидан от, чорва ҳайвонла-рини сақлашдан маҳрум бўлинганини ҳамда уларни сўйиб ейиш-га тўғри келганини айтади. У очарчилик бошланганига қарамасдан, Тойгельди қишлоғига қуролланган озиқ-овқат отряди келгани, хўжаликларда мавжуд донларни охиригача йиғиштириб олинга-ни ва ҳатто экишга олиб қўйилган уруғликларнинг ҳам бор-бути-ни тортиб олингани тўғрисида гувоҳлик беради³.

Озиқ-овқат отрядлари жойларда аҳолининг очлигига ҳам қара-масдан, хўжаликдаги бор озиқ-овқатларни тортиб олардилар. Ҳатто халқ орасида «озиқ-овқат бўлинмалари бўлган жойда товук ҳам ютишга дон топа олмайди» деган гап юрарди. Татаристонда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари етишмасди. Натижада одамлар ил-диз, барг ва ҳатто мушук ҳамда итларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлган.⁴ Энг даҳшатлиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудла-рида, хусусан Татаристонда одамхўрлик ҳолатлари ҳам бўлиб тур-ган. Масалан, очарчилик азоб уқубатларига чидай олмаган Мен-зелинск кантонида яшовчи Хадича исмли аёл ўзининг 10 ёшли қизини сўйиб еган. Айни шу кантондан Богаутдинов ва Фатхут-диновлар очарчиликдан ўз ҳамқишлоқларини еб қўйганлар.⁵ Ҳатто очарчиликдан одамлар томонидан бир-бирини «овлаш» ҳолатла-ри ҳам бўлган. Одамхўрлик нафақат катта ёшдагилар ўртасида ва ҳатто айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларига нисбатан

¹ Кожевникова Н. Люди ели людей. // Под знаменем Ленина (Оренбург), 20 сентября 1991 г.

² Мирсаид Сулган-Галиев. Статьи, Выступления. Документы. Казань. Таткни-гоиздат. 1992. С. 162.

³ Идиятуллин Д. «Мама не пускала нас на улицу — боялась, что съедят» // Га-сырлар авазы — Эхо веков, (татар ва рус тилларида). Казань, №5, 1995. С. 228-229.

⁴ Известия (ТатЦИК), 1 февраля 1922 г.

⁵ Ўша газета, 12 мая 1922 г.

хам амалга оширилган. Масалан, чет элдан ёрдам уюштириш бўйича Татаристон республикасидаги вакил В.А. Мустак 1922 йил 7 февралда очлик азобидан, касалликдан ўлган болалар ўз ота-оналари томонидан ейилиши кундан-кунга кўпайиб бораётганини қайд этади¹. Одамхўрлик авж олганидан кўчаларда хотиржам юришни иложи қолмади. Қишлоқларда оч-наҳор одамлар уйма-уй юриб, бир бурда нон, ейишга овқат ва ҳатто ейиш учун ит, мушук ҳам сўраб келардилар. Ш.Г. Гайнуллин ўша 1921-1922 йиллари 6-7 ёшдаги бола бўлганини эслаб, онаси уларни «кўчага қўйиб юборишдан қўрқарди, чунки бизни еб қўйишлари мумкин эди» дейди².

Очарчилик йиллари болалар ўлими, касаллиги, эвакуацияси муносабати билан Татаристонда мактаблар сони ҳам қисқариб кетганди. Масалан, 1921-1922 ўқув йилида мавжуд 1095 та 1-даражали мактабдан 744 тага тушиб қолган бўлса, айнан шу даврда 3000 та рус мактабидан 845 тасигина фаолият кўрсатарди³.

Татаристон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг 1922 йил февралдаги маълумотига кўра, республикада рўйхатга олинган очлар 2 млн. 797 минг 527 киши бўлиб, улардан 14 ёшгача бўлган болалар 996 минг 908 тани ташкил қиларди. Рўйхатга олинган аҳолининг 254 минг 150 тасинигина Татаристон республикаси ички имкониятлари орқали боқа олиш мумкин бўлган. Қолган аҳолини Туркистон, Сибирь ва бошқа худудлардан ҳамда чет эллардан келаётган ёрдам ҳисобига боқиш мумкин эди. Айтиш лозимки, Татаристон республикасининг бутун аҳолисидан, агар ташқаридан ёрдам кўрсатилмаса, келгуси ҳосилгача атиги 3 фоизи тирик қолиш мумкин эди⁴.

Бошқирдистон республикасидаги очарчилик ҳам аянчли даражада эди. Очлар касаллиги, ўлими 1921 йил кузидан янада ошиб кетди. 1920 йилги маълумотга кўра, Бошқирдистонда 1 млн. 249 минг 539 киши истиқомат қилган ва Бошқирдистон МИҚ ОЁ МК маълумотига кўра, 92 фоиз аҳоли очликка мубтало эди. 1922 йил 1 апрелига қадар Бошқирдистон аҳолисидан энг камида 100 минг киши очликдан ўлган эди⁵. 1921 йил октябрида Сизран, Уфа, Абдулино, Стерлитамак худудларидаги очарчилик аҳолини ўрганган М.Х. Султон-Галиев «Очлик ҳукмронлигида» деган мақоласида очарчиликдан одамлар шишиб кетаётганлиги, болаларни ота-

¹ Национальный архив Республики Татарстана (НА РТ), ф. Р-128, оп.1, д. 174, л. л. 1-2.

² Идиятуллин Д. Мама не пускала... С. 229.

³ Тайны национальной политики ЦК РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. М.: Инсан, 1992. С. 137.

⁴ НА РТ, ф. Р-128, оп.1, д. 174, л. л. 1-2.

⁵ Центральный государственный исторический архив Республики Башкортостана (ЦГИА РБ), ф. Р-629, оп.1, д. 472, л. 49.

оналари ухлаб ётганда ташлаб кетишгани, темир йўл вокзаллари бир бурда нон сўраб тиламчилик қилаётганлар билан тўлалиги, қишлоқ ва овулларда одам овози эшитилмай қолганлиги, турли юкумли касаликлар тарқалганлиги, йўлларда қароқчилик, ўғрилик авжига чиқаётганлигини тасвирлаш билан бирга, айтиш мумкинки ўша даврда Москва магазинларида оппоқ нонлар мавжудлиги, мева-чевалар сотилаётгани ҳамда ресторанлар ишлаётганлигини ҳам қайд этади. Боз устига ўша магазин ва ресторан деворларидаги «Очларга ёрдам беринг» чақириви москваликларни бефарқ қолдираётганлиги ҳам мақоладан ўрин олган¹.

Россия империяси таркибидан ўрин олган Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволнинг ночорлиги, аввалига ўлкага хом ашё базаси тариқасида ёндашилгани бўлса, кейинчалик ҳокимият учун кураш, большевикларни бошқарувдаги қатор хатолари ва Марказ манфаатига бўйсундирилган сиёсати сабаб бўла олади. Туркистондаги иқтисодий аҳволни ночорлашиб боришида ва демократик жараёнларни кенг қулоч ёймаслигида, ўлка аҳолисини узоқ йиллар империя таркибида мутеъ яшаганлига ҳамда миллий зиёлиларни жамиятда ягона куч бўлиб бирлашган ҳолда фаолият кўрсата олмаганлигидан ҳам деб кўрсатиш мумкин. Албатта, буларнинг ҳаммасига Россия империяси ва большевикларнинг Туркистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволни ўз манфаатларига бўйсундирилган ҳолда олиб борган сиёсати натижаси, деб қайд этиш мумкин.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият ҳам Россия подшолиги ва большевиклар томонидан лаёқатсиз бошқарув натижаси эди. Бу ҳудудлардаги аҳолининг иқтисодий имконияти ҳар хил бўлишига қарамасдан, амалдаги ёндашув Туркистондагидан тубдан фарқ қилмади. Натижада Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ҳам иқтисод тўла-тўқис Марказ манфаатларига бўйсундирилди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда татар, бошқирд, чуваш, мари ва бошқаларнинг манфаатлари оёқости қилинди. Бундай ҳолат натижасида бошбошдоқлик, ҳокимият учун кураш, демократик жараёнларга тўсқинлик ва даҳшатли очарчилик вужудга келди.

Юқорида қайд этилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятлар Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги турли йўналишларда алоқаларни йўлга қўйиш заруриятини вужудга келтирди. Аммо ўзаро муносабатларни йўлга қўйишдаги зарурият ҳам сиёсий тус олиб, маҳаллий манфаатларни ҳисобга олмаслик асосида олиб борилган.

¹ Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. Казань: «Гасыр», Приложение к журналу «Гасырлар авазы — Эхо веков», 1998. С. 340-347.

II боб. ТУРКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ВОЛГАБЎЙИ, УРАЛОЛДИ ҲУДУДЛАРИ ИШТИРОКИ

2.1. ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Тарихий таҳлил шуни кўрсатадики, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик илдизи Россия империясининг олиб борган аграр сиёсатига бориб тақалади. Албатта, Туркистондаги очарчилик ўз даври, хусусияти ва қамровига кўра Волгабўйи, Уралолдидаги очарчиликдан фарқ қилсада, аммо бу очарчилик туб моҳиятига кўра бир-бирига яқин бўлган. Айни пайтда ўша Туркистондаги очарчиликни бартараф этишда Россия билан ўзаро муносабатлар ҳам маълум бир сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик манфаатлар асосида бўлган. Чунки Туркистондаги очарчиликни бартараф этилмаса, унинг оқибатлари нафақат ўлка аҳолиси учун, балки Россия манфаатлари учун ҳам мутлоқо зид келарди. Шу сабабдан ҳам Туркистондаги очарчиликни келиб чиқиши ва уни бартараф этишдаги Россия билан ўзаро муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1916 йил охирларидан Туркистонга Россиядан келтирилаётган ғалла миқдори қисқариб кетди. Боз устига Туркистонни ўзида 1917 йили қурғоқчилик юзага келиб, лалмикор ерлардаги экинлар ҳосилга кирмади. 1917 йили Туркистонда етиштирилган ғалла ҳар йилги ҳосилнинг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил қиларди. Ем-хашак етишмагани сабабли чорва молларини оммавий тарзда сўйишга ёки ўлимига тўғри келган. 1917 йилги ҳосилсизлик туфайли ўлкада атига 52 млн. пуд ғаллани йиғиб-териб олинди, холос. Аслида ўлка аҳолисини жон сақлаши учун 111 млн. пуд ғаллага эҳтиёж сезиларди. Бундай ҳолат ўлка аҳолисини очарчиликка маҳкум этди¹.

Ўлкадаги озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига сабаб — биринчи жаҳон уруши, 1916 йилги қўзғолон, ғалла ўрнига пахтани кўпроқ экилгани ва умуман, Россия подшолигининг ўтказган аг-

¹ Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... 102-бет.

рар сиёсати натижаси деб айтиш мумкин. Ушбу фикримизга далил сифатида Каспийорти вилоятининг 1917 йил 4 февралда озиқ-овқат масаласи ва ечимида кўриладиган чора-тадбирларни махсус кўриб чиққанини олишимиз мумкин. Мажлисида Каспий-орти вилоятини Россия ва Кавказдан галла билан таъминлаш 1916 йил ноябридан буён бажарилмаётгани таъкидланади. Таъминотдаги бошбошдоқлик шу даражада бўлганки, Каспийортдан буғдой Бухорога ва ҳатто Теджен уездидан Оренбургга олиб кетилган. Ҳолбуки, аҳолининг ўзига 1917 йил январь ва февраль ойларида ҳар ойга Самарадан 17000 пуд, Оренбургдан 7000 пуд, Шимолий Кавказдан 8000 пуд қора буғдой уни келиши кутилган¹. Аммо ушбу мажлисида «Каспийорти вилояти, ҳеч қандай ортиқча буғдойга эга эмас, билъакс [Россиядан] келтириладиган галлага муҳтож ва шу сабабдан ўз галласини бошқа жойларга чиқара олмайди» дейилади².

Аммо Туркистон озиқ-овқат тайёрлаш ваколатхонаси Каспий-ортидаги тангликка қарамасдан, ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотларини четга чиқарилишига монелик қилмайди. Масалан, 1917 йил 11 мартда «Братья Нобель» нефть ишлаб чиқариш бирлашмаси Туркистон ўлка озиқ-овқат тайёрлаш ваколатхонасига мурожаат қилиб, Боқудан сафарбар қилинган В.И. Шаров, Б.И. Морозовларга Каспийорти ва Самарқанд вилоятларидан 500 бош қўй, 200 та шохли ҳайвон, 1 вагон пахта ёғи, 200 пуд қуритилган мева, 200 пуд гуруч, 4 вагон арпа, 1 вагон пичан, 500 пуд тўнғиз ёғини олиб чиқиб кетишга рухсат сўраган³. Ушбу мурожаатга Туркистон ўлкасида озиқ-овқат тайёрлаш вакили номидан генерал-лейтенант Бачинский 1917 йил 19 мартда ёзган жавобда: «Ўлкадан, чунончи Каспийорти вилоятидан озиқ-овқатларни олиб чиқиб кетиш маън этилмаган... Истисно тариқаси ем-хашак... гуруч бўлиб, булар ҳарбий кўшин ва фақатгина Туркистон аҳолиси заруратига сарфланади», — дейди⁴. Туркистондаги озиқ-овқат тақчиллигига ўлкани сиёсий курашлар ва зиддиятлар ичида қолганлигини ҳам сабаблар қаторига киритиш мумкин. Чунончи 1917 йилги февраль инқилоби ва Муваққат ҳукумат фаолияти ҳамда орадан кўп ўтмай, 1917 йил октябрь давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган большевикларнинг Туркистонни иқтисодий бошқаришдаги дастлабки хатоларга йўл қўйиши, шун-

¹ ЎзР МДА, Р-31-фонд, 1-руйхат, 8^а-иш, 457-варақ; 8-иш, 402-варақ ва орақаси.

² Ўша жойда, 8-иш, 403-варақ.

³ Ўша жойда, 433-434-варақлар.

⁴ Ўша жойда, 432-варақ.

доқ ҳам издан чиққан иқтисодийтни янада чуқурроқ таназзулга юз тутгирди.

Аҳволни бундай давом этиши жойларда истиқомат қилаётган аҳолини ташвишга солмай қўймасди. Россиядан келадиган галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига умид деярли сўнган эди. Масалан, Россиянинг Самара, Оренбург, Саратов ва бошқа губернияларида ҳам галла яхши етиштирилмаган эди. Шу муносабат билан ўлкадаги озиқ-овқат тайёрлаш вакиллари 1917 йил апрель ойидаёқ Оренбург, Самара губерниялари озиқ-овқат қўмиталарига мурожаат қилиб, галла ва ун билан таъминлашда узилишга йўл қўймасликни сўрашган¹. Туркистонни галла билан таъминлашдаги узилишлар нагижасида, 1917 йил 5 августидан вилоятлардаги озиқ-овқат қўмиталари хавогирга туша бошлаб, ўз вакилларини Сибирь ҳудуди билан алоқа ўрнатиш ҳаракатига тушганлар².

Озиқ-овқат тақчиллигини барҳам топтириш учун Сирдарё вилоят озиқ-овқат бошқармаси аҳолининг ҳамма қатламидан киши бошига бир пуд ёки ҳар бир оилага бир қопдан ошмаган гуруч харид қилишлари мумкинлигини талаб қилиб, яширилган шоли ва гуручлар 50 фоиз нарҳда мусодара қилинади ва айбдорлар 6 ойга қамалади, деб таъкидлайди.³

Туркистон озиқ-овқат қўмитаси⁴ 1917 йил 3 октябрида Тбилиси, Екатеринбург, Владикавказ, Ставрополдаги озиқ-овқат қўмиталарига мурожаат қилиб, ўлкада очарчилик аҳолининг кенг қатламини кундан-кунга ўз домига тортаётганини ва шу сабабдан белгиланган 600 минг пуд буғдой ва унни, 500 минг пуд маккажўхорини зудлик билан юборишларини сўраган. Ушбу мурожаатда Туркистондаги озиқ-овқатга бўлган талабни изоҳлаб, нон йўқлигидан «...ҳар куни бир неча одам очликдан ўлмоқда... очлар тўдаси [озиқ-овқат қўмитасини] ўраб олган... аҳволни тузатиш учун фавқулодда чоралар кўришингизни сўрайман» дейилади⁵.

Ўлкада шундай огир аҳвол бўлишига қарамасдан, Муваққат ҳукумат ерли аҳоли зиммасига юклатилган солиқни камайтириш ҳаракатидан бўлмаган. Масалан, Казалинскдаги чўл қозоқ аҳолиси ойига атига 0,5 футдан ун билан таъминлангани ҳолда, уларнинг зиммасига 100 мингта қўйни армия ҳисобига етказиб бериш юклатилган эди. Иқтисодий аҳвол эса бунга йўл қўймасди. Шу муносабат билан Казалинскдаги қозоқ кенгаши раиси Жирга-

¹ ЎЗР МДА, Р-31-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 4, 8-варақлар.

² Ўша жойда, 8^а-иш, 365-варақ.

³ Туркестанские ведомости, 1 октября 1917 г.

⁴ Озиқ-овқат бошқармаси деб ҳам юритилган.

⁵ ЎЗР МДА, Р-31 фонд, 1-руйхат, 8-иш, 2-3-варақлар.

рин 1917 йил 5 октябрида Муваққат ҳукуматнинг ўлкадаги қумитасига мурожаат қилиб, етарли ғалла билан таъминланган тақдирдагина қозоқ аҳолиси 100 минг қўй билан таъминлашга тайёр» деб эътиборни озиқ-овқат муаммосига қаратади¹. Озиқ-овқат тақчиллигини ўзига хос долзарблигини Авлиёота шаҳри бошлиги Мошечковнинг Муваққат ҳукуматнинг Туркистондаги раҳбариятига ёзган аризасидан ҳам билса бўлади. У 1917 йил 9 октябридаги аризасида Авлиёотада заҳирадаги ғалла янги шаҳар аҳолиси учун тўрт кунга ва эски шаҳар аҳолиси учун эса мутлақо қолмаганини билдириб, «...ғалла етишмаслиги оқибатида аҳоли [уртаси]да норозилик... натижада ҳеч ким шаҳар озиқ-овқат қумитаси ва шаҳар бошқармасида ишлашни хоҳламаяпти» дейди ва очликдан тартибсизлик бўлиши мумкинлини уқтиради². Лекин Туркистондаги озиқ-овқат муаммоси счимидан Россия ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун бўлса керак, Россия озиқ-овқат вазири Туркистон ўлкаси деҳқонларининг 1917 йил 20 октябрда ўз ишини бошлаган иккинчи қурултойига телеграмма юбориб, унда Оренбургдан 1 млн. пуд ғалла олишга рухсат берганини билдиради. Ўз навбатида деҳқонлар қурултойи Ветрук, Перлецкий, Шевченколари тегишли тарзда Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларининг вакили тариқасида Оренбургдаги ғаллани келтириш учун юборади.³ Аммо ҳокимият бошқарувидаги бошбошдоқлик, Туркистонга 1 млн. пуд ғалла келтириш имкониятини бермайдди. Оренбургдан Туркистон ўлкаси озиқ-овқат бошқармасига юборилган телеграммада «давлатнинг ғалла омбори темир йўлдан 100-150 верст узоқда жойлашганлиги ва шунингдек, ушбу ғалла маҳаллий қашшоқ аҳолига зарурлиги» сабабли ҳеч қандай умид қилмасликларини сўралган.⁴

Озиқ-овқат учун Россияга қилинган сафарлар бундан аввалроқ ҳам бўлиб турган. Масалан, 1917 йил 28 майида Фарғона вилоятидан С.П. Мельников ва Я.И. Колобугинларни тегишли алоқа хати орқали Оренбург ва Самарага жўнатиб, у ердан ғалла олиб келишга юборилган эди.⁵ Бундай сафарбарликлар октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин янада кўпайди. Масалан, Фарғона вилоят ишчи-деҳқон ва солдат депутатлари раиси 1917 йил ноябрида Скобелев уездидаги ҳарбийларга озиқ-овқат маҳсулотлари топиш учун Россияга махсус сафарбарликлар уюштиради.

¹ ЎЗР МДА, Р-31 фонд, 1-руйхат, 8^а -иш, 211-варақ.

² Ўша жойда, 240-варақ.

³ Ўша жойда, 8-иш, 28-варақ; Туркестанские ведомости, 24 октября 1917 г.

⁴ Туркестанские ведомости, 27 октября 1917 г.

⁵ ФВДА, 121-фонд, 1-руйхат, 7-иш, 14-15-варақлар.

Ушбу масала юзасидан у Самара ва Саратов губерниялари ишчи-деҳқон, солдат депутатлари раҳбариятига мурожаат қилиб, А.А. Коноваловни озиқ-овқат муаммоларини ечими юзасидан сафарбар қилинаётганини билдиради. Мурожаатда Фаргона вилоятида озиқ-овқат муаммоси жуда ачинарли бўлиб, мутлақо етишмаслигини ва заҳирадаги унлар ҳам тугаганлигини уқтириб, 10 вагон картошка ҳамда 200 яшик мохоркани А.А. Коновалов орқали харид қилишга ёрдам беришларини сўрайди.¹ Шундай сафарлардан бирини озиқ-овқат бошқармасидан берилган ваколат асосида Гроднев амалга оширган. У Уфа губернияси ва Сибирга ёғ ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга юборилган.² Тошкент уезди озиқ-овқат қўмитасидан 1917 йил 29 ноябрда И. Тетренко, С. Столяровлар номига берилган гувоҳномада уларни «Россия ва Кавказнинг қаеридан топиш мумкин бўлса, икки минг пуд бугдой олиб келиш»га сафарбар қилинади.³ 1917 йил 25 ноябрда Тошкент уезди Троицк посёлкасидан Топада ва Атлановлар номига берилган гувоҳномада эса уларни Самара губернияси ва Сибирга сафарбар қилинаётгани ҳамда уларга 5 минг пуд бугдойни харид қилиб, Тошкентга келтириш вазифаси юклатилганлигини билдирилади⁴. Шунингдек, Туркистон ўлкаси озиқ-овқат бошқармаси 1917 йил декабрь ойида Т. Журавлёв ва А. Шукинлардан 3 минг пуд бугдойни, К. Куприн, Г. Глушенко, И. Зитяев, П. Тучков, И.И. Гончаров, А. Белов, И.Н. Гончаров, В.С. Ридкин, Д.Д. Маташа, В.И. Моспан, В.И. Самодуров, И.П. Нехорошев, П.С. Порошин, М. Бегимбетов, Т. Таубасев, Х. Мухамедов, Р. Солихўжаев, Н.Д. Михачев, К.Я. Токарев, К.И. Стряпунин, Н. Вдовенко, В.П. Капшуновларни Самара, Оренбург, Кубань, Сибирь, Кавказ ҳудудларирига сафарбар қилиб, уларга берилган гувоҳномада энг камида 1 минг пуддан 5 минг пудгача миқдордаги бугдойни ўзлари яшаётган уезд, қишлоқ ҳудудига истеъмол ва кейинги йил ҳосилига экиш учун келтириш вазифаси юкланган эди⁵.

Шундай сафарбарлик асосида 1917 йил 20 ноябридан 1918 йил 8 январига қадар Оренбург, Самара, Актюбинск, Сизрань, Бугульмада бўлиб қайтган Орлов ўз ҳисоботида Туркистон учун галла тайёрлаш бўйича ўзи томонидан амалга оширган чораларини изоҳ-

¹ ФВДА, 121-фонд, 1-руйхат, 7-иш, 161-162-варақлар.

² Туркестанские ведомости, 17 октября 1917 г.

³ УзР МДА, Р-31 фонд, 1-руйхат, 8^а -иш, 58-варақ.

⁴ Уша жойда, 90-варақ.

⁵ Уша жойда, 76, 96, 98, 101-102, 106, 121-122, 133-134, 136-138, 140, 143, 148-варақлар.

лаб, жойларда галлани аҳоли мануфактурага алмаштириш ва қопчи савдогарларга¹ сотишдан манфаатдорлигини қайд этади². Шунингдек, 1917 йил 21 ноябридан 22 декабрига қадар Уфа, Самара, Троицк, Кустанай шаҳарларида сафарбарликда бўлган М. Гончарук Самара ва Троицкдан 30 вагон пичан, Уфадан 19 вагон жавдари ун, Кустанайдан 20 вагон сули ва 5 вагон бутдойни Туркистондаги ҳарбий округ ҳисобига ундиришга эришган³. Самара губернияси озиқ-овқат қўмитаси Туркистон ҳарбий округига ёзган жавоб хатида галла стиштиришдаги муаммолар туфайли, режадаги 4 вагон галлани етказиб бера олмаслигини билдирган⁴.

Туркистонда озиқ-овқат тақчиллиги давом этаётганига қарамасдан, Россиянинг марказий губернияларидаги кооператив ва матлубот ходимлари ўлка вилоятлари аҳолиси ҳамда ташкилотларидан 130 вагон қуритилган мевани тўплашга муваффақ бўлган. Туркистон озиқ-овқат бошқармаси йигилган қуруқ мевани «инқилоб» манфаатлари йўлида ўлкадан олиб чиқиб кетишга рухсат берган.⁵ Ўлкадаги очарчилик азобини тартаётган аҳолининг ризқини қисий ҳолатларига Россияда амалга оширилган октябрь (1917) давлат тўнтаришининг ҳам таъсири бўлган. «Инқилоб» туфайли ўлкадаги бошқарув тизими маълум даражада издан чиққан эди. Масалан, Россиянинг ҳаракатдаги армияси учун Туркистондаги ваколатли вакил Н.М. Булатов томонидан тайёрланган 29 та вагондаги қуритилган мева ўлка аҳолиси очарчилик азобларини бошидан ўтказётган бир пайтда ҳеч қасрга ва ҳеч кимга берилмаган ҳолда ётарди.⁶ 1917 йил охирига келганда Туркистондаги озиқ-овқат аҳоли янада оғирлаша борди. Шу муносабат билан Туркистон ХКК раиси Ф. Колесов 1917 йил 16 декабрда фавқулодда комиссар П.А. Кобозевга мурожаат қилиб, Туркистонга Самара ва Бузлукдан озиқ-овқат маҳсулотларини юборишда кўмак беришни сўраган⁷. 1918 йил январиди Оренбург, Самарадан Туркистонга умумий ҳисобда 50 вагон галла юборилган⁸.

Туркистондаги озиқ-овқат маҳсулотлари таназзули РСФСР ХКК нинг 1917 йил 29 декабрида ҳам кўриб чиқилди ва Самара-

¹ Озиқ-овқат тақчиллиги даврида дон сероб жойлардан галла келтириб сотиш билан шуғулланган олибсатар.

² ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 106-иш, 199-варақ.

³ Ўша жойда, 198-варақ ва орқаси.

⁴ Ўша жойда, Р-31 фонд, 1-руйхат, 106-иш, 84-варақ.

⁵ Туркестанские ведомости, 18 ноября 1917 г.

⁶ Ўша газета.

⁷ Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр-Туркестану. Т.: Ўзбекистон, 1989. С. 29-30.

⁸ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 106-иш, 305-варақ; Р-2252 фонд, 1-руйхат, 15-иш, 18-варақ.

га шу муаммолар ечими учун пул жўнатишга қарор қилинди. Ана шу пулга Самарадан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, Оренбург, Сибирь ва Туркистонга жўнатилиши керак эди. Лекин бу ҳам мавжуд муаммо ечими учун катта аҳамиятга эга эмасди. Бошқачароқ айтганда, большевиклар дастлабки фаолиятини юргизаётгандаёқ, ҳокимият тепасида туришга тажрибасизлигини кўрсатган. Масалан, ҳокимиятни бошқаришда ҳамма нарсага синфийлик нуқтаи назаридан қараш натижаси шу бўлдики, ишлаб чиқариш жойларида, завод ва фабрикалардаги соҳа мутахассислари бошқарувдан четлатилишига олиб келди. Оқибатда, халқ хўжалигининг барча тармоқлари малакали мутахассислар ва бошқарувчиларга муҳтож бўлиб қолди.

1918 йил январида Туркистон ХКК ҳузурида ўлка озиқ-овқат қўмитаси ташкил қилинди ва унга фавқулодда ҳуқуқлар берилди. Ўз навбатида, озиқ-овқат қўмитаси ҳам Марказга ўлкада очарчилик туфайли аҳоли ўртасида ўлим кўпайиб бораётганлиги тўғрисидаги аянчли телеграммалар билан кўплаб мурожаат қилди. Аммо ўша йиллардаги воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, Россиядан уюшган ҳолда ёрдам ҳамма вақт ҳам қутилган натижани бермаган. Аҳвол эса кундан-кунга оғирлашиб борган. Шунинг учун ҳам Туркистон ХКК қошидаги ўлка озиқ-овқат қўмитаси очлик азобидан қутулиш учун нафақат марказий органлар, балки вилоят, уездлардаги тегишли қўмиталарга ҳам мустақил тарзда зарур чора-тадбирлар кўравериш мумкинлиги тўғрисида ваколат берган. Масалан, Самарқанд вилоят Хўжанд уезди озиқ-овқат қўмитаси раҳбарияти 1918 йил 11 январида махсус гувоҳнома билан И. Қопқоевни Самара ва Оренбург губернияларига сафарбар қилади. Гувоҳномада кўрсатилишича, уни Самара ва Оренбург губернияларидаги шаҳар ҳамда қишлоқлардан очлик азобини тортаётган Хўжанд аҳолисига нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун юборилган. Ушбу гувоҳномада яна Россиянинг демократик ташкилотларидан И. Қопқоевга юклатилган вазифани бажаришда ёрдам кўрсатишлари сўралади¹. Айни пайтда аҳолини таъминлаш муаммоси ўлка озиқ-овқат қўмитаси орқали ҳам амалга оширилаверган. Масалан, 1918 йил 4 январида Туркистон ХКК раиси Ф. Колесов имзоси билан берилган гувоҳнома асосида ўлка озиқ-овқат халқ комиссари А. Қазақов Туркистонга галла етказиб келиш ваколати билан Кавказга юборилади. Ўлка озиқ-овқат қўмитаси ўзининг 1918 йил 12 январдаги қарорига асосан, Фарғона вилояти-

¹ Архив Центра политических исследований Коммунистической партии Таджикистана (Архив ЦПИ КП РТ), ф. 5337, оп. 1, д. 25, л. л. 4-5.

дан Осиковский ва Норбутабековни, Каспийортидан Смагин, Сирдарёдан Семёнов ва Мирзахўжаевни, Самарқанддан Стерлов ва Бородинни, Бухородан Подустни, Ўлка депутатлари кенгашидан Башков, Паластров, Кулинцев, Лукьяновларни Оренбург, Самара, Сибирь ҳамда Россиянинг бошқа ҳудудларига сафарбар қилиб, уларга очарчилик азобини тортаётган Туркистон аҳолиси учун истеъмолбоп маҳсулотларни харид қилиш ва келтириш вазифаси юклатилган эди. Ушбу делегацияга «сиёсий воқеаларга аралашидан ўзини тийиб, ҳар қандай йўл билан бўлсада, галлани очликдан ўлаётган Туркистон аҳолисига етказиш» вазифаси топширилган. Делегация ихтиёрида Туркистон ХККнинг Россиядаги ҳамма ишчи-солдат, деҳқон депутатларидан Ўлка аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаати ҳам бор эди¹.

Туркистон Ўлкаси ишчи-деҳқон депутатларининг 1918 йил 17 январдаги фавқулодда қурулғойи ҳам Оренбургга И.И. Гордиенко, Г.Ф. Бухвалов, Н. Хўжаев, Р. Шокировлардан иборат вакилларини юбориб, уларга ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган Оренбург орқали озиқ-овқат маҳсулотларини Туркистонга келтириш вазифаси юклаганди². Туркистонни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Ўлка озиқ-овқат бошқармасининг бош вакили Н.Н. Дитерихс бошчилигидаги Д.Г. Корчак, С.С. Жирнов, Н.В. Максимовлардан иборат делегациянинг 1918 йил 20 январидан Кавказга сафари ҳам катта аҳамият касб этган³.

Туркистон ХКК ва озиқ-овқат бошқармаси томонидан 1917 йил охири ва 1918 йил бошларида амалга оширилган саъй ҳаракатларга қарамасдан, очарчилик ўз домига минглаб аҳолини торта бошлади. Натижада юқумли касалликлар тарқалиб, очликдан ўлаётганлар сони кескин кўпайиб кетди⁴. Масалан, Бутунроссия болаларга ёрдам жамоатчилиги кўмитаси Туркистондаги очарчилик даҳшатлари тўғрисида берган маълумотига кўра «Андижонда ўн кундан бери аҳоли нонга муҳтож... [ерли аҳоли] ҳафталаб бир бурда нонга зор...» дейилади.⁵

Ўлкадаги аянчли аҳволдан келиб чиқиб, 1918 йил 27 февралда Туркистон ўлкаси озиқ-овқат кўмитасидан Цабанц РСФСР ХККга қилган мурожаатида «... кейинги пайтларда галла келти-

¹ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 17, 133-134-варақлар; Р-31 фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 5-варақ орқаси.

² Ўша жойда, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 152-варақ.

³ Ўша жойда, 223, 283-285-варақлар.

⁴ Ўша жойда, 108-иш, 391-варақ.

⁵ Бюллетень Всероссийского комитета общественной помощи голодающим детям. (Москва). №1, март 1918 г.

риш мутлақо тўхтади. Ўлкага туташган темир йўлчилар нон маҳсулотларини юклаш ва уни Туркистонга етказишдан бош тортяптилар... Очарчилик туфайли, юқумли касалликлар тарқалиши натижасида ҳар куни минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда... Аҳвол жуда аянчли ва чидаб бўлмайдиган тарзда... Оч аҳоли номидан сўраймизки... Туркистонга галла келтиришни таъминланг...»¹

Албатта, кўрилган чора-тадбирлар маълум даражада ўз натижасини бера бошлаган. Хусусан, 1918 йил 28 февралда ўлка ХККга берилган маълумотга кўра, Оренбургдаги губерния озиқ-овқат қўмитаси Туркистондан борган вакиллар билан биргаликда Орск уездида бугдой харид қилишга келишилган. Шартномага мувофиқ, харид қилинган галладан 800 вағони Оренбург губерниясига, 400 вағони Тошкент темир йўли ходимларига ва 1000 вағони Туркистонга ажратилиши керак эди. Мўлжалдагидан ортиқ йиғилган озиқ-овқат маҳсулотлари гўла-тўкис Туркистонга юборилиши ва Тошкентдан, ўз навбатида, бунга мануфактура юборилиши керак эди². Россиянинг марказий губернияларидан 1917 йил ноябридан 1918 йил февралга қадар Туркистонга 337 вагон ун, галла, маккажўхори дони келтирилган эди³.

Марказдан берилган ёрдам ўлда-жўлда бўлиб, уюшган ҳолатда давом этмаган. Боз устига берилган ёрдам миқдори ҳам Туркистон аҳолиси учун жуда оз ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам 1918 йил бошлариданоқ, Туркистоннинг айрим ҳудудларида «очлик исёнлари» бошланиб кетди. Охир-оқибат аҳвол янада ёмонлаша борди. Айни пайтда биринчи жаҳон уруши муносабати билан Туркистон қамоқхоналарида сақланаётган ҳарбий асирларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам муаммо бўлиб қолди. Шу муносабат билан 1918 йил 12 январда Туркистон озиқ-овқат қўмитаси ХККдан «ҳеч бир иш билан таъминланмаган ҳарбий асирларни... ўлкадан чиқариб юбориш» тўғрисида чора кўришини сўраб, қарор қабул қилди⁴. Туркистондаги очарчилик кулфатидан ҳарбий асирларни озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам Россиянинг марказий губернияларига мурожаат қилишга тўғри келган. Масалан, 1918 йил январда ўлка ХКК Швеция Қизил Хоч вакили Шульман бошчилигида Э. Штейбах, Д. Киш, З. Гаузер, М. Фридбергларни Оренбургга сафарбар қилиб, уларга Туркистондаги ҳарбий асирлар учун озиқ-овқат харид қилиб келиш вазифаси юкланган эди¹. Маълумотларга қараганда, 1919 йил февралда Туркистонда рас-

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 93-варақ.

² Ўша жойда, 99-100-варақлар.

³ Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр-Туркестану... С. 29-30.

⁴ ЎзР МДА, Р-31 фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 6-варақ.

ман рўйхатга олинган собиқ чет эл ҳарбий асирлар сони 23 минг атрофида бўлган бўлиб, улардан 5000 га яқини лагерларда сақланган. Қолганлари ҳар хил ташкилотларда ишлаган. 1920 йил январидан майга қадар чет эл ҳарбий асирларидан 4000 таси ўз ватанларига қайтарилган бўлса, яна 18000 таси (улардан 3000-3500 таси ногирон — Р.А.) қолган эди.²

Туркистон қамоқхоналарида сақланаётган ҳарбий асирлар масаласи 1918 йил 14 февралда Скобелевда бўлиб ўтган вилоят кенгашида ҳам кўриб чиқилди. Кенгаш очларга ёрдам бериш бўйича мурожаатнома қабул қилиш билан бирга, вилоятда яшаётган ҳарбий асирларга «нон ва нон маҳсулотлари етиштирадиган [Россия] губернияларига кетиб, иш топишга имкон берилсин»³ дейилади. Амалда бу Туркистонда яшаётган, лекин унинг иқтисоди ва сиёсатида, халқ хўжалигида ҳеч қандай роль ўйнамаётганларни баҳридан ўтишга қаратилган ҳаракат ҳам эди. Аммо бундай тартибда кўрилган чоралар совет ҳокимияти, хусусан Марказ манфаатларига зид эди. Чунки большевиклар ҳар қандай муаммони марказий губерниялар манфаатига зарар етказмаган ҳолда ечиш йўлини танлаганлар. Масалан, 1918 йил 25 февралда РСФСР ХКК раиси В.И. Ленин томонидан Тошкентга юборилган телеграммада очарчилик ҳукм сураётган Петроградга бирорта ҳам асирдаги қочқинлар юборилмаслигини талаб қилинади. Телеграммада яна у «огоҳлантираманки, бу ерда ҳарбий асирлар, қочқинлар нон топа олмайдилар ва очликдан ўлимга маҳкумдирлар... уларни фақат ҳосилдор губернияларга юборинг...» дейди ҳамда бугунги куннинг энг долзарб шиори бўлиб, бирорта ҳам ортиқча боқимандиларни очарчилик губернияларига юбормаслик керак, деб уқтиради.⁴

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Туркистонда аҳвол оғирлигича қолаверди. Боз устига шундай қийин ҳолат бўлишига қарамасдан, Туркистон озиқ-овқат қўмитасидан Россиянинг марказий губернияларига пахта ёғи етказиб берилган. Масалан, Бутунроссия матлубот жамияти талабига мувофиқ 1918 йил 8 апрелида Туркистондан Ярославл губерниясига 1 вагон пахта ёғи ва 1 вагон совун ажратилган ҳамда Қозондаги Крестовников заводи ишчилари делегацияси сўровига кўра, ҳар ойга 30-40 минг пуд пахта ёғи ажратиш масаласини кўриб чиқилган⁵. Кўриниб турибдики, Россиянинг марказий губернияларидаги

¹ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 398-варақ ва орқаси.

² Народное хозяйство Туркестана, 1 июля 1920 г.

³ ФВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 30-варақ.

⁴ ЎЗР МДА, Р-31 фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 15-варақ.

⁵ Ўша жойда, 11-иш, 52-53 варақлар.

иктисодий аҳвол ҳам анчагина ночор эди. Аҳвол оғирлигидан айрим ҳолларда Туркистонга юборилган ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Самара, Оренбург ва бошқа худудларда «инқилоб манфаатлари» йўлида мусодара қилинарди. Масалан, 1918 йил апрелида Самарадан 1,5 млн. пуд ғаллани Туркистонга келтириш бўйича масала ўлка озиқ-овқат қўмитасида кўриб чиқилиб, ушбу миқдордаги ғалланинг 75 вағони Бузлук инқилоб қўмитаси томонидан ушлаб қолингани қайд этилган¹.

Туркистонни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Россиянинг марказий губерниялари, хусусан Самара ҳам жуда катта аҳамият касб этган. Чунки марказий губерниялардан Туркистонга юборилган озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан, Самара орқали ўтарди. Ўз навбатида, Самара губернияси эса Туркистонга келтириляётган озиқ-овқат маҳсулотларидан ўмариб қоларди. Ҳатто шу муносабат билан Туркистон фавқулодда комиссари П. Кобозев 1918 йил 15 майида Самара губернияси ижроқўмига мурожаат қилиб, «мавжуд маълумотларга кўра, Туркистонга келтириляётган бугдой Самара томонидан мунтазам равишда ўғирланмоқда. ...бундан жиноят кўриниб турибди, чунки Самара Туркистондаги очарчилик даҳшатларидан жуда яхши хабардор» дейди ва бундай ишларга чек қўйишни талаб қилади². Ҳатто шу масала ечими юзасидан Туркистондан 27 кишилик қуроли кўриқловчиларни Кинелга юборишни мақсадга мувофиқ, деб топилаган³. Архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, Самара губернияси Туркистон ўлкаси учун транспорт боғловчиси тариқасида ҳам катта аҳамият касб этган. Масалан, Туркистон ХКК раиси Ф. Колесов 1918 йил 23 майида РСФСР ХКК раиси В.И. Ленинга қилган мурожаатида «Туркистон республикаси очликдан ўлим арафасида. Кавказдан узилганмиз ва нон маҳсулотлари узоқ вақтдан буён келиши кузатилмаяпти. ...Ғалла заҳиралари республика ва айрим жойларда уч кунга етади. Зудлик билан Самара орқали чоралар кўринг» дейилади⁴.

Туркистонда очарчиликка қарши ёрдам кўрсатиш тадбирлари кўрилганига қарамасдан, озиқ-овқат муаммоси кун тартибида долзарблигича турарди. Бунинг сабабларидан бири — ўлкада 1918 йилдан большевикларнинг сиёсатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатининг бошланиши ҳам эди. Очарчилик туфайли даҳшатли даражада ўлат, терлама касалликлари оммавий тарзда тарқалди.

¹ ЎЗР МДА, Р-31 фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 58-варақ орқаси.

² Ўша жойда, 10-иш, 68, 72-варақлар.

³ Ўша жойда, 71-варақ.

⁴ Ўша жойда, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 151-варақ.

Аҳвол назоратдан чиқа бошлаши муносабати билан Туркистон ХКК қошида 1918 йил 15 июнидан катта фавқулодда ваколатларни ўз ичига олган А.А. Казаков бошчилигидаги уч кишидан иборат озиқ-овқат директорияси ташкил қилинди. Директория ўлкадаги иқтисодий аҳволни яхшилаш учун хизмат қилиш керак эди, аммо бу «учлик» чайқовчи, аксилинқилобчиларга барҳам бериш йўлида қатор хатоликларга йўл қўйди. Хусусан, очарчилик аҳолининг тинқасини қуритиб турганида, озиқ-овқат маҳсулотлари билан асосан рус аҳолиси таъминланди. Масалан, 1917 йил 15 декабрда Туркистон озиқ-овқат бошқармасига ўлка почта-телеграф округи бошлиги ўринбосари мурожаат қилиб, Ариск озиқ-овқат қўмитасида бошқа ходимлар қатори Ж. Менглимбаева ҳам тенглик асосида ун берилмаганлигини қайд этади. Бунга сабаб қилиб, Ж. Менглимбаевни мусулмон эканлиги деб кўрсатилган. Бундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам бўлаётгани қайд этилади.¹ Тақсимотдаги адолатсизликка Тошкентнинг эски шаҳри аҳолисини «ғалла билан таъминланмаётганлиги сабабли қўллаб ўлим ҳолатлари» рўйхатга олинганидан ҳам билса бўлади². Бундан ташқари, ерли халқ вакиллари етиштирган гуручнинг таннарни 1 пудга 53 рубль бўлиб, уни харид қилганда 45 рубль туланган бўлса, европалик, яъни рус миллат вакиллари етиштирган гуручни 54 рубльдан харид қилинди³.

1918 йил 21 июнда Туркистон ХКК ўз мажлисида соғлиқни сақлаш комиссарлиги ихтиёрига очларга ёрдам бериш учун 5 млн. рубль ажратишга ҳамда очарчиликка қарши кураш бўлими ташкил қилишга ва кейинги ташкилий ишлар билан шуғулланишни соғлиқни сақлаш комиссарлиги зиммасига юклатишга қарор қилинди⁴. Аммо барибир ўлкадаги аҳвол борган сари ёмонлашиб, очлик даҳшати аҳолининг кенг қатламини ўз домига тортди. Ушбу масала ечимини марказлашган ҳолда ўрганиб, тегишли ёрдам уюштириш учун 1918 йил 20 ноябрда Туркистон республикасида «Очарчиликка қарши кураш марказий комиссияси» тузилди. Ушбу комиссия раиси этиб, Т. Рискулов тайинланди. Туркистондаги очарчилик даҳшати ва унинг қамрови ҳақида Т. Рискулов Туркистон МИҚ маъруза қилиб, «...очарчилик ва касалликдан ўлган кишилар 25 фоиздан 50 фоизгача боради. Ҳайвонларни $\frac{1}{10}$ қисмигина сақланиб қолди» дейди. Унинг маърузасида яна оч-

¹ ЎзР МДА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 8^а-иш, 113-варақ ва орқаси.

² Ўша жойда, 11-иш, 30-варақ.

³ Туркестан в начале XX века... С. 272; Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи. (1917-1924 йиллар). Т.: Университет, 2002. 76-77-бетлар.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат. 196-иш, 254-256-варақ.

ларга ёрдам учун ажратилган 5 млн. рубль мутлақо етарли эмаслиги, чунки аҳолининг 1 млн.га яқини очарчилик азобларини тортаётгани таъкидланади¹. Т. Рыскулов бундай хулосага келишдан аввал аҳолининг турмуш тарзини тубдан ўрганган эди. Агар у Туркистон МИҚдан 1918 йил 5 декабрида 25 млн. рублни очларга ёрдам учун ажратилишини сўраган бўлса, орадан ўн икки кун ўтиб, яъни 17 декабрда ёрдам учун 80 млн. рубль зарурлигини таъкидлаган ва ерли аҳолининг очликдан азоби ҳамда ўлими «шунчалик даҳшатлики, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди» дейди².

Т. Рыскулов Туркистон аҳолисини оммавий қирилиб кетишидан сақлаш учун ўлка бўйича миллатидан қатъи назар ўзига тўқ синфларни очлар учун озиқ-овқат, кийим-кечак, хом ашёлар билан мажбурий солиққа тортиш тўғрисида махсус декрет қабул қилишни таклиф қилади. Аммо бу таклиф А. Казаков томонидан қатъиян норозилик билан қарши олиниб, мажбурий солиққа тортишни жорий этиш оқибатида ортиқча душман орттириш ва аксилинқилобчиларни кучайтиришга олиб келиши мумкин дейди³. Кўриниб турибдики, очларга ёрдам масаласи ҳам инқилоб манфаатлари йўлида сиёсий савдога чиққан.

Туркистонда деҳқонни ғалла экишдан тийдириб, пахта экишга ундашни деярли аҳамияти қолмади. Ўлкадаги озиқ-овқат танқислиги аҳоли тинқасини қурита бориб, пахта ўрнига бугдой афзаллигини тақозо қиларди. Чунки очарчилик туфайли озиқ-овқат билан таъминлаш кундан-кунга қийинлашиб борарди. Шунинг учун бўлса керак, Туркистон ҳукумати 1918 йили Россия марказий ҳукуматига қилган мурожаатида «...Марказ мануфактура, мих ва бошқа саноат маҳсулотлари юбормаса, Туркистондан бир тутам ҳам пахта ва бошқа хом ашё олмайди» қабалида фикр юритган эди⁴. Аммо бундай ультиматум тарзидаги мурожаатлар ҳам аҳволни тубдан ўзгартиришга хизмат қила олмаган.

Иқтисодий аҳвол танглигига қарамасдан, 1918 йил июлидан Туркистон ўз қарамоғига Боқудан уюшган ҳолда 1000 та ярадор ва касалларни ҳамда қочқинларни қабул қилишига тўғри келди. Шу муносабат билан 1 млн. рубль ажратишга қарор қилинди⁵. Туркистоннинг ўзида очарчилик давом этаётганига қарамасдан, ўлкага

¹ Рыскулов Т. Революция и коренное населения Туркестана (сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Часть I, 1917-1918., Узбекское государственное издательство. Т.: 1925. С. 35-36, 38.

² ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 67-70-варақлар.

³ Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трех томах. Том I. Алматы: Казакстан, 1997. С. 127-128.

⁴ Наша газета (Тошкент), 15 июня 1918 г.

⁵ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 175-иш, 92-варақ; 178-иш, 91-92 варақлар; 110-иш, 94-варақ.

фронт ёқасидан кўчирилганларни оиласи билан жойлаштириш 1918 йил декабрида ҳам давом этган¹.

Туркистондаги иқтисодий аҳвол янада мушкуллашувига фуқаролар уруши муносабати билан Туркистон ва Россия ўртасидаги темир йўл алоқаларини узилиб қолиши ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Тарихдан «Оренбург тикқини»² номини олган бу ҳолат 1919 йил кузигача давом этган. Туркистонга фақатгина Красноводск орқали ёки маълум бир пайтда Оренбург орқали, яъни темир йўл узилишига барҳам берилгандагина озиқ-овқат ёки саноат маҳсулотлари келтириш мумкин эди. Бундай узук-юлуқ таъминот Туркистон эҳтиёжини мулақо қониқтирмас эди. Ўз навбатида, бу Россия манфаатларига ҳам тўғри келмасди. Шунинг учун ҳам Туркистон МИҚ раҳбарияти 1918 йил 2 декабрида Бутунроссия МИҚ ва Россия озиқ-овқат комиссарлигига, Москвадаги Туркистон ваколатхонасига телеграмма юбориб, унда «Туркистон охириги 6 ой ичида қамал ҳолатида ва натижада четдан келтириладиган саноат маҳсулотлари бутунлай тугади... Россия манфаатларидан келиб чиқиб, керакли маҳсулотларни Туркистонга юбориб, бу ердан хом ашёни олиб кетиш зарур»,³ — дейилади.

Россиянинг саноати арзон Туркистон пахтасини олишдан манфаатдор эди. Туркистон паختаси бўлмаса, Россиянинг марказий ҳудудларида ҳам совет ҳокимияти сиёсатига ишонч йўқолиши мумкин эди. Шунинг учун Туркистон МИҚ раиси Вотинцев ва Туркистон озиқ-овқат халқ комиссари А.А. Казаков 1918 йил 5 декабрида Бутунроссия МИҚига, Россия озиқ-овқат халқ комиссарлигига радиогамма юбориб, «ўлкада пахта етиштириш тугади ҳисоби... Бунга ўтган йилдан ҳозиргача давом этаётган очарчилик сабаб бўла олади. Шўро ҳокимияти берк кўчага кириб қолди... Баҳорда пахта экилиши амри-маҳол. Бирдан-бир нажот йўли шуки, «Оренбург тикқини» очилиши билан буғдой етиштирадиган губерния ва вилоятлардан дастлаб энг камида 1 млн. пуд, [1919 йил] апрел ойига эса 10 млн. пуддан кам бўлмаган буғдой Туркистонга юборилиши керак. Буғдой заҳираси бўлмаса, [Туркистонда] пахта экиш бўлмайди. Чора кўришингизни сўраймиз. Акс ҳолда, шундай халқаро аҳволда совет Россияси аҳолиси ва армияси кийим-кечаксиз қолади»⁴ деб қайд этган. Юборилган радиогамма ни синчковлик билан ўқиб чиқилса, Туркистондаги Россия маъмурлари учун аҳолини очлик азобини тортаётганлиги ва на-

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 39-иш, 52-варақ.

² «Оренбург тикқини» 1917 йил ноябридан 1918 йил январигача, 1918 йил апрелидан 1919 йил сентябригача давом этган.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 188-иш, 21-варақ.

⁴ Ўша жойда, 192-иш, 34-варақ ва орқаси.

тижада қирилиб кетаётганлигидан кўра, Россия саноат ҳудудлари-ни пахта билан таъминлаш муаммоси кўпроқ қизиқтирганлиги кўзга ташланади. Эътибор берилса, радиограммада бирор оғиз маҳаллий аҳолига ёрдам зарурлиги тўғрисида сўз юритилмайди, балки **пахта экиш учун Оренбург орқали Туркистонга бугдой юбориш кераклиги** (таъкид бизники — Р.А.) тўғрисида гап боради.

Туркистондаги бундай иқтисодий аҳвол ўлкада фаолият кўрса-таётган Марказ эмиссарларини эсанкиратиб қўйган. Чунки аҳвол шундай давом этаверса, аҳолини совет ҳокимияти афзалликларига ишонтириш, «инқилобий ғоялар» билан халқ ўртасида тар-гибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ўз самарасини бермасли-ги аниқ эди. Шунинг учун ҳам Туркистон МИҚ ва ХКК 1918 йил декабрида РСФСР ХККга ва Бутунроссия МИҚга берган навбат-даги радиограммасида яна «Туркистонга... ҳеч қандай маҳсулот келтирилмаяпти. Туркистон ва Россия манфаатлари учун зудлик билан ҳамма маҳсулотларни юбориш керак...»¹ дейилади.

Россияда империализмга барҳам берилганига қарамасдан, ок-тябрь (1917) тўнтаришидан кейин ҳам империяча мушоҳада ва манфаатлар биринчи ўринда турган. Тўғри, большевиклар ўзла-рининг манфаатларини ўраб-чирмаб, қизил шиорлар остида амал-га оширишдан манфаатдор бўлганлар. Масалан, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссари Россия озиқ-овқат халқ комиссарлигига ва РСФСР ХККга навбатдаги радиограммани 1919 йил январиди юбориб, унда «Туркистон пахта саноатини, Марказ тўқимачи-лик саноатини қутқариш» учун ўлкага керакли маҳсулотлар юбо-ришни сўраган². Марказ томонидан **Туркистон пахтасига бўлган эътибор** (таъкид бизники — Р.А.) замирида Россия тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлаш вазифаси турган. Чунки пахта экиш кейинги йилларда камайиб кетаётган эди. Масалан, 1916 йил Туркистон, Хива, Бухорода, умуман олганда 630321 десяти-на ерга пахта экилган бўлса, 1917 йилда экилган пахта майдони 425849 десятигани ташкил қилди. 1917 йили бошланган очарчи-лик туфайли деҳқонлар 1918 йилга келганда пахта экиш ўрнига ғалла экишни афзал кўрдилар. Натижада пахта экиш майдони 1918 йили 80 минг десятигани ташкил қилди. Бундай ҳолат 1919 йилда ҳам ўзгармади. Умуман олганда, Туркистонда пахта экиш майдони 1919 йилга келганда 1915-1916 йилга нисбатан 85-90 фоизга қисқариб кетди.³ «Ғалла монополияси», «Синфий нон паёғи тўғрисида», «Туркистон республикасида озиқ-овқат сиёса-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 33-34-варақлар.

² Ўша жойда, 54-варақ ва орқаси.

³ Народное хозяйство Туркестана, 15 января 1920 г.

тини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат комиссарлигига фавкуллодда ваколатлар бериш тўғрисида» деган декретлар билан 1919 йил 4 июнида Туркистонда озиқ-овқат диктатураси ўрнатилди. Ўлкада ғалла монополияси сиёсатини амалга ошириш ўзини оқламаслиги тўғрисида Туркистон МИҚнинг мажлисида ўлка темир йўллари комиссарининг қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: «Ғалла монополияси ўтказилар экан, қурол кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 млн. киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилига ўртача ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисоблаганда ҳам 75 млн. пуд ғалла керак. Амалда 35 млн. пуд ғалла йиғилди. Озиқ-овқат Директорияси ушбу дондан 15 млн. пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 млн. мусулмон аҳолиси очарчилик гирдобида қолди»¹. Лекин шунга қарамасдан, Туркистонда ғалла монополияси амалга оширилди ва бу ерли аҳолининг охириги бир бурда нонини ҳам тортиб олишдек сиёсат эди.

Туркистондаги очарчиликка ҳамдардлик кўзи билан қараш Марказдан етарли бўлмаганидек, Туркистонни ўзида ҳам бу халқ фожеасига ҳар хил ёндашишлар бўлган. Айниқса, бу борада Туркистонда истиқомат қилаётган «европалик» қорни тўқ амалдорлар ўзларини ерли аҳолининг қирилиб кетаётганига бефарқ қараш билан ажралиб турарди. Масалан, шу муаммо бўйича З.В. Тўғон «Хотиралар» китобида: «Рус партияларининг комиссия аъзолари... Яхудийлар келтирилган (Россиядан — Р.А.) озиқ-овқатни фақат рус аҳолиси орасида тарқатиш ва маҳаллий аҳолига озгина бериш ёки мутлақо бермасликка қарор қилдилар... Першин (большевик) комиссияси мажлисида... Маҳаллий аҳоли ўлимга маҳкум, Россиядан келтирилган озиқ-овқат барибир уларни қутқармайди» деб ёзади². 1919 йил мартида Самарқанд вилоятининг республика VII фавкуллодда қурултойида қатнашаётган делегатлари номидан Хайитбоев Туркистон МИҚга қилган мурожаатида вилоятдаги ноҳақ тақсимот натижасида уезд ва шаҳардаги ерли аҳоли русларга нисбатан икки ҳисса кам озиқ-овқат ва газлама билан таъминланмоқда деб, 15 мингга яқин ерли аҳоли кийим-кечакка ёлчимамай, тўйиб овқат емаганидан ўлиб кетмоқда дейди.³ Бундай адолатсиз тақсимот Фарғона вилоятида ҳам кўзга ташланади. Масалан, 1919 йил 14 июлда Фарғона вилоят мусулмон коммунистларининг биринчи қурултойи вилоят озиқ-овқат бўлими то-

¹ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи... 77-бет.

² Заки Валиди Тоған. Воспоминания (Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры). Книга I. Уфа: Китап, 1994. С. 188-189.

³ ЎзР МДА, Р-31 фонд, 1-руйхат, 91-иш, 307-варақ.

монидан галла тақсимотида ерли аҳолига кам берилаётганига ўз норозилигини билдирган. Қабул қилинган қарорда мусулмон ва рус аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотларини «тенг тақсимлаш керак» дейилади.¹ Аммо ўз пайтида Туркистон ҳукумати аъзоси И.О. Тоболин ерли аҳоли барибир ўлимга маҳқум бўлганлиги сабабли инқилоб манфаатларидан келиб чиқиб «маблағни очарчиликка қарши курашга эмас (барибир мақсадга эришиб бўлмайди), балки... фронтни қўллаб-қувватлашга» сарфлашни мақсадга мувофиқ деб айтган. Шунинг учун ҳам Туркистоннинг Москвадаги вакили Шокиров миллатлар иши бўйича халқ комиссари ўринбосари В. Петровскийга «Туркистон ҳукуматининг ерли халқларга жинояткорона муносабати натижасида аҳолининг 60 фоизи ўлимга маҳқум бўлди» деганда тўла ҳақ эди².

«Оренбург тиқини»га барҳам берилиши натижасида Туркистонда пахта, қорақўл териси, мева, гуруч каби маҳсулотларни Россиянинг марказий губернияларига олиб кетиш имконияти кенгайди. Ҳатто 1919 йил 17 ноябрида Туркистондан Москва ва Петроградга 400 пуд қора чойни етказиш тўғрисида кўрсатма берилган³. Кўрииб турибдики, Туркистонда оғир аҳвол давом этаётганига қарамасдан, Россияни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш давом этаверган. 1920 йил январидан берилган маълумотга кўра, «Каспийорти вилояти шаҳар ва овулларидаги аҳоли озиқ-овқат шароити бўйича фалокатли ҳолатда. Одамлар яшаш учун озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож. Нон, ўтин, пойабзал ва кийим-кечаклар йўқ. Зудлик билан жиддий ёрдам керак» дейилади⁴.

Россия билан Туркистон ўртасидаги товар алмаштириш ҳам Марказ манфаатларига хизмат қилди. Очарчилик ҳукм сурган пайтда Туркистонга келтирилган буғдой ҳажми, ташиб кетилганидан икки баравар кам эди. Масалан, 1920 йилда Туркистондан Марказга озиқ-овқат турлари 3, чорвачилик маҳсулотлари 5, тўқимачилик хом ашёси-10 баравар кўп ташиб кетилди⁵. Шарқ масаласи деганда, большевиклар учун биринчи навбатда иқтисодий манфаатлар, яъни Туркистон пахтаси, қорақўл териси, мева ва сабзавотларни кўзда тутилган⁶.

¹ ЎзР ПДА қошидаги Фаргона вилоят бўлими(ФВБ), 1-фонд, 1^А-рўйхат, 85-иш, 7-варақ.

² Туркестан в начале XX века... 274-бет.

³ ЎзР МДА, Р-18 фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 57-варақ.

⁴ Российский государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ), ф. 122, оп.1, д. 103, л. л. 83-85.

⁵ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: таърих шохидлиги ва сабоқлари (1965-1990 йиллар). Т.: Шарқ, 2000, 224-бет.

⁶ Красная Армия (Казань), 3 мая 1920 г.

Туркистон ХКК ўзининг 1919 йил 19 июлида «Очарчиликка қарши комиссия»сининг фаолиятини тўхтатиш масаласини кўриб чиқиб, ушбу комиссия фаолияти билан боглиқ ишлар бўйича вазифаларни халқ хўжалиги марказий иттифоқи (ЦСНХ) зиммасида қолдирди¹. Лекин Туркистонда озиқ-овқат танглиги ҳали давом этарди.

1919 йил 4 июнда Туркистон МИҚ томонидан ғалла монополияси тўғрисида декрет чиқарилиши натижасида ўлкадаги барча ғалла маҳсулотларининг «ортиқчаси» озиқ-овқат директориясига топширилиши шарт эди. Бундан ташқари, Туркистон МИҚ 1920 йил 19 февралда қишлоқ аҳолисидан ортиқча ғаллани йиғиш учун махсус «ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряд»лари тузиш тўғрисида кўрсатма берган. Бундай отрядлар ўз фаолиятлари давомида шундоқ ҳам ночор яшаётган Туркистондаги қишлоқ аҳолисини амалда талаш билан шуғулланишган². «Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряд»ларига берилган кўрсатмада улар ўз фаолиятлари давомида совет ҳокимиятининг синфий вазифаларидан келиб чиқиб, ортиқча донни, асосан, бой деҳқон-қулоқлардан тортиб олиши, йиғилган ғаллани озиқ-овқат комиссарлиги белгилаган нархда қабул қилиши, яшириб қўйилган ортиқча ғаллани мусодара қилиши, зарурат туғилганда, қулоқлар билан куч ишлатиш орқали курашишлари мумкин эди³.

Совет ҳокимияти амалда ўзи олиб бораётган «тақсимот» сиёсати таяниб, Туркистон ўлкасини талон-тарож қилишнинг «империалистик» йўлидан «социалистик» йўлига ўтиб олган эди. Бундай «тақсимот сиёсати» натижасида, шундоқ ҳам ўзи юпун ҳамда ночор ҳаёт кечираётган, ҳар хил инқилобий тажрибаларга дучор бўлаётган Туркистон халқи янада иқтисодий қарамлик ботқоғига ботиб борар эди. Ана шундай «**талаш ҳамда тақсимот сиёсати**» (таъкид бизники — Р.А.), яъни ғалла монополияси, товар алмаштириш ва озиқ-овқат развёреткаси (тақсимоти) сиёсати натижасида Туркистон ўлкаси аҳолисидан 1918-1919 йилларда 4 млн. 500 минг пуд, 1919-1920 йилларда 5 млн. 250 минг пуд, 1920-1921 йилларда 9.700 минг пуд, 1921-1922 йилларда 4 млн. пуд ғалла амалда тортиб олинди⁴. Айни пайтда 1920 йили Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги армияни таъминлаш учун 2 млн. 359 минг 875 пуд буғдой, 589969 пуд ёрма, 884953 пуд гўшт, 6 млн. 282 минг 500 пуд дағал ем-хашак ажратди. Шунинг-

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 197-иш, 43-варақ.

² Ўша жойда, Р-17 фонд, 1-руйхат, 923-иш, 6-7-варақлар

³ Ўша жойда, 14-варақ.

⁴ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи... 82-бет.

дек, яна ўша 1920 йили махсус равишда Фарбий фронт учун қуритилган балиқ, ўсимлик ёғи, гуруч, қуруқ мевалар ортилган иккита маршрут поезди жўнатилди¹.

Туркистондаги очлар сони бўйича аниқ маълумотлар сақланган эмас. Бор маълумотларни ҳам тўла ва асосланган дейиш қийин, ammo шунга қарамасдан бир-бирига яқин фактларга тўхталадиган бўлсак, Туркистонда очарчиликка қарши кураш марказий комиссияси қарамоғида 1919 йил бошида 800 минг, апрель ойида эса қарийб 1 млн. оч қолган кишилар бор эди. Умуман 1917 йилдан 1920 йилга қадар Туркистон аҳолиси 1 млн.дан ортиқ кишига камайиб кетди. Айрим маълумотларда очликдан ўлганлар сонини 1 млн. 200 минг киши, деб кўрсатилади. Бошқачароқ айтганда, очарчилик натижасида Туркистоннинг бешдан бир қисми ва бу рақамга қўшимча қилиб, ўлканинг кўчманчи аҳолисидадан учдан бири очарчилик туфайли қисқарган эди².

Туркистондаги озиқ-овқат муаммосини бартараф этишда Россиянинг марказий губернияларидан берилган ёрдам кўлами катта аҳамиятга эга. Ammo ўлкадаги очарчиликни келиб чиқишига ҳам аввал Россия подшолиги ва кейин большевиклар олиб борган сиёсат асос солган эди. Бу борада совет ҳокимияти олиб борган сиёсат таҳлили шуни кўрсатадики, большевиклар шундай оғир иқтисодий таназул ҳолатларида ҳам Марказ манфаатларини биринчи ўринга қўйганлар. Туркистонга Россиянинг марказий губерниялари, хусусан Волгабўйи ҳудудларидан кўрсатилган ёрдам ҳам иқтисодий манфаатдорлик асосига қурилган эди. Лекин шунга қарамасдан, озиқ-овқат танглигини бартараф этишдаги ўзаро муносабатлар катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари... 236-237-бетлар.

² Туркестан в начале XX века... 274-6.; Семиюта В. Очарчилик ёхуд Туркистон фожесаларидан бир лавҳа. // Фан ва турмуш, 1991, 11-сон; Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Автореф. дис. на соиск. учен. степ. доктора ист. наук. Т.: 1995. С. 21.

2.2. БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА КАДРЛАР САФАРБАРЛИГИ

Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун большевиклар олдида ўз гоёларига содиқ кадрларни сафарбар қилишдек ўзига хос мураккаб вазифалар турарди. Шўро андозасига тушадиган партия кадрларини Туркистонга юборишда Волгабўйи, Урал-олди ҳудудлари фаоллик кўрсатганлар. Туркистонни «қўлдан чиқармаслик» ҳаракатида Марказ ўлкада большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлашга кўплаб партия, совет ходимларини сафарбар қилди. Чунки ўлкани «содиқ кадрлар» билан таъминлаш Россиянинг узоқни муъжаллаган сиёсатига мос келарди.

Туркистонда миллий давлатчилик қурилиши билан боғлиқ муаммолар ечимида Волгабўйи, Урал-олди ҳудудлари, хусусан Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги¹ фаол қатнашган. Ҳатто ушбу комиссарлик таркибида «инқилоб ишларини ташкил қилиш учун ...Туркистон бўлимини жорий қилиш»га қарор қилинган². Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги РСФСР ХККдан Туркистонга фавқулодда делегацияни «Туркистонда мусулмон пролетариатини ва камбағаллар кенгашини уюштириш, аксил инқилобчи кучларга қарши курашга раҳбарлик қилиш, ҳарбий кучни ташкил қилиш ва ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш» учун юборишни сўраган³.

Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда «жонкуярлик» кўрсатганлар қаторида Татар-Бошқирд марказий комиссарлигининг ходимларидан Ариф Клевлеев ва Ю.И. Иброҳимовлар ҳам бўлиб, улар ҳам Марказ хоҳишига кўра совет мухториятини тайёрлашда иштирок этганлар⁴. Айнан уларни Туркистонга ке-

¹ 1918 йил 17 январда дастлаб Ички Россия мусулмонлар иши бўйича комиссарлик деб ташкил топган бўлса, кейинчалик марказий мусулмон ҳамда Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги деб алмаштирилган.

² Ушбу бўлим зиммасига Марказ билан Туркистон ўлкаси ўртасидаги алоқаларга ёрдам бериш, Туркистон ва Хива, Бухородаги мусулмон аҳоли орасида сиёсий тарғибот-ташвиқот олиб бориш юклатилган эди. Қаранг: Государственный архив Российской Федерации (ГАРФ), ф. 1318, оп. 1, д. 48, л. л. 11, 15.

³ Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. Казань: КГУ, 1972. С. 130.

⁴ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 41, л. л. 234-243; Центральный государственный архив историко-политической документации Республики Татарстан (ЦГА ИПДРТ), ф. 30, оп. 3, д. 382^а; ф. 868, оп. 1, д. 218, л. 313.

лишига 1918 йил мартида «Татар-Бошқирд мухторияти» низоми лойиҳасини эълон қилиниши ва И.О.Тоболдинни РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигидан 1918 йил 25 мартда «махсус тарзда ... ички Россия мусулмонлари ишлари юзасидан битта комиссарни юбориш, уни тўлиқ йўл-йўриқлар билан таъминлаш» бўйича қилган илтимосли телеграммаси ҳам туртки бўлган¹.

Кейинчалик, Ю.И. Иброҳимов ўзининг Туркистонга юборилгани тўғрисида эслаб, унинг зиммасида «доимий тарзда РКП(б) МҚ ва совет ҳукуматида Туркистондаги аҳвол тўғрисида маълумот бериб туриш ва Туркистон совет республикасини тузилишида ҳамкорлик қилиш» бўлган, дейди². Қўрииб турибдики, Марказ татар ва бошқирдлардан совет тасарруфидаги мухториятни ташкил қилишда фойдаланган. Умуман, Ички Россия мусулмонлари юзасидан комиссарлик яъни Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги ўзининг Қозон, Симбирск, Самара, Пенза, Тамбов, Оренбург, Уфа каби 70 га яқин маҳаллий бўлимлари орқали юритган сиёсатида, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга фаол жалб қилинган. Татар ва бошқирдлар ўзларини Россиядаги мусулмонларнинг «инқилоб яловбардорлари» деб ҳисоблаб, Шарқда мустабид тузум галабасини мустаҳкамлашга бағишлаганлар. Масалан, Татар-Бошқирд марказий комиссарлигининг Самара бўлими 1920 йили Тарпищев, Халимов, З. Маликов, Г. Сайфудиновларни Туркистонга совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида сафарбар қилган³.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ва Туркистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий алоқаларда Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти марказий бюроси (ШХКТ МБ) ҳам муҳим аҳамият касб этган. ШХКТ МБ ўз фаолиятида Туркистон ва Бошқирдистон, Татаристон, Қозоғистон, Кавказорти, Бухоро, Хива ва бошқа ҳудудлар ўртасидаги ўзаро алоқаларга таянган. Ушбу ШХКТ МБ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги татар, бошқирдларни Туркистон, Бухоро, Хоразм ҳудудларидаги партия ва совет органларида, маданий-маърифий йўналишларда иш юритишга сафарбар қилиш билан шуғулланган. Масалан, 1919 йил ШХКТ МБ С. Муқимов, М. Мансуров, Х. Мухитдинов ва бошқаларни Туркистон ва Бухорода «инқилоб ғояларини» маҳаллий аҳоли орасида тарғибот қилишга юборган⁴.

¹ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. Т.: ФАН, 1972. С. 199.

² Ибрагимов Ю. Боевые действия Татарской бригады. // Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. Т.: Госиздат, УзССР, 1957. С. 237.

³ Самарский областной государственный архив социально-политической истории (СОГАСПИ), ф. 3500, оп. 1, л. 305, л. 3 об.

⁴ Қаранг: РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 40, л. 228; д. 45, л. 87; д. 185, л. л. 3, 13, 15, 69, 152.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги татар, бошқирларни Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида Марказ манфаатлари йўлида сидқидилдан «хизмат қилиш»ларида «жонбозлик» қилганлардан бири ШХКТ МБ раҳбари, уфалик Мирсаид Султан-Галиев эди¹.

Туркистонни «керакли» кадрлар билан таъминлашдаги Марказ томонидан фаоллик «Оренбург тикини»га барҳам берилгандан кейин янада муҳим аҳамият касб этди. 1919 йил 8 октябрда Бутун-россия МИҚ қошидаги Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия)ни ташкил топиши ҳам «кадрлар муаммо»си ечимида катта роль ўйнаган. Турккомиссиянинг Ш.З. Элиава² бошчилигидаги аъзолари Туркистонга келишдан аввал ҳамма ташкилий масалаларни Самара губерниясида туриб ҳал қилдилар. Хусусан Симбирск, Самара, Қозон, Уфа ва бошқа губерниялардан Турккомиссия таркибига «керакли кадрлар» сафарбар қилинди. Сафарбар қилинганлар орасида Василевский, Стежкина, Ковалевский, Александров, Асилевский, Маркграф ва бошқалар бор эди³. Турккомиссия ўз фаолиятини доимо Марказ билан мувофиқлаштириш учун ҳамда ўзаро алоқага қулайлик тугдириш мақсадида Самарада С. Попова-Фрунзе бошчилигида бўлим ташкил қилган. Турккомиссиянинг Самара бўлими ўз навбатида Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги «кадрлар таъминоти»да муҳим роль ўйнаган⁴.

Туркистонда совет мухториятини мустаҳкамлашда Марказнинг эмиссарлари РКП(б) МҚдан газета орқали ҳам ўлкада ишлашга таклиф қилишни сўрашган⁵. Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш масаласи Қозон, Уфа, Самара, Симбирск ва бошқа губернияларнинг 1919 йил ноябрь-декабрь ойларидаги партия

¹ Кенроқ маълумот учун қаранг: Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды (татар ва рус тилларида). Казань: Гасыр, 1998; Султанбеков Б., Шарафутдинов Д. Жизнь и судьба. // Гасырлар авазы — Эхо веков. №1/2, 2002. Б. 178-189; М.Х. Султан-Галиев кейинчалик ўзи жон куйдирган мустабил совет тузумнинг қурбони бўлди ва 1939 йилда қатагон қилинди. Қаранг: Тайны национальной политики РКП. Стенографический отчет секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. Москва: Инсан, 1992.

² Айрим хорижий адабиётларда Турккомиссияга М.В. Фрунзе, В.В. Куйбишевлар раҳбарлик қилган ҳамда ушбу комиссия Туркистонга 1920 йил бошларида келган деб тарихий ноаниқликка йўл қўйдилар. Қаранг: Roy O. The New Central Asia. New York University press, 2000. P. 59. Ҳолбуки, Турккомиссияга Ш.З. Элиава раҳбарлик қилиб, М.В. Фрунзе, В.В. Куйбишевлар аъзо бўлганлар ҳамда ушбу Комиссия Тошкентга 1919 йил 4 ноябрда келган. РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 72, л. 88.

³ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 7, л. л. 19-20; д. 115, л. л. 4-5; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 33, л. л. 298, 339; д.37, л. л. 51, 67-68; д. 69, л. 161.

⁴ Назаров С.А. Руководство ЦК РКП(б) партийным строительством в Средней Азии. Т: Ўзбекистон, 1972. С. 79.

⁵ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 72, л. 5.

анжуманларида алоҳида кўриб чиқилган. Ушбу анжуманларда татар ва бошқирлар «Шарқдаги тарихий бурчларини адо этиш учун тегишли кадрлар юбориш»га розилиklarини билдирганлар. Бу тўғрида архив манбалари шохидлик беради¹. Масалан, 1919 йили Самара губернияси мусулмонлари ўтказган партия анжуманида махсус «Шарқдаги фаолият» масаласи кўриб чиқилган. Ушбу анжуманда шарқ халқлари турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихини ўрганиш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўриш зарурияти ҳамда Туркистонга ҳарбий-сиёсий мақсадларда татар-бошқирларни юбориш кераклиги уқтирилади.² Тула бўлмаган маълумотларга кўра, фақатгина 1919 йил биринчи ярмида Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга 160 та партия ва совет ходими юборилган эди³. Сафарбар қилинганлар орасида Қозондан А. Мухутдинов, Б. Хўжаев, У. Ёқубовлар ҳам бор эди⁴.

Волгабўйи, Уралолди худудларидан Туркистонга юбориладиган «кадрлар таъминоти»да асосий эътиборни татарларга қаратилган. Чунки татарларнинг тили, дини, маданияти Туркистондаги ерли халқлар билан муштарак эди. Боз устига, Шарқда «инқилоб ғалабаси»га жон куйдирганлар орасида татарлар алоҳида «ғайрати» билан ажралиб турарди. Улар турли даражадаги анжуман ва қурултойларда совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлашларини билдириш билан бирга, шарқда истиқомат қилаётган туркий халқларни, мусулмон аҳолисини ҳам «инқилоб»лаштириш тарафдори эканликларини изҳор этардилар. Масалан, 1920 йил 1 мартида Симбирск (Ульяновск) губернияси Қорасун уездида татарларнинг қурултойи мусулмон аҳолисини «инқилоб» манфаатлари йўлидаги хизматига тўхталиб, «... биз бор куч-ғайратимизни бошқа мусулмон миллатларини озод қилишга ҳаракат қилаётган ишчи-деҳқон ҳокимиятига ёрдамга қаратамиз», деб сўз берганлари қарордан ўрин олган.⁵ Татарлар томонидан кўрсатилаётган «фаоллик»дан Марказ унумли фойдаланишга ҳаракат қилган ва ҳатто 1920 йил август ойи бошларида Волгабўйи, Уралолди губернияларида истиқомат қиладиган 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган татар коммунистларининг умумий сонидан 5 фоизини Туркистонда ишлаш учун сафарбар қилишга қарор қилинган⁶. Сафар-

¹ Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 88^А, л. л. 122, 127, 132-133; ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 116, л. л. 2 об, 3, 4 об.

² ЦДНИ СО, ф. 1, оп. 1, д. 68, л. 104.

³ Кельдиев И. В. И. Ленин и подготовка партийных и советских кадров в Средней Азии (1917-1924 гг.). Душанбе: Ирфон, 1980. С. 99-100.

⁴ РГАСПИ, ф. 17, оп. 7, д. 98, л. 117; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 366, л. 247.

⁵ ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 229, л. л. 9-9 об, 10.

⁶ Архив Ашпарата Президента Республики Туркменистана (ААП Рес.Туркм.), ф. 4, оп. 1, д. 29, л. л. 29, 66, 66 об; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 290, л. 147; ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 137, л. 104.

барликка юборилган татарларни тегишли йул-йуриқ олишлари учун Москва орқали Туркистонга юборилган. Ана шундай сафарбарлик туфайли, Туркистонга Волгабўйи, Уралолди губернияларидан юборилганлар қаторида Гимадетдинов, А. Яфаров, В. Мухадисов, Х. Пельфанов, З. Бикбоев, Р. Ахунзинов, К. Зиатдинов, С. Соловатов, М. Султанов, Ф.Х. Зайтова, К. Рахманкулов, Ф.А. Исимбетов, З.А. Сагиров, М.Х. Шамсутдинов, Ашраф, Мустафин, Зарипов, Назиров, М.Х. Гузаиров, Г. Баширов, Х. Тагиров, А.В. Киреев, Ахметшин, М. Ахметзянов, Х. Гелофатов, А. Давлетбаев ва бошқалар бор эди¹. Фақатгина 1920 йил август ойида Қозон губкомидан Туркистонда ишлаш учун юзга яқин кишини сафарбар қилинган². 1920 йил 20 сентябридан 1 ноябрига қадар Россиянинг марказий губернияларидан 201 киши сафарбар қилиниб, улар Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидаги партия ва совет органларига юборилган³.

Татарларни Туркистонга сафарбар қилиш билан бирга РКП(б) МҚ маълум бир эҳтиёт чораларини кўриб, ҳамма партия ташкилотлари ва сиёсий бўлимларига «Шарқ халқлари ичида ишлаш» бўйича юборган сиёсий кўрсатма хатида «татар миллатчилиги... буржуазия» ҳукмронлигига олиб келиши мумкин дейилади. Шунингдек, ушбу хатда «мусулмонлар оммасини ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳаракатига ҳайрихоҳлик совет тизими доирасида бўлиши кераклиги»ни қайд этиш билан бирга, «алоҳида мусулмон совет республикалари Россия Федерацияси билан узвий ҳарбий-иқтисодий бирлашмаган ҳолда яшай олмасликлари» ҳам қайд этилган.⁴

Таҳлил шуни кўрсатадики, октябрь тўнтаришидан кейин 1920 йил иккинчи ярмига қадар Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан амалга оширилган «кадрлар таъминоти», асосан, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, 1920 йил охирилари ва 1921 йилдан амалга оширилган сафарбарликлар замирида нафақат «шарқни уйғотиш», маҳаллий халқни «озодликка чиқариш» ғоялари, балки очарчиликдан паноҳ топиш ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта, айрим Туркистонга сафарбарликлар ҳамон «қизил шиорлар» остида амалга оширилган. Аммо аслида, кўпгина сафарбарликлардан мақсад, очликдан қочиб, Туркистонда паноҳ топиш бўлган.

¹ РГАСПИ, ф.122, оп. 1, д. 286, л. л. 6, 39, 40, 43-44, 48, 50, 66, 69, 99, 107; ф. 583, оп. 1, д. 26, л. 138; д. 190, л. л. 6, 22, 28; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 459, л. 15.

² ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 192, л. 302.

³ ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-руйхат, 358-иш, 11-варақ; 60-фонд, 1-руйхат, 3283-иш, 20-варақ.

⁴ ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^а-руйхат, 32-иш, 217-варақ ва орқаси.

Шундай қилиб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида бошланган очарчилик натижасида жойларда кадрлар қўнимсизлиги кучайиб кетди. Эндиликда ҳар қандай баҳонаю сабаблар билан ўзлари яшаб, ишлаб турган жойларини тарк этаётганлар Россиянинг очарчилик ҳудудларида кундан-кунга кўпайиб борди. Бундай «паноҳманд»лар очарчилик ҳудудларидан Туркистонга нафақат якка-дуikka, балки гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳам кела бошладилар. Чунки, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги раҳбарият учун озиқ-овқат талаб инсонлар қанчалик камайса, шунчалик яхши эди. Шунинг учун ҳам Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги маҳаллий ҳокимият уларни ҳосилдор ҳудудларга, хусусан Туркистонга кўчиб кетишидан норози бўлмай, амалда қўллаб-қувватларди. Масалан, 1921 йил июль ойида Самара губерниясидан малакали ишчи ва ходимлар деб, 90 кишини ташкил қилган 28 та оила Тошкентга келтирилган бўлса¹, орадан кўп ўтмай, яна Самарадан Туркистонга 6000 та ишчилар сафарбар қилинди².

Туркистонга сафарбарликнинг ўзига хос нозик томонлари ҳам бўлган. Ўз пайтида Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга сафарбар қилинганлар у ёки бу лавозимларда ишлаш давомида озиқ-овқат тақчиллиги бошланиши арафасида ёки очарчилик йиллари ўз ҳамкасбларини, таниш-билишларини, қариндош-уруғларини Туркистонда ишлашга, яшашга турли баҳона ва сабаблар билан чақириб олганлар. Бундай аҳвол, айниқса, 1920 йил иккинчи ярмидан янада кўпайган. Ҳар ҳолда бунга Россиянинг марказий губернияларидаги иқтисодий аҳволни ёмонлашиб бориши сабаб эди. Масалан, Туркистон МИҚда котиб бўлиб ишлаётган Юмакаев ўз ҳамюрти, уфалик Мустакимов номига 1920 йил 23 октябрида юборган телеграммасида «ТуркМИҚ ихтиёрига келинг. Маълумотли ходимлар етишмайди. Яшаш учун шароит яратиб берилди»³, дейди.

Сафарбарликка Марказ билан келишмаган ҳолда волост, уезд, вилоят, губерния партия ва ижроия қўмиталари ҳам жўнатаверарди. Аммо бу аслида РКП(б) МҚ кўрсатмасига хилоф эди. Бундай ҳолат давом этаверса, бошбошдоқлик юзага келишидан хавфсираган РКП(б) МҚ 1920 йил 3 ноябрида Қозон, Уфа, Самара, Симбирск, Оренбург губернияларига юборган телеграммасида «ҳар қандай четга сафарбарликлар РКП(б) МҚ орқали ўтиш керак»⁴ деб кўрсатма беради. Аммо очарчилик қамрови ҳар қандай партия интизомини четга суриб, яшаш учун курашни кун тарти-

¹ Коммуна (Самара), 19 июля 1921 г.

² Ўша газета, 6 августа 1921 г.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 214-иш, 322-323-варақлар.

⁴ ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 313. л. 102.

бига қўйган эди. Натижада, ҳар қандай таъқиқларга қарамасдан, очарчилик ҳудудларидан Туркистонга сафарбарликлар турли йўналишларда давом этаверди. Чунки аниқ талабни кун тартибига қўяётган совет ҳокимияти амалда одамларни озиқ-овқат билан таъминлашда ожизлик қиларди. Шунинг учун ҳам Россиянинг марказий губернияларидан сафарбарликлар турли «ихтиролар» остида давом этарди.

Масъул лавозимдаги кадрларни Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга келиши 1921 йилга қадар асосан ўлкада бошқарув тизимини мустаҳкамлашга, «коммунистик ғояларни синдириш»га қаратилган бўлса, 1921-1923 йиллардаги сафарбарликларнинг аксарияти очарчилик азобларидан қочиб, ўлкамиздан паноҳ топишга йўналтирилган эди.

Туркистондаги партия ва совет бошқармаларида, масъул лавозимларда ишлаб, Марказ хоҳиш-иродасини «социалистик» ҳаётга татбиқ этишда ҳозир нозир бўлган кадрларнинг фаолияти ҳамма вақт ҳам ўлка халқлари манфаатлари билан мос келмаган. Албатта, Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга сафарбар қилинганлар РКП(б) МҚ ва БМИК, ХККнинг кўрсатмаларини қулоқ қоқмай бажаришни афзал кўрганлар. Бундай кадрлар, айниқса, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни Туркистондан туриб бартараф этилишига ўз ҳиссаларини қўшиб турдилар. Чунки очарчиликка қадар маълум бир давр Туркистонда яшаб, фаолият кўрсатишга ҳамда ўлка иқтисодини, ерли аҳоли психологиясини ўрганишга улгурган кадрлар ўзларини сафарбар қилган Россиядаги губерния, уезд партия ва совет органлари билан алоқаларини узмаганлар. 1921-1923 йилларда ўзаро алоқалар иқтисодий манфаатлар йўлида янада мустаҳкамланган. Масалан, ўз пайтида Самара губерниясидан сафарбар қилинган ва Каттақўрғон уезд ижрокўмида бўлим мудири лавозимида ишлаётган А. Меркурьев 1922 йил 8 февралда Самара губернияси 4-район РПК(б)сига мурожаат қилиб, очарчилик азобини тортаётган Волгабўйи халқларига янада унумлироқ ва тезроқ ёрдам уюштириш учун Туркистонда тажрибали кадрлар етишмаётганлигини таъкидлайди. Мурожаатда яна «Туркистон томонидан Волгабўйи очларига ғалла етказиб бериш вазифаси ўз вақтида бажарилмаяпти... Ўз-ўзидан бу жойларда нон маҳсулотлари се-роблигига қарамасдан, уларни **соғиб олиш** (таъкид бизники — Р.А.)дек Марказ топшириғи жуда ёмон бажариляпти»¹ дейилади. Кўриниб турибдики, ҳар қандай йўл билан бўлсада, нон маҳсу-

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 743, л. 178

лотларини жойлардан йигиштириб, Волгабўйи очларига етказиш жанговар топшириғи бажарилиши керак эди. Бундай жанговар топшириқни бажариш учун эса А. Меркурьев Самара губернияси 4-райкомидан «гажрибали кадрлар»дан «ҳеч бўлмаса ўнтасини Самарқанд вилоят Каттақўрғон уезди ижроқўмига сафарбар қилиш»ни сўраган. А. Меркурьев ўз мурожаатида сафарбар қилинадиганлар қаторида Самара йўл қурилишидан «П. Плакитин, С. Коноплин ва Алексеев район милицияси бошлиғи Юдин»¹лар ҳам бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган эди.

Шундай қилиб, 1921-1923 йилларда Волгабўйи, Уралолди худудларидан Туркистонга сафарбарлик режали ва режасиз тарзда жуда ҳам кўпайиб кетди. Бир томондан Марказ Туркистонда совет ҳокимиятини мустақамлашдан манфаатдор бўлиб, партия ва совет органларида ишлашга кадрларни юборган бўлса, иккинчи томондан, Россиянинг очарчилик худудларидаги масъул ходимларнинг ўзлари очарчиликдан қочиб, Туркистондан паноҳ излаш ҳаракатига тушиб қолганлар. Очарчилик бошланиши билан Туркистонда ишлашни хоҳловчилар кўпая борган. Улар ўз аризаларида «шарқ халқларини уйғотиш»га, коммунистик ғояларни сингдириш ишларига ҳаётларини бағишлаганликларини ҳам рўкач қилиб ёзишарди. Татаристон республикасининг Бугульма кантком партия ташкилоти аъзоси З. Газизов 1921 йил 4 майида ёзган аризасида, ўзини Туркистон республикасига сафарбар қилишларини сўраб, «аҳолисининг 95 фоизи мусулмон бўлган ўлкада... кўпроқ фойда келтириш хоҳиши» борлигини қайд этади². Очарчиликдан қутулишнинг бошқачароқ йўлини топганлар қаторида Н. Синдюков ҳам бор эди. У Татаристон республикасининг Бугульма кантонидан бўлиб, 1921 йил 1 июнида вилоят партия кўмитаси Қозон бюросига мурожаат қилиб, Туркистон республикаси аҳолисининг тили, урф-одаги ҳамда психологиясини яхши билишини ва шу сабабдан ҳам ўзини Андижон уездига «жаҳон инқилоби йўлида унумлироқ меҳнат қилиш учун сафарбар қилиш»ларини сўрайди. 1921 йил 4 июлида Н. Синдюков Татаристондан Туркистонга сафарбар қилинади³.

Ўз аризасига биноан, очарчиликдан паноҳ топганлар қаторида Саратов губерниясидан келиб, Самарқанд вилоят матлубот жамиятлари иттифоқида омборхона мудирини бўлиб ишлаётган И.П. Горюновни, Симбирск губерниясининг Сизран шаҳридан келиб, Самарқанд вилоят кооперация иттифоқида хўжалик мудирини ёрдам-

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 743, л. 178.

² ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 356, л. 25.

³ Ўша жойда, д. 399, л. 76.

чиси бўлиб ишлаган Е.Я. Беловни ҳам мисол қилиб олишимиз мумкин¹. Татаристон республикасидан А. Баширов вилоят партия кўмитасига 1921 йил 2 июлида ёзган аризасида эса ўзини Туркистон республикасига сафарбар қилишларини сўраш билан бирга, у ерга боришдан мақсади — яшаш учун ҳеч қандай маблағи қолмагани ва туркий тилларни ҳамда форс тилини яхши билишини таъкидлаб, шу билан бирга ўлка маданий-маърифий ишларида, инқилоб манфаатларида фаол хизмат қилишини билдиради². А. Башировнинг аризаси ўрганиб чиқилиб, уни Татаристондан Туркбюро ихтиёрига сафарбар қилинади. Ўз навбатида, Тошкентдан уни Каспийорти вилояти халқларининг «инқилобий онги» ни ошириш учун Ашхабодга юборилган эди³.

Туркистон республикаси 1921-1922 йиллари Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги партия ва совет бошқармаларида ишлайдиганлар учун ўзига хос «меҳнат таътилини ўтказадиган ҳудуд», яъни «нажот ўлкаси»га ҳам айланган эди. Масалан, К. Симакова 1921 йил февралда Самара губерниясидан Хўжанд шаҳрига келиб, меҳнат таътилини ўтказиш баҳонасида, ўлка ҳаётини ўрганган. Ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт билан танишгандан кейин, у Хўжандда ишлаш хоҳишини билдирган. Охир-оқибатда К. Симаковани Хўжанд уезд шаҳар партия кўмитасида ишлашга қолиши учун РКП(б) МҚга мурожаат қилишига тўғри келган⁴. Хўжанд уезд-шаҳар партия кўмитасида иш юритувчилик билан ўз фаолиятини бошлаган К. Симакова, Волгабўйида очарчилик қамрови кенгайиб бориши билан акаси Ф. Симаковни ҳам Самарадан Туркистонга сафарбар қилинишига эришади⁵.

Баъзи бир Туркистонга «меҳнат таътили»ни ўтказиш баҳонасида ташриф буюрганлар, 1921-1922 йиллари ўлка вилоятларида ишлаётган ҳамюртлари билан кўришишга, айримлари эса ўзлари учун иш топишга ҳам улгурардилар. Агар меҳнат таътилини Туркистонда ўтказадиганлар Россиянинг очарчилик ҳудудларида у ёки бу даражадаги масъул лавозимда ишлаётган ходимлар бўлса, Туркистон КП МҚ тегишли обком, губкомдан ўша «керакли» ходимни сафарбар қилишларини сўраб мурожаат қилган⁶. Ана шундай тақдир тақозоси билан очарчилик йилларида Туркистонга келиб қолганлар қаторидан Д.С. Бердикова, П.А. Фёдоров, С.И. Сорокин, А.М. Тагиров, И.Х. Кадралиев ва бошқалар ўрин олган.

¹ ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 275-иш, 47-варақ.

² ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 399, л. л. 361-361 об., 364, 472.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1687-иш, 2-варақ.

⁴ Ўша жойда, 1704-иш, 80-81-варақлар.

⁵ Архив ЦПИ КП РТ, ф. 5337, оп. 1, д. 20, л. л. 59, 98, 246.

⁶ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1407-иш, 30-варақ.

Туркистонга Д.С. Бердикова 1921 йили келган бўлса, у Самарқандда тарбиячи, касаба уюшмасида иш юритувчи, 4-болалар коммунасида бўлим мудири, 1923 йил апрелидан БХСР халқ маорифи тизимида ишларди¹. П.А. Фёдоров ва С.И. Сорокинлар эса Татаристоннинг Бугуруслан уезидан 1921 йил июлида Туркистонга келиб қолганлар. П.А. Фёдоров ва С.И.Сорокинлар 1921-1922 йиллари Жиззах уезд касалхонасида тегишли тарзда бўлим мудири ва соғлиқни сақлаш бўлимида котиб бўлиб ишлаганлар². А.М. Тагиrow эса Оренбург губерниясидан сафарбар қилинган бўлиб, 1921 йил май ойидан Самарқанд вилоят халқ маорифи бўлимида масъул лавозимда ишлаган³. И.Х. Кадралиев Симбирск губерниясидан сафарбар қилинган бўлиб, 1921 йил июль ойидан Туркистонга келиб, 1922 йил мартга қадар Қўқонда ва 1923 йил май ойидан Маргилонда масъул лавозимларда ишлаган⁴.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик ҳар қандай таъқиқларни четлаб ўтишга, сафарбарликни ҳар хил «йўллари»ни топишга ундарди. Ҳатто навбатдаги, яъни 1921 йилги Марказ рухсатисиз очарчилик губернияларидан охири кўринмайдиган сафарномаларни бартараф этиш учун Тукрбюронинг таъқиқ кўрсатмасига қарамасдан, Россиядан келаётганлар сони камаймади. Туркбюро томонидан Марказ рухсатисиз Туркистонга келаётганларни тегишли гувоҳнома, сафарбарлик ҳужжатлари билан таъминлаганларни партия томонидан жазага тортилишини РКП(б) МҚдан сўрашлар ҳам ўз натижасини бермасди⁵. Масалан, 1921 йил 20 июлида Самарадан В.И. Шевяковни Туркистонга юбориш РКП(б) МҚ рухсатисиз амалга оширилган эди. Шу муносабат билан Туркбюро Самара губкомига 1921 йил 3 августда мурожаат қилиб, РКП(б) МҚнинг 1921 йил 25 июнидаги кўрсатмасига риоя қилишга чақириб, кейинги сафарбарликларни Марказ рухсатисиз амалга оширилмасликка яна эътиборни қаратган⁶. Аммо бу мурожаатлар очарчилик ҳудудларидаги партия раҳбарлари учун аҳамиятсиз эди.

Шундай қилиб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик қамрови кенгайиб борган сари ҳосилдор ҳудудларга паноҳ

¹ ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 603-иш, 62-62-варақ орқаси.

² Ўша жойда, 60-фонд, 1-рўйхат, 2502-иш, 31-варақ ва орқаси, 34-варақ ва орқаси.

³ ЎЗР ПДА қошидаги Самарқанд вилоят бўлими (СВБ), 31-фонд, 1^а-рўйхат, 355-иш, 237-238-варақлар ва орқаси.

⁴ ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 312, л. 57; ф. 43, оп. 1, д. 44, л. л. 56-56 об; ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2599-иш, 85-варақ; ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 111- фонд, 1-рўйхат, 746-иш, 7-варақ.

⁵ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 744, л. 18.

⁶ РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 92, л. л. 21,25.

излаб кетишни хоҳловчилар сони ҳам кўпайиб бораверди. Тўғри, Туркистон раҳбарияти томонидан ўзбошимчилик билан «махсус сафарбарликлар»га барҳам бериш тўғрисидаги талабидан кейин, эндиликда очарчилик губернияларидан сафарбарлик моҳияти ўзгармаган ҳолда унинг «йўллари» ва «усуллари» бошқачароқ тус олди. Айниқса, бу борада партия ва совет бошқармаларида масъул лавозимларда ишлаётганлар турли сафарбарлик баҳоналарини излаб топишда устаси фаранглик қилардилар. Улар аввалига ўзлари у ёки бу «сабаб»лар билан Туркистонга келишардида, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий аҳволни, иқтисодий шароитни, аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиш имкониятини ўрганишарди ва кейин оилаларини Туркистонга юбориш имкониятини қидиришарди. Умуман олганда, уларни ҳам тушунса бўларди, чунки ўзлари партиязвий интизом туфайли хоҳлаган ҳудудларига кета олмасликлари, «ипсиз боғланганлик»лари сабабли ҳеч бўлмаса хотин, бола-чақаларини очлик ҳукмини ўтказаётган ҳудудларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан кенгроқ имкониятга эга бўлган Туркистонга юбориш йўллари қидирганлар. Масалан, Самара губкоми томонидан умумий бўлим мудир И.Н. Левинни 1921 йил 10 июнида Жиззах шаҳрига хотинини жойлаштириб қайтиши учун вақтинчалик сафарбар қилинган эди¹. Самара губкоми яна 1921 йил июнь-июль ойларида Михайлов, Темлянцев, О. Силиналарни ҳам шу аснода Туркистонга сафарбар қилган эди².

Очарчилик ўз ҳукмини ўтказа борган сари, нажот ўлкаси деб қаралган Туркистонга интилиш кучайиб борарди. Юқорида қайд этганимиздек, очарчилик ҳудудларидаги партия ва совет ташкилотларида ишлаётганлар Туркистонга турли баҳоналар билан келишга интилардилар. Масалан, Самара губкоми рўйхатга олиш ва статистика бўлимнинг мудир В. Катин 1921 йил 12 июлида шахсан ўзи Туркбюрога мурожаат қилиб, ўзини Самарқандга чақириб олишларини сўраган. Бунга сабаб қилиб, хотинининг саломатлигига кўра яшаш жойидаги об-ҳавони алмаштириши зарурлигини кўрсатади. Шунга кўра, у ўзи ва оиласини РКП(б) МҚ орқали Самара губкомидан чақириб олишни тавсия этган. Бундай мурожаатга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки Самара губкоми ҳамма партия ходимларини ҳам сафарбар қилавермаган. Ўз навбатида, Туркбюро томонидан В. Катин Туркистонга ишлаш учун оиласи билан чақириб олинган³. Бу ҳам ўзига хос очликдан қочиш сафарбарлик турларидан бири эди.

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, л. 500, л. л. 63, 65-66.

² Ўша жойда, л. л. 121, 139, 182.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 20-варақ.

Очарчилик аҳолини борган сари ўз домига тортиб бораркан, егани озиқ-овқат топа олмай қолганлар аҳволи янада мушкуллаша бошлади. Боз устига очарчилик азобини тортаётган партия аъзолари оддий фуқороларга ўхшаб, ризқу рўз илинжида ҳосилдор ҳудудларга ҳам ўзларича кета олмасдилар. Бунинг учун РКП(б) МҚ ёки губком партиясининг рухсати керак эди. Масалан, И.Г. Сабаев 1921 йил 5 июлида Самара губком партиясига ариза билан мурожаат қилиб, ўзини Туркистон ўлкасига вақтинча яшашга сафарбар қилишларни сўраган. Аризада яна у: «Туркистон маҳаллий шароитини ўрганиш ва бошқа манфаатли мақсадларим бор, чунки бу менга фойдали бўлади... мен Россиянинг [чекка ўлкалари] маҳаллий шароитини яхши билмайман, аммо чуқур ўрганиш ҳар бир партия аъзоси учун жуда фойдали. Менинг илтимосимни рад этмаслигингни сўрайман»¹ — дейди. И.Г. Сабаевнинг аризасига Самара губкоми 1921 йил 8 июлда Туркистонга сафарбарлик маън этилганини билдириш билан бирга «... ҳозирги шароитда ҳеч қандай мақсадсиз маҳаллий шароитни ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас», деб жавоб қайтарган эди².

Айни пайтда Самара губкоми раҳбарияти оддий партия аъзоси И.Г. Сабаевга Туркистонга кетишга рухсат бермагани ҳолда, айрим партия ва совет ташкилотларида ишлаётган масъул ходимларга розилик билдирарди. Масалан, Самара губкоми молия бўлими мудирини М.И. Бобров губком раҳбариятидан ўзини ва ҳатто оиласини Туркистонга сафарбар қилинишига катта қийинчиликсиз эришади. М.И. Бобров номига 1921 йил 2 июлида берилган гувоҳномада, уни Тошкентга меҳнат таътили давомида мутахассислиги бўйича ишлаш учун сафарбар қилинаётгани, кейин Самарқанд вилоят Жиззах уездига даволаниши мумкинлиги қайд этилади. «Меҳнат таътили»да даволангани кетаётган М.И. Бобров ўзи билан хотини, онаси, 13 ва 17 ёшли укалари, 19 ёшли синглиси ва 25 ёшли акасини ҳам олиб кетади³.

Шундай қилиб, М.И. Бобровни Самара губкоми Туркистон КП МҚ ихтиёрига сафарбар қилади. Аммо М.И. Бобров Туркистонда ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлмай, уни яна Самара губкомига қайтишини сўралган. Ушбу масала юзасидан Самара губкоми дастлаб 1921 йил 31 августидан ва яна қайта 24 сентябрда Туркистон КП МҚга мурожаат қилиб, М.И. Бобровни Самара губком молия бўлими мудирини лавозимида ишга қайтарилишини сўраб, «ҳозирги кунда Сам[ара]губкомида масъул ходимлар сони

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп.1, д. 500, л. 233.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, д. 472, л. л. 143, 147-148, 217.

бошқа (ҳосилдор ҳудудларга — Р.А.) жойларга кетиб қолганларнинг кўплиги ҳисобига камайиб кетди» дейилади. Аммо М.И. Бобровни ўзи ҳам оч-ялангоч Самара губерниyasидан кўра, Туркистонда яшаб фаолият кўрсатишни афзал кўради. Шунинг учун ҳам М.И. Бобров Самарага яна қайтиб боришдан воз кечади¹. Мана бунинг совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида партиявий интизом «намуна»си деса бўлади... Чунки ҳаётини зарурат, яшаш учун курашда партия ва совет ходимлари анча-мунча удлабурро бўлиб, ўзлари учунгина мос турли «кашфиётлар»га эга эдилар.

Самара губкомининг И.Г. Сабаев ва М.И. Бобровларга сафарбарлик бўйича ёндашишлари шуни кўрсатадики, совет ҳокимияти ҳар бир нарсага синфийлик нуқтаи назаридан қарагандек, партиявийлик ҳам амалда ўша партия аъзосининг жамиятда қандай лавозимда эканлигига қараб белгиланган. Яна фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Самара губкоми очарчилик йиллари Марказнинг ўзбошимчалик билан Туркистон ва бошқа ҳудудларга сафарбар қилиш бўйича таъқиқлашга асосланган кўрсатмасини ҳамма вақт ҳам бажаравермаган. Хусусан, Самара губкомида айрим партия ходимлари ва уларнинг оилаларини ҳар қандай расмий ҳамда но-расмий йўллар билан Туркистон республикасига кўчиришни қўллаб-қувватлаганлар. Масалан, 1921 йил 14 июлида Самара губкомидан Туркистон КП МКга мурожаат қилиб, масъул партия ходими Кутеповни 5 кишилик оила аъзолари билан Еттисув ёки Фарғона вилоятига бориб яшашга кўмак беришлари сўралади². Очарчиликдан оилавий паноҳ излаганлар қаторида Мурашкин ҳам бор эди. У ўзининг 5 кишилик оила аъзолари билан 1921 йил 13 сентябрда Самарадан Самарқандга юборилган эди³.

РКП(б) МК ўзбошимчалик сафарбарликларига чек қўйиш бўйича берган кўрсатмасидан кейин очарчилик ҳудудларидаги партия аъзолари ҳеч бўлмаса ўз оила аъзоларини ҳосилдор ҳудудларга, хусусан Туркистонга жўнатиш пайига тушдилар. Масалан, Татаристон республикаси Бугульма кантонидан Сафар Галеев ўзининг 12 кишидан иборат оиласини 1921 йил 1 июлида Андижонга жойлаб, яна ўзи Қозонга қайтиб боришга рухсат олган. Бунинг учун С. Галеев Татаристон республикаси вилоят партия кўмитасига ариза бериб, ўз оиласини шундай оғир иқтисодий шароитда Бугульмада қолдира олмаслигини атрофлича тушунтирган эди⁴. Туркистондан очарчилик йиллари паноҳ топганлар қаторига Сама-

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 2-рўйхат, 62-иш, 98, 100-102, 105-106, 108-109-варақлар.

² СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 500, л. л. 67, 204.

³ Ўша жойда, л. 401.

⁴ ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 399, л. л. 354, 356-356 об.

га губернияси дан келган А.Т. Мешков, Г. Кузьменков, М.И. Кос-тиловларни ҳам киритишимиз мумкин¹.

Воқеалар ривожига бу аҳвол Туркистон раҳбариятини безовта қилмасдан иложи йўқ эди. Чунки очарчилик ҳудудларидан ўзбошимчалик билан Туркистонга келган партия ва совет ходимлари Туркбюро, Турккомиссия, ТуркМИҚ ва ХКК раҳбариятига му-рожаат қилиб, яшашга жой, тегишли тарзда иш билан таъминлашни, озиқ-овқатдан ёрдам беришни сўраб муурожаат қилишарди. Бундай ёрдам сўраб қилинган муурожаатлар ҳар куни ўнлаб, юзлаб кишини ташкил қиларди. Шунинг учун ҳам Туркбюро котиби Мирсон то-монидан 1921 йил 15 августида РКП(б) МҚга юборилган телеграм-мада кейинги пайтларда «Самара ва Оренбург губернияларидан кўплаб партия аъзолари волост, уезд совет бошқармаларидан сафарбар қилин-япти ёки партия кўмиталари рухсатсиз меҳнат таътили, касаллиги сабабли келишяпти...» дейилади ва ана шу рухсатсиз сафарбар қили-наётганларни яна орқага қайтарайликми ёки «Туркистон бўйлаб ишга тарқатайликми?» деб сўрайди². Очарчилик ҳудудларидаги бундай аҳвол Марказни ҳам хавотир остига қолдирган. Чунки очарчилик ҳудудларидан нафақат оддий одамлар, балки оч қоринларини тўди-риш мақсадида партия ва совет ташкилотларида масъул лавозимни эгаллаган ходимлар ҳам ҳосилдор ҳудудларга, асосан Туркистонга ўзбошимчалик билан кетиб қолаётган эдилар. Бундай ҳолатни да-вом этиши жойларда совет ҳокимиятини барбод бўлишига олиб ке-лиши мумкин эди. Марказ эса бундай бошбошдоқликка йўл қўя олмас эди. Шунинг учун ҳам РКП(б) МҚ 1921 йил 25 августида Россиянинг ҳамма губкомларига бажарилиш шарт бўлган кўрсатма хати жўнатди. Ушбу хатда «Кейинги пайтларда совет ташкилотлари-дан ўзбошимча сафарбарликлар кузатиляпти... Самара ва Оренбург губернияларидан [ва бошқа] айрим губерниялардан... кўпчилик Тур-кистонга сафарбар қилиняпти. [Ушбу сабабдан РКП(б)] МҚ қуйи-дагиларни оғишмасдан ижро этилишини тасдиқлайди: ҳар бир партия аъзоси партия ихтиёрида туради ва бошқа жойга партия рухсати билангина кўчиш мумкин. Ушбуни бажармаслик партиявий инти-зомга бўйсунмаслик деб ҳисобланади ва тегишли оқибатларига эга бўлади. Губкомлар томонидан шундай бетартибликларга қарши ку-рашда етарли даражада қатъийлик кўрилмаса, [масъуллар] эгаллаб турган вазифасига нолойқлиги кўриб чиқилади...»³.

Совет ҳокимияти амалда халқни иш, озиқ-овқат билан таъмин-лаш чора-тадбирларини кўришда ночор эканлигини кўрсатган эди.

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 711, л. л. 63-69.

² РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 615, л. 51.

³ ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 102^а, л. 5; Қаранг: ЦГАОО РБ, ф. П-22, оп. 5, д. 63, л. 53.

Чунки аҳвол кундан-кунга оғирлашиб борар, ammo Марказнинг аҳоли очарчилигини енгиллатиш бўйича кўраётган чора-тадбирлари етарли эмасди. Ўлим, касаллик, ҳар қандай нарсани истемол қилишдан ҳам ўзини тия олмаслик ҳоллари учраб турарди. Масалан, Самара губернияси Бузлук уездининг Барабановский волости Миролубовка қишлоғи кенгашининг масъул партия ходими М.С. Стародубцев Тошкентга келиб, Туркистон КП МҚга 1921 йил 24 ноябрида мурожаат қилади ҳамда ўзи яшаётган қишлоқдаги иқтисодий аҳвол жуда ночорлиги, аҳоли очликдан деярли истемолбоп бўлмаган нарсаларни ҳам ейиши натижасида турли касалликларга дучор бўлаётганини ва натижада айримлар шишиб ўлиб кетаётганини таъкидлайди. У ўз мурожаатининг охирида озиқ-овқатдан ёрдам беришларини сўраган ва берилган ёрдам учун ўзлари томондан ўтин, хом ашё, қишлоқ хўжалик ускуналари, ишчи кучи ва қисман уй ҳайвонлари орқали қайтарилиши мумкинлигини ҳам қайд этган¹. М.С. Стародубцевда бу мурожаатдан ташқари яна алоҳида битта махсус аризаси ҳам бор эди. Ушбу аризада у ўзи яшаётган худудда ҳар куни одамлар ва ҳайвонлар очликдан ўлаётганини, иқтисодий аҳволни яхшилаш учун яқин орада давлат томонидан ёрдам кўрсатиш имконияти, истиқболи йўқлигини қайд этиб, ўзини Туркистонда ишлаш учун қабул қилишларини ҳам сўраган². Кўрииб турибдики, М.С. Стародубцевни Туркистонга келишидан мақсади ўз ҳамқишлоқларига озиқ-овқат ёрдами уюштиришгина эмас, очликдан Тошкентда ўзига паноҳ топиш ҳам бўлган.

Волгабўйи, Уралолди худудларидан шундоқ ҳам минглаб очлар оқими Туркистонга кўчириляётган эди. Бундан ташқари, минглаб оч-қочқинлар ҳам Туркистондан паноҳ топиш илинжида келаётган эди. Айни пайтда ўзбошимчалик сафарбарлиги ҳам давом этарди. Бу аҳвол шундоқ ҳам оғир кунларни бошидан кечиляётган Туркистон аҳолиси устига оғир юк бўлиб тушди. Шунинг учун бўлса керак, Туркбюро 1921 йил 13 декабрида РКП(б) МҚга мурожаат қилиб, «...бир неча марта кераксиз, малакасиз кадрлар билан таъминламаслик тўғрисида илтимосимизга қарамасдан... Сам[ара] губкоми³ РКП(б) МҚнинг рухсатисиз... ҳеч қандай розилигимизсиз, кераксиз ва малакасиз кадрларни [Туркистонга] жўнатыптилар... Келаётганларни озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаш ишлари қийинчилиги ҳамда маҳаллий шароитда ишлашга тай-

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1865-иш, 2-4-варақлар ва орқаси.

² Ўша жойда, 2-3-варақлар.

³ 1921 йил кузида фақатгина Пугачёв уезди бирданига 185 кишини Етгисув вилоятининг Прежевальский уездига «сафарбар» қилган эди. Қаранг: РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 216, л. 1.

ёр эмаслиги ҳам шу ерда ишлаётганларнинг зиммасига тушмоқда»¹ дейилади.

Волгабўйидаги очарчилик даҳшати одамларни нон топиш мақсадида ўзига хос ўлкани ўрганишга қаратилган «илмий экспедиция»ларни уюштиришга ҳам ундаган. Агар илмий экспедициялар дастлабки пайтларда ҳақиқатдан ҳам Туркистонни янада чуқурроқ «ўрганиш» учун амалга оширилган бўлса, 1920 йилнинг иккинчи ярми ва айниқса, 1921 йил ўрталаридан шундай илмий экспедициялар уюштиришдан мақсад — оч қоринни тўйдириш ҳаракатига айланиб кетган. Ҳолбуки, эндиликда Туркистонни илмий жиҳатдан ўрганиш баҳонасида ўлкага келиш ва ўзлари, оилалари учун озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаш имконияти туғиларди. Масалан, 1921 йил 23 апрелидаги маълумотга қараганда, Татаристондан Туркистон ва Бухоро республикаларига икки ярим ойлик муддат билан илмий-экспедиция юборишга қарор қилинган². Ўз навбатида, Бузлук халқ маорифи бўлими мудири Винокуров 1921 йил 12 июнида Туркистон МИҚга мурожаат қилиб, илмий жиҳатдан ўрганиш ва саёҳат қилиш учун 40 кишидан иборат экспедицияни Тошкент ва Самарқандга боришига рухсат беришни сўраган³. Албатта, юборилиши кўзда тутилган 40 кишилик экспедиция ўз олдиларига Туркистонни илмий жиҳатдан ўрганишдан кўра, озиқ-овқат масалалари билан қизиқишлари кўпроқ бўлиши ҳақиқатга яқинроқ эди. Бундай Туркистонни ўрганувчи «илмий экспедиция»ларнинг сони 1921-1922 йиллари жуда кўпайиб кетган. Чунки Туркистонни ўрганиш учун келиб, «озиқ-овқат дастур»ини ҳам ўрганиш, яшаш шароити, ишлаш имкониятларини кўздан кечириш мумкин эди. Масалан, 1921 йил 14 июнида Самара давлат университети физика-математика факультети декани, Туркистон МИҚ раисига мурожаат қилиб, «Самара университети профессорларига Туркистонда илмий экспедиция ўтказишга рухсат беришларини сўраган»⁴. Аммо натижа бўлмагандан кейин, 1921 йил 16 июлида Самара губернияси ижроқўми раисининг ўринбосари Романовский номидан қайта мурожаат қилиниб, Туркистон ХККдан Самара давлат университетининг 10 та профессорига илмий мақсадда Туркистонга келишга рухсат сўралган ва ўз навбатида, ХКК бунга розилик

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 711, л. л. 27-28.

² Интернациональные связи трудящихся Татарии (1917-1980). Документы и материалы. Казань: Татарское книжное издательство, 1989. С. 49; Қаранг: РГАС-ПИ, ф. 122, оп.1, д. 287, л. 86.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 930-иш, I том, 376-377-варақлар.

⁴ Ўша жойда, 517,527-варақлар.

билдирган¹. Шундай мазмундаги ариза билан Самара давлат университети қишлоқ хўжалиги факультети декани ўринбосари Калугин ҳам Туркистон ХККга мурожаат қилиб, «Туркистонга саёҳат қилиш учун 80 кишига рухсат берсангиз... бу илмий аҳамиятга эга...» дейди². Уйлаймизки, Волгабўйидаги ўзига хос мураккаб иқтисодий аҳвол турли чоралар излашга мажбур қилган. Бундай «илмий экспедиция ва саёҳатлар» борган сари кўпайиб борган. Дастлабки пайтларда «илмий экспедиция ва саёҳат»ларни уюштириш маҳаллий раҳбарият ва жуда борса, губерния раҳбарияти томонидан уюштирилган бўлса, кейинчалик бундай тадбирларни Марказ орқали ҳам амалга ошира борганлар. Масалан, 1921 йил 26 августда Бутунроссия матлубот жамияти марказий иттифоқи райси Туркбюро раҳбариятига мурожаат қилиб, Самара саноат-иқтисод институти ходимларини Туркистонда иқтисодий масалалар бўйича маърузалар ўқишга қаршилик билдирмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, ушбу мурожаатда «... маъруза характерини ва уларнинг тезисларини олдиндан кўриб чиқиш кераклигини» уқтиради ва маърузачи-саёҳатчилар таркибида «бирорта ҳам сиёсий ходим йўқлиги» таъкидланади³. Кўриниб турибдики, саёҳатдан мақсад, Туркистондаги иқтисодий аҳволни ўрганиш бўлган.

Россиянинг марказий губернияларидан 1918-1920 йиллари дастлаб Туркистонда бошқарув тизимини мустақамлаш, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш, Марказ манфаатлари йўлида қишлоқ хўжалигини йўналтириш бўйича кадрлар таъминоти амалга оширилди. Марказнинг партия ва совет ходимлари асл ниятларини яшириб, «шарқни уйғотиш», «инқилоб йўлида хизмат қилиш» каби қизил сўзлар билан Туркистонга келишга уринганлар... Натижада, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари Туркистон учун «ўзига хос кадрлар таъминоти» вазифасини бажарган. Шундай қилиб, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий шароитни, иқтисодий аҳволни издан чиқишида Марказ эмиссарларининг ўлкани талон-тарож қилишига қаратилган сиёсати ҳамда ҳамма вақт ҳам лойиқ даражада бўлмаган кадрларни ўлкага оммавий сафарбарликлари роль ўйнаган, десак ҳам бўлади.

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 724, 725, 789-варақлар.

² Уша жойда, 832, 834-варақлар.

³ РГАСПИ, ф.61, оп.1, д.34, л.173.

2.3. ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР

Россия ва унинг мустамлакаларида амалга оширилган «инқилобий ўзгаришлар» жойларда бир хил кутиб олинмади. Агар февраль (1917) инқилоби том маънода демократик йўналишда эркинликларга имконият яратиб берган бўлса, кейинчалик октябрь (1917) воқеалари амалда ҳар қандай демократик тамойилларга чек қўйиш ва ҳокимиятни якка ҳолда бошқариш йўлини танлади. Натижада бутун бир кўп миллатли мамлакат миқёсида биродаркушлик уруши бошланиб кетди. Бундай ҳолатдан Туркистон ҳам четда қолмади.

Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистон Мухториятини тугатиши большевиклар тузумига қарши қуролли курашни бошланиб кетишига ўзига хос туртки бўлди¹. Бундай ҳолат натижасида Туркистонда миллий истиқлолчилик ҳаракати бошланиб кетди. Большевиклар эса ҳар қандай истиқлолчилик ҳаракатига барҳам бериб, Туркистонда совет ҳокимиятини ҳарбий йўл билан бўлсада, мустаҳкамлашдан манфаатдор эдилар.

Ўз пайтида Туркистон миллий ҳаракати етакчилари ўлкада «ерли халққа мутлақо алоқадор бўлмаган, маҳаллий шарт-шароитни тушунмайдиган ва унга ёт» ҳарбий қисмлар бўлмаслигини талаб қилган эдилар.² Аммо большевиклар Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан юборилган ҳарбий мутахассислар, қурол-яроқлардан «унумли» фойдаланган. Бундан ташқари, алоҳида Оренбург, Самара, Симбирск, Саратов, Қозон губернияларидан махсус ҳарбий қисмлар ҳам Туркистонда совет ҳокимияти ҳимоясига жалб қилинган эди. Туркистон халқлари учун мутлақо ёт бўлган ғояни Россиядан экспорт қилиниши натижасида амалга оширилган «социалистик инқилоб» ҳимояга муҳтож эди. Большевиклар учун ҳар қандай йўл билан бўлсада, ҳокимиятни сақлаб қолишдек долзарб маса-

¹ Кенгроқ маълумот олиш учун қараи: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... 83-102-бетлар.

² Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос. // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш... Т.: Маънавият, 2001, 88-бет.

ла кўндаланг турарди. Ўз навбатида, меньшевик ва эсерлар ҳам Туркистонда ўз ғояларига мос ҳокимиятни ўрнатиш тарафдори эдилар. Қарама-қарши томонларда ва турли ғояларни илгари сурган большевиклар ҳамда меньшевик, эсерлар халқ «манфаати» йўлида фидоийлик қилаётганликларини кўрсатишдан чарчашмасди. Аслида эса ҳокимият учун кураш давом этар ва бу жараёнда ким-кимни енгиши ҳамда қайси ғояга халқни ишонтириш вазифаси турарди. Октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳар қандай демократик тамойилларни рад этиб, «йўқсиллар якка-ҳокимлиги»ни ўрнатишда устаси фаранг чиқдилар. Масалан, 1918 йил 11 июлда Ашхабодда меньшевик ва эсерлар томонидан Каспий-орти вилоятида совет ҳокимиятига қарши дастлабки исён бўлиб ўтди. Натихада, 1918 йил 12 июлда дастлаб Ашхабодда ва кейин Каспий-орти вилоятларининг бошқа шаҳарларида совет ҳокимияти қулади. Воқеалар ривожига бундай ҳолат оқибатида Туркистонда аҳвол кескин ёмонлашди. Шу муносабат билан Туркистон ХКК раиси Ф.И. Колесов 1918 йил 15 июлида большевиклар етакчисига юборган радиограммасида Туркистон республикаси душманлар исканжасига тушиб қолгани ва армияга қурол-яроғлар, ҳарбий қисмлар билан ёрдам зарурлигини таъкидлайди¹. 1918 йил 2 августидан И.О. Тоболин Москвага юборган телеграммасида «Республикадаги умумий аҳвол... зудлик билан техника, қурол-яроғ, ўқлар билан Оренбург-Етгисув-Ашхабод фронтлари учун ёрдам беришни тақазо қилади ... », — дейди².

Шўро ҳокимияти раҳбарияти олдида энг асосий вазифа — Туркистонда ўзларига мойил давлат тизимини сақлаб қолиш эди. Бу борада Марказ Россия Миллат ишлари бўйича халқ комиссарлиги орқали Туркистонда марказий Татар-Бошқирд комиссарлигидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топади. Чунки татар ва бошқирдларнинг Туркистонда яшайдиган ерли аҳоли тили, дини ва айрим урф-одатлари билан муштараклиги жойларда совет ҳокимиятини мустақамлашда қўл келарди. Масалан, 1918 йил 21 августидан марказий Татар-Бошқирд комиссарлиги бош коллегияси Туркистондаги огир ҳарбий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, «аксил инқилоб кучларга раҳбарлик қилиш, Туркистондаги ҳарбий кучни ва совет ҳокимиятини мустақамлаш учун фавқулодда делегация» юборишга қарор қилди. Ушбу делегация таркибига Мустафа Субхи, Г. Аминов, И. Рамиев, М. Назмийларни киритиш так-

¹ Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Том I (май 1918г.-сентябрь 1919г.). Алма-Ата.: АН Казахской ССР, 1963. С. 53.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1175-иш, 6-варақ.

лиф қилинганди¹. Марказий Татар-Бошқирд комиссарлиги 1918 йил август ойи охирида Тошкентга, совет ҳокимиятига тарғибот-ташвиқот уюштириш ва ҳарбий қисмлар ташкил қилиш мақсадида делегация юборишга қарор қилади. Махсус делегация таркибида Татар-Бошқирд комиссарлиги ҳарбий бўлим мудирини Ю. Иброҳимов ҳам бор эди².

Туркистонда совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва мустақамлашда Оренбург fronti қўшинлари, Қозон терма отряди, Самара коммуналари жанговар отряди, Нижегород, Челябинск отрядлари, 20-Москва терма полки ва бошқа ҳарбий қисмлар сафарбар қилинган. Бу ҳарбий қисмлар Туркистонга Каспийорти fronti жанглирида қатнашиши учун 1918 йил июль ойининг иккинчи ярми ва август ойининг биринчи ярмида юборилган эди³.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга юборилган Қозон терма ҳарбий бўлинмаси тўғрисида кенгроқ тўхташ мақсадга мувофиқ. Ушбу бўлинма Қозондан Тошкентга 1918 йил 25 июнда келган ва кейинроқ Каспийорти фронтга юборилган. Каахка учун бўлган жанглирда Қозон терма бўлинмасининг комиссари Гинцбург ҳалок бўлади ва бўлинма кейинчалик унинг номи билан юритилади⁴. Жанговар ҳаракатларда Қозон терма бўлинмаси таркибига Самара, Сарапул, Нижегород ва бошқа Волгабўйи ҳудудларида ташкил топган бўлинмалар қўшилиб турди⁵ ва натижада бу бўлинма Қозон полки деб юритила бошланди. Полк шахсий таркиби деярли 1500 қизилармиячилар, командирлар, сиёсий ходимлардан иборат бўлиб, миллий таркибига кўра рус, татар, бошқирд, поляк, венгр ва бошқа миллат вакиллари ташкил қиларди⁶.

Қозон полки Туркистондаги ҳарбий фаолияти билан большевиклар манфаати йўлида Оренбург казаклари ва инглизларга қарши жанговар курашларда фаол қатнашган. Полк таркиби Қозон, Самара, Симбирск ва бошқа ҳудудлардан юборилаётганлар ҳисобига тўлдириб борилган. Аммо Қозон полки шахсий таркиби дастлабки пайтларда узлуксиз жанговар ҳаракатда бўлгани сабабли ўз

¹ Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской... С. 130.

² Хайрутдинов Р.Г. Кўрсатилган асар. С. 129-130.

³ Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. Т.: ФАН, 1965. С. 69.

⁴ ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 204, л. 8; Қаранг: Борцы за счастье народное. Казань: Таткнигоиздат, 1967. С. 112-117.

⁵ СОГАСПИ, ф. 65, оп. 5, д. 135, л. л. 7-10.

⁶ Уша жойда, л. 3; РГВА, ф. 125, оп. 1, д. 139, л. л. 76, 142. Центральный государственный архив Республики Туркменистан (ЦГА Рес. Туркм.) ф. 520, оп. 2, д. 1, л. л. 28-32 об; В борьбе за народное дело. Куйбышев: Книгоиздат, 1984. С. 173-174.

ҳамюртлари билан доимо алоқа қила олмаганлар. Қурбонлар сони кўпайиб бораётганлиги ва узоқ вақт жанговар ҳолатда бўлганлиги учун Қозон полки командири В. Кириллов 1919 йил бошларида Каспийорти фронтдан Россия ҳарбий-сиёсий раҳбариятига мурожаат қилиб, «Туркистонда ...полк узлуксиз жанглarda қатнашиб жуда ҳолдан тойди... бизни зудлик билан алмаштириш чораларини кўринг» дейди¹. Аммо Россиядаги раҳбарият тўлатўкис Қозон полкини алмаштиришдан кўра, у ерга кўшимча командир, сиёсий ходимларини юборишини мақсадга мувофиқ деб топади. Масалан, шу мақсадда 1919 йил августда Каспийорти фронтга Г. Сайфуллин, А. Утяшев, А. Урманов, И. Канцеров, А. Мамедов, Ш. Хоюбов, М. Мехтиев, Г. Хинзаде, Мардинбеков, Раджабов, Г. Назаров, А. Мамедовлар сафарбар қилинади².

Умуман олганда, Қозон полки шахсий таркибидагилар ўз ҳамюртлари билан мумкин қадар жуда яқин алоқада бўлганлар. Бу полк шахсий таркибига кўра кўп миллатли бўлганлигига қарамасдан, унинг шахсий таркибини тўлдириб бориш асосан Қозон губернияси зиммасига юклатилган. Полк билан Қозон губернияси алоқасининг доимий равишда бўлганлигига 1919 йил декабрда полк командири В. Кирилловнинг Қозон шаҳри РКП(б) аъзолари мажлисида жанговар ва сиёсий фаолият бўйича махсус ҳисобот берганлигидан ҳам билса бўлади³.

Қозон полкида хизмат қилган М.И. Мухин, Т.В. Павлов, А.И. Крупин, А.И. Сиклай, М.Г. Григорьев, И.В. Генералов, Ф.А. Джийкун, Ковалевский, К.Е. Лунин, С.Г. Сунцов, Н.П. Хрулев, Я.Х. Хабибуллин, А.П. Соколовлар ҳам ўз пайтида Волгабўйи худудларидан Туркистонга сафарбар қилинган эди⁴.

Амалга оширилаётган тадбирларга қарамасдан, Туркистондаги ҳарбий-сиёсий аҳвол оғирлашиб бораверди. Айниқса бу курул-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий аслаҳа-анжомлар етишмаслигида яққол кўзга ташланарди⁵. Марказ томонидан Туркистонни қўлдан чиқармаслик учун ҳарбий ёрдамни янада кучайтиришга тўғри келди. Масалан, 1919 йил мартда Туркистондаги ҳарбий қисмлар учун 500 млн. рубль ажратилган бўлса⁶, айнан шу йили Қозондан

¹ Российский государственный военный архив (РГВА), ф. 5019, оп. 1, д. 24, л. 25.

² Уша жойда, ф. 125, оп. 1, д. 95, л. 29.

³ ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 5, л. 462.

⁴ ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 232, л. л. 467-468; д. 237, л. л. 337-3338; ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 1247, л. 63; ф. 30, оп. 3, д. 135, л. 77; ЦГА Рес. Туркм.: ф. 520, оп. 2, д. 1, л. л. 2,2 об. 4, 5, 11, 16, 22, 24, 26-27, 34; Советская Татария, 4 ноября, 1989 г.

⁵ Қаранг: НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 181, л. л. 67,69.

⁶ Акрамов А. Полпред республики. Т.: Узбекистан, 1987. С. 83.

Туркистондаги ҳарбий қисмлар учун 30 мингта шинел, кўйлак, шалвор юборилган. 1919 йил июль ойида Туркистондаги ҳарбий қурилишларда ишлаш учун 80 киши юборилган эди¹.

Туркистонни ҳарбий анжомлар, қурол-яроғлар, ўқ-дорилар билан таъминлашда Самара губернияси ҳам катта роль ўйнаган. 1919 йил майида ТуркМИҚ раиси А. Казаковга берилган хабарга кўра, Марказдан «миллион патрон ва олтмиш олти минг уч дюм-ли снаряд делегациянинг бир қисми билан Тошкентга юборилгани, делегациянинг қолган қисми Самарадан винтовка ва пулемёт олишга йўллангани» қайд этилади². Шунингдек, Самара губернияси Туркистон фронтини тузишдаги ўзига хос марказ ролини ўйнагани билан ҳам муҳим аҳамият касб этган. 1919 йил 11 августдаги буйруқ асосида тузилган Туркфронт зиммасига «Оренбург тикини»ни йўқ қилиш ва Туркистонда совет ҳокимиятини узил-кесил ўрнатишда ҳарбий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган эди. Чунки Россия учун Туркистон билан тўлақонли темир йўл алоқасини ўрнатишдан манфаатдорлиги замирида иқтисодий манфаатлар ҳам бор эди³. Самара губернияси Туркистонда шаклланаётган ҳарбий, миллий-ҳарбий қисмларни тегишли кадрлар билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Туркистон 1-ўқчи дивизияси бошлиғи А. Дементьев дивизия ташкил топиши муносабаги билан Самара губкомидан сиёсий ходимлар билан таъминлашда ёрдам беришларини сўрайди. У ўзи бошқараётган дивизия олдида «махсус ҳарбий вазифалардан ташқари янада муҳимроқ бўлган сиёсий характердаги вазифа, яъни Туркистон ўлкаси... халқларида совет ҳокимияти гоёларини сингдириш ва мустақамлаш» вазифаси турибди, дейди⁴.

Туркфронт тузилишида Қозон губернияси ҳам катта аҳамият касб этган. Чунки Қозон 1918-1919 йиллардан ҳаракатдаги армиялар учун ҳарбий-сиёсий кадрлар тайёрлаш маркази бўлиб хизмат қилди. Қозонда ўша йиллари Марказий мусулмон ҳарбий комиссарлиги (ММҲК), Заҳирадаги Армия ва бошқа таъминловчи ҳарбий қисмлар мавжуд эди. Умуман олганда, Туркфронт тузилишида Самара, Қозон, Пенза, Симбирск ва бошқа Волгабўйи губернияларидаги кўнгиллилар катта роль ўйнаган⁵.

¹ Интернациональное единство трудящихся в защите завоеваний Октября в Средней Азии. Т.: ФАН, 1988. С. 60; НА РТ, ф. 592, оп. 2, д. 522, л. 150.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 1193-иш, 12-варақ.

³ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 69 л. 9; Коммуна (Самара), 15 марта; 26 сентября, 1919 г.

⁴ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 252, л. 7.

⁵ РГАСПИ, ф. 17, оп. 1, д. 100, л. 5; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 197, л. 137, л. л.

Туркфронт раҳбарияти ўзининг командир ва сиёсий ходимлари-ни шакллантиришида, асосан, Қозон ва Самара губернияларидаги кадрларга таянган. Айнан юқорида қайд этилган губернияларнинг масъул ходимлари Туркистон frontiдаги командир ва сиёсий ходимлар ўзагини ташкил қилган. Айниқса, бу борада партия ходимлари сафарбарлиги катта роль ўйнаган. Масалан, Самара губкоми 1919 йил сентябрь-октябрь ойларида Туркфронт таркибига Е. Клименко, Сергеев, Сокольский, И. Трайнин, Нефедов, Ромачиев, Шершелев, Моисеев, Хмельницкий, Каманов, Сантин, Карпенко, Долгов, Котылов, Гарбер, Кузнецов, Сулаймонов, Шамасов ва кўплаб бошқаларни юборган эди¹.

Марказ Туркфронт таркибига мумкин қадар кўпроқ Туркистоннинг маҳаллий халқларининг тили ва динига муштарак бўлган Волгабўйи, Уралолди худудларидан татар ва бошқирларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Масалан, 1919 йил 8 декабрида Туркфронт сиёсий бўлими Симбирск губкомига мурожаат қилиб, Туркистонга кетаётган ҳарбий қўшинлар таркибига сиёсий ходим сифатида фаолият кўрсатиш учун мусулмон ходимлар юборишни сўраган. Натижада, Симбирск губкомидан 1919-1920 йилларда кўплаб татар миллатига мансуб кишилар Туркфронт ихтиёрига юборилган². Ҳатто ушбу масала юзасидан РКП(б) МҚ 1920 йил августида махсус қарор қабул қилиб, Туркистондаги ҳарбий қисмларни татарлар ҳисобига тўлдириш учун сафарбарлик эълон қилишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Шу муносабат билан Волгабўйи, Уралолди губернияларидан Туркистондаги ҳарбий қисмларда хизмат қилиш учун татарлар сафарбарлиги бошланиб кетган³. Масалан, РКП(б) МҚнинг татар «қўнгиллилари»ни сафарбарлиги бўйича юборган телеграммаси асосида Симбирск губкоми ҳамма партия ташкилотларига йўриқнома хати юбориб, унда жумладан шундай дейилган: «МҚ [РКП(б)] томонидан 15277-сонли юборилган телеграмма асосида губком Туркистондаги татар ҳарбий қисмларини кучайтириш учун ...беш фоиш

136-137, 197; Зиновьев В.Ф. Опыт коммунистической партии по интернациональному и патриотическому воспитанию воинов в период гражданской войны 1918-1920 гг. (По материалам Запасной Армии Республики) Автореферат канд. ист. наук. Казань, 1974. С. 18; История Татарской АССР, Т. 2. Казань: Таткнигоиздат, 1960. С. 122; Боевой путь Первой революционной армии Восточного и Туркестанского фронтов (июнь 1918-февраль 1921 гг.) Сборник документов и материалов. Ашхабад, Ўлым, 1972. С. 4.

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 33, л. л. 51, 315; д. 35, л. 34; д. 37, л. л. 55, 59-61, д. 69; л. л. 105, 222; д. 74, л. л. 69, 71; д. 105, л. л. 110, об. 136, 164; д. 143, л. 16 об.

² ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 137, л. 107.

³ Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 290, л. 147.

атрофида мусулмон «кўнгиллилари»ни сафарбар қилсин. Ушбу телеграмма етиб бориши билан шошилинч тарзда сафарбарликка киришилсин...»¹.

Туркфронт раҳбарияти Туркистонга келгандан кейин ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан ҳарбий-сиёсий йўналишдаги муносабатларни давом эттирган. Масалан, 1919 йил охирида Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши Тошкентдан Самара губернияси раҳбариятига мурожаат қилиб, ўз таркибига «камида ўнта ташкилотчи, яъни Комаров, Родионов, Шафранский, Болотин... Ферапонтов, Любимов, Харитонов... Солодилов, Точов, Губаревичларни ва ...бир нечта яхши иш юритувчиларни юборишни» сўраган². Туркфронт таркибини тўлдириб боришда Самара губернияси ҳам 1921-1922 йилларда ўз ҳарбий-сиёсий ходимлари ва ҳарбий қуроллари, ўқ-дорилари ҳамда кийимлар билан таъминлашда фаол қатнашган. Масалан, 1923 йил июнида Волгабўйи ҳарбий округидан 600 киши Туркфронт таркибидаги ҳарбий қисмларни тўлдириш учун юборилган эди. Ана шу сафарбар қилинганлар қаторидан К.Д. Суворов, П.И. Соколов, Г.В. Герасимов, П.М. Миронов ва бошқалар ўрин олган³.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари Туркистонда миллий ҳарбий қисмларни тузишда ҳам муҳим роль ўйнаган. Айниқса, бу борада ШХКТ МБ ва ММХК катта роль ўйнаган. 1919 йил кузида ШХКТ МБ ва ММХК раҳбарияти томонидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги губерниялар раҳбариятига, мавжуд ҳарбий фронтлар сиёсий бўлимларига телеграммалар юбориб, унда Туркистоннинг ерли халқлари тилини тушунадиган турли ҳарбий мутахассисларни Тошкентга юбориш учун тайёргарликка Қозонга сафарбар қилишлари сўралган. Масалан, шундай телеграммаларнинг бирида «Зудлик билан Туркистонда сиёсий комиссар, тарғиботчи, лектор, ўқитувчи бўлиб ишлашни хоҳлайдиган ҳамма мусулмон сиёсий ходимлар сонини аниқланг ва улар тўғрисидаги маълумотни ММХК сиёсий бўлимига ва нусхасини ШХКТ МБ га юборинг»⁴ дейилади. Чунки татар ҳарбий-сиёсий мутахассислардан Туркистонда фойдаланиш катта аҳамият касб этган. Улар русийзабон ҳарбийлардан фарқли ўлароқ, Туркистоннинг ерли халқлари тилини яхши тушунганлар⁵.

¹ ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 137, л. 104.

² РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 30, л. 2; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 261, л. л. 754-756.

³ СОГАСПИ, ф. 1 оп. 1, д. 969, л. л. 102-103; д. 472, л. 163; д. 970, л. 114; д. 1276, л. л. 28, 40-41, 162.

⁴ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 44, л. 46; Қаранг: ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 244-иш, 27-варақ.

⁵ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 86, л. 37.

Архив манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, Қозонда жойлашган ММХК Туркистонда тузилаётган миллий ҳарбий қисмлар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Айнан ММХК Туркистоннинг ҳарбий қисмларини сиёсий ходимлар, командирлар, ҳарбий йўриқчилар ва тегишли адабиётлар билан таъминлашда катта ёрдам берган. Масалан, 1920 йил 24 мартда ММХК сиёсий бўлими бошлиғи Ш. Усмонов Туркфронтининг Еттисув полкига юборган телеграммасида «...қандай ходимлардан етишмайди» дейди ва бу тўғрисида зудлик билан ММХК сиёсий бўлимига хабар беришларини сўрайди¹. Ўз навбатида ММХК учун кадрлар, асосан, Қозон губерниясидан етказиб берилган. Чунки татарлардан сиёсий ходимларни, асосан, Қозон губкоми томонидан сафарбар қилинганлар ҳисобига тўлдириб борилган. Масалан, фақатгина 1920 йил сентябрида Туркистондаги мусулмон ҳарбий қисмларига Қозондан 87 та татар сиёсий ходимлари сафарбар қилинган эди².

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга сафарбар қилинган ҳарбийлар орасида қозонлик Ш.Х. Зайляев ҳам бор эди. У 1920 йили Қозондаги ҳарбий командирлик курсини тугатгандан кейин Туркистонга юборилган. Ш.Х. Зайляев дастлаб Самарқандда ва кейин Бухородаги Шарқий-мусулмон ротасида командир сифатида ерли аҳоли қизил армиячиларига ҳарбий маҳоратдан сабоқ берди. Кейинчалик 1924 йилгача Шаҳрисабз шаҳрида, Кармана ва Эски Бухорода полк штаби бошлиғи ва ҳарбий бошлиқ тариқасида фаолият кўрсатган. 1924 йил октябридан эса Эски Бухорода БХСР армияси штабида адабий таржимон бўлиб хизмат қилган³. Қозондаги ҳарбий-сиёсий курсни тугатган С. Гибадуллин ҳам 1920 йили Туркистонда тузилаётган миллий ҳарбий қисмларга юборилган. У дастлаб Қизил-Арвот, Полторацк, Самарқанд шаҳарларида тегишли тарзда батальон, эскадрон, полкларда ҳарбий комиссар бўлиб хизмат қилди. 1922 йил февралдан эса Самарқанддаги миллий ҳарбий қисмда йўриқчи бўлиб хизмат қилди⁴. Туркистондаги миллий ҳарбий қисмларга Қозондан юборилганлар қаторида Ф. Зокиров, Ф.З. Сагитовлар⁵ ҳамда

¹ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 109; Қаранг: РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 45, л. 223.

² Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 242, л. л. 146, 205; д. 251, л. 99; НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 318, л. 39; Рафиков М. От Волги до Тянь-Шаня. Казань: Таткнигоиздат, 1976. С. 142.

³ ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 602-иш, 117-118-варақ.

⁴ ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^А -рўйхат, 355-иш, 41-варақ ва орқаси.

⁵ ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 602-иш, 54-варақ ва орқаси; 60-фонд, 1-рўйхат, 2568-иш, 204-205-варақлар ва орқаси.

1920 йил май ойида ММХК томонидан биринчи Ўзбек бригада-си ихтиёрига юборилган Х.Галеев ва кўплаб бошқалар бор эди¹.

Туркистондаги миллий қисмларга ҳарбий кадрлар тайёрлашда Оренбургдан Тошкентга эвакуация қилинган ҳарбий йўриқчилар мактабининг ҳам роли катта бўлган. 1918-1920 йилларда Туркистондаги ҳарбий курс ва мактаблар учун 40 мингта командирлар тайёрланган эди².

Туркистондаги ҳарбий қисмларда татарлар сони ва таъсир даражасига кўра жуда чуқур илдиз отишга улгурганлиги тўғрисида М. Султан-Галиев 1921 йил декабрида шундай деб ёзади: «...Шарқий ва Туркистон фронтларида татар аскарлари умумий таркибининг ярмидан кўпини ташкил қилади, айрим жойларда улар 70-75 фоизгача боради... Ҳар бир татар қисмлари ўз тарихига эга... Биргина Қозоннинг алоҳида заҳирадаги батальони 70 тадан ортиқ ротани Туркистон фронтига етказиб берган»³. Ҳақиқатан ҳам Марказ татарлар орқали Туркистонда ўз ҳарбий стратегияларини мустақамлашга эришган. Тарихий ҳақиқат шуки, татарларнинг ўзлари ва айниқса, уларнинг М. Султан-Галиевга ўхшаган раҳнамолари татарларни Шарқда инқилоб ёйишда муҳим роль ўйнашига, туркий халқлар ҳам озодликка чиқишига, миллий камситишга барҳам берилишига, миллатлар ўз тақдирини ўзлари ҳал қилишига ишонганлар ва шунинг учун ҳам жонкуярлик билан инқилоб гояларини тарқалишида ўз «ҳисса»ларини кўшганлар⁴. Волгабўйи, Уралолди ва Туркистон ҳудудлари ўртасидаги ҳарбий алоқаларда бошқа йўналишлар ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Аmmo ҳар қандай ҳолатда ҳам Туркистондаги барча ҳарбий қисмларни Россиядан келаётган ҳарбий мутахассислар билан таъминлашнинг иложи йўқ эди. Бунинг устига ҳамма келаётганлар ҳам ерли халқларнинг тилини, урф-одатини яхши билмасди. Бу эса маълум бир қийинчиликлар туғдирарди. Шу сабабдан, Тошкентда мусулмонлардан командирлар тайёрлайдиган курс очишга қарор қилинган. 1920 йил 1 апрелдан ушбу курс ўқув дастурига ўзбек тилини ўрганиш мажбурий қилиб қўйилди. Натижада, курсда ўқийдиган туркман, қирғиз, тожик, қозоқ ва бошқалар ўзбек тилини ўрганиши шарт бўлиб қолди. Боз устига, ўқув қуроллари ўзбек тилида йўқ эди. Мавжуд рус тилидаги ҳарбий-сиёсий

¹ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 61, л. 171.

² Климов С. Военно-организаторская деятельность коммунистической партии в Средней Азии (1917-1924гг.). Т.: Ўзбекистон, 1987. С. 34-35.

³ Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды. Казань: Гасыр. 1998. С. 360.

⁴ Мирсаид Султан-Галиев. Кўрсатилган асар. С. 207-208, 215-224, 357-360, 368-373.

ва тактикага оид ўқув қуролларини ўзбек тилига таржима қилин-
гандан кейин, уларни чоп этиш муаммоси туғилди. Шу муноса-
бат билан Тошкент пиёда командирлари тайёрлаш мактаби раҳ-
барияти 1920 йил октябрида ШХКТ МБга мурожаат қилиб, Тур-
кистондаги босмахоналарда ўзбек тилига таржима қилинган ҳарбий
ўқув қуролларини чоп этишга мусулмон шрифти¹ йўқлиги ва
шу сабабдан ҳарбий-ўқув юртидан сафарбар қилинаётган Қози-
евга бирорта босмахонада чоп этишда ёрдам беришларини сўра-
ган². Ўз навбатида, ШХКТ МБ Қозон губкоми ва губерния дав-
лат халқ ҳужалигидан Туркистондан сафарбар қилинган «Қози-
евга ўқув қуролларини тезлик билан Қозон шаҳри
босмахоналарида чоп этилишида кўмак беришини» сўраган ва бу
илтимос 1920 йил ноябрида бажарилган³.

Туркистонда тайёрланаётган тайёрлов курсидаги кадрлар мил-
лий ҳарбий қисмлардаги талабни тўлақонли қондира олмасди.
Шунинг учун ҳам 1920 йил 3 августида РСФСР Бош қўмондони
ва ММХКдан Туркфронт ихтиёрига Қозон ва Москвадаги му-
сулмон ҳарбий курслардан умумий ҳисобга 350 та зобит юбори-
лишини сўрайди⁴.

Россияда ва хусусан Туркистонда тузилаётган миллий ҳарбий
қисмлар сони кўпайиши туфайли жойларда ҳарбий мутахассис-
лар етишмасди. Шу муносабат билан ММХК ташаббуси билан
Қозонда туркий халқлар учун отлиқ аскар ва пиёдаларга коман-
дирлар тайёрлаш курси очилган эди. Туркфронт билан Қозондаги
ҳарбий командирлар тайёрлаш курси ўртасида ушбу йўналишда
ҳам ҳамкорлик алоқалари амалга ошириб борилган. Масалан,
ММХКдан Туркфронт штабига юборилган хабарлардан бирида
«зудлик билан унинг ихтиёрига ҳамма тегишли аскарларни ко-
мандирлик курси»га жўнатиш талаб қилинган⁵. 1921 йил мартада
Туркистондан юборилган 35 киши Қозондаги командирлар тай-
ёрлаш курсини тугатиб, яна Тошкентга қайтганлар⁶.

1921 йили Қозондаги сиёсий командирлар курсида Туркистон
ва Қозогистондан келиб ўқийдиган миллий кадрлар учун 100 та
ўрин ажратилган эди. Шунингдек, Қозондаги ҳарбий командир-
лик-сиёсий курсларида Бухоро ва Хоразм республикаларидан
келган кадрлар ҳам ўқиганлар. Ушбу курсдаги Волгабўйи, Урал-

¹ Мусулмон шрифти тўғрисида 4-бобга қаранг.

² РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 30, л. 89; д. 55, л. 57.

³ Ўша жойда, л. 57.

⁴ Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средний Азии и
Казахстане. Сборник документов. Т. 2. Алма-Ата, Наука, 1964. С. 514.

⁵ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 132, л. 418.

⁶ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 613, л. 41.

олди ҳудудларидан бўлмиш татар ва бошқирдларнинг маълум бир қисми БХСР ва ХХСР раҳбарияти илтимосига кўра, жойлардаги ҳарбий қисмларга юбориб турилган. Масалан, 1921 йил БХСР ва ХХСРдаги ҳарбий қисмларда ҳамда аҳоли ўртасида ишлаш учун сиёсий ходимлар етишмасди. Шу муносабат билан БХСР сиёсий бошқармаси бошлиғи марказдаги сиёсий ҳамда ҳарбий раҳбариятдан «Бухоро ва Хива учун камида 40-50 та мусулмон ходимлар юборишни» сўраган¹.

РКП(б) МК Туркистонда сиёсий ходимлар большевиклар манфаати йўлида фаолият кўрсатишини ҳисобга олиб, тегишли, ғоявий мустаҳкам миллий кадрлар билан тайинлаш «ғамхўрлиги»ни ўз зиммаларига олганлар. Шу муносабат билан ТКП МК, БКП МК, ХКП МКга 1921 йил мартада берилган хабарда туркий халқлар учун совет командири ва комиссарлари тайёрлаш курслари очилганлиги тўғрисида маълумотлар етказилган². Туркистон миллий ҳарбий қисмлари учун Қозонда командир, сиёсий кадрлар тайёрлаш ишлари кейинги йилларда ҳам давом этган. Масалан, 1923 йили Қозондаги Турк ҳарбий-сиёсий мактабида Туркистон учун яна қўшимча 10 та ўрин ажратилган эди³. 1924 йили Фарғонадан А. Султонов ва Холиқовлар ҳам Қозондаги ҳарбий-сиёсий курсларга ўқишга юборилган эди⁴.

Шундай қилиб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги губерниялар Туркистонда миллий ҳарбий қисмларни шакллантиришда катта роль ўйнаганлар. Туркистонга юборилаётган ҳарбий мутахассислар таркибида биринчи жаҳон уруши туфайли Россияда яшаётган чет элликлар ҳам бор эди⁵.

Туркистонни Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан ҳарбий-сиёсий йўналишдаги муносабатларида 1919 йил 24 мартада, асосан, Қозон, Самара, Симбирск ва бошқа Волгабўйи, Уралолди губернияларидаги татарларни ўз ичига олган биринчи алоҳида Волгабўйи татар ўқчи бригадаси⁶ ҳам алоҳида ўрин тутди. Татар бригадасини сиёсий бўлимини шаклланишида ММХК ҳам катта роль ўйнаган⁷. Татар бригадасида ҳарбий командирлик, сиёсий

¹ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 25, л. 162.

² Ўша жойда, ф. 17, оп. 65, д. 612, л. л. 67-69.

³ Ўша жойда, оп. 61, д. 111, л. 30.

⁴ ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 1505-фонд, 2-рўйхат, 102-иш, 34-35, 43-варақлар.

⁵ Қаранг: РГАСПИ, ф. 17, оп. 61, д. 111, л. 30; ф. 122, оп. 1, д. 284, л. 1; СОГАС-ПИ, ф. 1, оп. 1, д. 38, л. 48; ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 327-иш, 30-варақ ва орқаси.

⁶ Бундан кейин Татар бригадаси деб юритамиз.

⁷ ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 218, л. л. 100, 115, 139, 226, 229, 232-233, 240; д. 242, л. 283.

комиссар лавозимларида Ю.И. Иброҳимов, Ш.Х. Усмонов, Б.Д. Белоусов, Я.Д. Чанышев, А.А. Тальковский, Фахрутдинов, Хакимов, Н. Еникеев, Х. Шайхутдинов, Н. Унанов, А. Хаиров, А.В. Алимбеков, Г. Галанц, М. Романов, Х. Мавлютов, А. Хиссеев, С. Мусин, А. Содиқов, И. Султонов, А. Юсупов, Г. Мустафин, В. Бурнашев, Г. Қосимовлар фаолият кўрсатган ва бригаданинг шахсий таркиби дастлаб 11400 кишини¹ ташкил қилган эди².

Татар бригадасида хизмат қилишга 1919 йил апрель-май ойларидан Қозон губкомидан Г. Вагапов, К. Саттаров, Айтуганов, Б. Зиганшин, С. Мусин, Г. Қосимов, М. Шайхо, С. Ахтямов, И. Зайнутдинов ва бошқалар сафарбар қилинган эди³. 1919 йил 12 майгача қизил армия ва шунингдек, Татар бригадасини ташкил топишида мавжуд маълумотларга кўра, Қозон губкомининг мусулмон секцияси ўз аъзоларидан 90 фоизини сафарбар қилган эди⁴.

Татар бригадасини ташкил топиши ва унинг Туркистондаги «тарихий» вазифаси Қозон, Самара, Симбирск ҳамда бошқа губерниялардаги партия анжуманларида алоҳида кўриб чиқилиб, «татарлар шарқда инқилоб байроғини баланд кўтаришда», эзилган Туркистон халқларига «байналмилал ёрдам» беришда фаоллик кўрсатадилар, деб ишонч билдирадилар⁵.

Туркистондаги шарт-шароитни ва маҳаллий аҳоли турмуш тарзини яхши билган Туркфронт кўмондони М.В. Фрунзе ва Турккомиссия аъзолари Татар бригадасидан Фарғона вилоятидаги совет ҳокимиятига қарши курали қаршилиқ ҳаракатини сўндиришда фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топди. Татар бригадасини Туркистонга юборишдан мақсад, нафақат ҳарбий, балки «сиёсий аҳамиятга», яъни Туркистон ўлкасидаги аҳоли ўртасида «...совет ҳокимияти ғояларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш эди»⁶. Шунинг учун ҳам Татар бригадаси 1920 йил бошларидан Андижон уездида жойлашиб, аҳоли ўртасида совет ҳокимиятини тарғиботи ва унинг ҳимоясида фаол қатнашди. Умуман Марказ, Турк-

¹ Бошқа бир манбада Татар бригадаси шахсий таркибини 14000 киши деб қайд этилган. Қаранг: Ваумирза Навит. «Basmacilar» Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934). Ankara, 1997. В. 101.

² Қаранг: Летопись борьбы и свершений. Книга I, 1883-1937. Казань: Таткнигоиздат, 1985. С. 188-189.

³ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 14, л. 62 об.

⁴ Ўша жойда; ЦГА ИПДРТ, ф. 30, оп. 3, д. 649, л. л. 66-67; Сагайдак А. Глазами памяти. Казань: Таткнигоиздат, 1988. С. 50; Чанышев Я.Д. Воспомяная былые походы. Казань: Таткнигоиздат, 1973. С. 9.

⁵ Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, л. 88^а, л. л. 11, 129-130; ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 116, л. 7.

⁶ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 252, л. 7.

фронт раҳбарияти Татар бригадасининг турли йўналишлардаги, хусусан ҳарбий, сиёсий фаолияти орқали Фарғона вилоятидаги совет ҳокимиятига қарши ҳаракатни сўндириш йўлида маълум бир муваффақиятларга ҳам эришдилар. Маҳаллий аҳоли томонидан тили ва диний эътиқоди муштарак бўлган Татар бригадаси ҳарбийларига катта ишонч билан қаралган. Боз устига дастлабки пайтларда айрим қўрбошилар ҳам Татар бригадасига ишонч билан қараганлар. Масалан, Маҳкам-ҳожидан унинг укаси Акбар, Али, Хол-ҳожилар ҳам Татар бригадасига «ишониб» «совет ҳокимияти» гомонига ўтганлар¹. Кўриниб турибдики, Россия манфаатларига хизмат қилган Татар бригадаси Туркистон билан ҳарбий-сиёсий муносабатларда, ўз пайтида, муҳим ўрин тутган. Масалан, 1920 йил апрелида Татар бригадаси ҳарбий раҳбарияти Қозондан Андижонга яна 3500-4000 ёш ҳарбийларни ва 80 та ҳарбий-сиёсий татар ходимларини сўраган². Ўз навбатида ММХК 1920 йил майида Заволжск ҳарбий округидан Туркфронт армия қисмларини тўлдириш учун 5000 тача татарларни сафарбар қилишни сўраган. Аммо энди, мустақиллик шарофати туфайли, Татар бригадаси фаолиятига тарихий, ҳолисона ёндашиш вақти келди. Тадқиқотчилар томонидан ушбу мураккаб жараён ўрганилиши керак. Чунки ҳозирги давр Туркистонга юборилган Татар бригадасининг ҳарбий-сиёсий фаолиятига оид мавжуд архив манбалари, эсдаликлар, илмий тадқиқотлар, адабиётлар миллий истиқлолимиз нуқтаи назаридан қайтадан ўрганишни ва ўз ҳолисона талқинларига эга бўлишни тақазо қилади.

Туркистонда татар ва бошқирларни ҳарбий-сиёсий фаолиятларини ўрганиш давомида большевиклар томонидан қанчалик устамонлик билан иш юритилгани кўзга ташланади. Марказ Шарқни «инқилоблаштириш» йўлида татар-бошқирлардан «унумли» фойдаланишга эришган. Натижада татар ва бошқирларнинг ўзлари ҳам «адолатли» жамиятдан кўп аб азоб чекканлар. Аммо шундай бўлмаслиги учун ўз пайтида туркий халқларни мустабид совет тузумига қарши биргаликда курашга чорлаган З.В. Тўғоннинг фаолияти эътиборга лойиқ. У ҳали совет ҳокимияти жойларда мустақкам ўз ўрнига эга бўлишига улгурмасидан, 1918 йил 1 июнида Бошқирдистон ҳукумати раҳбари ўринбосари, ҳукуматнинг ҳарбий ва ички ишлари бўйича масъули сифатида бошқирд халқига қилган мурожаатида большевиклар билан курашишга,

¹ Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 30, оп. 3, д. 382 А: Личное дело Ю.И. Ибрагимова; Чанышев Я.Д. Вспоминая былые походы. Казань: Таткнигоиздат, 1973. С. 25-26. Известия (ТуркЦИК), 27 февраля 1920 г.

² РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 57, л. 217; д. 92, л. 19 об.

ўз ери, дини ва мухториятини ҳимояси йўлида қуролланишга ҳамда бошқирдларни бу йўлда Туркистоннинг мусулмон халқлари билан бирлашиб фаолият кўрсатишга чақирган эди¹. Аммо бундай чақирик ва мурожаатлар Волгабўйи, Уралолди ва Туркистон халқларини бирлашган ҳолда большевикларга қарши фаолият кўрсатишига имкон бермади. Татар ва бошқирдларнинг Туркистон халқлари билан ҳарбий-сиёсий алоқалари большевиклар манфаатига бўйсундирилди. Оқибатда большевиклар мустабид тузумни мустаҳкамлаб, узоқ йиллар туркий халқлар ҳамкорлигига барҳам беришга эришдилар.

Шундай қилиб, Туркистонни Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан ижтимоий-сиёсий, ҳарбий муносабатлари ҳамма вақт ҳам совет тарихшунослигида қайд этилгандек, байналмилал тарзда бўлавермаган. Аммо партия ва совет ходимлари билан «таъминлаш» ва ҳарбий-сиёсий муносабатлар ҳамма вақт Марказ манфаатлари асосида олиб борилган. Бу эса яна бир бор ўзаро муносабатлар тарихига янги талқин асосида ёндашишни талаб қилади.

Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий муносабатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия ҳамма йўналишлардаги муаммо счимида ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашган. Хусусан, Туркистондаги очарчиликка барҳам беришдаги ёрдамлар замирида ҳам Россия тўқимачилик саноатини таъминлаш манфаати асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, Туркистоннинг қорақўл териси, мевалари ҳам Россия аҳолисини таъминлашда асосий база бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Туркистонни кадрлар билан таъминлаш ҳам аслида Россия манфаатларига мослаштирилган. 1920 йил иккинчи ярмидан кейинги «таъминот»лар эса Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидаги очарчиликдан Туркистонда паноҳ топишга қаратилган эди. Россияда озиқ-овқат тақчиллигидан қочиб, Туркистонга келганлар маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиб-олмай, зўравонликка асосланган, ерли аҳоли анъаналарига мос келмайдиган иқтисодий сиёсат юргизишга, таргибот-ташвиқот ишлари олиб боришга эришганлар. Ўзаро ҳарбий-сиёсий муносабатларда Туркистонда вужудга келган қаршилиқ ҳаракатини бостиришда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ҳарбий қисмлардан, татар ва бошқирдлардан амалиётда унумли фойдаланганлар.

¹ Ахметзаки Валиди Тоған. Несочтите за пророчество... (Письма, обращения, выступления). Уфа, Китап, 1998; Байкара Гунджер. Заки Валиди Тоған. Уфа, Китап, 1998. С. 113.

III боб. ВОЛГАБҮЙИ, УРАЛОЛДИ ХУДУДЛАРИДАГИ ОЧАРЧИЛИКНИ БАРГАРАФ ЭТИШДА ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁРДАМИ

3.1. ОЧЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТУРКИСТОН КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ

Шўроларни Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги кундан-кунга ўз қамровини кенгайтириб, аҳолининг борган сари кўп қисмини ўз домига тортаётган очарчилик даҳшати хавотирга солмасдан қўймасди. Кун тартибида нима қилиб бўлса ҳам очарчилик гирдобига тортилаётганларни қутқариш деган масала турар эди. Бу вазифани бажаришда Россиядаги раҳбарият қурғоқчиликни бошидан ўтказаётган Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги аҳоли учун Сибир, Украина ва Туркистон ҳудудларидан фойданишни мақсадга мувофиқ деб топди. Шу муносабат билан БМИҚ ҳайъати 1921 йил 12 июлида РСФСР фуқароларига қилган дастлабки мурожаатида «...Астрахань, Царицин (ҳозирги Волгоград), Саратов, Самара, Симбирск, Уфа губерниялари ҳамда Татаристон республикаси, Чуваш вилояти, Вятск губерниясининг тўртта жанубий уездлари қурғоқчилик оқибатида ҳеч қандай ҳосилга эга эмас. Юқоридаги ҳудудларда 10 миллиондан кам бўлмаган аҳоли кейинги ҳосилгача етиб боролмайди. Аҳоли очарчиликка учради. Россия аҳолисининг ҳар бир фуқороси аҳволни жуда жиддий эканлигини тушунсин ва шу ҳолатдан қутилиш ҳаракатида бўлсин» дейилади¹.

Совет ҳокимияти раҳбариятининг мурожаатини Туркистонда ҳам олдилар. Лекин совет ҳокимияти раҳбарияти қуруқ мурожаатнинг ўзи одамларни инсонпарварлик, хайрихоҳликка ундагунча, дастлабки пайтда жанговар топшириқ беришни мақсадга мувофиқ деб топган. Шунинг учун бўлса керак, айнан ўша БМИҚ мурожаати юборилган 1921 йил 12 июль куни большевиклар етакчиси Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарига ва Туркистон МИҚ ҳамда Туркбюрога телеграмма юбориб, унда «...озиқ-овқат танг-

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1452-иш, 2-варақ.

лигини тез фурсатда юмшатиш зарурлиги сабабли сиёсий аҳамиятга эга бўлган жанговар жадаллик билан Москвага... икки юз эллик минг пуд галла юбориш»ни сўрайди. Шунингдек, телеграммада «Туркистон республикасида ҳосил яхши бўлганлиги юқорида кўрсатилган миқдордаги галлани тезроқ юборишга имкон беради» дейилади¹. Бундан чиқдики, «дохий» ҳам Туркистондаги иқтисодий аҳволдан яхши хабардор бўлмаган ёки хабардор бўлганда ҳам Марказни таъминлаш чекка ўлкадагиларнинг бурчи, деб қараган. Ҳолбуки, Туркистон халқининг ўзи ҳали очарчиликдан тўла-тўқис кутулиб, қаддини ростлаб олишга ҳам улгуриб-улгурмаган эди. Бунинг устига «ҳарбий коммунизм» сиёсати ҳам Туркистон халқ хўжалигини издан чиқаришга улгурган эди. Туркистонда 1921 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1914 йилга нисбатан 48,8 фоизга, чорва моллари эса 1920 йилга нисбатан уч баравардан зиёдроққа қисқариб кетган эди. Агар 1915 йилда 24 млн. чорва моли бўлган бўлса, уларнинг сони 1920 йилда 8.112 минг бошга тушиб қолган ва 1921 йилда бу жараён яна ҳам кучайган эди². Туркистон озиқ-овқат ва ер ишлари комиссарлигининг маълумотида ўлка аҳолиси 1915 йил ҳисобига кўра 6 млн. 252869 киши бўлганини ва 1917-1918 йиллардаги очарчилик, «инқилобий» ҳаракатлардан кейинги ҳисобларга қараганда 1921 йил 23 июлда РСФСР ХККга берган маълумотига қараганда 5 млн. 658416 киши борлигини қайд этади ҳамда 1915-1920 йиллардаги галлага бўлган эҳтиёжни қуйидаги тарзда келтиради:³

2-жадвал

Вилоятлар	Галланинг етишмаслиги (-) ва ортиқчалиги (+) минг пуд ҳисобида				
	1915 й.	1916 й.	1917 й.	1918 й.	1920 й.
Сирдарё	+649	-9882	-25245	-16585	+4098
Амударё	-1180	-2406	-2986	-1551	+2260
Самарқанд	+10524	+4760	-6010	-7261	+5794
Фарғона	-15657	-12045	-13443	-18946	+84
Каспийорти	-6465	-2967	-9750	-	+1389
Етгисув	-	-	-	-	-
Етгисувдан ташқари ҳаммаси бўлиб	-12129	-22540	-57434	-44243	+9105

¹ Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Т.: Ўзбекистон, 1984, 604-бет.

² Қаранг: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... 180-бет.

³ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 105-варақ.

Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги РСФСР ХКК раисига 1921 йил 23 июлида «зудлик» белгиси остида берган маълумотида «Федерация марказида Туркистон республикасидаги бу йилги ҳосил мўл-қўллиги ва унинг озиқ-овқат маҳсулотларидан имкони кенглиги тўғрисида бўрттириб кўрсатилган» дейилади¹ ва ғалла маҳсулотларини экилиши ҳамда тахминий олинадиган ҳосил тўғрисида қуйидагиларни келтиради: (3-жадвал).

Берилган маълумотда Туркистон республикасининг ўзида ҳам ортиқча ғалла жуда кўп эмаслигини билдирилиб, ўлка деҳқонлари ғаллага қишлоқ хўжалик ускуналари, кундалик эҳтиёж моллари алмаштириши мумкинлигини, камида 500 мингта омов, 200 мингта кетмон кераклиги ҳам қайд этилган.

Аммо юқоридаги маълумотлар «доҳий» учун аҳамият касб этмаган кўринади... Чунки 1921 йил 27 июль куни у энди янги кўрсатмаларга асосланган телеграммани Туркистон ХККга юборади. Ушбу телеграммада аҳолининг очарчиликка мубтало бўлган қисмидаги аҳвол оғирлигини таъкидлаш билан бирга, ўзининг ўтган йилларда анчагина ғалла заҳирасини Туркистон учун берган (1917-1919 йилларни назарда тутиляпти — Р.А.) губерниялардаги деҳқонлар очлиги ҳам таъкидланади.

3-жадвал.

**Нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини
1921 йилда экилгани ва кўзда тутилган ҳосил.²**

Вилоятлар	Экилиши керак бўлган майдон	Амалда экилган майдон	Экишнинг бажарилиши % ҳисобига	Ўрта ҳисобда десяти-надан	Кўзда тутилган ҳосил
Сирдарё ва Амударё	741300	495390	69 %	55	27246450
Самарқанд	550000	456500	83 %	43	19629500
Фарғона	529000	340350	64,3 %	60	20421000
Каспийорти	72000	72070	100,1 %	45	3267133
Еттисув	599700	419865	76,4 %	60	25191900
Туркистон республикаси бўйича	2.418500	1784175	73,8 %	52,6	95755983

¹ ЎЗР МДА, Р-29 фонд, 3-рўйхат, 1973-иш, 9-варақ.

² Ўша жойда, 12-13-варақлар.

Шунингдек, ўлкада озиқ-овқат ишини марказий ўринга қўйишни ҳамда «...бу ишга барча совет, касаба уюшмаси ва бошқа ташкилотларнинг диққат-эътибори ва кучини қаратсинлар, озиқ-овқат ташкилотларига мумкин қадар ёрдам қилсинлар»¹ деб қатъий топшириқ беради.

Шуни қайд этиш керакки, БМИҚ кўрсатма бермасидан аввалроқ, ўлкада Россиянинг очарчилик губернияларидаги иқтисодий аҳвол тўғрисида маълум бир хабарларга эга эдилар. Ҳатто расмий жиҳатдан Москвада ва Тошкентда тегишли тарздаги очларга ёрдам кўрсатиш комиссиялари ташкил топишидан аввалроқ ҳам ўлка вилоятларида Россиянинг очарчилик губернияларидаги аҳолига ёрдам бериш масаласи Тошкент, Полторацк ва бошқа шаҳарлардаги ишчилар, аравакашлар, ҳунармандалар томонидан кўтарилган эди. Масалан, 1921 йил июль бошлариданоқ жойларда Россиянинг очарчилик губерниялари аҳолисига озиқ-овқат, кийим-кечак, пул йиғиш компанияси ва мануфактура, иш ҳақларини хайрия қилиш бошланиб кетган эди². Масалан, 1921 йил июлида ўлканинг аравакашлари 5 кунлик иш ҳақларини, яъни 25 млн. рублни, полиграфия ишчи-хизматчилари эса 1,5 млн. рублни, Тошкент темир йўлчилари уч кунлик нон паёкларини очларга ёрдам тариқисида ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар³. Бундан ташқари, 1921 йил июль ойи охирларида Тошкентдан Оренбургга 10 вагон ғалла ва 6 вагон балиқ жўнатишган⁴.

«Халқлар доҳийси» томонидан берилган топшириқни Туркистонда бажармасликнинг иложи йўқ эди. Шу сабабдан, ўша 250 минг пуд ғаллани тайёрлаш жараёнига Туркистондаги ҳамма вилоятларни жалб қилишга киришилди. Марказ эса бу жараёни мумкин қадар тезлаштиришни талаб қиларди. Ўз навбатида, тезлаштириш имконияти чекланганлигидан, Туркистон ХКК раиси Россия озиқ-овқат халқ комиссари ўринбосари Н.П. Брюхановга юборган телеграммасида «Москва Туркистондаги озиқ-овқат захиралари тўғрисида ортиқча маълумотга эга... Бу ерда ҳосил ўртадан юқори эмас» дейди⁵. Аммо Россия раҳбариятини бундай «баҳона»лар қизиқтирмасди. Боз устига, Россиянинг Туркистондаги эмиссарларидан бўлмиш, республика озиқ-овқат халқ комиссари Д. Малютин озиқ-овқат тайёрлаш ва тарқатиш бошқармасига Марказдан берилган тегишли топшириқни жойларда бажариш

¹ Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида... 605-606-бетлар.

² ААП Рес.Туркм., ф. 4, оп. 4, л. 98, л. л. 1-2; Известия (Тошкент) 11 июля 1921г.

³ Известия (Тошкент) 20, 21, 22 июля 1921 г.

⁴ Қаранг: Тарих шохидлиги ва сабоқлари... С. 252.

⁵ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 91-варақ.

бўйича тақсимотни амалга ошириш зарурлиги туфайли «Фарғонага бугдой беришни тўхтатиб, уларни ўз нонини ўзи топишга мажбур қилиб бўлмайдими» деб сўрайди¹.

Марказда БМИҚ раиси М.И. Калинин² раҳбарлигида бўлганидек, 1921 йил 21 июлдаги қарорга мувофиқ, Туркистон МИҚ қошида ҳам «Очларга ёрдам бериш марказий комиссияси» (ОЁ МК) ташкил топди. Ушбу комиссиянинг 1921 йил 21 июлдаги қарорига мувофиқ, комиссия аъзолари таркиби Познер раислигида³ Нагаев, Султон Хўжаев, Исеев, Иноятов, Кириш, Слонимлардан иборат деб белгиланди⁴.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўз амалий фаолиятини жойларда ҳам ташкил қилинган очларга ёрдам кўрсатиш комиссияларининг фаолиятига таяниб иш кўрган. Жойларда ташкил топган очларга ёрдам комиссиялари 1921 йил август ойи бошлариданоқ аҳоли ўртасида Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги кулфат даражаси ва бунга маҳаллий аҳоли томонидан кўмак бериш зарурлиги оғзаки ҳамда ёзма чақириқлар орқали тушунтириб борилган. Ушбу масала ечимида «Қўшчи» иттифоқини ҳам ҳамкорликда фаолият кўрсатишга чақирилган. Туркистоннинг вилоятларда ташкил топган ОЁ комиссияси фаолиятини кўз олдимизга келтириш учун Фарғона вилоят ОЁ комиссиясининг иш режасини кўриб чиқамиз. Ушбу режада қуйидагилар акс этган:

— Аҳолининг ҳамма қатламига ёрдам бериш зарурати етказилмаса, хайриялар миқдори кўпаймайди... бунинг учун шаҳар ва қишлоқларда оғзаки ҳамда ёзма тарғибот ишларини олиб бориш зарур... Мусулмон аҳолисини оммавий равишда очларга ёрдам ишига жалб қилиш керак;

— Қишлоқларда очларга ёрдам ишлари бўйича тарғибот ишларини юргизиш учун ҳамма масъул ходимларни, хусусан озиқ-овқат ишлари билан шуғулланувчиларни жалб этиш зарур. Жойлар-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 96-варақ ва орқаси; Қаранг: ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 670-иш, 30-31, 37-варақлар.

² Айрим адабиётларда Россияда БМИҚ қошидаги очларга ёрдам бериш комиссиясига С.С. Каменев бошчилик қилган деб ноаниқликка йўл қўйилади. Қаранг: Leggett G. The СНЕКА: Lenin's political police. М.: Clarendon press-Oxford, 1986. Р. 290-292.

³ Туркистон МИҚ 1921 йил 1 сентябридан ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКга Шараповни раис қилиб тайинлайди. Познер эса коммунистик университетга ишга ўтади.

⁴ ЎзР ПДА, 60 -фонд, 1-рўйхат, 1437-иш, 29, 32, 41-варақлар; ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 287-иш, 18-варақ; 1921 йил 13 ноябридан ушбу комиссияга М. Бретт раислик қила бошлади. Қаранг: ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1452-иш, 37-варақ.

даги халқ орасида тарғибот ишларини олиб бориш учун масъул ходимларни 2-3 кунга аҳоли гавжум ҳудудларга сафарбар қилинсин;

— Уюшмаган ҳолда келганларни, яъни оч-қочқинларни жойлаштириш бўйича ҳамма чоралар кўрилсин. Уезд ОЁ комиссиялари оч-қочқинларни 5-7 кун ичида озиқ-овқат билан таъминлаши ва шу муддат ичида уларни аҳоли хонадонларига жойлаштириш кўзда тутилсин;

— Туркистон МИҚ қарорига мувофиқ, ОЁ комиссияси ходимларини ўзи эгаллаб турган лавозимларидан озод қилмаслик тасдиқлансин. Вилоят ва уезд ОЁ комиссияси аъзолари тегишли тарзда 14 ва 7 кишидан иборат бўлсин¹.

Куйидан юқоригача бўлган комиссия зиммасига озиқ-овқат маҳсулотларини тўплаш, харид қилиш ва очарчилик ҳудудларидагилар учун турли тадбирлар, хусусан хайрия-эҳсон ҳафталиклари уюштириш ҳамда тўпланган нарсаларни ташкилий жиҳатдан Россиянинг очарчилик бўлаётган губернияларига жўнатиш ишлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилган². ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК кўрсатмасига мувофиқ, Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган ҳудудларидан келаётганларни нафақат давлат ташкилотлари, интернатларга, балки посёлка, қишлоқ, овулларга жойлаштириш ва ҳатто бу борада аҳоли хонадонларидан ҳам фойдаланилади. Туркистондаги ҳар бир аҳоли, кимни узрли сабаби бўлмаса, очларни ўз хонадонига жойлаштиришдан бош тортишга ҳаққи йўқ эди. Келтирилган очларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ОЁ маҳаллий комиссияси ва улар жойлаштирилган хўжалик ҳисобидан бўлиши керак эди. ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги комиссияларини маблағ билан таъминлаш давлат ҳисобидан, фуқаролар ва ташкилотлар хайрия-сидан, жамғармалардан ташкил қилинган³.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги маҳаллий комиссиялари аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда, чойхона, гузар, бозорларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик натижасида болалар, аёллар, кексалар жуда қийин аҳволга тушиб қолгани, озиқ-овқат етишмаслиги туфайли одамлар илдизпоя, дарахт пўстлоқларини, қипиқ, кунжара ейишга мажбур бўлаётгани тўғрисида гапириб, меҳр-шафқат туйғуларини уйғотишга, хайрия уюштириш ишларига бош-қош бўлди. Комиссия томонидан жойларда ана шундай тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда озиқ-овқат, кийим-кечак хайрияларини йиғиш учун

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 19-варақ.

² ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1437-иш, 29-варақ.

³ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 415-иш, 3-варақ.

дастлабки кунларданоқ махсус 700 га яқин киши ажратилди. Улар тарғибот-ташвиқот ишларини аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳарлардан ташқари темир йўл станцияларида, алоҳида стол ташкил қилиш ва ҳаракатдаги тарғибот-ташвиқот пунктларини очиш билан ҳам амалга оширишди. Шунингдек, жойларда инсонийлик, хайрихоҳликка, меҳр-мурувватга бағишланган митинглар уюштириш, варақалар, чақириқлар, плакатлар, рўзномалар тарқатиш ишлари билан ҳам шуғулландилар¹.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги комиссиялари олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасини кутишга кўп вақт кетмади. Туркистон аҳолиси Волгабўйи, Уралолди худудларидаги очарчиликка гирифтор бўлганларга мумкин қадар ёрдам беришга хайрихоҳ бўлдилар. ОЁ комиссияси 31 июлда Еттисув вилоятидан 24 вагондан иборат дастлабки маршрут поездини, 1 августда яна 25 вагонни жўнатди. Умуман олганда, 1921 йил август ойида Оренбург, Самара, Қозон, Уфа ва бошқа очарчилик бўлаётган губерниялардаги очлик азобини тортаётган аҳолига ёрдам тариқасида 5 минг пуд ғалла юборилган². 1921 йил 7 августдан 1 сентябргача фақатгина Полторацк (ҳозирги Ашхабод) шаҳридан 5400 пуд ғалла, 2010 кўй, 20 млн. рубль пулни очарчиликка мубтало бўлганларга ёрдам сифатида йиғишга эришдилар. Кушқада эса шу муносабат билан очлар учун 1 млн. 281064 рубль, 107 пуд ғалла, 24 бош кўй йиғилган эди³.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўзига берилган катта ваколатдан келиб чиқиб, республикада ўтказилаётган ҳар бар йиғилиш, анжуман, қурултойлар ўзларининг кун тартибига Россия очларига ёрдам масаласини кўйишини ва очарчилик кечаётган губерниялардаги аҳволни муҳокамасидан кейин тегишли қарорлар қабул қилиш зарурлигини талаб қиларди. Масалан, Самарқанд вилояти VI партия анжуманида Левитас очарчилик азобини тортаётганлар аҳволи ҳақида гапириб, Туркистон республикаси энг қийин дамларда⁴ ҳозирги очарчилик азобини тортаётган Россиянинг марказий губернияларидан 100 вагон ғалла олганини писанда қилиб, уларга ёрдам бериш бурчимиз, деб вилоят аҳолисини хайрихоҳликка чақирди. Самарқанд вилоят ОЁ комиссиясининг ташаббуси билан вилоятдаги ҳар бир раҳбар ходим ўз иш ҳақининг 5 фоизини Россияда очарчилик бартараф бўлгунга қадар ўтказиб

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1646-иш, 2-варақ ва орқаси.

² Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари... 253-бет; ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1646-иш, 1-варақ.

³ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1452-иш, 19, 23-варақлар; ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 166, л. л. 52-53.

⁴ 1917-1919 йиллардаги очарчиликни назарда тутилган.

боришга қарор қилди¹. Айни пайтда Туркистон республикаси тўқимачилари касабга уюшма аъзоларининг қурултойи очлар ҳисобига 5 минг аршин газлама ва ҳар бир касабга уюшма аъзосининг 5 кунлик иш ҳақини хайрия қилишга қарор қилди².

Архив ва матбуот таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамма вақт ҳам воқеалар тафсилоти ҳолислик билан ёритилган деб бўлмайди. Хусусан, Россиядан келаётган товарларни Марказ томонидан «Туркистон халқларига ёрдам» деб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб топилган бўлсада, Туркистондан Россияга юборилаётган товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари одатдаги, кундалик ҳолдек қабул қилинарди. Ва ҳаттоки, айрим марказий архив манбаларида Туркистон аҳолиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари халқларига зудлик билан ёрдамга киришганини қайд этиш билан бирга «... ҳар бир кишига маълумки, Туркистоннинг тақдири буткул совет [Россия] федерациясининг фаровонлиги билан боғлиқ...»,³ — дейилади. Кўриниб турибдики, Марказ нуқтаи назаридан Россияга ёрдам бериш — бу Туркистон учун ўзига хос мажбурий бир ҳолат ёки бурч деб қаралган.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг мажлисларини мунтазам ўтказиб турган. Мажлисларда жойларда фаолият кўрсатаётган ОЁ комиссиялари ва уларнинг фаолиятини кўриб чиқар ва муҳокама-лардан кейин тегишли қарорлар қабул қиларди. Масалан, 1921 йил 7 сентабрда ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг нав-батдаги мажлисини ўтказиб, очарчилик ҳудудларидан келаётганларни рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш, ота-онаси йўқ, қаровсиз ҳолатда келаётган болаларни интернатларга тарқатиш ҳамда уларни кийим-кечак ва оёқ кийимлар билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқди. Шунингдек, ушбу мажлисда Самара губерниясига Туркистон вакилини сафарбар қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундан мақсад, Туркистонга эвакуация қилинаётганлар ва оч-қочқинлар оқими-ни тартибга солиш масалаларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда ёрдам чораларини кўриб чиқиш эди⁴.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан очарчиликка дучор бўлганларга ёрдам тадбирлари турли йўналишларда олиб борилган. Ёрдамлар уюштиришда очарчилик даҳшати ақс этган варақа ва плакатлар ҳамда чақирқиқлар ҳам катта роль ўйнайди. Татаристон, Бошқирдистон, Оренбург, Симбирск, Пенза ва бошқа губерниялардан Туркистонга «Волгабўйи ёрдамга муҳтож», «Очарчи-

¹ Архив ЦПИ КП РТ, ф. 5337, оп. 1, л. 187, л. 19.

² Пролетарий (Самарқанд), 24, 31 июля 1921 г.

³ Государственный архив Российской Федерации (ГАРФ). ф. 1318, оп. 1, л. 185, л. 44.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1436-иш, 41-варақ ва орқаси.

лик даҳшатлари», «Волгабўйи аҳолиси очликдан ўляпти» каби плакатлар юбориларди. Ушбу плакатлар Туркистондаги аҳоли гавжум яшайдиган ҳудудларда ва шунингдек бозорларда, гузар, чойхона ва ташкилотларда раҳм-шафқатга, ҳушёрликка чақирарди¹. Албатта, юборилаётган плакатлар ҳам аҳолини очларга ёрдам бериш иштиғини кучайтирарди. Ўз навбатида, плакатлар учун ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК талаб қилган тегишли маблағни очарчилик губерниялари ҳисобига йиғиб бериларди. Масалан, Самара губерниясидан Туркистонга юборилган плакатлар учун энг камида 300 минг рубль хайрия тариқасида йиғиб берилиши керак эди. Плакат ва варақалар тарқатишдан йиғилган пул ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ҳисобига ўтказиларди. Йиғилган пулларга республика ОЁ МК озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб, Волгабўйи очларига жўнатарди². Бундан ташқари, Татаристон, Бошқирдистон, Самара, Оренбург, Пенза, Саратов каби очлик азобини тортаётган ҳудудлардан Туркистонга тарғибот-ташвиқот адабиётлари, плакатлари, варақалари билан биргаликда махсус сафарбар қилинадиганлар ҳам кўп эди. Масалан, 1921 йил 24 октябрида берилган гувоҳномага кўра, Х. Каримов Татаристон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг махсус вакили сифатида Тошкентга очарчиликка мубтало аҳоли учун ёрдам беришга чақирилган плакат, варақа ва махсус адабиётлар билан келди³.

Очларга ёрдам уюштиришда Туркистон МИҚ ва ХКК, ТКП ҳамда уларнинг тегишли тарздаги вилоят ва уездларда жойлашган ҳокимият вакиллик органлари томонидан қабул қилинган чақириқ ва мурожаатномалар ҳам катта роль ўйнаган. Чунки халққа очарчилик қамрови ва даҳшатини тушунтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Бу борада Туркистон халқига дастлабки мурожаатномани 1921 йил 25 сентябрда Туркистон МИҚ раиси А. Раҳимбоев ва Туркистон ХККнинг раиси Қ. Отабоевлар имзоси билан етказилган эди. Ушбу мурожаатда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги қатор губерния ва мухтор республикаларда қурғоқчилик туфайли ғалла ва ўт-ўланлар деярли куйиб кетгани ва натижада очарчиликка гирифтор минглаб қоқсуяк одамлар ўлаётгани таъкидланади. Мурожаатда «Очарчилик кулфати шунчалик чуқур илдиз отганки, давлат томонидан кўрсатилаётган очларга ёрдам чоралари фақат қисмангина муаммо ечимини юмшатиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат... очарчилик ҳудуди аҳолисини вақтинча ... озиқ-овқат масаласи бўйича анча-мунча яхшироқ имкониятга эга бўлган Украина, Сибирь ва Туркистон-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 733-иш, 109-варақ.

² ААП Рес. Туркм.: ф. Р-94, оп. 1, д. 29, л. 10.

³ НА РТ, ф.Р- 4470, оп. 1, д. 30, л. л. 200, 326.

га кўчириш лозим деб ҳисоблайди. ...Туркистонга келаётганларни қардошларча очиқ чеҳра билан кутиб олиш бурчимиз... уларга ўз уйимиз, жамоат ва давлат хўжаликлари ҳамда ташкилотлари томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак, яшашга жой ажратиш керак. Туркистон МИҚ ва ХКК келаётган очларга ёрдам масаласида ...ҳамма имконият ва маблағларни ишга солишни талаб қилади. Туркистон халқлари бу буюк фалокатни баргараф этишда ҳамдардлик билдирибгина қолмасдан, балки... ёрдам учун моддий ва пул маблағларини ҳам аямайдилар...»¹ дейилади. Мурожаатдан уч кун ўтиб, яъни 1921 йил 28 сентябрда Туркистон МИҚ ва ХКК нинг кўшма мажлиси қарорига кўра, ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК топшириғини ҳамма ташкилотлар ҳамда фуқоролар бажаришлари шарт, деб белгиланди².

1921 йил 30 октябрида ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасига эвакуация ва оч-қочқин тариқасида келаётганларни қабул қилиш, уларни жойларга етиб боргунча ва кейин боқишни республика озиқ-овқат халқ комиссарлиги билан амалга оширишни таъминлаш, очларга маҳаллий аҳоли хонадонлари ва мактаб-интернатлардан бошпана бериш вазифаси юклатилган³.

Эвакуация жараёни ҳамда Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига озиқ-овқат маҳсулотларини ёрдам тариқасида йиғиш муаммолари ушбу комиссияни фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб борди. Бу масала ечимида ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКни маълум миқдорда узлуксиз маблағ билан таъминлаш керак эди. Натижада ушбу масала Туркистон ХККнинг 1921 йил 28 сентябридаги мажлисида кун тартибидан жой олди. Қарорга мувофиқ, ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ҳисобига ҳар бир спектакл, концерт, боғ сайри, хурсандчилик томошаларидан тушадиган маблағнинг 10 фоизини очларга ёрдам солиғи сифатида махсус тегишли ҳисобга ўтказиш шарт, деб белгилаб қўйилди⁴.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўз фаолиятида нафақат келаётганларни, балки Россиянинг очарчилик губернияларига жўнатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ масалаларнинг ечими билан ҳам шуғулланарди. Масалан, 1921 йил 8 октябрда Бошқирдистондаги оч болалар аҳволи масаласини ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК кўриб чиқиб, уларга 10 млн. рубль ва 2 минг пуд галлани ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек,

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 287-иш, 63-65-варақлар; Қаранг: 926-иш, 57-58-варақлар; 1074-иш, 250-251-варақлар; Р-25 фонд, 1-рўйхат, 418-иш, 15-варақ ва орқаси.

² ЎзР МДА, 17 -фонд, 1-рўйхат, 287-иш, 50-52-варақлар.

³ Ўша жойда, 54-55-варақлар; 733-иш, 30-варақ.

⁴ Ўша жойда, 49-варақ.

яна 1000 пуд галлани Каттакўрғон аҳолисидан хайрия сифатида Уфа губерниясига жўнатишга ҳам қарор қилинган¹.

Кўриниб турибдики, ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида турган вазифалар анча-мунча бўлиб, уларни бажариш учун вилоятлардаги ОЁ комиссиялари ҳам тинимсиз ишлашига тўғри келган. Шу ўринда ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКнинг Фарғона вилоятидаги ОЁ комиссияси фаолияти эътиборга лойиқ. Вилоят ОЁ комиссияси ўз фаолиятини расман 1921 йил 26 июлида Криво-ручкин раҳбарлигида бошлаган эди. Ушбу комиссия ўзининг дастлабки фаолиятиданоқ Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига ёрдам уюштириш учун спектакллар қўйиш, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ айланиб юриб хайрия йиғиш, гуллар сотиш ва ундан тушган фойдага озиқ-овқат харид қилиш билан шугулланган. Аммо бундай тадбирлар 1921 йил 10 августгача давом этган холос. Эндиликда 10 августдан очларга ёрдам хайриясига озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш қўшилди. Фарғона вилоят ОЁ комиссияси аҳоли зич бўлиб яшайдиган жойларга ўз тарғиботчиларини йўллаб, Россиянинг марказий губернияларидаги очарчилик даҳшати тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Ҳайит муносабати билан 1921 йил 14 августидан масжидларда, маҳаллий аҳоли зич бўлиб яшайдиган жойларда, Татаристон, Бошқирдистон ва бошқа ҳудудларда очарчилик муносабати билан болалар, аёллар, кексалар оммавий тарзда қасалликка чалинаётгани ва шу муносабат билан ўлим даражаси кўпайгани тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Тарғиботчилар ўша очлик азобини тортаётганлар орасида татарлар, бошқирлар каби мусулмонлар ҳам кўплигини уқтириб, дини, тили бир бўлган халқларга ёрдам бериш ҳар бир мусулмоннинг бурчи эканлигини эслатиб ўтганлар. Шу уч кун давомида айрим тарғиботчилар автомобилларда, бошқалари эса «қизил аравалар»да ёрдамга чақирилган турли плакатларни осиб, маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ юриб, очларга хайрия йиққанлар. Аммо йиғилган хайрия миқдори вилоят ОЁ комиссияси кутгандан кўра камроқ чиққан. ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК эса хайрия миқдорини янада кўпроқ бўлишини талаб қиларди. Шундан кейин вилоят ОЁ комиссияси яна бир кун, яъни 18 августда ҳам маҳаллий аҳолидан озиқ-овқат хайрияси йиғишга тушган. Ушбу тадбирлар поёнига етмай, Фарғона (Скобелев)даги Александр боғида уч кунлик катта халқ са-йили ўтказилган. Бу сайилда кўчма муваққат кинематография ўрнатилган ва шунингдек, ўша жойда мева бозори ҳам ташкил қилинган. Ушбу мева бозоридаги ҳар бир сотувчи учун ажратилган жой катта-кичиклигидан келиб чиқиб, 1000 рублдан 3000 рублгача

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 725-иш, 29-варақ.

сотилган. Шунингдек, сайилдаги чойхоначи, ошпаз, новвойлар тегишли тарзда битта тушлик учун 200 рубль, бир чойнак чой учун 100 рубль, битта оби нон учун 100 рублени Волгабўйи очларига ёрдам солиғи тариқасида тўлаганлар. Кинога кираётганларнинг ҳар бирининг билетидан ҳам 100 рубллик очларга ёрдам солиғи олинган эди. Ушбу компания асли «икки ҳафталик ёрдам» деб эълон қилинган бўлсада, амалда бир ойдан ортиқ давом этган¹.

Ўтказилаётган тадбирларга қарамасдан, очларга ёрдам миқёси ҳамон етишмасди. Чунки очарчилик губерниялардан Туркистонга келаётганлар сони кундан-кунга ортиб борарди. Шу сабабдан Фарғона вилояти ОЕ комиссияси 1921 йил октябрь ойида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётган очларга гамхўрлик тадбирларини амалга ошириш тўғрисида махсус қурултой ўтказди. Қурултой қатнашчилари очларга ёрдам бериш тадбирларида бутун Фарғона вилояти аҳли фаол қатнашиши зарурлигини таъкидлаб, қабул қилган мурожаатномасида «...очарчилик туфайли оналар болаларини, фарзандлар ўз ота-оналарини ташлаб, очлик азобидан қутилиш учун [турли жойларга] кетиб қоляптилар. Одамлар қирилиб кетяпти, бир бурда нон топиш учун ҳар хил жиноятлар кўпайиб, ўлим, ўғрилиқдан ҳам қайтмаяптилар. Бу фалокат миллионлаб ишчи-деҳқонларни қамраб олди... Наҳотки оналар ва болалар кўз ёши Сизни юрагингизни зирқиратмайди... Фуқаролар, [Фарғона вилоят] очларга ёрдам комиссияси атрофига бирлашиб, хайрия йиғинлар»² дейилади.

ТуркМИК қошидаги ОЕ МКнинг жойлардаги очларга ёрдам комиссиялари кундан-кунга ўз фаолиятларини жонлантириш, кўпроқ тадбирлар ўтказиш билан бағд эди. Наманган уезд-шаҳар ОЕ комиссияси ҳам ўзининг фаолиятини 1921 йил август ойининг бошларида бошлаган. Дастлабки пайтларда очларга ёрдам бериш учун эски ва янги шаҳарларда спектакллар, концертлар, сайиллар ҳамда маҳаллама-маҳалла юриб, хайриялар уюштириш билан шуғулланишган. 1921 йил 18 октябргача ўтказилган ҳафталик тадбирлари натижасида Наманган шаҳридаги аҳолидан 10 млн. рубль, 140 пуд буғдой ва ун, 9 пуд асал, 19 пуд туз, 114 бўлак совун, 11 та чопон, чой ва бошқа нарсалар очларга ёрдам тариқасида йиғиб олинган. 1921 йил 18 октябридан кейинги ёрдам ҳафталиги натижасида 8 млн. рубль, 7 та тўшак, 11 та калиш, 2 жуфт болалар этиги, 20 пуд галла, 4 та олтин узук, 3 та кумуш узук, бир жуфт олтин балдоқ, 1 та кумуш туздон, 1 та папирос учун кумуш муштуг хайрия тарзда йиғилган. Бундан ташқари,

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 927-иш, 2-варақ.

² Ўша жойда, 926-иш, 53-варақ.

очлар ҳисобига уюштирилган шанбалик натижасида 4 млн. 698 минг рубль йиғилган¹.

Очларга ёрдам кўрсатиш бўйича Андижон уезд-шаҳар комиссияси берган ҳисоботга кўра, 1921 йил 11 сентябрдан 31 октябргача комиссия аъзолари аҳоли яшаётган жойларни айланиб юриб, 8 млн. 526 минг 233 рублни хайрия тариқасида йиғишга муваффақ бўлишган. Шунингдек, юқорида қайд этилган даврда 2 та эркаклар кўйлаги, 3 та эркаклар иштони, 2 та мусулмонлар чопони, 2 та дўппи, 3 та пиджак, 130 фунт сариқ совун, 1 та кумуш узук, 15 тийинлик кумуш тангалардан иборат 1 та браслет, исми шарифининг бош ҳарфи, яъни Х. М. деб ёзилган 1 та аёллар олтин узуги вилоят ОЕ комиссияси йўриқчиси Воҳитовга топширилган².

Марғилон уезд-шаҳар ОЕ комиссияси ташкил топганидан 1922 йил бошларига қадар юритган фаолияти бўйича берган ҳисоботига кўра, ҳунарманд, ишчи-ходимлардан 31 млн. 145678 рубль Волгабўйи очлари ҳисобига хайрия қилинган эди³. Аини пайтда Хўжанд уезди ОЕ комиссияси раиси Зокиров Волгабўйи, Уралолди очлари учун уездда 20 млн. рубль ва 1200 пуд озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия тариқасида йиғилгани тўғрисида ҳисобот берган⁴.

Албатта, очларга деб хайрия қилинган товарлар ва пуллар тегишли ОЕ комиссиялари ихтиёрига топширилган. Ўз навбатида, хайрия тариқасида йиғилган оёқ ва бош кийимлар, кўйлак ва чопонлар, кўйингчи, очлар учун зарур бўлганлари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилганлар орасида тарқатилган бўлса, қолган буюмлар, яъни очларга зарур бўлмаганлари ОЕ комиссияси вакиллари орқали бозорларда қайтадан маҳаллий аҳолининг ўзига сотилган ёки озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштирилган. Натижада сотувдан тушган ва хайрия тариқасида йиғилган пуллар жамланиб, бу пулларга ТуркМИК қошидаги ОЕ МК руҳсати билан очлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинган. Ўз навбатида, бу озиқ-овқатлардан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида очарчилик азобини тортаётганларга ҳам жўнатишган.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик қамрови кенгайган сари ОЕ комиссияси фақатгина хайрия тадбирининг ўзи талаб даражасидаги ёрдам кўламини қоплай олмаслигига кўзи етиб, сўзда «ихтиёрий», амалда мажбурий тарзда очлар ҳисобига ҳар қандай йўл билан маблағ, озиқ-овқат ундириш тадбирларини қўллаш бошладилар. Фикримизга мисол қилиб, Туркман вилоят ОЕ комиссияси томонидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 56-варақ.

² Ўша жойда, 54-варақ.

³ Ўша жойда, 55-варақ.

⁴ Ўша жойда, 61-варақ.

очлари учун 1921 йил 7 октябридан жорий этган «икки ҳафталик ёрдам» тадбирини келтиришимиз мумкин. Чунончи ушбу тадбирда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди:

— Икки ҳафталик ёрдам муносабати билан ҳар бир дўконча 45 минг рубль, артель эса 25 минг рубллик солиққа тортилади;

— Ҳар бир хонадон эгаси 15 минг рубль, ижарага турганлар 7500 рубллик ёрдам пули тўлайди;

— Яшаш жойи томонидан ҳар бир хона учун ордер берилганда 500 рубль очларга ёрдам тариқасида ушланади;

— Ҳар бир енгил арава фйтончиси (извошчи) 20 минг рубль, аравакаш эса 10 минг рубллик ёрдам пули тўлайди;

— Аҳолидан қарамоғидаги ҳар бир мол учун 5000 рубль очларга ёрдам тариқасида ундирилади;

— Хонадонидаги ҳар бир электр лампа учун 3000 рубль, сув оқава учун эса 2000 рубль ёрдам пули тариқасида ундирилади;

— Йўлда юрганлиги учун ҳар бир кишидан 15 минг рубль очларга ёрдам тариқасида ундирилади¹.

Бу ҳам етмагандек, Туркман вилоят ОЁ комиссияси ва ижроия қўмитаси қарорига кўра, шаҳарда озиқ-овқат, савдо-сотик билан шуғулланаётган хусусий савдогарлардан ўз маҳсулотини тарозиларда сотгани учун ҳар бир пуд буғдой ва ун маҳсулотидан икки фунтдан очлар ҳисобига ундирилган. Шунингдек, тегирмонларда янчилган ҳар пуд буғдойнинг 1 фунтини ҳам очларга ёрдам тариқасида ундирилган². Хайрия тадбирлари Хўжанд, Ўш, Жиззах, Самарқанд ва бошқа шаҳар ОЁ комиссиялари томонидан ҳам мунтазам ўтказиб турилган³.

Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан келган очларга ёрдам уюштириш тадбирлари Туркистонда лотерея билетларини сотиш ва шунингдек, аэропланда учиш, автомобилларда, мотоциклларда сайр қилдириш орқали ҳам хайрия фондига пул йиғиш ишлари амалга ошириларди⁴.

Очарчилик ҳудудларидагилар учун қилинаётган хайриялар миқдори Марказ назоратида турган. Ҳатто бунинг учун кўрсатмалар ишлаб чиқиб, тегишли ОЁ МКларига тарқатилган. 1922 йил 10 январида БМИҚ ОЁ МК раиси М.И. Калинин ва РСФСР озиқ-овқат халқ комиссари Н.П. Брюханов Фарғона вилояти ОЁ комиссияси ва озиқ-овқат қўмитасига телеграмма йўллаб, унда хайрия қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини кечиктирмасдан, Россиядаги очар-

¹ ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 344, л. 342 об.

² Ўша жойда, ф. Р-94, оп. 1, д. 112, л. 28.

³ Архив Аппарата Презилента Ресублики Киргизии (ААП Рес. Кирг.), ф. 6, оп. 1, д. 4, л. 104; Архив ЦПИ КП РТ, ф. 5337, оп. 1, д. 141, л. 34.

⁴ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 748-иш, 61-варақ.

чилик давом этаётган хуудларга юбориш зарурлиги ҳамда ҳар кунлик хайрия миқдори ва вагонларда юборилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар бериш зарурлиги талаб қилинади¹.

Куз келиб, совуқ туша борган сари очларга ёрдам бериш билан боғлиқ ташкилий ишлар янада қўпайиб кетди. Чунки очлик ёнига яланғочлик ҳам қўшилиб, оёқ ва бош кийимсиз, юпун кийимга эга бўлганлар касалликка мубтало бўлиб, келаётганлар сони қўпайиб борарди. Шу муносабат билан 1921 йил 6 ноябрида ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК яна ўлка аҳолисига мурожаат қилиб, очлар оқими ҳали ҳамон Туркистонга келаётгани, чунки очарчилик губернияларидаги фалокат борган сари кенгайиб бораётгани, оналар чақалоғига кўкрак сути беришга имконияти йўқлиги, совуқ тушиши муносабати билан аҳвол янада оғирлашиб, «оч ва яланғоч одамларни очиқ осмон остида қолдирмаслик чораларини қўриш» кераклиги ҳамда келаётган очлар оқидамидаги болаларнинг 75 фоизи касаллиги, аммо улар учун қошиқдан тортиб кроватгача муҳтожлик сезилаётганлиги туфайли «...ёрдам миқёсини кенгайтириш зарурлиги... Ким нимани хайрия қилишга қурби етса» ўшани бериш уқтирилади².

Россиянинг очарчилик хуудларидан келаётганлар нафақат оч, балки оёқ кийими, бош кийими, ички кийимлари бор-йўқ ҳисоби, кийими борлар ҳам жуда юпун эди. Аини пайтда Туркистон аҳолисининг ўзи жуда тўқ ва кийим-боши бут эмасди. Аммо шунга қарамасдан, келаётган очларга озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб беришда ўлка аҳолисининг бағрикенглиги ҳар доим сезилиб турган. Айниқса, халқимиз келтирилаётган болаларнинг аянчли аҳволига бефарқ қараб турмаган. Масалан, 1921 йил ноябрь-декабрь ойларида Россиянинг очарчилик губернияларидан Туркистонга келтирилган болаларга кийим-кечак, бош ва оёқ кийим, иссиқ кийим бериш керак бўлди. Шу муносабат билан Самарқанд халқ маорифи бўлими вилоят ижроия қўмитаси ва ОЁ комиссиясига мурожаат қилиб, келтирилаётган болалар учун «пул, газмол, оёқ кийим... ва бошқалар»ни ажратишини сўраган³.

Юқорида қайд этганимиздек, келаётган очларнинг касаллиги, кийим-кечаги юпунлиги совуқ туша бошлаши билан янада ўзининг долзарблигини намоён қила бошлади. Шу сабабдан ҳам ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК 1921 йил декабрида келаётган очларни аксарияти нимжон, касалманд эканлигидан келиб чиқиб, очларни боқишгина эмас, уларни даволаш ҳам зарур, деган хулосага келади. Шунинг учун касалхоналарга тоза чойшаб, касал-

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1 - рўйхат, 749-иш, 18-18^а-варақ.

² Ўша жойда, 733-иш, 38-варақ.

³ ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 233-иш, 97-варақ.

лар учун тоза кийим зарур эди, ammo бу нарсаларни ҳаммага етказиб бўлмасди. Шу муносабат билан комиссия 1921 йил 5 декабрида бутун республика аҳолисига мурожаат қилиб, «касалхонадаги очларга чойшаб хайрия қилинг» деган шиорни ўртага ташлаб, хайрия ишларини бошлаб юборди ва бундай тadbир тезда ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади¹.

Очларга ёрдам уюштириш масаласида Марказ кундан-кунга ўз талабини бўшаштирмай, мунтазам тарзда хайрияларни, ёрдам ҳафталикларини ўтказиш ва Волгабўйига юбориладиган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришни талаб қилиб борган. Аҳвол шу даражага борганки, аҳоли ўртасида ёрдам ҳафталиклари, очлик солиғи ва бошқа тadbирлар ўтказишда Туркистондаги иқтисодий аҳволни ҳисобга олмай, меъеридан ортиқ гўшт, ғалла ва бошқа маҳсулотларни талаб қилинган. Бу эса шундоқ ҳам тузук-қуруқ яшамаётган аҳолини талаш даражасига етган. Айниқса, бу борада Турккомиссияси раиси М.П. Томский Марказни таъминлаш бўйича «иштахаси карнайлиги» билан ажралиб турарди. Агар аҳвол шундай давом этаверса, оқибатда аҳолининг норозилигига олиб келиши мумкинлигидан хавфсираган Москвадаги раҳбарият, РКП(б) МК сиёсий бюросининг 1921 йил октябрида очларга ёрдам масаласини кўриб чиқиб, Турккомиссия раиси М.П. Томскийни Туркистонда эгаллаб турган вазифасидан чақириб олишни мақсадга мувофиқ деб топди².

Туркистондан Россиянинг марказий губернияларидаги очарчиликка дучор бўлганларга берилаётган ёрдам миқёси кўпайишига қарамасдан, иқтисодий аҳвол оғирлигича қоларди. Марказ эса ҳамон ёрдам миқёсини янада оширишни талаб қиларди. Бунинг устига, Туркистонга келтирилаётган очлар оқимини боқиб ва кийинтириш ҳам ўлка зиммасида эди. Совуқ тушиши муносабати билан 1921 йил охири ва 1922 йил бошларидан аҳвол янада мушкуллаша бошлади. Россиядан Туркистонга кўчирилаётганлар оқими уюшган ва уюшмаган ҳолда келиши тўхтамасди. Келаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш керак эди. Бу масала ечимини ижобий ҳал қилиш учун ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бретт 1922 йил баҳорида ҳамма вилоятлардаги ОЁ комиссиялари ва ижроия кўмиталарининг раҳбарларига махсус кўрсатма беради. Ушбу кўрсатмада М.Бретт очларга ёрдам жамғармасини янада кўпайтириш мақсадида деҳқонларга экиш учун махсус ер участкалари ажратиш зарурлигини ва у ердан олинган ҳосилни деҳқон тўлалигича очларга ёрдам комиссиялари ихтиёрига топширсагина, озиқ-овқат солиғидан озод қилиниши мумкинлиги-

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1646-иш, 10, 12-варақлар.

² Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр — Туркестану. Т. 1989. С. 84-85.

ни уқтиради¹. Натижада, кўрсатмадан келиб чиқиб, ҳамма вилоятларда очларга ёрдам жамғармаси учун махсус ер участкалари ажратилди. Масалан, Туркман вилояти ОЁ комиссияси ва ижроқўми юқорида қайд этилган топшириқни амалга ошириш учун фақатгина Полторацк уезди ОЁ комиссияси ҳисобига 1922 йил мартида 83 десятинага 415 пуд ғаллани экиш учун ажратган эди².

Бундай мўлжалдан ортиқча, очларга ёрдам учун махсус ер участкасига экиш ишлари нафақат Туркман вилояти, балки Фаргона, Самарқанд, Сирдарё, Етгисув вилоятларида ҳам амалга оширилган. Ҳатто бу масала юзасидан ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ташаббуси билан Туркистон ХККнинг махсус фармойиши ҳам қабул қилиниб, вилоят ижроқўми ва ОЁ комиссияларига бажариш учун топширилган³.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вилоятлар ҳамда уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссиялари Россиядан келтирилган очларга ёрдам беришда катта жонбозлик намуналарини кўрсатганлар. ОЁ комиссияси қуйидан юқоригача кунни-тунга улаб фаолият кўрсатганлар. ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида нафақат Туркистонга эвакуация қилинганларни⁴, балки Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида қолиб, очарчилик даҳшатларини бошидан кечираётганларни ҳам озиқ-овқат, қолаверса, маълум миқдорда иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси турган. Агар расмий маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, Марказ кўрсатмасига мувофиқ, 1921 йил 15 ноябридан бошлаб ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасида ўша ўлкага эвакуация тариқасида ва оч-қочқин бўлиб келганлардан ташқари, яна Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги 100 минг кишини озиқ-овқат билан таъминлаб туриш вазифаси юклатилган эди⁵. Шундай қилиб, ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК аъзолари Россия очларига ёрдам кўрсатишда 18-20 соатлаб ишлашига, минглаб оч-яланғочлар тақдирига бепарқ бўлмасликка ҳаракат қилганлар. Айнан ўша ОЁ комиссияларининг тиним билмай олиб борган фаолиятлари туфайли Россиянинг минглаб очлари Туркистонда паноҳ топишга, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминланишга муваффақ бўлганлар. Шунинг эътирофи этиш лозимки, ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг олиб борган фаолияти давомида зиммасига юклатилган вазифани шараф билан бажарди.

¹ ЎзР МДА, 17 -фонд, 1-руйхат, 749-иш, 143-варақ.

² ААП Рес. Туркм.: ф. Р-94, оп. 1, д. 11, л. 5.

³ Архив ЦПИ КП РТ, ф. 5337, оп. 1, д. 182, л. 76.

⁴ Ушбу масала кейинги параграфда кенгроқ ёритилган.

⁵ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1436-иш, 61-варақ ва орқаси; Жизнь национальностей, 14 декабрь 1921 г.

3.2. ТУРКИСТОНГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Россиянинг очарчилик ҳудудларида одамларни боқиш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилаётганига қарамасдан, ҳамон иқтисодий аҳвол оғирлашиб борарди. Очарчилик бўлаётган губерния ва республикалардаги озиқ-овқат муаммоси кундан-кунга оғирлашиб борар ва тинкаси қуриган аҳоли нон топа олмасдан, кунжара, қипиқ, юмронқозиқ, дарахт пўстлоқлари, шўра, чўчкаёнғоқ каби истеъмолбоп бўлмаган нарсаларни ейишга мажбур бўлардилар. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, оч аҳолининг бир қисмини ҳосилдор ҳудудларга эвакуация қилиш — бирдан бир тўғри йўл деб топилди. Аммо аслида очарчилик ҳудудларидан Туркистонга амалдаги эвакуация расмий кўчиришдан анчагина олдинроқ бошланган эди. Масалан, фақатгина Татаристон республикаси раҳбарияти 1921 йил январь ойи бошларидан то августга қадар Астрахань, Харьков, Боку, Сибирь, Туркистон ҳудудларига 100 минг атрофида одамларни турли сабаб ва баҳоналар билан кўчирилишига эришган эдилар¹. Бу масалага аниқлик киритадиган бўлсак, Татаристондан расман эвакуацияга қадар, Туркистоннинг ҳамма вилоятларига турли йўналишларда ишлаш учун 57 минг 622 киши жўнатилган эди².

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ҳокимият вакиллари, партия ва совет ходимлари, фуқаролар Марказдаги раҳбариятга ва бевосита Туркистон республикаси раҳбариятига, вилоят, уезд-шаҳарлардаги масъул лавозимли шахсларга озиқ-овқат муаммосини ечимида, эвакуация масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилишлари кўпайиб борди. 1921 йил июнь-июль ойларидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларнинг уюлмаган оқимлари, айрим жойларда бутун бир қишлоқ аҳли оммавий равишда ҳосилдор ҳудудларга, хусусан Туркистонга ҳам кета бошлади. Бундай тартибсизликларга озиқ-овқат етишмаслиги, касалликлар, ўлимлар, вайронагарчиликлар сабаб бўла оларди. Оч-қочқинлар оқимини тўхтатиб, буни уюшган ҳолда амалга ошириш зарур эди. Шунинг

¹ Известия (ТатЦИК), 12 октябры 1921 г.

² НА РТ, ф. Р-128, оп. 1, д. 127, л. л. 8-10.

учун БМИҚ 1921 йил 28 июлида «Очарчилик ҳудудларидан режали эвакуация қилиш», яъни кўчирилиши бўйича махсус қарор қабул қилди. Марказ томонидан оч аҳолининг маълум қисмини Сибирь, Туркистон, Украина, Смоленск, Тула ва бошқа, нисбатан ҳосилдор ҳудудларга кўчириш кун тартибидаги энг муҳим масала бўлиб қолди. Эвакуация муносабати билан Туркистон МИҚ 1921 йил июль ойи охирида махсус декрет қабул қилди. Ушбу декретга мувофиқ, Туркистон ўз ҳудудига Россиянинг очарчилик ҳудудларидан очларни қабул қилиб олиш бўйича тараддуд кўриши зарурлиги ҳамда бу масалалар ечими учун вилоят, шаҳар ва қишлоқларда ҳокимият вакиллиги бошқармаларидан иборат махсус «учлик» ташкил этилиши уқтирилади¹. Қабул қилинган декретдан келиб чиқиб, ўлка вилоятларида Россия очларини қабул қилишга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Ушбу тайёргарликда, биринчи навбатда болаларни қабул қилиш учун айрим мактабларни интернат ҳолига келтирила бошланди².

Очарчилик ҳудудларидан келаётганларни ташкилий жиҳатдан тартибли равишда жойлаштириш, уларнинг сони, ҳудуди, миллий таркиби ҳамда уларга медицина ёрдами кўрсатиш ва озик-овқат билан таъминлаш масалалари Туркистон МИҚ ва ХКК томонидан ўрганиб чиқилди. Ўлкадаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, Туркистон 1921 йил июль ойи охириларида ўз қарамоғига Россиядан эвакуация қилинадиганлардан 100 мингтасини Фарғона ва Еттисув вилоятларидан ташқари, қолган вилоятларга жойлаштириш кўзда тутилган эди³. Аммо Марказ томонидан Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонда қабул қилиниши кўзда тутилган 100 минг киши етарли эмас, деб топилди. Чунки Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очлар сони жуда кўпчиликни ташкил қиларди. Шундан кейин Туркистон МИҚ 1921 йил 8 августидан очлардан 200-220 мингтасини қабул қилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилган. БМИҚ кўрсатмасидан келиб чиққан ушбу қарорда, очарчилик ҳудудларидан кўчирилаётганлар Туркистонда вақтинча, яъни 1922 йил баҳорига қадар истиқомат қилишлари кўзда тутилган эди⁴.

Шундай қилиб, 1921 йил августидан кўчирилаётган очларни Туркистонда жойлаштириш масалалари бўйича кенг қамровли тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Эвакуация тариқасида Туркистонга келаётганларни дастлаб Сирдарё ва Самарқанд вило-

¹ ЎзР МДА, 25 -фонд, 1-рўйхат, 415-иш, 3-варақ.

² Известия (ТуркЦИК), 27 июля 1921 г.

³ Ўша газета, 12 августа 1921 г.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 55-варақ.

ятларигагина жойлаштириш кўзда тутилган эди¹. Орадан кўп ўтмай, келаётган очларни Туркман вилоятига ҳам жойлаштириладиган бўлинди. Еттисув ва Фарғона вилоятларига очларни жойлаштириш режага киритилмаган эди. Ҳатто дастлабки очларни жойлаштириш тақсимоти рўйхатига Сирдарё вилоятининг Казалинск ва Перовск уездлари, Туркман вилоятининг Красноводск, Теджен, Полторацк уездлари ҳам киритилмаган эди². Чунки Еттисув вилояти темир-йўлдан узоқда жойлашганлиги назарда тутилиб, режага мувофиқ, Чимкент ва Авлиёота уездлари очларни жойлаштириш бўйича заҳирадаги ҳудудлар бўлиб қолган. Фарғона вилоятида очларни жойлаштиришни ҳисобга олинмаганига сабаб шу эдики, бу вилоятда қуролли қаршилик ҳаракати ҳали тўла тўхтамаганлиги ҳамда аҳоли шундоқ ҳам ўзи зич жойлашган ва маҳаллий аҳоли эндигина очарчилик азобидан қутилган эди³.

Волгабўйидаги очарчилик кундан-кунга ўз даҳшати тўғрисида эслатиб турарди. Татаристон МИК қошидаги ОЁ МК райси Белкин 1921 йил 12 августдаги мажлисда очарчилик қамрови ва республикада қолган озиқ-овқат заҳираси аҳолини таъминлашга етмаслиги тўғрисида ҳисобот бериб, аҳоли ва ҳатто ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар кучайиб кетганлиги тўғрисида аянчли маълумотлар келтирди. Белкин Татаристон республикасини очлик азобидан қутултиришнинг бирдан-бир йўли — аҳолининг 5 фоизини Туркистон, Сибирь томонларга эвакуация қилиш зарур деб, қайд этди. Шунингдек, ушбу мажлисда Татаристон республикасида яшаётган, биринчи жаҳон уруши (1914-1918) йиллари билан боғлиқ чет эллик асирлардан 19 минг кишини ҳам ўз она юргларига қайтариш керак, деб қайд этилди. Чунки ўз аҳолисини боқа олмаётган Татаристон раҳбарияти учун чет эллик ҳарбий асирларни боқишдан қутулиш мақсадга мувофиқ, деб топилди⁴.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан амалга ошириладиган расмий эвакуация жараёнида даслабки ойларданоқ ташкилий жиҳатдан катта қийинчиликларни енгишга тўғри келган. Бунинг сабабларидан бири кўчириладиганлар миқдорининг жуда кўплиги бўлса, иккинчиси эвакуация жараёнини ташкилий жиҳатдан уюшган ҳолда амалга ошириш эди. Лекин шунга қарамасдан, 1921 йил июль ойи охири ва август ойи бошларида Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга расман эвакуация бошланган. Фақатгина 1921 йил август ойи бошидаёқ Туркистонга очарчилик ҳудудларидан 6 минг киши эвакуация қилинган эди⁵.

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1 -рўйхат, 725-иш, 16-варақ.

² Ўша жойда, 296-иш, 536-варақ

³ Ўша жойда, 287-иш, 28-варақ; 296-иш, 536-варақ.

⁴ НА РТ, ф. Р-128, оп. 1, д. 127, л. л. 18-19.

⁵ Коммуна (Самара), 6 августа 1921 г.

БМИҚ қарорига мувофиқ, Туркистонга Қозоғистондан ҳам очлар эвакуация қилиниши кўзда тутилган эди. Эвакуация жараёнини амалга ошириш муносабати билан 1921 йил 12 августда Қозоғистон эвакуация бюроси бошлиғи Тошкентга келиб, Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбариятига учраб, Оренбургдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳамда очлар муаммоси тўғрисида гапириб берган. Ҳатто бу тўғрида у ўлка советлари қурултойида, турли миқёсдаги анжуман ва мажлисларда ҳам очарчилик тўғрисида чиқишлар қилган. Тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК Қозоғистон эвакуация бюросига хайрия заҳирасидан бир вагон озиқ-овқат ажратган. Шунингдек, Оренбургдаги эвакуация ходимлари учун кўшимча яна 20 минг пуддан ортиқроқ галла, гуруч, мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни вагонларга юклаб, эшелон комендантлари бўлмиш Анисимов ва Носировлар учун яна алоҳида 140 пуд ун, 13 пуд гуруч, 32 пуд кишмиш, 9 пуд ўрик, 5 пуд олча, 8 пуд қуруқ чой, 22 пуд қуритилган ўрик ва умуман олганда, 229 пуд озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кетишга рухсат берилган¹.

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга эвакуация қилинадиганларни рўйхатга олиш ишлари 1921 йил август ойидан жадаллик билан бошланиб кетди. Кўчириладиганларга Туркистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида дастлабки тушунтиришларни берилди. 1921 йил август ойи бошларидан Туркистонга уюшган ҳолда кўчириляётганлар оқими темир йўл ва сув йўли орқали келтирила бошланди. Эвакуация даражаси шунчалик жадаллик билан бошландики, дастлабки режага кўра, Туркистон ўз ҳудудига ҳар куни Самара томондан 20 вагон (500 киши), Красноводск томондан 18 вагон (438 киши) ва умуман бир суткада 950-1000 та атрофидаги одамларни қабул қилган бўлса², кейинчалик, яъни 1921 йил август ойи охири ва сентябрь ойи бошларидан бундай ҳолат мутлақо етарли бўлмай қолди. Чунки кўчириляётганлар сони кундан-кунга кўпайиб борарди. Шунинг учун келаётганларни жойлаштириш муаммосини ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК 1921 йил 8 сентябрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида яна кўриб чиққан. Ушбу мажлис баённомасининг шохидлик беришича, Туркистон темир йўл алоқалари округи эксплуатация бўлими бошлиғи Денисов ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК раҳбариятига бир суткада Тошкентга очларни Кинелдан 47 вагон, Крановодскдан 18 вагон қабул қилиш мумкинлигини қайд

¹ Центр документации новейшей истории Оренбургской области (ЦДНИ ОО), ф. Р-1, оп. 1, д. 219, л. л. 25, 25 об.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 54-варақ.

этган. Денисов маълумотига кўра, айна ўша пайтнинг ўзида Кинелда 840 вагон тўпланиб қолиб, улардан 90 таси, Батрак станциясида эса 300 та вагон тўпланиб, улардан 30 таси, Тошкент йўлида 18 та поезд состави тўхтаб қолиб, улардан 3 таси кўчирилаётганлар билан лиқ тўла эди. Буларни Тошкентга кела олмаётганига сабаб — биринчидан, паравозлар етишмаслиги бўлса, иккинчидан, депо ишчиларининг давлат томонидан озиқ-овқат билан таъминламагунча ишга қўл уришдан бош тортаётгани ҳам эди¹.

Эвакуация билан боғлиқ ана шундай қийин жараёнлар бўлишига қарамаздан, Туркистон ўз ҳудудига ҳар кун минглаб одамларни қабул қила бошлаган. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Россиянинг очарчилик ҳукм сураётган ҳудудларидан 1921 йил 15 сентябрига қадар Туркистон, Боку, Батумига уюшган ҳолда 470 минг киши кўчирилган бўлса, айна қайд этилган даврга қадар 500 мингдан ортиқ оч-қочқинлар уюшмаган ҳолда ўзлари яшаётган губернияларни тарк этишга мажбур бўлган эдилар². Кўриниб турибдики, дастлабки пайтларда расман кўчирилганларга нисбатан оч-қочқинлар сони кўпчилиكنи ташкил қилган. Бу ҳам кўчириш жараёни ва унинг ташкилий жиҳатлари тўла-тўқис ишламаганидан далолат беради.

Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги 1921 йил 1 сентябрда очарчилик ҳудудларидан келаётган оч-қочқинлар масаласини ўрганиб, уларни ҳам расман кўчириб келинаётганлар қатори озиқ-овқат, кийим-кечак, бошпана билан таъминлаш ОЁ комиссиялари зиммасидаги вазифа деб, кўрсатма берган. Оч-қочқинлар учун ОЁ МК фондини тўлдиришга товар алмаштириш операцияларидан маълум миқдорда, яъни ҳар бир пуд бугдойдан бир фунтдан ундириш тўғрисида қарор ҳам қабул қилинди. Бундан ташқари, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигининг коллегия аъзолари ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК фондига бир ойлик иш ҳақларининг ярмини хайрия қилишга ҳам қарор қилдилар³.

Очарчилик ҳудудларидан Туркистонга эвакуация жараёнини ўрганиш шуни кўрсатадики, расман эвакуацияда очарчилик азобини тортаётган аҳолининг қаерга кетиш бўйича хоҳиш-иродаси ҳисобга олинган. Масалан, 1921 йил сентябрь ойига оид маълумотларга кўра, Татаристондан 80 мингга яқин киши ўзларини оилалари билан расман ҳосилдор деб топилган ҳудудларга кўчишга розилиklarини билдирган. Шулардан Сибирга (22478 киши) ва Туркистонга (19838 киши) ўз оилалари билан кўчиб ўтишга хоҳиш

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 5-варақ.

² Вечерняя газета (Самара) 30 сентябрь 1921 г.

³ ЎзР ЦДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1399-иш, 35-варақ ва орқаси.

билдирган эдилар. Қолганлари эса Россиянинг турли ҳосилдор губерния ва вилоятларига кўчиб ўтишга хоҳиш билдиришган¹. Эвакуация жараёнини кундан-кунга ортиб боришини Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги аҳволни оғирлашиб бораётганлиги, очарчиликдан касаллар ва ўлаётганлар сони кўпайиб бораётганлиги билан ҳам боғласа бўлади. Масалан, фақатгина Бошқирдистон Республикасида 1921 йил 15 июлида 393707 та очлар қайд этилган бўлса, орадан бир ой ўтиб, яъни 15 августда уларнинг сони 664568 тага етган эди. Боз устига, Бошқирдистондаги очарчилик натижа-сида ит, мушук ва ҳатто мурдаларни ейишдан ўзларини тия олма-ганлар². Бундай аянчли аҳвол Марказ томонидан Туркистонга кўчи-риладиганлар сонини янада орттириш тўғрисида кўрсатма бериш-га олиб келди. Натижада, Туркистон ХКК Иқтисодий Кенгаши 1921 йил 19 сентябрда ўлкага эвакуация қилинадиганлар миқдо-рини 320 мингга деб белгилади³ ва қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди:

— Стихияли тарзда, яъни уюшмаган ҳолда келаётганлар сони режадаги 320 мингга ҳисобига киритилмасин;

— ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК билан БМИҚ қошидаги ОЁ МК ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш учун Туркистон МИҚ ва ХККнинг ваколатли вакиллари этиб Самарада Салько ва Астраханда Часовниковлар тайинлансин (ҳужжатда Оренбург-даги ваколатли вакил исми-шарифи кўрсатилмаган — Р.А.). Ва-колатли вакилларнинг бош вазифасига очарчилик ҳудудларидан юборилаётганлар сонини, миллий таркиби ва ишчи малакасини аниқлаш юклатилсин;

— Туркистонга келаётганлар сони аниқ бўлиши учун Самара, Оренбург, Астрахань ва Красноводск шаҳарларида рўйхатга олиш пунктларини очиш кўзда тутилсин;

— Туркистонга кўчирилаётганларни тегишли шаҳар ва вило-ятларга жойлаш режаси тасдиқлансин;

¹ Известия (ТатЦИК), 25 сентября 1921 г.

² ЦГИА РБ, ф. 99, оп. 1, д. 5, л. л. 19, 41.

³ Эвакуация қилиниши керак бўлганлар миқдорини ушбу масала юзасидан махсус илмий гадқикот олиб борган И.А. Мамадалиев ва шунингдек, шу даврни ўрганган Ф.Х. Набиевлар ўз илмий ишларида 200 минг киши деб таъкидлайди. Қаранг: Мамадалиев И.А. Помощь Туркестанской АССР голодающему населению Поволжья (1921-1923 гг.) Автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. Худжанд, 1998. С. 18; Набиев Ф.Х. Проблемы противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924 гг.). Автореф. дис. на соиск. учен. степ. доктора ист. наук. Т.: 1995. С. 36. Аммо Туркистон МИҚ қарорига кўра, 1921 йил 8 августда эвакуа-ция қилинадиганлар сони 200-220 минг деб белгиланган бўлса, 19 сентябрда уларнинг миқдори расман 320 минг деб қайд этилган. Қаранг: ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1 - рўйхат, 296-иш, 536-варақ; 926-иш, 55-варақ.

— Очарчилик ҳудудларидан келаётганларни миллий таркибига кўра жойлансин. Русларни асосан руслар кўпроқ яшайдиган қишлоқларга, татар, бошқирд, қozoқ ва бошқа мусулмонларни туб аҳоли гавжум яшайдиган қишлоқ ва овулларга жойлаштирилсин;

— Очарчилик ҳудудларидан келаётганларни мактаблар, интернатлар ва хонадонларга жойлаштирилсин¹.

Шу нарсага эътиборни қаратиш лозимки, Туркистон МИҚ ва ХКК Марказдан ўлкага кўчириლაётганларнинг 50 фоизини мусулмонлар бўлишини сўраган эди. Чунки ерли аҳолининг аксарияти туркий тилда сўзлашувчилар ва ислом динига эътиқод қилувчилар эди. Бинобарин, келаётганларни асосан қишлоқ ҳудудларига ва ҳовлиларга жойлаштиришни кўзда тутилиши ҳам эвакуация жараёнида Россиядан Туркистонга дини ва тили бир кишиларни юборилишини мақсадга мувофиқ деб топилганлигидан эди².

Эвакуация тариқасида келган малакавий ишчилар ерларни ўзлаштириш ҳамда сув хўжалиги комиссарлигига юборилар эди. ТуркМИҚнинг ҳисоботига кўра, 1921 йил сентябридаёқ Туркистон сув ва ер хўжалигига ишлаш учун 20235 та одам (оиласи билан 77340 та), 7735 та малакали ишчи (оиласи билан ҳисоблаганда 23325 жон) очарчилик бўлаётган губерниялардан келган эди. Уларни тўла-тўқис давлат ҳисобидан таъминлаш учун ҳар ойга 56020 пуд ғалла, 14005 пуд буғдой бошоғи, 7000 пуд гўшт ва 1 миллиард 390 млн. рубль керак эди. Шунингдек, уларга иш ҳақи сифатида 16 миллиард 999 млн. рубль зарур эди³. Юқорида келтирилаётган сарф-харажатларни таъминлаш Туркистон МИҚ ва ХКК ҳисобидан бўлиши кўзда тутилган эди. Келаётганларнинг ишга яроқсизлари эса ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ва вилоятлардаги ОЁ комиссияси ҳисобидан озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда бошпана билан таъминланарди⁴.

Эвакуация тариқасида Туркистонга келтирилганлар медицина кўригидан ва тегишли рўйхатлардан ўтиб жойлашгандан кейин, уларни асосан қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш кўзда тутилган. Уларни маҳаллий ва рус деҳқонлар хўжаликларига ҳамда қишлоқ хўжалик ускуналарини таъмирлаш, бинолар қуриш, экин-тикин, ўтин йиғиш, пахта, мева, шoли йиғиштириш каби ишларига жалб қилинган. Юқорида қайд этилган ишларни бажариш учун ҳар бири 25 кишидан иборат артеллар ташкил қилиш ва иш

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 536-варақ.

² Ўша жойда, 725-иш, 14-варақ.

³ Ўша жойда, 926-иш, 55-варақ.

⁴ Известия (ВЦИК), 28 сентябрия 1921 г.

билан таъминловчилар билан шартномалар тузиш керак бўлган¹. 1921 йил охиригача Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация тариқасида келтирилганлардан фақатгина Самарқанд вилоятининг қишлоқлари ва давлат хўжаликларидида 50811 киши қишлоқ хўжалиги, ирригация ишларига жалб қилинган эди².

Кўриниб турибдики, Марказ кўчирилганларни боқиб, ҳақ тўлаш, кийинтириш, иш билан таъминлаш, саломатлиги бўйича меҳр-муруват кўрсатиш билан боғлиқ ҳамма ташкилий масалалар ва харажатларни Туркистон республикаси зиммасига юклаган. Айни пайтда Туркистон халқининг ўзи ҳам иқтисодий жиҳатдан жуда яхши яшаётган эмасди. Аммо Марказни узоқдаги Туркистон халқи ташвишидан кўра Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очлар муаммоси кўпроқ ташвишлангирарди. Шунинг учун ҳам Марказ очларни тезроқ ва мумкин қадар кўпроқ кўчириб, уларнинг муаммосини ўздан соқит қилишни афзал кўрар эди. Чунки очлар қаерга кўчирилса, ўша ҳудуд ҳисобидан таъминланарди. БМИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг 1921 йил 22 октябридаги мажлисида очарчилик ҳудудларидан Туркистонга қилинаётган эвакуация жараёнини муҳокама қилиб, бундан ташқари яна қўшимча ТуркМИҚга Россиянинг очарчилик ҳудудларидан кўчирилмай қолганлардан 30 мингга мусулмонларни «озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида кафолатланган ҳолатда ўз қарамоғига олиши» тўғрисида кўрсатма берди³. Эътироф этиш керакки, фақатгина Самара губерниясидан 1921 йил 1 октябрига қадар 70 минг кишини расман ҳосилдор ҳудудларга, шунингдек Туркистонга ҳам эвакуация қилишга улгурилган эди⁴.

Марказ кўрсатмасига мувофиқ, кўчириладиганларнинг миқдори ўсиши билан боғлиқ ўзгаришлар Туркистон МИҚ ва ХККни яна қўшимча тадбирлар ўтказишга, келаётганларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш муаммоларини ечишга ундарди. Эвакуация тариқасида Туркистонга келаётганларнинг кийим-кечаклари юпун бўлиб, кўплари ички кийим, чойшаб билан таъминланмаган эдилар. Бор кийимлари ҳам аксарияти ювилмасдан яғири чиқиб кетган бўлиб, бу эса яна очлар ўртасида касалликни тарқатишга олиб келарди. Бунинг устига ҳавонинг борган сари совиб бориши келаётганларни эҳтиёт қилишни тақазо қиларди. ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ўз пайтида ҳали эвакуация бошланмасдан аввал келадиган очлар учун 5 минг аршин газмолни хай-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 27-варақ.

² Известия (ТуркЦИК), 1 января 1922 г.

³ РГАСПИ, ф. 17, оп. 60, д. 39, л. 23; Қаранг: СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 446, л. 214.

⁴ Известия (ТуркЦИК), 12 декабря 1921 г.

рия қилган бўлса¹, эвакуация бошланиши билан келаётганларга ички кийим, чойшаб тикиш учун 10 минг аршин газмол ажратган². Аммо келаётган очлар сони кўплиги ҳамда кийим-кечаги юпунлиги, улур учун чойшаб тикиш зарурияти туфайли Туркистон ХККнинг 1921 йил 5 ноябридаги қарорига кўра яна 240 минг аршин газмол ажратилган³.

Эвакуация муносабати билан Россиянинг Волгабўйи, Уралолди худудлари аҳолисига Туркистон худуди, аҳолисининг таркиби, иқтисодиёти, маданияти тўғрисида маълум даражада тушунтиришлар бериш мақсадга мувофиқ деб топилган. Шу мақсадда Самарадаги Подтеченская, 52, 8-хонадонда, яъни Туркистон ваколатхонасида туркистоншунослик ва туркий тиллар бўйича махсус курслар ташкил этилган. Курсда Туркистон ваколатхонаси ходими И.М. Михайлов ўлка иқтисоди бўйича ва Самара университети профессори Н.С. Ликошин эса туркистоншунослик ва туркий тил бўйича ўқитганлар⁴.

Тарихий тадқиқотлар таҳлилидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, уюшган ҳолда расман эвакуация қилинганларнинг кўпчилиги дастлабки ойларда мусулмонлардангина иборат бўлмаган. Архив манбаларининг гувоҳлик беришича, Туркистон эвакуация бошқармаси (Туркэвакбош) Волгабўйи, Уралолди худудларидан келганларни расман рўйхатдан ўтказганда, фақатгина 1921 йил октябридан 1922 йил феврал ойининг биринчи ярмига қадар Туркистонга руслардан 79561 та, татарлардан 16326 та, қozoқлардан 9622 та, немислардан 3677 та, чувашлардан 441 та ва бошқа миллатлардан 3710 таси келтирилганлиги қайд этилган. Умумий ҳисобда кўрсатилган даврда эвакуация тариқасида келтирилганлар сони 113337 кишини ташкил қилган⁵. Аммо бу ерда шуни эътибордан қочирмаслик керакки, юқоридан расман рўйхатдан ўтказиб кўчирилганлар сони келтирилди. Лекин Туркистонга уюлмаган ҳолда, яъни оч-қочқин тарзида келганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги татар, бошқирд ва бошқа мусулмонлардан иборат бўлган. Нега деганда, очлар ўз губерния ва уездларида рўйхатдан ўтиб, ўзларини эвакуация қилишларини кутишнинг имконияти йўқ эди. Чунки, оч ҳолда кутилган ҳар бир ортиқча кун янада ҳолдан тойишга, бор озиқ-овқатларини ҳам тугашига ҳамда касалликлар кўпайишига олиб

¹ Пролетарий (Самарқанд), 31 июля 1921 г.

² РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 216, л. 88.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 594-варақ.

⁴ Коммуна (Самара), 21 мая 1922 г.

⁵ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 216, л. 88.

келар эди. «Заря» газетасининг маълумотига кўра, 1921 йил ноябрига қадар 66 мингта бола ва яна 30 мингта оч-қочқинларни Туркистон ўз бағрига олган¹. Бундан кўриниб турибдики, Туркистонга уюшган ва уюшмаган ҳолда кўчирилаётганлар борган сари ортиб бораверган. Бу ҳол, шундоқ ҳам яхши бўлмаган Туркистон республикаси иқтисодий аҳволини издан чиқаришга олиб келарди. Ҳатто келаётганлар оқими муаммоси кўпайиб кетганлигидан, Туркистон ХКК ўзининг 1921 йил 5 ноябридаги мажлисида очарчилик ҳудудларидан келаётганлар сони (уюшган ва уюшмаганларни қўшиб ҳисоблаганда — Р.А.) режада кўзда тутилганидан ортиб кетганлигини қайд этиб, Марказдан эвакуацияни тўхтатиш зарурлигини сўраган². Аммо эвакуация жараёни давом этаверган. Чунки эвакуацияни бирданига тўхтатишдан Марказ ҳам манфаатдор эмас эди. Уюшган ҳолда келтирилган очлар қайси губерниядан келтирилишига қарамасдан, Самара, Оренбург, Астрахань ва Красноводск шаҳарларидаги тегишли ОЕ комиссия-лари рўйхатидан ўтказилар эди³.

Эвакуация миқдори борган сари кўпайиб бораётганлигидан 1921 йил охирида аҳвол янада мушкуллашиб борди. Масалан, 1921 йил ноябрь ойи охирларида, Оренбург-Тошкент оралигида, кўчирилаётган очлар билан тўла поезд эшелонлари йўлда тўпланиб қолиши натижасида ҳар куни юзлаб одамлар турли касаллик ҳамда очликдан ўларди⁴. Лекин кўчирилаётганларни бир неча кунлаб Туркистон йўлида тўпланиб қолгани, оч одамларни сарсонсаргардон бўлгани, эвакуация вагонлари тўлиб тошганининг сабаблари қаторида темир йўллардаги қийинчиликлар ҳам бор эди. Айни пайтда, темир йўллардаги аҳволнинг қийинлашувида сунъий, атайин яратилган «сабаблар» ҳам бор эди. Хусусан ўзи оч, юпун, боз устига кўплари касалманд бўлган Россия темир йўл ходимлари кўпроқ қопчи савдогарга хизмат кўрсатишни афзал кўришган. Натижада оч-қочқинлар ҳам ҳар қандай ҳолатда поезд орқали йўлга равона бўлишмоқчи бўлса, темир йўлчиларга пора бермасдан иложлари йўқ эди. Темир йўл транспортидаги «порахўрлар ҳеч қандай жазога тортилмас, порахўрлик ...одатдаги ҳол деб қабул қилинарди»⁵. Бу йўналишдаги аҳвол шунчалик издан чиқиб кетган эдики, кўчирилаётганлар ва давлат юклари ҳеч қандай асоссиз бир неча кунлаб тўхтатиб қўйилар эди. Масалан, 1921

¹ Заря (Симбирск), 13 ноябрь 1921 г.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 597-варақ.

³ Ўша жойда, 536-варақ.

⁴ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 446, л. 214.

⁵ Портнов В.Т. ВЧК (1917-1922). Москва, Юридическая литература, 1987. С. 177-178.

йил 21 ноябрида темир йўл транспортининг Оренбургдан Тошкент йўналишида 55 та эшелон тўхтатиб қўйилган эди. Бу поезд эшелонларида нафақат ёғоч, металл, балки очлик азобидан ҳолдан тойган минглаб болалар, кексалар, аёллар, касалмандлар ҳам бор эди¹. Аммо айни пайтда қопчи савдогарлар темир йўл транспорти ходимларига порани бериб, вагонларда кўплаб юкларни ташишга эришардилар².

Шундай қилиб, 1921 йил ноябрига келганда эвакуация жараёни амалда назоратдан чиқа бошлади. Шу муносабат билан Туркистон йўл алоқалари округи бошлиғи Туркистон МИҚ ва ХКК, Турккомиссия раҳбариятига қуйидаги таклифларни киритди:

— Туркистон ўлкаси ва Тошкент темир йўли йўналишида ички терлама касаллиги тарқалгани эълон қилинсин;

— Тошкент темир йўли бўйича Туркистонга очлар келтирилиши тўхтатилсин;

— Келаётган очлар ичидан темирйўлчиликдан қочиб, қопчи савдогарликка ўзини урганларни аниқлаб, ўз иш жойларига қайтарилсин³.

Айни пайтда, 1921 йил охири ва 1922 йил бошларига келганда, жойларда очлар оқимини қабул қилиш ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш жуда қийин бўлиб қолади. Шу сабабдан Оренбург губернияси ОЕ комиссияси 1922 йил январида ТуркМИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, Туркистонда кўчирилаётганларни қабул қилиш ва овқатлантириш учун янги қабул пунктлари очишларини сўраган эди⁴.

Темир йўлдаги муаммолар ўзининг тарихий-географик ўрнига кўра, Туркистон ва Россия ўртасида боғловчи доvon ролини ўйнаган Оренбургнинг ўзида ҳам етарли эди. Чунки Туркистондан Россиянинг очарчилик губернияларига юборилаётган озиқ-овқатлар, ғалла, бугдой, қуритилган мева ва бошқалар айнан Оренбург орқали Уфа, Қозон, Самара, Симбирск, Пенза каби губернияларга тарқатилар эди. Оренбург темир йўлида 1921 йил 1 сентябрида 26774 та одам ишларди. Шунингдек, 282 та паравоздан 164 таси яроқсиз, товар вагонлари сони 7820 та бўлиб, ундан 1684 таси одамларга яшаш учун ва 1340 таси омборхона сифатида фойдаланилар эди. Умуман ҳаммаси бўлиб, Оренбург темирйўли қарамоғида ҳаракатдаги 3360 та вагон бор эди. Аммо ана шу вагон ва паравозлар ҳам Россия билан Туркистон оралигида одам-

¹ ЦДНИ ОО, ф. 1, оп. 1, д. 266, л. 2.

² ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 665-иш, 111, 130-варақлар.

³ Ўша жойда, Р-17 фонд, 1-руйхат, 346-иш, 11-варақ.

⁴ ГАОО, ф. Р-501, оп. 2, л. 237, л. 5.

лар ҳамда товарлар ташишда камлик қиларди. Масалан, темир йўл орқали Оренбургдан Туркистонга кеча-кундуз тинмасдан кўчирилаётганларни ташилса, Ўрта Осиё республикаларидан Қозон, Уфа, Самара ва бошқа очарчилик ҳудудларига озиқ-овқат, ғалла, қурилган мевалар олиб келинади. Аммо очарчилик даҳшатидан кўчирилаётганлар ҳамда ўзлари ўлкага паноҳ излаб келаётган оч-қочқинлар сони кундан-кунга ошиб борарди. Оч-қочқинлар муаммоси ҳатто ТуркМИҚнинг 1921 йил 29 ноябридаги махсус мажлисида ҳам кўриб чиқилиб, темир йўлда ишлайдиганларга Россиянинг очарчилик ҳудудларидан оч-қочқинларни олиб келмаслик тўғрисида қарор қабул қилинган¹.

Очарчилик ҳудудларидан Туркистонга келаётганларни қабул қилиш, жойлаштириш, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш каби бошқа ташкилий масалаларни амалга ошириш учун ТуркМИҚ 1921 йил 8 августда 20 минг кишини жалб қилишга қарор қилгани ҳам очлар миқёси тўғрисида маълум тасаввурни беради². Умуман олганда, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан 900 мингдан ортиқ киши ҳосилдор ҳудудларга юборилган эди. Бундан ташқари, 600 минг атрофида оч-қочқинлар ўз йўллари билан ҳосилдор ҳудудларга кетиб қолган эдилар³.

Эвакуация жараёнини таҳлил қиларканмиз, инсоният қанчалик даражада кулфатга қолганини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Туркистон ўз бағрига Россиядаги очарчилик йиллари нафақат болалар, катта ёшдагиларни, оч-қочқинларни, балки давлат томонидан алоҳида эътиборга молик бўлган, очарчилик азоб-уқубатларини тортаётган минглаб балоғат ёшига етган, аниқроғи 16-19 ёшлик навқирон ёшларни ҳам қабул қилган эди. Чунки, айнан ана шу ёшлар совет ҳокимиятининг халқ хўжалигини тиклаш, енгил ва оғир саноатни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигида унумдорликни оширишда камарбаста бўлишлари лозим эди. Очарчилик бошланган 1921 йил июнь-июль ойларидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ана шундай чақирув ёшига етганлардан маълум қисмини армия ҳарбий командирлик курсларига ўқиш учун сафарбар қилинди. Бу, биринчидан, ёшларни муқаррар очлик ўлимидан қутқарган бўлса, иккинчидан, улар армия сафида «социализм ҳимояси»га жалб қилинган эдилар. Оч қоринга нон берилгандан кейин, улар ана шу нон эвазига жойларда «социализм ғалабаларини» мустаҳкамлашлари керак эди. Аммо кўрилган бу тадбир борган сари ёпирилиб келаётган очлик

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1436-иш, 63-варақ.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 477-варақ.

³ Қаранг: Макарова Г.П. Народный комиссариат по делам... С. 126.

офати олдида ожизлик қила бошлади. Шундан кейин совет ҳукумати 1921 йил август ойи бошларида чақирув ёшига етган 16-19 ёшли 1902-1904 йилларда таваллуд топганларни Татаристон, Бошқирдистон, Самара, Чувашия, Симбирск ва бошқа очарчилик ҳудудларидан оммавий равишда, шошилинич эвакуация қилиш тадбирини ишлаб чиқди. 1921 йил 13 августда Москвадан Туркбюро РКП(б) МҚ ва ТуркМИҚга берилган кўрсатмада «БМИҚ қошидаги ОЕ МҚ қарорига мувофиқ, 100 минг атрофидаги¹ чақирув ёшидаги ёшлар Туркистонга юборилади... Бундан мақсад шуки, оч ёшларни сизнинг республикангизга стихияли-тартибсиз қочишдан сақлаш. ...Очарчиликдан [мамлакатнинг] асосий кадрларини sanoатга, қишлоқ хўжалигига, Армияга қутқариш...»² дейилган эди.

Шундай қилиб, Марказ топшириғи бўйича 100 мингта балоғат ёшидагиларни Туркистон ўз бағрига олиши керак эди. Шу масала юзасидан ТуркМИҚ раҳбарияти 1921 йил 13 сентябридаги мажлисида чақирув ёшидагиларни қабул қилишга тайёрлигини билдириб³, дастлабки 10 мингта чақирув ёшидагиларни жойлаш ва иш билан таъминлашни муҳим вазифа деб белгилайди⁴.

1921 йил 15 августда Татаристон ҳарбий комиссарлигига Москвадан берилган телеграммада, чақирув ёшидагиларнинг кўчирилиши билан ҳарбий комиссариат шуғулланиши уқтирилиши билан бирга, улар «... бир йиллик муддат билан қишлоқ хўжалигида ишлаш учун Туркистонга жўнатилади. Чақирув ёшидагилар йўл бўйи ва етиб борган жойларида озиқ-овқат билан таъминландилар. Очарчилик таназзули тугаши билан ватанларига қайтарилди»⁵ деб уқтирилган эди. Чақирув ёшидаги йигит-қизларни Туркистонга юбориш дастлабки пайтларда, асосан, уларнинг хоҳиш иродаси билан амалга оширилган бўлсада, аммо очарчилик қамрови кенгайиб борган сари Туркистонга боришни тарғиб қилишни ҳам ҳожати қолмади. 1921 йил сентябрь ойи бошларида биргина Мензелинск уездидан чақирув ёшидагилардан 561

¹ Дастлабки рўйхатга кўра, Волгабўйидан 105476 та чақирув ёшидаги ёшлар юбориш кўзда тутилган. Қаранг: ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 509-511 варақлар. Аммо 1921 йил 1 сентябрида Туркистонга юбориладиган чақирув ёшидагилар сонини Марказдан 264 мингта деб белгиланган. Бунга Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев эътироз билдириб, «Туркистонда озиқ-овқат заҳиралари кўплиги нотўғри» деб, ўлкада кўзда тутилганидан ташқари йигит-қизларни қабул қилиш имконияти йўқлигини билдиради. Қаранг: ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 483-иш, 507-варақ.

² РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 198, л. 3.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 6-варақ орқаси.

⁴ Ўша жойда, 55-варақ.

⁵ НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 839, л. 2.

та йигит ва 273 қиз Туркистонга бориш хоҳишини билдирган бўлсалар, сентябрь ойи ўрталарига келганда, уларнинг сони 4568 кишини ташкил қилган¹. Чақирув ёшидагилардан хоҳиш билдирганларни Туркистонга 250 кишилиқ роталарга ажратиб, уларга командир ва сиёсий комиссарлар раҳбар этиб тайинланган эди. Шундай қилиб, зудлик билан бошланган эвакуация натижасида, темир йўл орқали Тошкентга ва сув йўли орқали Красноводскка фақатгина 1921 йил 29 сентябрга қадар юборилган чақирув ёшидагилар қуйидаги тарзда бўлган².

4-жадвал.

Вилоят ва губерниялар	Юборилганлар сони
Татаристон	8400
Царицин (Волгоград)	6400
Астрахань	3900
Чуваш Волгабўйи	3600
Симбирск	2400
Самара	1800
Волгабўйи	1800
Мари	300
Умуман олганда	38360

Очарчилик ҳудудларидан келган йигит-қизларни нафақат қишлоқ хўжалигига, балки бошқа соҳаларга ҳам жалб этилган эди³. Ҳатто келганларнинг айримлари кейинроқ бутунлай Туркистонда истиқомат қилиш истагини ҳам билдирганлар. Ана шундайлардан бири П. Зорин эди. Уни 1921 йил октябрида Татаристондан Жиззахга қучирилган. П. Зорин 1922 йил 24 апрелида вилоят партия қўмитасига ёзган аризасида Туркистонда яшаб, ўқиш

¹ НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 839, л. л. 12-13, 16, 25-26, 29-30, 52-58, 60-67 (муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган).

² Ўша жойда, л. 163 об; Қаранг: ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1436-иш, 63-варақ; ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 295-иш, 90-варақ.

³ Қаранг: НА РТ, ф. 4034, оп. 2, д. 4; л. 14, л. 271; д. 41, л. 71, 78; оп. 3, д. 10, л. л. 3, 28; ф. 15, оп. 1, д. 889, л. д. 157, 211.

хоҳишини билдирган¹. Туркистонга келтирилган йигит-қизларни жойлаштириш, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда маҳаллий аҳоли фаол қатнашган².

Болаларга гамхўрлик кўрсатишда Туркистонда амалга оширилган чора-тадбирлар жуда катта аҳамият касб этган. Чунки Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларида бошланган даҳшатли очарчилик болалар муаммосини янада долзарброқ кун тартибига қўйган эди. Бундай аҳвол 1921 йил совуқ кузи кириб келиши ва қиш бошланиши билан янада аянчлироқ кўзга ташлана бошлади. Ҳар куни юзлаб, минглаб болалар очликдан, касалликдан ўларди. 1921 йил кузидаги тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган оч болалар қуйидагича эди:³

5-жадвал.

Республика, губерния ва вилоятлар	Оч болалар сони
Татаристон	785000
Қирғизистон (Қозоғистон)	570000
Симбирск	520000
Чуваш	200000
Бошқирдистон	155000
Самара ва Немис коммунаси	78600
Умуман Волгабўйидаги оч болалар	5798000
Кўчирилиши керак бўлганлар	120000

Очарчилик ҳудудларидаги аянчли аҳвол тегишли тарзда чора-тадбирлар кўришга ундарди. Болалар ўлимининг борган сари ортиб бориши натижасида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги раҳбарият Марказ ёрдамидан умидини узди. Шу сабабдан ҳам оч болалар ҳаётини сақлаб қолиш, уларни мумкин қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини излашга киришилди. Масалан, шу мақсадда 1921 йил июль ойи бошларида Орен-

¹ ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^А-рўйхат, 576-иш, 38-варақ ва орқаси; Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 889, л. 157; д. 891, л. 211.

² Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 243-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 1-варақ ва орқаси, 26-варақ.

³ НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, д. 6, л. 45 об.

бург ва Самара губернияларидан Тошкентга тегишли равишда Волков ва Краюшкиналар бошчилигида болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси вакиллари ташриф буюришган эди. Улар ўз ташрифидан Тошкент янги шаҳар кенгашининг 1921 йил 18 июлидаги мажлисида қатнашиб, Оренбург, Самара губернияларида ҳукм сураётган очарчилик натижасида, болаларнинг аҳволи тўғрисида маъруза қилдилар ҳамда иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, Волгабўйи меҳнаткашларига ёрдам бериш зарурлигини қайд этдилар. Комиссия қабул қилган қароридан «...озик-овқат маҳсулотларини Оренбургдаги, [Самарадаги] очларга етказиш учун... Ягодин, Голушко, Власов, Иван Калугин, Новатов, Кикони ажратади. Юқорида қайд этилган ўртоқлар тегишли ташкилотлардан озиқ-овқатларни олиб, вагонларга жойлаб, Оренбург томон жўнатишсин. Вильгельм ва Ягодинларни Тошкент янги шаҳар кенгашидан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш бўйича вакил қилиб Оренбургга юборилсин... Йўлда... қароқчилар борлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини Оренбурггача қуролли соқчилар кузатиб борсин...» дейилади¹.

Туркистондаги ҳамма жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларга ёрдам масаласини ўтказилаётган мажлис кун тартибига қўйдилар. Туркистон МИҚ ва ХКК 1921 йил 27 июлда БМИҚ томонидан қабул қилинган эвакуация масаласидаги қарорни муҳокама қилиб, ўлка ўз қарамоғига 25 мингта болани қабул қилиш имконияти бор, деган хулосага келган. Келадиган болаларни мактаб, интернат, болалар уйлари ва жой етишмаса, аҳолининг оилаларига ҳам жойлаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган². Аммо амалдаги болалар эвакуацияси 1921 йил 10 июнидаёқ бошланган ва дастлабки босқичда 377 та бола қабул қилинган эди³. Расман болалар эвакуацияси эса Туркистонга 1921 йил август ойидан бошланган эди.

Татаристон ОЁ МКнинг 1921 йил август ойи бошларидаги мажлисида очарчилик қамрови ва бу борада қўрилаётган чоратадбирларни таҳлил қилар экан, очлик азобидан биринчи навбатда болалар, аёллар ва кексалар азият чекаётгани таъкидланди. Мажлисида очарчилик азобидан болалар уйлари ҳар куни тўлиб бораётгани, 200-250 та болани сақлашга мўлжалланган болалар уйларида уларнинг сони 700-800 тага етаётгани қайд этилди. Мажлис қарорига мувофиқ, дастлабки 30 мингта бола зудлик билан

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1452-иш, 15-варақ.

² Ўша жойда; Қаранг: Коммуна (Самара), 4 августа 1921 г.; Известия (ТатЦИК), 10 августа 1921 г.

³ Коммуна (Самара), 6 августа 1921 г.

ҳосилдор ҳудудларга, хусусан Туркистонга эвакуация қилиниши керак эди¹. Эвакуацияга дастлабки пайтларда ота-онаси ёки улардан бири йўқ етимлар ва кейинроқ ота-онаси барҳаёт тирик етимлар тушган эдилар. Айрим ота-оналар ўз фарзандларини биргаликда олиб кетиш имкониятини топа олмай ёки болаларини «ортиқча юк сифатида кўриб, ...уларни оч-наҳор ўлимини кўрмаслик учун тақдир тақазосига»² қўйиб берганлар.

Шундай қилиб, болалар эвакуацияси бошланиши билан очарчилик губернияларида оч болаларни бир жойга тўплаш, уларни рўйхатдан ўтказиб, кейин медицина кўригига тайёрлаш ишлари ҳам бошланиб кетди. Бундай ташкилий ишлар Самара, Симбирск, Қозон, Оренбург ва бошқа губернияларда ОЁ комиссиялари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Лекин, айрим губернияларда болалар эвакуацияси билан боғлиқ муаммолар ҳам туғилган. Масалан, Самара губерниясида болаларни Туркистонга кўчирилишидан аввал уларни тоза кийим ва чойшаб билан таъминлаш зарур бўлиб қолди. Чунки уларни кийимлари юпун ва санитария поездларида (санпоезд) эса чойшаб етишмас эди. Шунда Самара губернияси халқ маорифи бўлими Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга мурожаат қилиб, эвакуация муносабати билан оч болаларга чойшаб, ички кийим, кўйлак тикиш учун мануфактурадан ёрдам беришларини сўраган. Ўз навбатида, Туркистон республикаси томонидан Самарадаги болалар учун 3000 аршин мануфактура зудлик билан ажратилган³. Тезкорлик билан берилган ёрдам учун Самара губернияси халқ маорифи бўлими қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКга хайрия қилинган 3000 аршин мануфактура учун чуқур миннатдорчилик билдирган⁴.

Туркистонга келтириляётган болаларга чойшаблар етишмаган тақдирда, санпоезддаги чойшаб билан ҳам таъминланган. Поезд ҳисобидан берилган чойшаблар ҳамма вақт ҳам ювиб улгурилмагани сабабли, касаллар сони яна орта борган. Шунингдек, Туркистонга етиб олгунга қадар бепул ижарага таъминлаб туриш

¹ НА РТ, ф. Р-128, оп. 1, д. 127, л. л. 18-19; Генерал Вильсон ўз пайтида 50 мингга очликка гирифтор болаларни совет ҳукуматидаан АҚШга юборишларини сўраган. Аммо бу таклифга Сталин шубҳа билан қараб, «мусулмон болалар гайридинларга айланиш хавфи» бор дейди. Аслида эса совет ҳокимияти болаларни «капиталист»лар томонидан боқилиши ва тарбияланишига қарши эди. Қаранг: Менгера А. Сталин вэхшэтлэрэннэн бер мисал. // Гасырлар авазы — Эхо веков, № 3/4, 1999. С. 119-121.

² НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, д. 41, л. 3.

³ Известия (ТуркЦИК), 9 августа 1921 г.

⁴ Ўша газета, 12 августа 1921 г.

усулидан ҳам унумли фойдаланганлар, яъни очарчилик губернияларидagi халқ маорифи бўлими ва ижтимоий тарбия бошқармаси уст-боши юпун болаларга маълум миқдорда бош-оёқ кийимларни Туркистонга етиб келгунча вақтинчага бериб турган. Санпоезд билан Россиядан Туркистонга келган болалардан ўша берилган бош кийим, иссиқ кийим, оёқ кийимлар ечиб олинган. Чунки бу кийим-бошлар яна Россияда қайсидир қўчириляётган юпун кийимли болаларга етказилиши керак эди. Масалан, 1921 йил 12 ноябрида Оренбургдан Туркистонга келяётган 203-эвакуация санпоездининг кузатувчи-тарбияловчиси М. Сунчалаевга юпун болалар учун 72 та пальто, 36 жуфт оёқ кийим берилган эди. Албатта, М. Сунчалаев бу иссиқ кийимларни яна Оренбургга қайтариши шарт бўлган¹. Тошкентга келтирилган юпун кийинган болаларни таъминлаш эса Туркистон МИҚ ва ХКК зиммасига тушган. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошида жорий этилган устахоналарда 1921 йил ноябрида келяётган болалар учун 1000 та оёқ кийими тайёрлашга киришилган². Мавжуд маълумотларга қараганда, болалар эвакуациясининг дастлабки ойларида Туркистон вакилларининг ўзлари ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги болаларни очарчиликдан қутқаришда фаол қатнашганлар. Масалан, Фарғона вилоят ОЁ комиссияси вакиллари очарчилик ҳудудларидан болаларни олиб келиш учун Россияга борганлар.³

БМИҚ қошидаги ОЁ МК қарори асосида болалар эвакуацияси очарчилик ҳудудларидаги раҳбариятни зудлик билан ташкилий масалаларни бажаришга ундади. Ўз навбатида, Туркистонда ҳам ОЁ МК ва уездлардаги тегишли комиссиялар мактаб ҳамда интернатларни, болалар уйларида таъмирлаш ишларига киришиб кетдилар. 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Қозон, Симбирск, Самара, Саратов, Уфа, Стерлитамак, Оренбург ва бошқа ҳудудлардан темир йўл вагонларида ҳамда сув йўли орқали параходларда очлар келтирила бошланди. Келяётган болаларни Туркистоннинг вилоят, уезд-шаҳарларга жойлашуви ва бу жараёнда уларнинг ачинарли аҳволини ўз кўзи билан кўрган диёнатли халқимиз уларга меҳр-мурувват намуналарини кўрсатди. Масалан, Наманган уездида очларга хайрия йиғиш 1921 йил 5 августда бошланиб, икки кун ичида озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари 1,5 млн. рублдан ортиқ пул йиғилган бўлса, 11 августга келиб хайрия суммаси 3 млн. рублга етган эди. Шунингдек,

¹ ГАОО, ф. Р-450, оп. 1, д. 547, л. л. 23, 81.

² ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-руйхат, 718-иш, 904-варақ.

³ Красная Фергана, 28 октябрия 1921 г.

Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошидаги кооперация бирлашмаси ҳам 1 млн. рублни хайрия қилган эди¹.

1921 йил ноябрига қадар Туркистон республикаси ўз қарамоғига очарчилик губернияларидан 66 мингга болани қабул қилишга улгурган². Ҳолбуки, юқорида қайд этганимиздек, Туркистон, Россиядан эвакуация қилиниши кўзда тутилган 120 мингга боладан 25 мингтасинигина ўз қарамоғига олиши мумкинлигини қайд этган эди. Қолган болалар Сибирь, Украина, Смоленск, Курск ва бошқа ҳосилдор губернияларга кўчирилиши керак эди. Аммо Марказ кўрсатмасига мувофиқ, Туркистон ўз қарамоғига имконият даражасидан анчагина кўп болаларни қабул қилишга тўғри келган. Бунинг ҳам сабаби бор эди, чунки 1921 йил 11 сентябрида Украина МИҚ Самара, Қозон, Уфа, Симбирск, Уральск, Парицин, Астрахань, Чебоксарга телеграмма юбориб, ўз ҳудудига болаларни кўчирилиши жуда тартибсиз, пала-партишлик, кийим-кечаксиз амалга оширилаётганидан қатъиян норозилигини билдиради. Бундай норозилик натижасида, БМИҚ ОЁ МК бундан кейин Марказни руҳсатсиз юқорида қайд этилган губерниялардан Украинага оч болаларни юборишни таъқиқлайди³. Натижада, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Украинага юборилиши мумкин бўлган болаларнинг бир қисми Туркистон зиммасига тушган. Шунинг учун ҳам оч болаларни Туркистонга эвакуацияси сон жиҳатдан янада кўпайиб кетган. Оч болаларни жойлаштириш муммоси борган сари боши берк кучага кириб бораётганидан Туркистондаги ҳарбий қисмлар ҳам ўз қарамоғига болаларни боқиш ва тарбиялаш учун ола бошлаган. Шунингдек, айрим оилалар очарчилик губернияларидан келган болалардан битта-иккитасини фарзандлари қаторига қўшиб, уларга бошпана бериб, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаганлар⁴. Бундай бағрикенглик очарчилик йилларида жуда кўп маротаба учраган. Масалан, ўзбек халқининг ҳақиқий болажонлик намунасини самарқандлик темирчи уста Огафоров деган кишининг тимсолида ҳам кўриш мумкин. У эвакуация муносабати билан Волгабўйидан Самарқандга келтирилган болалардан 30 тасини ўз оиласи қарамоғига олиб, кийим-кечак, озиқ-овқат, бошпана билан таъминлаган⁵.

Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан кўчирилаётган болаларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш, кийим-кечак ҳамда озиқ-

¹ Известия (ТуркЦИК), 11, 14, 17 августа 1921 г.

² Заря (Симбирск), 13 ноября 1921 г.

³ НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1 д. 6, л. 45 об; ЦГИА РБ, ф. Р-107, оп. 1, д. 101, л. 94.

⁴ Красная Фергана, 25 ноября 1921 г.

⁵ Коммуна (Самара), 24 марта 1922 г.; Известия (ТатЦИК), 25 марта 1922 г.

овқат билан таъминлашда Туркман (Каспийорти) вилоятининг ҳам катта ҳиссаси бор. Масалан, Туркман вилоятига дастлаб 5 мингта болани қабул қилиш мумкинлиги қайд этилган. Келаётган болаларни 500 таси Марвга, 500 таси Байрамалига, 500 таси Кушкага, 200 таси Иолатанга, 200 таси Теджен-Гинсбург уездига, 50 таси Душакка, 1000 таси Полторацк (ҳозирги Ашхабод)га жойлаштирилиши кўрсатилиб, Марвда бир нечта мактаб-интернатлар оч болалар учун тайёрланиши таъкидланган¹. Шунингдек, Туркман вилояти ОЁ комиссияси томонидан келаётган болаларни интернатларга жойлаштириш ва болаларга дастлабки озиқ-овқат ҳамда кийим-кечаклар учун 5 млн. рубль ажратилган эди. Болаларни жойлаштириш муаммолари билан Смирнова-Николаева раҳбарлигида «Болалар комиссия»си шуғулланган².

Очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни қабул қилиб, уларга бошпана бериш ҳамда иссиқ кийим-бош, озиқ-овқат билан таъминлашда Самарқанд вилояти аҳли ҳам катта роль ўйнаган. Вилоят ОЁ комиссиясининг қарорига мувофиқ, Самарқанд шаҳрининг ўзида 23 та интернат Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган оч болалар учун тайёрланган бўлиб, унда турли миллат вакиллари истиқомат қиларди. Бундан ташқари, Каттақўрғон, Жиззах, Самарқанд уездларида ҳам оч болалар учун махсус интернатлар ташкил қилинган эди. 1921 йил октябрь ойи иккинчи ярмидан очарчилик ҳудудлари бўлмиш Оренбург, Самара, Қозон, Уфа ва бошқа ҳудудлардан 142, 163, 203, 300, 2003, 3001-сонли санпоездлари ҳар гал 600-700 тадан болаларни Самарқанд йўналиши бўйича келтириб турган. Бу ерда шуни эътироф этиш жоизки, Туркистонга болалар эвакуация сони бўйича ҳар хил манбалар мавжуд. Масалан, П.Т. Казанчанц Самарқандга Волгабўйидан келтирилган болалар сони 1921 йил охиригача 825 тани ташкил қилган, дейди³. Бошқа бир манбада келтирилган оч болалар сони 11379 та бўлган дейилади⁴. Аммо бизнинг Татаристон, Бошқирдистон, Оренбург, Самарқанд архивлари ҳамда оммавий ахборот материалларига асосланган хулосамизга кўра, фақатгина Самарқанд вилоятининг ўзи уюшган ва уюшмаган ҳолда келтирилган болалардан 60 мингтадан ортигини ўз бағрига олган эди. Кўчирилаётган болалар билан биргаликда Волгабўйидан мактаб ўқитувчиларининг ўзлари тарбиячи ҳамда раҳбар сифатида ҳам сафарбар қилинган эди. Ана шундай

¹ ААП Рес. Туркм. ф. Р-94, оп. 1, д. 112, л. 2, 7.

² ААП Рес. Туркм.: ф. Р-94, оп. 1, д. 112, л. 17.

³ Казанчанц П.Т. Становление и развитие народного образования в советском Туркестане. Т.: Ўқитувчи, 1982. С. 29.

⁴ Жизнь национальностей, 14 марта 1922 г.

ўқитувчилардан Бошқирдистондан А. Қодиров, М. Қувватов, У. Абдуллаевлар ҳам болалар эвакуацияси билан Самарқандга келтирилган эди¹.

Очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларга ёрдам кўрсатишда Бухоро республикасининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бухорода ҳам 1921 йил июль ойи бошларидаёқ Волгабўйи очларига ёрдам кўрсатиш комиссияси ташкил қилиниб, ушбу комиссия ўз олдига нафақат катта ёшдаги очларга, балки биринчи навбатда оч болаларга ҳам ёрдам қўлини чўзишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди². Бухоро республикаси Нозирлар кенгаши дастлаб очарчилик губернияларидан 1000 та болани ўз қармоғига олишга қарор қилганига қарамасдан,³ аслида қабул қилинган болалар сони бир неча марта ошиб кетган эди. Бухорога, асосан, татар, бошқирд, чуваш болаларини эвакуация қилинган. Эвакуация жараёнида 52, 57-санпоездлари Россиянинг очарчилик ҳудудларидан 600 та ва баъзан 700 та болаларни жойлаб, Бухорога келтирилганлар⁴. Бухоро республикаси ўз қарамоғига болаларни қабул қилиб, уларга бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат бериш билангина чекланиб қолмаган. Масалан, Бухоро республикаси Нозирлар кенгаши 500 млн. рубль ажратиб, бу пулга Бошқирдистон республикасининг оч болалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб, Уфага жўнатиши кўзда тутилган эди⁵.

Эвакуация жараёни Туркистон учун катта қийинчиликлар туғдирди. Чунки Туркистон аҳолиси эндигина очарчилик (1917-1919) оқибатларини тугатиш ҳаракатида бўлган пайтда, ўлкага бир неча юз минг кишини келтирилган. Натижада, иқтисодий аҳвол яна издан чиқиб кетди. Эндиликда Туркистон халқи нафақат ўзини, балки келтирилган очларни ҳам боқиши, кийинтиришига тўғри келди. Лекин ўлкадаги аҳвол ночор бўлишига қарамасдан, Туркистонда келтирилган очларга меҳр-мурувват, саховат ва бағрикенглик намуналарини кўрсатганлар. Жойларда «Ўнта таъминланганлар битта очни ўз қарамоғига олиши керак», «Ҳамма очарчиликка қарши курашга» каби шиорлар ҳаётга татбиқ этилган.

¹ НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, д. 6, л. 274; ЦДНИ ОО, ф. Р-450, оп. 1, д. 574, л. л. 16, 20-21, 23, 27, 28, 29, 29 об. 31, 33, 39, 41, 49, 52, 54; ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп-1, д. 1, л. л. 12-13; Пролетарий, 12 мая 1922 г.; Известия (ТатЦИК), 2 декабря 1921 г.

² Известия (Бухара) 21 июля 1921 г.

³ Известия (ТатЦИК) 25 сентября 1921 г.

⁴ ЦДНИ ОО, Р-450, оп. 1, д. 457, л. л. 59-63.

⁵ Пролетарий (Самарқанд), 8 февраля 1922 г.

3.3. БОШҚИРДИСТОН МИҚ ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

Очарчилик муносабати билан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги Бошқирдистон, Татаристон, Қозоғистон республикалари, Самара, Симбирск ва бошқа губернияларнинг тегишли иқтисодий ваколатхоналари, матлубот жамиятлари Туркистонда фаолият кўрсатганлар. Бу ташкилотлар нафақат ўз ҳамюртларини Туркистонга кўчиришга, балки ўз ҳудудларида очарчилик азобини тортаётганларга турли хайрия тadbирлари ўтказиб, озиқ-овқат маҳсулотларини вилоят, уездлардан жўнатиш ишлари билан ҳам шуғулланганлар. Шунингдек, Россиянинг очарчилик ҳудудлари вакиллари Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари бозорини ўрганиб, саноат, ёғоч маҳсулотларига озиқ-овқат алмаштириш муаммолари ечимини ҳам йўлга қўйганлар.¹ Ушбу параграфда Туркистонда фаолият кўрсатган Бошқирдистон МИҚ ваколатхонасининг очарчилик йиллари Туркистондаги фаолияти тўғрисида фикр юритилади.

Бошқирдистондаги очарчилик даҳшати бутун мухторият республикасини қамраб олишига қадар бир қанча омиллар сабаб бўлганини эътироф этиш керак. Бу очарчиликка сабаб қилиб нафақат биринчи жаҳон ва фуқоролар уруши, балки хўжалик юртишдаги бошбошдоқликни ҳам кўрсатиш мумкин. Бошқирдистонда 1920 йили 1913 йилга нисбатан оғлар 522 мингдан 195 мингга тушиб қолди, яъни уларнинг сони 357 минггага қисқариб, бу 64 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, мол ва бузоқлар 449 мингга бўлган бўлса, уларнинг 223 минггаси ёки деярли 50 фоизга қисқариб кетди. Қўйлар эса 1.599 мингтадан 390 минггага тушиб қолди ва бу 75,9 фоиз қисқаришга олиб келди. Юқорида келтирилган даврда Бошқирдистонда экиш ерлари 1210716 гектардан 619242 гектарга ёки 48,8 фоизга қисқариб кетди. Боз устига, 1920 йилги қурғоқчилик ҳам ҳосилни тўлақонли унмаслиги учун хизмат қилган эди². Лекин шунга қарамасдан, Бошқирдистон республикаси Марказ топшириғи асосида 1920 йилги озиқ-овқат тақсимотини

¹ Жизнь национальностей, 26 ноября 1921 г.

² Хрестоматия по истории Башкортостана... С. 190-191.

тўла бажаришга «эришган» эди. Ҳар қандай йўл билан юқоридан берилган топшириқни 100 фоизга бажариш, охир-оқибатда халқ фожесига айланиши мумкин бўлган сабаблардан бири, десак бўлади. Бундай аҳвол оқибатида аҳолини боқош имконияти йўққа чиққан эди. Лекин, шунга қарамасдан, Бошқирдистондан 2,2 млн. пуд галла, 39 минг бош йирик шохли, 82 минг бош майда шохли ҳайвонларни, 6,2 минг пуд ёғ ва 2,2 минг пуд асал, катта миқдорда тухум, ун, пичанлар тортиб олинган эди¹.

Бошқирдистондаги бу аҳвол ўз-ўзидан муқаррар очарчиликка олиб келди. Эндиликда одамлар тўп-тўп бўлиб далаларни изғиб юриб, ўт-ўланларни, илдизларни истемол қилишга мажбур эдилар. Ҳаттоки, очарчилик даҳшати уларни ҳайвонларнинг терисини, эски этикларнинг қўнжини ва дарактлар пўстлоғини истемол қилиш ҳолатларига ҳам олиб келган².

Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси Мирсаит Султан-Ғалиев Бошқирдистондаги очарчилик сабабларини мухторият республикаси раҳбарияти зиммасига ҳам юклайди. Унинг фикрича, Бошқирдистон ҳукумати Марказга очарчилик бўлиши мумкинлиги ва зудлик билан чора-тадбирлар кўриш зарурлиги тўғрисида арз-дод қилмаган. Натижада, ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш имконияти бўлмаганлигини айтади³. М. Султан-Ғалиев фикрига тўла қўшилиб бўлмайди, чунки Марказ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги аҳволдан жуда яхши хабардор бўлган. Бу тўғрида тарихий манбалар шоҳидлик беради. Масалан, 1921 йил 19 апрелда Бошқирдистон ҳарбий ишлари бўйича халқ комиссари М.Л. Муртазин Россия миллатлар иши бўйича халқ комиссарига, Бошқирдистон МИҚ раиси Ш. Худайбердин эса 1921 йил 22 майда РСФСР озиқ-овқат бўйича халқ комиссарлигига, РКП(б) МҚга, Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигининг Бошқирдистондаги вакили Ш. Манатов бўлса, 1921 йил 2 июнда РСФСР ХКК раисига мурожаат қилишиб, Бошқирдистондаги очарчилик кун сайин эмас, соат сайин кўпдан-кўп одамларни ўз домига тортаётгани ва натижада одамлар қирилиб кетаётгани тўғрисида аянчли хабарларни етказиб, ёрдам сўрашган⁴. Бошқирдистон МИҚ раисининг ўринбосари 1921 йил июнь ойи бошларида миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарига йўллаган телеграммасида қуйидагиларни хабар қилади: «Бош-

¹ Қарант: Касимов С.Ф. Автономия Башкортостана... С. 192.

² ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 99, л. 10.

³ Мирсаит Султан-Ғалиев: Избранные труды... С. 408.

⁴ Давлетшин Р. 1921-1922 йылдарзағи аслык. // Ватандаш, №3, 1997. 121-б.

қирдистон шу пайтга қадар ҳеч бўлмаган озиқ-овқат таназзулини бошдан кечирмоқда. Минглаб очлар гала-тўдаси тўкилган бўғдойни териш билан овора...»¹. Аммо марказий ҳукумат ёрдам беришга ожиз эди.

Бошқирдистонда 1921 йил июнида очарчиликка қарши «фавқулодда учлик» комиссияси ташкил қилиниб, унинг вазифасига очларни рўйхатдан ўтказиш, уларга озиқ-овқат топиш каби масалалар ечимида мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган эди. Айнан ана шундай «фавқулодда учлик» комиссияси Уфа шаҳрида 1921 йил 24 июнида ўз фаолиятини бошлади. Комиссиянинг саъй-ҳаракати туфайли 1921 йил 18 июлга қадар шаҳардаги очлардан 1897 тасини рўйхатга олинди. Ушбу комиссия қарорига кўра, очларга бериладиган меъёрдаги нонни $\frac{1}{4}$ фунт, 1,5 золотник ёғ ва 12 золотник гўшт, 10 золотник крупа деб белгиланди. Албатта, юқоридаги белгиланган меъёр «фавқулодда учлик» комиссиясининг фаолият кўрсатган давригагина тааллуқли бўлиб, кейин 1921 йил 1 сентябридан, яъни «фавқулодда учлик»ни Бошқирдистон МИҚ ҳузурида очларга ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси (БошМИҚ, ОЁ МК)га айлантирилгандан сўнг ўз кучини йўқотган².

Бошқирдистондаги аҳвол 1921 йил июль ойидан янада мушкуллаша бошлади. Бошқарувдаги бошбошдоқликдан ташқари жазирама иссиқ, қурғоқчилик ҳам ҳосил бўлиши мумкин деган орзун пучга чиқарган эди. Бу эса Бошқирдистон мухторият республикаси раҳбариятини очликка мубтало халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, тегишли имконият, чора-тадбирларни излашга ундарди. Бу борада Бошқирдистон МИҚ ҳайъати туркий халқлар ёрдамига, хусусан қардош Туркистон республикаси кўмагига муҳтож бўлади. Шунинг учун БошМИҚ ҳайъати ўзининг 1921 йил 9 августда бўлиб ўтаган навбатдан ташқари мажлисида республикадаги очарчилик даражаси ва унинг кундан-кунга кенгаётган даҳшатли кўлами тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, Туркистонда Бошқирдистоннинг ваколатхонасини очиш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорда «Бошқирдистон ўзи учун муҳим аҳамиятга молик қардош, қўшни Туркистон республикаси билан чуқур иқтисодий алоқалар ўрнатиш муҳимлигига аҳамиятни қаратиб... Туркистонда ўзининг доимий ваколатхонасини очиш зарур, деб ҳисоблайди» дейилади³.

Бошқирдистон МИҚ 1921 йил 9 августдаги мажлисида ўзининг Туркистондаги ваколатхонаси қошида Бошқирдистон матлубот ит-

¹ ЦДНИ ОО РБ, ф. П-22, оп. 4, д. 29, л. 14.

² ЦГИА РБ, ф. Р-394, оп. 4, д. 22, л. л. 70-71; ф. Р-629, оп. 1, д. 472, л. 36.

³ Ўша жойда, ф. Р-107, оп. 1, д. 86, л. 21.

тифоқи (Бошсоюз)нинг Туркистон ва Бухорода бўлимларини ҳам ташкил қилишга қарор қилган¹. Ушбу бўлимлар Бошқирдистон республикаси очларига озиқ-овқат йиғиш, хайрия ва товар алмаштиришларни амалга ошириш билан шуғулланарди.

1921 йил 25 августида Бошқирдистоннинг Туркистондаги ваколатхонаси аппаратида ишловчилар 10 киши, яъни Х.Н. Амиров бошчилигида Г. Чанишев, Х. Яфаев, Г. Еникеев, И. Янбухтин, Х. Зокиров, Х. Арлов, Х. Яфаева, Л. Еникеева, А. Киреевлардан иборат деб тасдиқланди². Бошқирдистон МИҚ томонидан 1921 йил 26 августида берилган гувоҳномада Х.Н. Амировга «икки республика ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа ўзаро манфаатли масалалар бўйича иш юритиш ваколати топширилади» дейилади³.

Шундай қилиб, Бошқирдистон мухтор республикасининг ваколатли вакиллари 1921 йил сентябрь ойининг бошларида Тошкентга етиб келиб, Х.Н. Амиров бошчилигида 1921 йил 20 сентябрдан амалда ўз фаолиятларини бошлаганлар⁴. Ўзи ночор яшаётган Туркистон аҳолиси учун бу яна қўшимча «оғир юк» эди. Бундан ташқари, айна пайтда Марказ томонидан Туркистон зиммасига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига тегишли наряд асосида озиқ-овқат маҳсулотларини юбориш мажбурияти ҳам юклатилган эди⁵.

ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бретт Бошқирдистонни Туркистонга бириктирилишига қарши чиқади. Чунки Бошқирдистон республикаси ваколатхонаси очилгунга қадар Қозоғистон, Татаристон республикалари, Самара, Симбирск каби очарчилик губерниялари ҳамда Москва, Петербург вакиллари Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган эдилар. ТуркМИҚ раҳбарияти Марказ томонидан яна қўшимча Бошқирдистонни ҳам бириктириб қўйилиши ўлка имкониятини ҳисобга олинмаганликда деб ҳисоблайди. ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бретт ушбу масала бўйича БМИҚ қошидаги ОЁ МКга берган маълумотида, «...агар Бошқирдистон республикаси ҳам Туркистонга бириктирилса, ...тез кунларда Туркистон аҳолисининг ўзини [боқиш] учун четдан [озиқ-овқат] келтирилиши мумкин»⁶ деб хавфсирашини билдиради. Сал олдинроққа ўтиб, шуни айтиш мумкинки, воқеалар ривожи М. Бретт хавфсирашини ҳаётда тасдиқлайди.

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-107, оп. 1, д. 86, л. 37.

² Ўша жойда, Р-99, оп. 1, д. 2, л. 1; д. 5, л. 21.

³ Ўша жойда, л. 1.

⁴ Ўша жойда, д. 8, л. 15.

⁵ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 298-иш, 565, 568, 663-варақлар.

⁶ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 11.

Амалда ўз фаолиятини бошлаган БошМИҚ ваколатхонаси фаолияти доирасига, Бошқирдистонни Туркистонга бириктирилиши расман тасдиқлангунга қадар, эвакуация тариқасида Уфа, Стерлитамак каби ҳудудлардан келтирилаётган болалар, катта ёшдагиларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, товар алмаштириш орқали шартномалар тузиш ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кирган. Масалан, Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси раҳбарлигида Бошсоюз саъй-ҳаракати билан Самарқандда 1921 йил 13 октябрга қадар 4 вагон ғалла йиғиштиришга эришилган. Ушбу 4 вагон ғалла Бошқирдистон очларига деб мўлжалланган эди¹. Бошқирдистоннинг Туркистондаги ваколатхонаси иштирокида Бошсоюз билан Туркистон ХКК ўртасида 1921 йил 26 октябрида ўзаро товар айирбошлаш билан боғлиқ шартнома тузилган. Ушбу шартномага кўра, келтириладиган саноат маҳсулотларига Туркистон республикаси Бошқирдистон аҳолисини ғалла билан таъминлаш мажбуриятини олган. Тузилган шартномадан келиб чиқиб, Бошқирдистон томони очарчиликдан одамлар ҳалокатга маҳкум бўлаётганлиги учун Туркистон ХККдан 40 вагон ғаллани олдиндан юбориб туришларини сўраган².

Бошқирдистондаги очарчилик кундан-кунга фалокатли тус олаётганини БМИҚ қошидаги ОЁ МК навбатдаги мажлисида яна кўриб чиқилди. Ушбу мажлисда Бошқирдистонда 1921 йил июлидаёқ очликка мубтало бўлганлар сони 750 мингтани ташкил қилгани қайд этилиб, очлар сони борган сари яна кўпайиб бораётгани уқтирилди. Ҳар томонлама муҳокамадан кейин БМИҚ 1921 йил 8 сентябридаги қарорига мувофиқ, Бошқирдистонни очарчиликка учраган ҳудудлардан бири, деб қайд этди. Бошқирдистонга очарчиликка учраган деб мақом берилиши республикани ҳар қандай озиқ-овқат солиғидан озод қилиш билан бирга ўз аҳолисини кўчирилишига, четдан озиқ-овқат ёрдамини олишга имкон берарди³.

Бошқирдистон МИҚ ва унинг Туркистондаги ваколатхонаси ўртасидаги алоқалардан маълум бўладигани, аҳвол, айниқса оч болалар аҳволи мушкуллашиб борарди. 1921 йил октябрь ойи бошида Бошқирдистон МИҚ раиси М.Л. Муртазин Туркистон МИҚ раҳбариятига ва Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси раҳбари Ҳ.Н. Амировга очарчилик кўлами кенгайиб, болалар ўлими кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ қуйидаги

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 11, л. 5.

² ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 296-иш, 589-варақ.

³ ЦГИА РБ, ф. Р-629, оп. 1, д. 9, л. 10.

муружаатни юборади: «Бошқирдистонда ҳар куни очликдан ўн минглаб болалар ўляпти... қишда [темир] йўл алоқаси, озиқ-овқат йўқлиги сабабли аҳвол янада фалокатли бўлади... Бошқирдистондаги ички имкониятлар билан болалардан озгинасинигина боқиш мумкин. Мактаб ёшигача бўлган болалар Бошқирдистонда 300 мингтани ташкил қилади. Шундай қийин дамларда Бошқирдистон Сиз қардошлардан янги ҳосил йиғимига қадар мактаб ёшидаги бошқирд болаларнинг мумкин қадар кўпроғини [ўз қарамоғингизга] қабул қилишингизни сўраймиз. ... [болаларни] совуқ тушмасдан жўнатишимиз кераклиги учун зудлик билан хабар беринг»¹.

Дастлабки пайтда Бошқирдистондан Туркистон, Бухоро республикаларига очарчилик азобини тортаётган болалардан 10 мингтасини кўчирилиши кўзда тутилган эди. Бошқирдистон МИҚ, республика ОЁ МК ва маориф халқ комиссарлиги ҳамкорликда очлик азобидан ота-онасидан ажралган ёки боқувчисини йўқотган болаларни тўплаб, вагонларга жойлаб, Туркистонга, Бухорога жўнатиш 1921 йил сентябрь ойи охирларидан бошланган. Шунинг учун Бош-МИҚ ОЁ МК, маориф халқ комиссарлиги 1921 йил 7 октябрида кўчирилаётган болаларни Туркистон ва Бухорога жойлаштириш бўйича фавқулодда вакили Г.Ш. Чанишевни Бухорога жўнатади. Берилган гувоҳномага кўра, унга Бошқирдистон Республикаси номидан Туркистон ва Бухоро республикаларидаги марказий органлар билан очарчиликка дучор аҳолига ёрдам формалари тўғрисида музокаралар юритиш топширилган эди².

Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси ва айниқса унинг раиси Х.Н. Амиров ўз фаолиятига киришар экан, очларга ёрдам беришни энг муҳим вазифа деб қарайди. Х.Н. Амиров ўзбек тилини яхши билгани ҳамда маҳаллий шароитдаги урф-одатларни яхши ўргангани учун эгаллаган мансаби бўйича фаолият юритар экан, қаерга бормасин, ким билан суҳбат қурмасин, фикри-зикри очарчилик азобини тортаётган Бошқирдистон халқи азобларини енгиллаштириш иштиёқи билан ишлади. У жойларда маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда «очларга ёрдам ҳафталиги», «очларга ёрдам икки ҳафталиги» тадбирларини ўтказар ва бундай тадбир натижасида тушган хайрия маблағларини, озиқ-овқатларни зудлик билан Бошқирдистонга юбориш чораларини кўрар эди. Айниқса, унинг ўзбек, тожик, туркман, қирғиз миллатига мансуб аҳоли ўртасида очарчилик даҳшати, қамрови ва болаларни бир бурда нонга зор яшаётгани ҳамда Бошқирдистонда ўлим жуда кўпайгани тўғрисидаги берган маълумот-

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 11, л. 14.

² Ўша жойда, ф. Р-107, оп. 1, д. 127, л. 20.

лари кишиларни бефарқ қолдира олмас эди. Х.Н. Амиров ўз вази-
фаси юзасидан Туркистон МИҚ раиси, БХСР ва ХХСР Нозирлар
Кенгаши раислари билан ҳам бир неча марта учрашиб, озиқ-овқат,
эвакуация ва бошқа масалаларни имкон қадар ижобий ҳал қилиш
билан шуғулланган. Масалан, у 1921 йил 8 октябрда Ф. Хўжаев
раислигида бўлган БХСР ҳайъати мажлисида қатнашиб, Бошқир-
дистондаги ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий аҳвол тўғриси-
да батафсил маъруза қилди. БХСР ҳайъати азолари Х.Н. Амиров-
нинг маърузасини муҳокама қилиб, Бошқирдистон республикаси-
дан «1500 одамни ўз қарамоғига олиш ва уларга иқтисодий ёрдам
бериш»¹ тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказ кўрсатмасига биноан, у ёки бу очарчилик ҳудудидаги
қайсидир республика, губерния, вилоят бириктирилса, ўша би-
риктирилган ҳосилдор ҳудуд оч деб топилган ҳудудга озиқ-ов-
қат ёрдами кўрсатиши, ғалла, буғдой, пул, кийим-кечак маҳсу-
лотлари етказиб бериши, турли хайриялар, ёрдам ҳафталиклари,
спектакль, концертлар уюштириши керак эди. 1921 йил 20 ок-
тябрда БМИҚ Бошқирдистонни Туркистонга расман бирикти-
рилган деб тасдиқлади². Эндиликда Бошқирдистон МИҚ вако-
латхонасининг вакили Қозоғистон республикаси вакили каби
ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ҳайъатининг ҳар бир йиғилишида
қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз республикаларидаги очлар аҳво-
ли, эвакуация зарурати ёки келганларни жой, озиқ- овқат, ки-
йим-кечак билан таъминланганлик даражаси ҳамда очларга озиқ-
овқат жўнатиш билан боғлиқ муаммоларни кўтаришар ва мум-
кин қадар ёрдамни мувофиқлаштириш билан шуғулланишар эди³.
Бошқирдистонни Туркистонга бириктирилиши масаласи Турк-
МИҚ томонидан ҳам расман эътироф этилди. Бундай ҳолат Тур-
кистонда Бошқирдистон халқи учун турли хайрия тadbирлари
ўтказишга кенг йўл очиб берди⁴. 1921 йил октябрь охирида
Бошқирдистон ва Қозоғистон республикаларининг Туркистон-
даги ваколатхонаси вакиллариغا Еттисув вилоятидан 1 млн. пуд
ғаллани олишлари мумкинлиги қайд этилган эди⁵. Ушбу 1 млн.
пуд ғалла Бошқирдистон ва Қозоғистон очларига хайрия тари-
қасида йигилган эди⁶.

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 11; ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 350-иш, 252-варақ; ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 1.

² ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 5, л. 30.

³ Ўша жойда, д. 9, л. 10-11.

⁴ Ўша жойда, д. 5, л. 26; д. 11, л. 30-31; д. 8, л. 3; ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 330-иш, 8-варақ; 347-иш, 43-варақ.

⁵ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 1, 1 об.

⁶ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 347-иш, 8-варақ.

1921 йил 20 ноябридаги маълумотларга қараганда, Бошқирдистоннинг 1 млн. 250 минг аҳолисидан 550 мингта катта ёшдагилар, 350 мингта болалар очлик азобини тортардилар. Айни шу даврда Стерлитамак шаҳрида 1500 та, республиканинг бошқа ҳамма кантонларида 14 минг 445 тагина болаларни уюшган ҳолда махсус болалар уйларида боқилаётган эди ҳолос¹. Умуман олганда, 1921 йил декабрига келганда, Бошқирдистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини очлар ташкил қиларди². Орадан бир ой ўтмай, яъни 1921 йил охирларида Бошқирдистон аҳолисини $\frac{2}{3}$ қисмидан кўпини очарчилик ўз домига тортиб улгурган эди. Тула бўлмаган маълумотларга кўра, 1921 йил охирларига келиб Стерлитамак, Юрматинск, Табинск кантонлари аҳолиси ўртасида ўлим даражаси 30-35 фоизгача борарди. Республиканинг қолган кантонларида очлар ўртасида ўлим 45 фоизгача борарди³.

Бошқирдистон аҳолисининг нисбатан ўзига тўқлари олабўта истеъмол қилган бўлса, қолган очарчиликка мубтало аҳоли олабўтага қорилган чори (тўпон), элма (қайрағочнинг бир тури — Р.А.) пўстлоғи, ёш оқ қайин дарахтининг тўпони, чўчкаёнгоқ (дуб дарахтининг меваси — Р.А.), четан ва бошқа илдизпояларни истеъмол қилишга мажбур эди. 1921 йил ноябригача ит, мушуклар еб бўлинган эди. Тоғли кантонларда деярли ҳамма ҳайвонлар еб битирилган эди⁴. Бунинг устига очарчилик йиллари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳам кундан-кунга кўтарилиб борарди. 1921 йил ноябрида Бошқирдистонда бир пуд кунжарани 220 минг рублга, 1 пуд олабўта кўшилган тўпонни 60 минг рублга, 1 пуд олабўта (шўра) ни 300 минг рублга, 1 пуд чўчкаёнгоқнинг янчилганини 100 минг рублга харид қилиш мумкин эди⁵.

Очарчиликнинг кенгайиб бориши Бошқирдистон раҳбариятини 1921 йил декабрида яна Туркистон раҳбариятига ёрдам сўраб мурожаат қилишига олиб келди. Бошқирдистон МИҚ раиси М.Л. Муртазин Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбариятига навбатдаги юборган мурожаатида «Очарчилик кўлами шунчалик кенгайиб кетдики, натижада давлат очарчиликка мубтало губерниялар аҳолисинигина эмас, ҳатто болаларни ҳам озиқ-овқат билан таъминлай олмайди. Агар ҳозир аҳвол шундай бўладиган бўлса, Бошқирдистон ва Россиянинг бошқа губернияларидаги аҳволдан келиб чиқиб, яқин келажакда ҳам иқтисодий аҳвол тубдан ўзгар-

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-629, оп. 1, д. 472., л. 36.

² Ўша жойда, ф. Р-99, оп. 1, д. 5., л. 26.

³ Ўша жойда, ф. Р-629, оп. 1, д. 472, л. 37.

⁴ Ўша жойда, д. 427, л. 37.

⁵ Ўша жойда.

майди дея оламиз... Чунки ёрдам заҳираси ва истиқболига нисбатан очарчилик худудлари миқёси кенгроқ... Ушбу шароитдан келиб чиқиб, биз Сизлардан қардошларча ёрдам беришингизни сўраймиз... чунки Туркистонни бизга нисбатан иқтисодий шароити ... озиқ-овқат заҳираси яхшироқ ҳолатда... Ушбу мурожаатномамиз СИЗларнинг қалбингизга етиб борса... бизнинг илтимосимизни кечиктирмай бажаришга киришасиз, деб ўйлаймиз. Бу борада амалга ошириладиган тадбирлар қаторидан товар алмаштиришни кучайтириш... олди-сотди операцияларига доимий, режали хусусият бериш зарур... Юқорида қайд этилган тадбирларни зудлик билан амалга оширишга киришиш минглаб... бошқирдлар ва уларнинг оиласини [ўлимдан] кутқаради...

Биз Туркистондан бериладиган ёрдам имкониятлари ва турларини олдиндан белгилаб ўтирмаймиз... Ўйлаймизки, ўлим арафасида турган Бошқирдистон ишчи ва деҳқонларини қўллаб-қувватлайсиз... Ҳимояга муҳтож Бошқирдистон [халқи] Туркистондан тез ва қўлдан келганча ёрдам кутади.» дейди.¹

Мурожаатдан кўриниб турибдики, Бошқирдистон раҳбарияти Туркистондан катта ёрдам кутган ва бунга маълум даражада эришган. Айниқса бу ҳолат, Туркистонда Бошқирдистоннинг ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлагандан кейин янада мустақамланди. Масалан, 1921 йил 8 декабрда Бошқирдистон МИҚ раҳбарияти ўзининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Х.Н. Амировга мурожаатида «...эвакуация қилинган болалар аҳволини ҳамда қилинаётган хайриянинг даражаси»ни аниқлаш билан бирга Бошқирдистон очлари учун олинаётган ҳамма хайрияларнинг «80 фоизини Туркистондан олиш кераклигини»² қайд этади.

Бошқирдистоннинг Туркистондаги ваколатхонаси очларга «ёрдам ҳафталик»лари ўтказишда ўз фаолиятларини Қозоғистоннинг Туркистондаги ваколатхонаси билан биргаликда ўтказардилар. Хайрия тариқасида йиғилган озиқ-овқат, кийим-кечак, пул маблағлари Бошқирдистон ва Қозоғистон республикаларининг Туркистондаги ваколатхоналари ўртасида бўлиб олинган³. «Ёрдам ҳафталик»лари жойларда баъзан бир ҳафта эмас, балки икки ҳафта ва ҳатто мўлжалланган хайрия тушмаса, ундан ҳам кўпроқ давом этарди. Масалан, 1922 йил май ойида ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ташаббуси билан Бошқирдистон ва Қозоғистон республикалари очлари учун «икки ҳафталик ёрдам» ўтказилди. Ушбу тадбир

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-629, оп. 1, д. 472, л. 37.

² Ўша жойда, ф. Р-99, оп. 1, д. 11, л. 30.

³ ЎЗР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 330-иш, 7-варақ; ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 5.

натижасида Сирдарё ва Еттисув вилоятлари аҳолисидан 6 мингта қўй, йирик шохли 500 та ҳайвон (от, туя, моллар), 4 минг пуд ғалла йиғилди. Одатда «ёрдам ҳафталик»ларини ўтказиш ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ташаббуси ва руҳсати билан амалга ошириларди. Аммо айрим ҳолларда навбатдан ташқари «ёрдам ҳафталик»лари, хайрия, сайил ўтказиш тадбирлари Бошқирдистон ва Қозоғистон республикаларининг Туркистондаги ваколатхоналарининг ТуркМИҚдан олган розилиги туфайли ҳам қўшимча амалга оширила-верган¹.

БошМИҚ ва Қозоғистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхоналари ўзлари ўтказган «ёрдам ҳафталик»ларини Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари бўйлаб амалга оширишган. БошМИҚ ваколатхонаси ташаббуси билан ўтказиладиган хайрия, сайил, ёрдам ҳафталиги каби тадбирларга Бошқирдистон стипендианти тариқасида Туркистон давлат унверситетида ўқиётган талабаларни ҳам жалб этишган. Масалан, БошМИҚ ваколатхонаси Туркистон давлат унверситетининг қишлоқ хўжалиги, медицина, ишчи факультетларида Бошқирдистон стипендианти тариқасида ўқиётган И. Давлетшин, А. Кальметьев, Абдулатипов, Кашапов, Курбанғалиевларни унверситет ректоридан 1922 йил май ойидан «вақтинча... Бошқирдистон ва Қозоғистон очларига икки ҳафталик ёрдамни ўтказишда ишлаш учун сафарбар қилишни» сўраган². Ана шундай очларга ёрдам ҳафталикларини мунтазам ўтказиб турилганлиги тўғрисидаги маълумотлар архив манбаларида кўплаб сақланиб қолган³. Масалан, архив манбаларида Бошқирдистон ва Қозоғистон очларига «икки ҳафталик ёрдам» 1923 йил декабрида ҳам ўтказилганлиги тўғрисида маълумот бор⁴.

Иқтисодий аҳвол шундай давом этаверса, большевиклар сиёсий мақсадлари йўлида одамларни ўз орқаларидан эргаштира олмасдилар. Шунинг учун ҳам БМИҚ раҳбарияти очарчиликка учраган республика ва губернияларни у ёки бу ҳудудларга оталиққа олиш мажбурияти билан бириктириб қўйиш амалиётини давом эттиравердилар. Масалан, БМИҚ ўзининг 1922 йил 2 февралдаги қарори билан Бошқирдистон ва Қозоғистон республикаларидан ташқари яна қўшимча Татаристон мухтор республикасини, Самара ва алоҳида Уфа губернияларини ҳам Туркистонга бириктириб қўяди. Бошқачароқ айтганда, энди Туркистон республикасига Татаристон, Самара, Уфа ҳудудларидан ўлкага

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 5.

² Уша жойда, д. 7, л. 153.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 330-иш, 12-13-варақлар.

⁴ Уша жойда, 368-иш, 173-варақ.

эвакуация, оч-қочқин тариқасида келаётганларнигина эмас, балки ўша очарчилик ҳудудларида очликка мубтало аҳолини ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мажбурияти юклатилган эди. Ваҳоланки, илгарироқ Татаристон республикаси Петроградга, Самара губернияси эса Тулага бириктирилган эди. Албатта, Марказ Туркистон республикаси раҳбариятидан юқорида қайд этилган очарчилик ҳудудларини бириктириш бўйича розилигини олмаган эди¹.

Очларни боқиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар қаторига Бошқирдистон МИҚ томонидан одамларни эвакуацияси ҳамда бириктирилган қардош Туркистонда хайрия тadbирларидан йиғилган озиқ-овқатларни очларга келтириш каби вазифалар муҳим ўрин тутарди. Ҳатто бу борада Бошқирдистон МИҚ ўзининг Туркистондаги ваколатхонаси вакиллари фаолиятини етарли деб ҳисобламай, қўшимча алоҳида ходимларни ҳам Туркистонга сафарбар қиларди. Масалан, БошМИҚ қошидаги ОЁ МК раисининг ўринбосари Адигамов 1921 йил 24 декабрида ТуркМИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, эвакуация натижасида Туркистонга жойлаштирилаётганлар аҳолини ўрганиш ҳамда хайрия ва иш ҳақидан маълум миқдорини ўтказиш ишларини тезлаштириш учун Иброҳимов, Амиров, Бикбаевларни сафарбар қилганини қайд этади. Адигамов ўз мурожаатида Туркистондан Бошқирдистон очларига юборилаётган ёрдам ҳажми ҳақида тўхталиш билан бирга, бундан буён ҳам «... умид қиламизки, қардош республика меҳнаткашлари ва ҳокимияти ёрдам кўрсатишни кечиктирмай амалга ошираверадилар»² деб уқтиради. 1921 йил 30 декабрда Бошқирдистон ваколатхонаси раҳбари Х.Н. Амировга Бикбоевни Красноводск шаҳрига, Иброҳимовни эса Бухорога хайрия йиғиш бўйича масъул қилиб жўнатди. Уларнинг Красноводск ва Бухородаги ўтказган хайрия тadbирлари беҳуда кетмай, 1922 йил февраль ойи ўрталарига қадар Красноводскдан 5 вагон туз йиғишга ва Бухородан эса 30 вагон ғалла йиғиштиришга эришдилар. Оқибатда беш вагон тузни ҳам Туркистоннинг ўзида озиқ-овқатга алмаштириб, Бошқирдистонга юбориладиган бўлди³.

Очларга ёрдам тариқасида Туркистонда ўтказилаётган тadbирлар тури ва уни ўтказиш миқдори 1921 йил октябрь-ноябрь ойларида шунчалик кўпайиб кетдики, охир оқибатда бу маҳаллий аҳолининг имкониятини чеклашга олиб кела бошлади. Айниқса, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан тўғридан-тўғри Тошкент,

¹ ГАОО, ф.Р-166, оп.1, д. 1375, л. л. 19-21; ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 9, л. 11.

² ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 11, л. 28.

³ Ўша жойда, л. 39.

Самарқанд, Полторацк, Жиззах ва бошқа шаҳарларга қўлларида тегишли гувоҳномага эга бўлган сафарбар қилинганлар кўпайиб борарди. Улар ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКга ёки унинг вилоят ва уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссияларига учраб-учрамай, Туркистоннинг турли шаҳар ва районларига бориб, ҳар хил тадбирлар ўтказишга, хайриялар йиғишга, «ёрдам ҳафталик»ларини амалга оширишга ҳаракат қилишарди. Бу эса айрим ҳолларда бир жойнинг ўзида кетма-кет «ёрдам ҳафталик»ларини уюштирилишига, хайрия учун тадбирлар ўтказилишига олиб келар ва бу шундоқ ҳам ночор яшаётган маҳаллий аҳолининг турмуш даражасига таъсир қиларди. Бундай очларга ёрдам тадбирларини ўтказишдаги бошбошдоқликка сабаблардан бири — келишилмаган ҳолда сафарбар қилинганларни Туркистонда рўйхатдан ўтиб-ўтмай, ўзларича очларга ёрдам тадбирларини уюштиришга тушиб кетишлари эди¹.

Ҳар қанча ҳаракат қилинишига қарамасдан, очарчилик ҳудудларидан Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларига «ўзига хос сафарбарлик» волост, кантон, уезд, губерния миқёсидаги гувоҳномаларга асосланган ҳолда давом этаверган. Очарчилик муаммоларини ортиб бориши сари у ёки бу шахсларни сафарбар қилиш орқали шартномалар тузишга, хайрия жамғармасига пул, бугдой, озиқ-овқат маҳсулотлари йиғишга ундаларди. Масалан, 1922 йил 29 июнидан 9 августига қадар фақатгина Бошқирдистоннинг ўзидан 117 киши (биз томондан ҳисобланган — Р.А.) Туркистонга очлар учун бугдой, озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш ҳамда юбориш вазифалари билан юборилган эди².

Бошқирдистон республикасининг Туркистондаги ваколатхонаси аъзолари нафақат хайрия, ёрдам ҳафталиклари тадбирларини ўтказиш, балки Туркистон, Бухоро, Хоразм бозорларини ўрганиш ва Бошсоюзнинг Тошкентдаги вакили И.Г. Давлетшин орқали товар алмаштириш имкониятлари билан ҳам қизиқишлари керак бўлган. Ваколатхона вакиллари ва Бошсоюзнинг ҳаракати туфайли 1921 йил ноябридаёқ Туркистондан Бошқирдистонга 100 вагон ғалла юборишга келишилган. Юборилаётган ғалла учун Бошқирдистон Туркистонга 1000 ўринли ойнак, 25 минг дона шиша идиш, 300 пуд совун, 500 минг пуд кўмир ва шунингдек мих, газламалар юбориши керак эди³. 1922 йил феввалида эса Бошқирдистон Туркистон учун 30 минг жуфт этик етказиб, ўрнига ғалла олишни мўлжалланган эди. 1922 йил 26 апрелида БошМИҚ

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 298-иш, 556-варақ.

² ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 3, л. л. 1 об, 2, 2 об, 3, 3 об, 4, 4 об, 5.

³ Ўша жойла, д. 11, л. л. 8 об., 9.

ваколатхонаси вакилларининг Туркистон халқ маорифи комиссарлигидаги учрашувидан кейин 600 пуд ғалла ва 200 пуд гуручни Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлигига хайрия қилган. Шунингдек, 1922 йил 29 апрелида ваколатхона вакиллари Самарқанддан 426 пуд, Тошкентдан 1800 пуд, Черняевдан 600 пуд ғаллани Бошқирдистон очлари ҳисобига хайрия қилинишига эришганлар¹.

Туркистонда сафарбарлик муносабати билан Бошқирдистон очларига ёрдам бериш ишлари билан юрган Бошсоюз ва ваколатхона вакиллари хайрия, ёрдам ҳафталиклари, пул, озиқ-овқат йигими тадбирларини ўтказиш билангина шугулланмасдан, ғалла, гуруч маҳсулотларини Бошқирдистонга юборишда ўз оилалари, қариндош-уруғларига ҳам яна алоҳида ун, гуруч, мева олишга ҳаракат қилишарди. Масалан, 1922 йил апрелида Бошсоюз ходими Х. Кальметовга Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатли вакили Х.Н. Амиров томонидан берилган гувоҳномада, у ўзи билан 100 пуд ғаллани оиласига олиб кетаётганлиги қайд этилган эди².

Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонаси ўзининг фаолият доирасини кенглиги билан ажралиб туради. Фикримизга далил сифатида, ваколатхона томонидан Туркистонга келиб қолган ёшларга кўрсатилган ғамхўрликларни келтиришимиз мумкин. Масалан, БошМИҚ ваколатхонаси саъй-ҳаракати туфайли 1921 йил ноябрь-декабрь ойларидан Туркистон давлат университети ишчи факультетида Т. Гайнуллин, М. Асанов, Раҳматуллин, Манов, Ягафаровлар таълим оларди. Туркистон МИҚ ва ХКК кўмаги асосида уларга университетдан алоҳида ўрин ажратилган эди. Чунки улар ўқишни битирганларидан кейин «Бошқирдистон республикаси ихтиёрида бўлиш» мажбуриятини олган эдилар³.

Бошқирдистон ёшларини Туркистон давлат университетининг ҳар хил мутахассисликларига қабул қилиш 1921 йилдан кейинги йилларда ҳам давом этган. Ҳатто ушбу масала юзасидан Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлигининг махсус номзодлари Туркистон давлат университетида ўқишга тавсия этилган. Масалан, Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонаси 1922 йил 27 февралда Туркистон давлат университети ректорига «Зигра Махмудовани Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлиги номзоди тариқасида Сиз бошқараётган университетнинг қишлоқ ҳўжалик факультетига қабул қилишингизни сўраймиз»⁴ деб мурожаат қилади. Худ-

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 11, л. л. 38, 65; д. 6, л. 151.

² Ўша жойда, л. 49.

³ Ўша жойда, д. 6, л. л. 108-109, 115.

⁴ Ўша жойда, л. л. 85-86.

ди шу мазмундаги мурожаатни 1922 йил 27 февралда ваколатхона В. Шкляева номига ҳам беради¹.

Этироф этиш керакки, навқирон ёшларни, шундай очарчилик йиллари ҳам билим даргоҳига жалб қилишда БошМИҚ ваколатхонаси раҳбари Х.Н. Амировнинг хизмати катта эди. Айнан унинг Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбарияти билан олиб борган музокаралари натижасида очликдан паноҳ излаб келаётган ёшлардан айримларини олий даргоҳларда билим олишига ҳам имконият туғилган. Шундай ўзаро келишувлар натижасида Туркистон давлат университетига Бошқирдистондан келадиган йигит-қизлар учун алоҳида жойларни банд қилиб қўйилган. Шу муносабат билан Х.Н. Амиров Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлигига 1922 йил 10 августда берган телеграммасида, Бошқирдистон республикаси йигит-қизлар учун Туркистон давлат университетининг техника факультетига 5 та ўрин, қишлоқ хўжалиги факультетига 4 та, медицина факультетига 5 та, ижтимоий фанлар факультетига 12 та, физика-математика факультетига 16 та ўрин ва умуман ҳаммаси бўлиб 42 та жойни банд қилинганлиги ҳамда қабул аслида шу август ойида тугагини билдиради. Телеграммада Бошқирдистондан зудлик билан йигит-қизларни юбориш зарурлигини таъкидлаш билан бирга, қабулни Туркистон раҳбариятидан «15 сентябрга [1922 йил] чўзишни сўрадим»² дейилади. Архив манбаларининг шохидлик беришича, Бошқирдистон йигит-қизлари нафақат Туркистон давлат университетига, балки Тошкент ва Самарқанддаги техникумларда ҳам ўқиганлар³.

Туркистон давлат университетига нафақат Бошқирдистон республикасидан, балки Оренбург, Екатеринбургдан келган очлар ҳам ўқиган. Агар 1921 йил 25 ноябрда Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлиги томонидан 21 та талаба БошМИҚ ваколатхонасига учраган бўлса, 1922 йилда Бошқирдистон ОЁ МК томонидан фақатгина Тошкентдаги олий ўқув юртига (Туркистон давлат университетига — Р.А.) юборилганлар рўйхатида 44 киши бор бўлиб, улардан 22 таси бошқирд, 21 таси татар ва биттаси рус миллатига мансуб кишилар, яъни талабалар эди⁴. 1923 йилда ўқиётган татар ва бошқирларнинг умумий сони 98 кишини ташкил қилган.⁵ Тарихий манбаларда уларнинг маълум бир қисми туғри-

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 6, л. 87.

² Ўша жойда, д. 7, л. 83.

³ Ўша жойда, д. 6, л.л. 203, 234, 256.

⁴ Ўша жойда, д. 5, л. л. 11, 16-18.

⁵ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, филоийлик. Т.: «Маънавият», 2002. 36-бет.

сида маълумотлар сақланиб қолган. Ана шундай очарчилик гирдобидан қутулиб, Туркистон давлат университетида Бошқирдистон републикаси стипендианти тариқасида ўқиганлар қаторига И. Давлетшин, А. Кальметьев, Абдугалипов, Кашапов, Курбонгалиев, А. Бакирова, Попов, Ярославцев, Кабатов, Облязин, Утемисов, Толимбаев, А. Юсупов, Х. Татуков, Ш. Тўқаев, Х. Ремеев, А. Рафиқов, И. Давлетшин, З. Султанова, Р. Сайдашева, Х. Яқупов ва бошқаларни қўшишимиз мумкин¹.

Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонаси ўз фаолиятини БХСР ва ХХСРларда ҳам кенг миқёсда олиб боргани тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. Тўғри, бу республикаларда Бошқирдистон МИҚ махсус, алоҳида ваколатхона очмаган эди, аммо БошМИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси вакиллари бу вазифани ҳам амалда ўзлари бажаришга эришганлар.

Умуман олганда, Россияга озиқ-овқат ёрдами Бухоро республикасидан 1921 йил бошлариданоқ режали тарзда амалга ошира борилган. 1921 йил март ойида БХСР халқ иқтисодиёт нозирлиги Россияга озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича махсус қарор қабул қилиб, унга кўра 100 минг пуд буғдой, 40 минг пуд арпа, 20 минг пуд беда ажратилган. 1921 йил июнь-июль ойларида яна 45 минг пуд буғдой жўнатишган².

БошМИҚ ваколатхонаси амалда ўз фаолиятини нафақат Туркистонда, балки БХСР да ҳам бошлаб юборган. Ваколатхона раҳбари Х.Н. Амиров шахсан ўзи БХСР Нозирлар кенгашининг раиси Ф. Хўжаев билан учрашган ва Бошқирдистондаги очарчилик фалокати тўғрисида атрофлича маълумот берган. Натижада Бухоро республикаси Нозирлар кенгаши қарорига кўра, қардош Бошқирдистон халқи бошига тушган фалокатни тезроқ бартараф этиш йўлида очарчилик азобини тортаётган болалар учун 27461 пуд 26 фунт озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилинган³. Шундай қилиб, БХСР ва БошМИҚ ваколатхонаси ўртасидаги алоқаларга асос солинган.

БХСРдан очларга қилинадиган ёрдамни мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланиш учун БошМИҚ ваколатхонаси ўз ходими Хусан Орловни 1921 йил 25 октябрда Бухорога сафарбар қилган эди. Унинг зиммасига яна озиқ-овқат маҳсулотларини Бошқирдистонга юбориш вазифаси ҳам юклатилган эди⁴. БХСРдан

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 6, л. л. 153, 208, 220, 228, 257, 263, 270; д. 1, л. л. 125, 131.

² Интернациональное единство трудящихся... С. 188-189.

³ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп.1, д. 6, л. л. 189-189 об.

⁴ Ўша жойда, д. 2, л. 1 об.

Бошқирдистон халқига очарчиликка қарши иқтисодий ёрдам миқёси 1921 йил охиридан кўпайиб борди. Эҳтимол, бунга 1921 йил октябридан, БХСР раҳбариятининг, шахсан Ф. Хўжаевнинг ташаббуси билан ҳукумат томонидан иқтисодий ёрдам бўйича қабул қилган қарори¹ маълум даражада туртки бўлган бўлса ажаб эмас. Масалан, 1922 йил январь-февраль ойларида БошМИҚ Туркистондаги ваколатхонаси томонидан Анпилов, Бритков, Чуйкин, Чернов, Сейфульмулюков, С. Муртазин, Х. Усмонов, Бектемиров, И. Фаломеев, Я. Канов, В. Усмонов, Б. Усмонов ва бошқалар номига берилган гувоҳномаларда «Бухородан озиқ-овқат маҳсулотларини оч қолган Бошқирдистон халқига олиб келиши учун»² сафарбар қилинмоқда дейилган.

Бошқирдистонга кўрсатилаётган ёрдам кучайиши муносабати билан ҳамда БошМИҚ ваколатхонаси ва БХСР орасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш заруриятидан келиб чиқиб, А.З. Гофуровни 1922 йил 29 январда БошМИҚнинг БХСРдаги ваколатли вакили этиб тайинланади. БошМИҚнинг Туркистондаги ваколатхонасидан берилган гувоҳномада, унга БХСР ҳамда унинг ҳудудидаги РСФСР ташкилотлари билан турли иқтисодий шартномалар бўйича музокаралар юритиш ваколати юклатилаган эди³. БХСРда ваколатли вакилни иш бошлаши билан ёрдам кўлами янада кучая борди.

Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонасининг 1922 йил 7 мартдаги хабарига кўра, БХСРдан Бошқирдистон очларига 10 вагон ғалла хайрия қилингани ва ушбу хабарда яқин кунларда «30 вагон ғалла юборилаётган»⁴лиги тўғрисидаги маълумот ҳам берилади. 1922 йил 29 мартда Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонасининг Оренбургдаги тегишли ваколатхонасига Бухородан берган телеграммасига кўра «Янбухтин Ибатулла кузатуви остида Бошқирдистон ОЁ комиссияси ихтиёрига ҳарбий санитар поездида Бухоро ҳукумати томонидан берилган 5736 пуд ғалласини ҳамда 1590 пуд хайрия қилинган ғаллани юборилган. ... яна Давлетшин ва унинг ходимлари кузатуви остида Кармана вилоятидан 5 вагон жўхори ҳам юборилган.»⁵ Орадан кўп ўтмай, 1922 йил 4 апрелида БХСРдан хайрия қилинган 11 вагон юк Бошқирдистон очларига жўнатилган⁶. 1922 йил 2 майда 25 вагон озиқ-овқат

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 5, л. 13.

² Ўша жойда, д. 1, л. л. 15-29.

³ Ўша жойда, л. 9.

⁴ Ўша жойда, д. 7, л. 59; д. 8, л. 8.

⁵ Ўша жойда, д. 8, л. 36.

⁶ Ўша жойда, л. л. 47-47 об; ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1860-иш, 1-варақ.

маҳсулотлари товар алмаштириш ҳисобига Уфага жўнатилган бўлса, орадан 7 кун ўтгандан кейин, яъни 9 майда БХСР ҳукумати Бошқирдистон республикаси очлари учун яна 30 минг пуд озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилган¹.

БошМИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси ходимлари Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида кунни тунга ва тунни кунга улаб ишлаганлар десак, муболага бўлмайди. Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, Бошқирдистондан эвакуация қилинганларнинг ҳолидан хабар олиш, хайрия қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини Уфага етказиш каби ташкилий масалаларни ҳал қилишда С.Г. Булатов, А. Ибрагимов, И. Давлетшин, И. Муллашев, Букабаев, Х. Булатова, Ш. Абзанов ва бошқалар тиним билмай ишлаган².

Бошқирдистон республикасида келаётган одамларни, болаларни Бухорода жойлаштириш, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ҳамда уларга медицина ёрдамини кўрсатиш бўйича ва Уфага озиқ-овқат маҳсулотларини юбориш масаласида Бухоро Нозирлар Кенгашининг раиси Ф. Хўжаев катта роль ўйнаган. Фикримизга далил сифатида Ф. Хўжаевнинг Бошқирдистон республикаси аҳолисига, айниқса болаларига қилган хизматини ҳисобга олиб, уни Москвага жўнаб, Тошкентдаги Бухоро бош консулхонасида тўхтаганда «катта хизматлари учун миннатдорчилик» билдиришганини келтиришимиз мумкин³.

Бошқирдистон очларига ёрдам беришда ХХСР меҳнаткашлари ҳам баҳоли қудрат қатнашганлар. БошМИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси билан ХХСР МИҚ ўртасидаги алоқалар 1921 йил охири ва 1922 йил бошларидан кўзга ташланади. Биз олган архив маълумотларига кўра, Туркистондаги БошМИҚ ваколатхонаси ходими Тухватуллин 1922 йил 22 мартда ХХСР МИҚ раҳбариятига Бошқирдистондаги очарчилик тўғрисида ахборот берган ва ёрдам заруриятини асослаган⁴. БошМИҚ ваколатхонаси раҳбарияти 1922 йил 31 апрель куни ХХСР МИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, Бошқирдистондаги очарчилик муносабати билан қардош Хоразм халқидан ёрдам сўрайди⁵. Шундан кейин ХХСР МИҚ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очлар учун 300 минг пуд галлани хайрия қилишга қарор қилади⁶. Аммо Хоразмдан бери-

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 7, л. л. 159, 169-170.

² Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ўша жойда, д. 1, л. л. 22, 25, 68, 68 об. 70, 76, 95; д. 6, л. 253.

³ Ўша жойда, д. 11, л. л. 24, 31.

⁴ Ўша жойда, л. 58.

⁵ Ўша жойда, д. 8, л. 35.

⁶ Ўша жойда, д. 7, л. 59.

лаётган ёрдамни янада кўпайтириш мақсадида БошМИҚ ваколатхонасидан Х.Н. Амиров бошчилигида Х. Сагитов ва Н. Хисматуллинлар 1922 йил 30 июлида Хоразм республикасига сафарбар қилинади. Хоразм ОЕ комиссияси фаолияти билан танишгандан кейин Х.Н. Амиров 1922 йил июль ойидан, айна пайтда БошМИҚнинг ХХСРдаги вакили вазифасини ҳам ўз зиммасига олади¹.

Очарчилик йилларидаги Бошқирдистон республикаси аҳолисининг турли касалликлар ва кўчирилганлар ҳисобига йўқотишларини аҳолига нисбатан умумлаштириб олганимизда, 1920 йилдан 1922 йилгача аҳоли 650 минг кишига қисқарган ёки бу бутун аҳолининг 22 фоизига тўғри келади². Шунингдек, очарчилик йиллари ичида Туркистон, Сибирь ва бошқа ҳудудлардан Бошқирдистон очларига ёрдам тариқасида 4,5 млн. пуд нон маҳсулотлари ва деярли 5,4 млн. пуд экишга уруғлик келтирилган эди³. Бошқирдистон ҳудудида очлар учун 1922 йил ёзига бир неча минг хайрия ошхоналари фаолият кўрсатиб, деярли 1,5 млн. одам овқатланган ва шунингдек, 591 та болалар уйида 48443 та одам овқат билан таъминланган⁴.

Ўзаро муносабатларда ўлкадан Россиядаги очарчиликни бар-тараф этишдаги ёрдамлар тури ва кўлами муҳим аҳамиятга эга. ТуркМИҚ қошидаги ОЕ МК ва унинг жойлардаги вакиллари Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам кўрсатишда аҳоли ўртасида амалга оширилган фаолиятлари билан минглаб ўлимга маҳкумларни қутқариб қолдилар. Айнан мана шу комиссия саъй-ҳаракати туйфайли келаётган очларга бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак топиш имкониятлари кенгайди. Эвакуация тариқасида Туркистондан паноҳ топганларга хайрия тadbирлари ўтказиш, аҳоли ўртасида меҳр-шафқат туйгуларини уйғотиш вазифалари ҳам уддаланди. Шунингдек, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ҳокимият вакиллик органларини, хусусан БошМИҚ ваколатхонасининг Туркистондаги фаолиятини унумли бўлишида республика раҳбарияти ва маҳаллий аҳолининг очларга хайрихоҳлиги билан изоҳласа бўлади. Туркистонда Россия очларининг миллати, жинси, ёшу қарилигидан қатъи назар, ҳаммасига ўз аҳолиси учун ризқ топиб олишга баҳоли қудрат имконият яратиб берилди. Рўзгорини зўрма-зўр тебратаётган Туркистон халқи инсонийлик намуналарини кўрсатиб, ўз ризқини Россиядан келтирилган ёки ўша Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида очарчилик азобини тортаётганлар билан ҳам баҳам кўрди. БошМИҚ ваколатхонасининг Туркистонда олиб борган фаолияти бунга мисол бўла олади.

¹ ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 1, л. 117.

² Қаранг: Касимов С.Ф. Автономия... С. 208.

³ Хрестоматия по истории Башкортостана... С. 198.

⁴ Очерки по истории Башкирской АССР. Том 2. С. 197; Қаранг: ЦГИА РБ, ф. Р-99, оп. 1, д. 5, л. 26.

IV боб. ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҶАДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

4.1. ТУРКИСТОН ВА ВОЛГАБЎЙИ, УРАЛОЛДИ ҲУДУДЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Туркистон Россия подшолиги томонидан босиб олингандан кейин тўла тўкис хом ашё базаси тариқасида империянинг иқтисодий манфаатларига бўйсундирилди. Туркистондан пахта, мева, қорақўл тери, ипак, гилам ва бошқа маҳсулотлар Россияга ташиб кетила бошланди. Агар «Оренбург тиқини» даврини ҳисобга олмаса, Туркистондан Россиянинг марказий губернияларига пахта, қорақўл териси, мева ва бошқа маҳсулотларни ташиб кетиш камайгани йўқ эди.

1919 йил кузида «Оренбург тиқини» барҳам топиши муносабати билан яна Туркистондан Россиянинг марказий губернияларига озиқ-овқат, мева, сабзавотлар, пахта, қорақўл териси ва бошқа маҳсулотлар юбориш авж олди. Ўз навбатида Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари ҳам совет Россиясидан саноат ускуналари, қишлоқ хўжалик ускуналари ва кенг истеъмол товарлари олиб турди. Албатта, бундай иқтисодий муносабатлардан икки томон ҳам манфаатдор эди.

Аммо бундай иқтисодий муносабатларда Марказ манфаатларига кўпроқ эътибор берилди. 1919 йил ноябрь ойларидан Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган Турккомиссия аъзолари дарҳол Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳволни ўрганишга ва иқтисодий алоқаларни жонлантириш ҳаракатига тушиб кетдилар. Ш. Элиава бошчилигидаги Турккомиссия зудлик билан Марказни озиқ-овқат, пахта билан таъминлаш ва ўз навбатида, Туркистонга саноат товарларини келтиришни тезлаштиришга киришдилар. Айниқса, бу борада, Туркистон билан сув, темир йўл орқали боғланиш имконияти кенг бўлган Самара ва Оренбург губернияларига эътиборни кўпроқ қаратилди. Оренбург губерниясида фуқаролар уруши натижасида халқ хўжалиги издан чиққан эди. Натижада очарчилик, ишсизлик ва боз устига, қишнинг суронли

давом этиши одамларни турли касалликларга, ўлимга олиб келаётган эди. Шундай оғир аҳвол муносабати билан Оренбург губком ва губижроқуми раҳбарлари, тегишли тарзда Акулов ва Коростеловлар, 1919 йил 4 декабрда Турккомиссия раиси Ш. Элиавага телеграмма орқали мурожаат қилиб, Оренбург шаҳридаги аҳвол оғирлигини, «касалхоналар, лазаретлар, ҳаммомлар, хонадонлар иситилмаётганини» ва шунингдек, шаҳарда «терлама касали тарқалгани, ҳар куни юзлаб одамлар, медицина ходимлари ўлаётгани ҳамда уларни кўмишга ҳам улгуриб бўлмаётганлигини» қайд этади. Ушбу телеграммада, яна Оренбургдаги иқтисодий аҳвол ночорлигидан нолиб, «Сизлар то Оренбурггача саксаул билан таъминлашга қодирсиз» ва шундагина Оренбург аҳолисини «терламага қарши курашда ҳамда муқаррар ўлимдан қутқаришга» имкон тугилиши мумкин, деб ёрдам сўралади¹. Кўриниб турибдики, «Оренбург тижини»ни барҳам тоғиши Россиянинг манфаатларига ҳам катта хизмат қилган.

Турккомиссия Туркистондан мумкин қадар кўпроқ товарларни Россияга жўнатилишига ҳамда ўлкада совет ҳокимияти муқаррар ўрнатилиши йўлида бор имкониятларини ишга солишга уринганлар. Марказ эмиссарларини Туркистонга халқ хўжалигини тиклашда ёрдам беришдан кўра, кўпроқ Москва, Петербург ва Россиянинг бошқа марказий губерниялари аҳолисини ўлкадаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи қизиқтирган кўринади. Хусусан, 1919 йил охири ва 1920 йил январидан Россияга озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик саноати учун пахта жўнатиш яна бошланиб кетди. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1920 йил январда Андижондан Москвага 20 вагон гуруч юборилган ва яна умумий ҳисобда 3500 вагон ғалла ҳамда пахтани Москвага жўнатиш кўзда тутилган эди².

Шундай қилиб, Турккомиссия ўз фаолиятини бошлаши билан, ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотларини Россиянинг марказий губернияларига юбориш кўпайиб кетди. Айниқса, Самара губерниясига озиқ-овқат маҳсулотларини юбориш турли баҳонаю сабаблар билан амалга оширилаверди. Масалан, Самарадаги ҳарбий қисмларда терлама касалининг кенг тарқалиши натижасида Турккомиссия раиси Ш.Элиавадан 1920 йил 22 февралда жанговар ҳолатда касаллар учун 15 вагон қуритилган мева, икки вагон гуруч, узум вносини Туркистондан юборилиши сўралган³. Турк-

¹ ЦДНИ ОО, ф. 1, оп. 1, д. 8, л. л. 57-58.

² Жизнь национальностей, 11 января 1920 г.; Заря (Симбирск), 7 января 1920 г.

³ РГАСПИ, ф. 122 оп. 1, д. 103, л. 239.

комиссия аъзолари Марказ болаларини Туркистон ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминлашни ўзлари учун бурч деб билганлар. Масалан, Туркистон озиқ-овқат комиссари 1920 йил 23 мартда Турккомиссия аъзоси В. Куйбишевга Москвадаги болалар учун 5 вагон турли мевалар, ширинлик ҳамда озиқ-овқатлар, 2 вагон кам тузланган балиқ, бир вагон туз юборилаётгани тўғрисида маълумот бериб, бундан кейин энди озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан «имкон қадар тез-тез бундай [озиқ-овқат] жўнатиш чоралари кўрилади»¹ дейди. Марказни таъминлаш бошқа вилоятлардан ҳам амалга ошириб борилган. Масалан, 1920 йил 25 апрелида Самарқанддан Москвага 5 вагон мева жўнатилган². Турккомиссия ўлкадаги иқтисодий аҳволни ночор ҳолатда эканлигига қарамасдан, Марказ манфаатлари йўлида хизмат қилаверган. 1920 йил 20 декабрида Турккомиссия Г. Алашев орқали 500 пуд гуруч, 250 пуд унни БМИҚга совға тариқасида жўнатган³.

Албатта, Марказ ҳам ўз манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонга саноат маҳсулотларини юбориб турган. Чунки Туркистон деҳқони Россиядан келтириладиган саноат маҳсулотлари эвазига сув текинга ишлаши ва хом ашё базаси бўлиб қолавериши керак эди. 1920 йил февраль-декабрь ойларида Россиянинг марказий губернияларидан Туркистонга 614 та вагондан иборат 33 эшелон юборилиб, унинг таркибида 120 млн. аршин газлама, 61 вагон шакар, 58 вагон гутурт, 78 та вагонда ўрмон ёғочлари, 6356 пуд металл, 1 вагон мис, 8610 пуд металл буюмлари, 12 та вагонда идишлар, 8 вагон қоғоз, 289 та самовар, полиз уруғларидан 262 пуд, кимё материалларидан 933 пуд, 15 та сеялка⁴ ва шунингдек, 627 пуд канцелярия товарлари, 8600 ғалтак ип, 1000 гросс⁵ ва бошқалар бор эди⁶. Албатта, келтирилган товарлар фақатгина байналмилалчилик руҳида бўлмасдан, маълум Марказ манфаатларига хизмат қилган. Ҳолбуки, Туркистон деҳқонига саноат маҳсулотлари етиштириб берилса, буни пахта, қорақўл ва қурилган мева маҳсулотларига алмаштириш имконияти кенгаяр ҳамда четдан ғалла келтирилиши натижасида деҳқонни пахта экишга мойиллиги ҳам кучаярди.

Иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш учун 1920 йил бошларида Самара губерниясининг фавқулодда озиқ-овқат экспеди-

¹ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 103, л. 306.

² Ўша жойда, л. 132.

³ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 78-варақ.

⁴ Набат революции (Поляторск), 29 января 1921 г.

⁵ Асосан атторликда қўлланиладиган, 12 дюжинага тенг ўлчов.

⁶ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 139, л. л. 18, 24, 48.

цияси бошлиғи Малишевнинг ташаббуси билан «Маданий-маърифий савдо карвони» ташкил қилинди. Бу «савдо карвони» олдига Самара, Оренбург, Қозон ва бошқа губернияларни Туркистоннинг Амударё, Сирдарё ҳавзаларида иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, хусусан товар алмаштириш операцияларини ривожлантириш вазифаси қўйилган эди... Ушбу «савдо карвони» орқали яна аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилган эди. «Савдо карвони» ўзи билан келтирган халқ эҳтиёжи учун саноат маҳсулотлари, хусусан газлама, идиш-товоқ, калиш ва бошқа истеъмол товарларини озиқ-овқат, маҳаллий хом ашё маҳсулотларига алмаштирарди¹.

Бундан ташқари, «Оренбург тиқини» очилгандан кейин Россияни пахта, қорақўл териси ва бошқа хом ашёлар билан таъминлаш даражаси ҳам кўпайиб борган. Масалан, 1920 йил апрелида Тошкентдан Россияга жўнатишга тайёр 7991 вагон пахта бор бўлган бўлса, шу йил июнида 869 вагон, июлида 1222 вагон пахта Марказ ихтиёрига юборилган эди.² Бу пахталар Россия тўқимачилик саноати учун жуда муҳим хом ашё эди. Лекин Марказни, энди нафақат Туркистондаги хом ашё, балки озиқ-овқат ҳам қизиқтирар эди. Шу мақсадда, Туркистондаги озиқ-овқат, иқтисодий имконият захираларини аниқлаш учун Москвадан ўлкага ҳар хил экспедициялар уюштирила бошланди. Масалан, «Марказий матлубот жамияти» (Центрсоюз) 1920 йил майида Дементьев бошчилигида 25 кишидан³ иборат кооперация ходимлари экспедициясини Туркистонга юбориб, уларга асосий эътиборни «балиқчилик саноати ва мева»га қаратиш топширилган. Юборилган экспедиция таркибида авваллари Туркистонда яшаган ва ишлаганлар борлиги ҳам ўлкадаги иқтисодий имкониятни Марказ манфаатларига қаратиш заруриятидан келиб чиққан.⁴

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги иқтисодий аҳвол ночорлиги туфайли, губерниялардаги раҳбарият 1920 йил охири ва 1921 йил бошларидан оғирлашиб бораётган аҳволдан чиқиб кетиш чораларини излашга киришганлар. Шу мақсадда, 1921 йил март-апрель ойларидан оммавий тарзда Туркистонга озиқ-овқат, мева-чева, уруғлик олиш учун келувчилар кўпайиб кетди. Маса-

¹ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 264, л. л. 11-12; д. 379, л. л. 3-6; Мухаммедбердыев К. Коммунистическая партия в борьбе за победу народной Советской революции в Хорезме. Туркменгосиздат, Ашхабад, 1959. С. 177-179; Набат революции (Полторацк), 6 июня 1920 г.

² Народное хозяйство Туркестана. №3, сентября 1920 г.

³ Бошқа бир манбада ушбу экспедиция таркибида 38 киши бўлганлиги қайд этилади. Қаранг: Набат революции (Полторацк), 25 мая 1920 г.

⁴ Народное хозяйство Туркестана. №9-10, 1 июня 1920 г.

лан, биргина Самара, Симбирск губернияларидан 1921 йил февралдан июнига қалар Х. Нумиров, Х. Хисамугдинов, Н. Мадарисов, Т. Сабитов, И. Сияев, Г.П. Абаев, В.Е. Петимов, И.И. Кондалов, Е. Климантов, Е.Н. Скобин, Г. Роликов, И. Назаров, С. Смоленский, Румер, Е.А. Анудориев, Мясников, И.Т. Битеев, А.А. Архангельская, Музаферов, Гусейналинов, Богатирев, Бабашин ва бошқалар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Скобелев, Чоржуй шаҳарларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат, экишга уруғлик ва мева харид қилиш учун ўзлари ишлаётган ташкилотлар томонидан сафарбар қилинган эдилар¹.

Келувчилар Туркистон республикасининг бозорларида, аҳоли яшайдиган ҳудудларда изғиб юарди. Аҳволнинг бундай тарздаги ривож Туркистон республикаси раҳбариятини хавотирга солмай қўймади. Чунки Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ташриф буюрганлар ҳеч қандай меъёрларга риоя қилмай, ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетардилар. Шу муносабат билан Туркистон ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги 1921 йил 10 апрелидан ўлкадан олиб чиқиладиган ҳар қандай миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўз назоратига олади². Ушбу масала 1921 йил 16 апрелида Туркистон ХККнинг мажлисида алоҳида кўриб чиқилди. Мажлис ўлгага озиқ-овқат маҳсулотлари учун келаётганлар сонини кескин қисқартириш учун Эмба станциясида 50 кишилик озиқ-овқат отрядини қўйишга қарор қилди. Ушбу отрядга келаётганларни ўз юртларига қайтариш вазифаси юкланди ва Туркистон ХКК раиси Қ.Отабоев имзоси билан «Оренбург, Самара, Сызрань, Пенза, Москва ва ҳамма губерниялар ижрокўми, ер ишлари ва фавкуллда комиссияларига телеграмма юбориб, Туркистондан озиқ-овқат ва уруғлик харид қилиш бўйича деҳқонларга гувоҳнома беришни тўхтатишни» сўралди³.

Туркистондан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш чеклаб қўйилганига қарамасдан, амалда бундай чеклашларни ўзига хос четлаб ўтиш «йўллари»ни ҳам топардилар. Масалан, 1921 йил 28 февралда Туркистон пахтакорлари Россиядаги тўқимачилар учун 60 минг пуд буғдойни совға тариқасида Москвага жўнатиш учун тайёрлаганликлари телеграммада қайд этилади. Ушбу буғдой Туркистон «пахтакорлари томонидан хайрия тариқасида» Россия озиқ-овқат комиссарлигига юборилаётгани қайд этилади⁴. Шундай хайриялар қаторида Байрамалидаги партия ва каса-

¹ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 297, л. л. 2-4, 6, 8, 18-19, 24, 42, 59, 99.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 247-варақ.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда, Р-31 фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 23-варақ.

ба уюшмалари аъзоларининг Петербургдаги озиқ-овқатга зориққанларга ярим ойлик нон паёкларини ва 3000 рублдан пул ажратиб, бугдой харид қилишга, ўз ихтиёрларидаги 200 та қўйни сотиб, тушган пулга ҳам бугдой харид қилишга қарор қилганликларини қўшиш мумкин.¹

1921 йил ўрталаридан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида ҳосилсизлик яққол кўзга ташлана бошлади. Лекин, шунда ҳам Туркистондан Россиянинг марказини озиқ-овқат билан таъминлаш давом этарди. Масалан, 1921 йил март ойи бошларида Тошкентнинг турли темир йўл станцияларида 25 минг пуд гўшт маҳсулотлари Россияга юбориш учун тайёрлаб қўйилган эди².

Россия раҳбарияти 1920 йил охири ва 1921 йил бошларидан ўзининг вакилларини Туркистонга юбориб, озиқ-овқат тайёрлаш имкониятларини ўрганган. Масалан, Россия озиқ-овқат халқ комиссарлиги вакили В.И. Рутман бошчилигидаги эскпедиция 1921 йил 24 мартдан 15 апрелига қадар Авлиёота, Пишпек, Тўқмоқ, Мерк шаҳарларидаги бозорларни ўрганиб чиққан³.

Волгабўйи, Уралолдидаги озиқ-овқат тақчиллиги ўзаро иқтисодий алоқаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Масалан, Самара губерниясида ёғоч тайёрлаётган отрядлар учун Туркистондан 300 пуд озиқ-овқатни етказиб бериш масаласи ўлка ХКК раҳбарияти томонидан 1921 йил 27 апрелида кўриб чиқилган⁴. 1921 йил майида Туркистон марказий халқ хўжалиги кенгаши томонидан 315 пуд озиқ-овқат маҳсулотларини Самарадаги ишчиларга қишлоқ хўжалиги машиналарини таъмирлаганлиги учун юбориш кўзда тутилган⁵.

Шундай қилиб, 1920 йил охири ва 1921 йил бошларидан Туркистондан озиқ-овқат маҳсулотларини якка тартибда, турли баҳонаю сабаблар билан ва уюшган ҳолда олиб чиқиб кетиш кўпайиб кетди. 1921 йил апрель-май ойларига келганда, бу ҳолат янада кучайиб кетди. Шу муносабат билан Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев 1921 йил 5 июнида озиқ-овқат халқ комиссарлигига берган топшириғида «озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш таъқиқланганига қарамасдан... ҳар куни киши бошига беш ва ундан кўпроқ пуддан иборат [умумий ҳисобда] бир неча вагон озиқ-овқат юклари Туркистондан олиб чиқиб кетиляпти. Бундай ҳолларга чек қўйилсин...» дейди ва Россия, Кавказ ҳудудларига озиқ-овқат чиқаришни таъқиқлайди⁶.

¹ Красная Фергана, 26 августа 1921 г.

² Набат революции (Полтораек), 4 марта 1921 г.

³ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 660-иш, 395-варақ.

⁴ Ўша жойда, 483-иш, 260-варақ.

⁵ Ўша жойда, 665-иш, 26-варақ.

⁶ Ўша жойда, 421-424-варақлар.

Айни пайтда Туркистондан Волгабўйи, Уралолди худудларига озиқ-овқат маҳсулотларини уюшган ҳолда олиб кетиш 1921 йил июлидан янада кўпайиб кетди. Масалан, 1921 йил 1 июлдан 1 августга қадар Авлиётога уездидан асосан Самара, Оренбург, Бузлукка 40 вагон ғалла жўнатиш билан бўлса¹, Самара губерниясидан 1921 йил ўрталарида Туркистонга 3 вагон ўроқ, белўроқ ва қурилиш материалларини ғаллага алмаштириш учун юборган².

1921 йил ўрталаридан Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ўрмон ёғочларига озиқ-овқат маҳсулотларини алмаштириш йўналишига ҳам кўпроқ эътибор берилган. Чунки Туркистон қанчалик қурилиш материалларига муҳтож бўлган бўлса, Волгабўйи, Уралолди худудларидаги очликка мубтало аҳоли ҳам бундан кам бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари олишга зориққан эди. Шу мақсадда, 1921 йили июнь-июлидан Туркистон учун Юқори Волга, Қозон, Симбирск, Самара, Уральск ва Астрахань худудларида ўрмон ёғочларини тайёрладиган бўлди. 1921 йил 15 июнига қадар Симбирскдан 180 вагон, Самарадан 50 вагон ёғочларни Туркистонда озиқ-овқатга алмаштириш учун жўнатиш билан бўлди. Айни пайтда Симбирск 450 вагон, Самара ва Уфа 90 вагон ёғочни Туркистонга жўнатиш учун темир йўл стацияларига етказиб келган эди. Бундан ташқари, яна 770 вагон ёғоч Туркистон йўналишидаги темир йўлларга етказиш учун жойларда тайёрлаб қўйилган эди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, қурилиш материалларини вагонларга жойлаш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳамма харажатлар Туркистон республикаси ҳисобидан амалга оширилган. 1921 йил июлида Уфада 100 вагон тахтани озиқ-овқатга алмаштириш учун тайёрлаб қўйилган эди. Шартнома асосида Туркистон республикаси ишчилари ўзлари ҳам Самара ва Симбирскда 10 мингта хода ва 100 вагонга юк бўладиган ёғоч тайёрлашга эришганлар. Умуман олганда, 1260 вагон ёғоч юқорида кўрсатилган губерниялардан Туркистонга жўнатилиши керак эди. Шартномага мувофиқ, 75 вагон қурилиш материалга 1 вагон озиқ-овқат алмаштириш кўзда тутилган эди³.

Туркистон республикаси товар алмаштиришдан ташқари, ўз озиқ-овқат фондидан хайрия ҳам қилишни мақсадга мувофиқ деб топган. Масалан, 1921 йил 5 июлида Туркистон ХКК Россиянинг очарчилик худудларига 500 минг пуд ғаллани ёрдам тариқасида юбориш ва зудлик билан Актюбинскка 10 вагон, Самарага 20 вагон ғалла жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилган⁴.

¹ Красная Фергана, 14 августа 1921 г.

² СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 446, л. 133.

³ Туркестанская экономическая жизнь (Тошкент), 15 и 22 августа 1921 г.

⁴ ЎзР МДА, Р-31 фонд, 1-руйхат, 109-иш, 41-варақ.

Шундай қилиб, 1921 йил августига келганда Туркистонда Россиянинг губсоюзлари тўлақонли фаолият кўрсатиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашарди. Масалан, Петркоммунага Москва ва Петербург аҳолиси учун 300 минг пуд, Марказий ишчи кооперациясига 700 минг пуд, Самара, Симбирск ва бошқа губсоюзларига 500 минг пуд озиқ-овқат маҳсулотларини Туркистонда тайёрлашга рухсат берилган эди. Шунингдек, Немкоммуна вилояти ҳам Туркистонда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга киришган эди¹. Айни пайтда К.Г. Мясков бошчилигида РСФСР озиқ-овқат халқ комиссарлиги вакиллиги ҳам Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган. Ушбу вакиллик зиммасига нафақат очларни, балки Россиядаги ҳарбий қисмларни ҳам озиқ-овқат билан таъминлаш юкланган эди. Масалан, 1921-1922 йилларда К.Г. Мясков бошчилигидаги вакиллик Туркистоннинг ҳамма вилоятларида озиқ-овқат тайёрлаш ишлари билан шуғулланган. К.Г. Мясков томонидан имзоланган мандатларда И.И. Алипов, М.А. Марина, И.С. Медведев, Ф.Г. Качалкин, Б.А. Бербучук, В.А. Таланинлар Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятларига озиқ-овқат тайёрлашга сафарбар қилинган. Бундан ташқари, вакиллик таркибида К.Г. Мясков бошчилигида «Надежда» («Умид») номли кооперация ҳам фаолият кўрсатган. Ушбу кооперацияга Любецкий, Фельдман, Марина, Качалкин, Медведев, Таланин, Михлашевский, Самойленколар аъзо бўлган².

Умуман олганда, Туркистон ва Россиянинг марказий губерниялари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, аслида очарчилик Марказ томонидан расман эътироф этилгунга қадар бошланиб кетган эди. Россиянинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ва Туркистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожига БМИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан расман бириктириш фаолияти ҳам роль ўйнаган. БМИҚ қошидаги ОЁ МК 1922 йил 2 февралдаги режасида очарчилик ва ҳосилдор ҳудудлар ўртасидаги товар алмаштириш бўйича Туркистон республикасига Уфа ва Самара губерниялари, Татаристон республикаси бириктирилган эди³. Лекин бириктириш 1922 йил февралда бўлаётган эди. Унғача бу даврда Туркистонда кўплаб матлубот жамиятлари фаолият кўрсатарди.

Туркистон МИҚ ва ХКК Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик қамровидан келиб чиқиб, 1921 йил август ойи ўрталаридаёқ 3 млн. пуд ғаллани товар алмаштириш операциялари учун ажратди. Натижада Бошқирдистон, Татаристон, Қозоғистон

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 404-варақ; 665-иш, 78, 80-варақлар; Р-31 фонд, 1-рўйхат, 525-иш, 6, 9-11, 16-17, 39-варақлар.

² ЦДНИ ОО, ф. Р-166, оп. 1, д. 1375, л. л. 19-20.

³ Ўша жойла.

республикалари, Самара, Симбирск ва бошқа губернияларнинг ваколатхона ҳамда матлубот жамиятлари иттифоқлари ўз ҳудудларидан ёғоч-тахта, шиша ва чинни идишларни Тошкентга келтиришларини талаб қила бошладилар¹. Масалан, шу муносабат билан 1921 йил 24 августида Татаристон халқ хўжалиги кенгаши ва Татсоюзнинг Туркистондаги вакили М. Ахмеров ўзининг Қозондаги раҳбариятидан очларга ғалла етказиш учун Тошкентга шиша идишлар, қошиқ, от ҳамда эшак аравалар учун филдираклар, ўрмон ёғочлари, айниқса, пиёлалар келтириш зарурлигини сўрайди².

Татаристон билан Туркистон ўртасидаги товар алмаштиришга асосланган иқтисодий алоқалар ҳам 1921-1923 йиллари очларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта роль ўйнади. БМИКнинг қарорига мувофиқ, Татаристон ҳам Туркистон ва Сибирга товар алмаштиришга бириктириб қўйилган эди³. Ушбу бириктириш натижасида Татаристон матлубот жамияти (Татсоюз) Туркистонда товар алмаштириш ҳисобига ўз ҳамюртлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлганлар. Товар алмаштиришни ривожлантириш учун 1921-1923 йиллари Татаристонни Туркистондаги иқтисодий ваколатхонаси фаолият кўрсатган. Ушбу ваколатхона ходими Аҳмад Алибек Татаристонга керакли озиқ-овқат маҳсулотларини юбориш билан шуғулланган⁴.

Татсоюз ходимлари ўзлари етказиб келтирган товарларини Туркистон вилоятлари бўйлаб ғаллага алмаштирганлар. Масалан, дастлабки 40 вагон ғалла Туркистондан Татаристонга 1922 йил бошларида юборилган⁵. Шундай қилиб, Татаристон республикасининг очарчилик азобини тортаётган аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган. Эътироф этиш керакки, Татаристоннинг оч аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда 1921-1923 йиллари Татаристон халқ хўжалиги кенгаши ва Татсоюзнинг Туркистондаги вакили бўлиб ишлаган М. Ахмеровнинг хизматлари катта. 1921 йил 10 декабридан М. Ахмеров нафақат юқорида қайд этилган лавозимларда, балки Татаристон тегишли ташкилотларининг БХСР ва ХХСРлардаги вакили қилиб ҳам тайинланган эди. Бу билан унинг ваколат доираси кенгайибгина қолмасдан, балки шу лавозимларда Татаристон аҳолисини Ўрта Осиё республикаларидан озиқ-овқат билан таъминлаш масъулияти ҳам кучайган⁶.

¹ НА РТ, ф. Р-128, оп. 1, д. 127, л. 14-14 об.

² Уша жойда, л. 15.

³ Известия (ТатЦИК), 26 ноября 1921 г.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 350-йиш, 187-варақ.

⁵ ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 483, л. 13 об.; Қаранг: НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, д. 30, л. л. 307, 320.

⁶ НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, д. 30, л. л. 319-320.

Туркистон ва Россиянинг очарчилик ҳудудлари ўртасидаги товар алмаштириш жараёнида Самара губернияси алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам очарчилик йиллари айнан Самарада Туркистон республикасининг Волгабўйидаги ваколатхонаси фаолият кўрсатган. Самарада жойлашган Туркистон ваколатхонаси 9 кишидан иборат бўлиб, Россиянинг марказий губернияларидан ўлкага юбориладиган ёғоч, темир, идиш, совун, челак, болта ва бошқа маҳсулотларни мувофиқлаштириш билан шуғулланган¹.

Аслида Туркистон ва Самара губернияси ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўлканинг Самарадаги ваколатхонаси фаолият кўрсата бошламасдан аввалроқ бошланган эди. Масалан, 1921 йил май ойида Самара губернияси матлубот жамияти (Самгубсоюз) Туркистонга маҳсус комиссия юбориб, унинг олдига Туркистон бозорини янада чуқурроқ ўрганиш, қандай товарларни бу ерга олиб келиш ва ўша товарлар ҳисобига қанча озиқ-овқат маҳсулотлари олиш мумкинлигини билиш ва буғдойни Самара губернияси очларига етказиш вазифасини қўйган эди. Ушбу комиссия Турксоюз раҳбарияти билан тузган шартнома асосида 40 вагон озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш имкониятига эга бўлган².

Самгубсоюз ва Турксоюз ўртасида 1921 йил июнь ойида тузилган шартномага кўра, Самарадан келтириладиган саноат маҳсулотларига Туркистон озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаб берадиган бўлди. Самарадаги озиқ-овқат танқислигидан келиб чиқиб, ҳали саноат маҳсулотлари ўлкага етиб келмасидан аввал, комиссияга Туркистондан 20 вагон ғаллани олдиндан олиб кетишга рухсат берилди. Губерния матлубот жамиятига қарашли комиссия Самарага қайтиб, Туркистонда фаолият кўрсатиш учун уч кишидан иборат савдо комиссиясini тузди. Савдо комиссияси ўз фаолиятини Туркистонда 1921 йил июнь ойи охиридан бошлади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳар, уездларда олиб борилган саъй-ҳаракат натижасида губсоюз вакилларига 1921 йил августи охиридаги товар алмаштириш ҳисобига 120 вагон озиқ-овқат маҳсулотларини Самарага олиб кетишга рухсат берилди. Туркистон ва Самара ўртасидаги иқтисодий муносабатларда губерниянинг қурувчилар иттифоқи, адлияси, озиқ-овқат қўмитаси ходимлари ҳам Самарқандда юритган фаолиятлари билан катта роль ўйнаганлар. Товар алмаштириш шартномасига кўра, Самарадан Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигига 250 та арава, Турксоюзга 300 та фургон, Жиззах уезд ижроқўмига электр товарлари, 1000 куб ўтин ва товар алмаштириш учун фақатгина

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 301-иш, 105-варақ.

² Коммуна (Самара), 7 февраль 1922 г.

Туркистон ўрмон хўжалигига 100 минг пуд озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилган¹.

Туркистон ва Самара ўртасидаги иқтисодий алоқалар 1921 йил июль ойидан ривожлана бошлади. Чунки Самара учун очарчилик йилларида энг қулай озиқ-овқат маскани Туркистон республикаси эди. 1921 йил июль ойи бошларидаёқ Туркистон ва Самара ўртасида шартнома тузилди. Ушбу шарномага кўра, Самарадан Туркистонга 70 вагон темир ва ёғоч етказиладиган бўлди. Ўз навбатида, келтирилган темир ва ёғоч учун Туркистон республикаси Самарага, асосан, ғалла ва бир қисмини болалар уйи, соғлиқни сақлаш масканлари учун гуруч тариқасида етказиши керак эди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу умумий ҳисобда 250 вагон ғалла ва гуручни ташкил қилар эди. Очарчилик муносабати билан темир ва ёғоч етиб келиб улгурмасдан, 1921 йил июль ойи бошларидаёқ Туркистондан 30 вагон ғалла Самарага жўнатирилган эди².

Шартнома асосидаги товарларнинг Самарадан Туркистонга жўнатилиши учун дастлабки 3 та вагон 1921 йил июль ойи ўрталарида тўпланиб, Тошкентга жўнатишга тайёрлаб қўйилган эди³. Тузилган шартномага мувофиқ, Самгубсоюз озиқ-овқат маҳсулотларини нафақат давлат сектори орқали, балки бозорлардан ҳам нақд пулга харид қилиб, очарчилик азобини тортаётган Самара аҳолисига юборишга ҳақли эди. Масалан, Пугачёв уезд фирқа кўмитаси ўзининг вакили А.М. Бегинни озиқ-овқат харид қилиш учун Туркистонга сафарбар қилади ва унга 10 минг рубль бериб, ушбу пулга «биринчи навбатда ғалла сотиб олиш»⁴ топширигини беради.

Самгубсоюз Туркистонни саноат маҳсулотлари билан таъминлашда Самарада жойлашган ташкилотлар билан шартнома тузарди. Самарадаги ташкилотлар Туркистонни саноат маҳсулотлари билан таъминлаганларидан кейин, тегишли тарзда озиқ-овқат маҳсулотларини Туркистондан Самгубсоюз орқали оларди⁵. Масалан, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги билан Самгубсоюз ўртасида 1921 йил август ойи бошларида товар алмаштириш бўйича шартнома тузилган эди. Шартномага мувофиқ, Самгубсоюз аъзолари ўз губернияларидаги оч аҳоли учун Самарқанд вилоятида 20 минг пуд ғалла тайёрлаш имкониятига эга бўлди-

¹ Известия (жунал Самгубсоюза), №2, 20 января 1922 г., С. 27-35.

² Коммуна (Самара), 6 июля 1921 г.; Известия (ТатЦИК), 30 июля 1921 г.; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, л. 446, л. 133.

³ Комунна (Самара), 19 июля 1921 г.

⁴ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 550, л. 239.

⁵ Ўша жойда, л. л. 187-187 об.

лар¹. Умуман олганда, 1921 йил август оyi бошларидаёқ, атиги бир неча кун ичида Туркистондан Волгабўйи очларига 70 минг пуд ғалла юборишга улгурилган эди².

Самгубсоюз ва Турксоюз ўртасида тузилган шартномага асосан, товар айирбошлаш ҳисобига Самара губернияси 1921 йил 1 октябрига қадар Туркистон ва Сибирга 661 вагон ёки бошқачароқ айтганда, 900 минг олтин рублга тенг саноат маҳсулотлари юборган бўлса³, айнан юқорида қайд этилган даврга қадар, фақатгина Туркистон республикасида Самара губернияси аҳолисига 130 вагон ғалла, губерния ер бўлимига эса 1971 вагон уруғлик қора буғдой юборилган эди⁴.

Ўрни келганда, шуни қайд этиш лозимки, Самгубсоюз, Татсоюз, Бошсоюз ва бошқа губерния матлубот жамиятлари ҳамда озиқ-овқат харид қилиш учун нақд пул билан ташриф буюрганларнинг фаолияти Туркистонда шунчалик авж олдики, оқибатда ўлкада ғалла нархи 3-5 барабар қимматлашиб кетди. Боз устига, пул алмашади каби миш-мишлар тарқалиши ҳам муомаладаги пулнинг қадрсизланишига олиб келди. Бундай аҳвол нафақат Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётганлар учун, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам эртанги кунга ишончсизликка олиб келди⁵.

Очарчилик йиллари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Самара губерниясининг Туркистонда фаолият кўрсатган «Восток» ишчилар кооперациясининг ҳам роли катта бўлган. Ушбу кооперация Самарада Абдулханов бошчилигида ташкил қилинган бўлиб, саноат, ўрмон хўжалиги маҳсулотларини Туркистонга етказиб бериш билан шуғулланган. «Восток» кооперацияси томонидан Туркистонга етказиб келтирилган маҳсулотлар учун тегишли ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини Самарага етказиш ишлари билан маҳсус вакил Раишева шуғулланган. «Восток» кооперациясининг Самара вилоят архивида сақланаётган баённомалари таҳлили шуни кўрсатадики, кооперация ўз фаолиятида Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги билан ҳам яқиндан алоқада бўлиб, шартнома асосида от арава ва бошқа қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган товарларни келтириб турган. Келтирилган товарлар эвазига эса Туркистондан озиқ-овқат маҳсулотларини Самарага жўнатиб турган. Аммо «Восток» кооперацияси ўз фаолиятида фақат товар алмаштириш билангина чекланмай, ажратилган тегишли маблағлар ҳисобига ҳам озиқ-овқат маҳсу-

¹ Известия (ТуркЦИК), 10 августа 1921 г.

² Ўша газета, 9 августа 1921 г.

³ Известия (Самара), 12 декабря 1921 г.

⁴ Известия (ТуркЦИК), 16 октября 1921 г.

⁵ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 446, л. 220.

лотларини Туркистонда махсус вакиллар орқали тайёрлаган. Масалан, «Восток» кооперацияси Туркистонга Я. Цапунин бошчилигида озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун махсус экспедиция юбориб, ушбу экспедицияга 300 млн. рубль ажратган эди. Ажратилган пулга экспедиция аъзолари бўлмиш Н.Р. Зюзин, Н.Я. Ледакин, З. Халиуллин, И.М. Гремפל, С.Г. Пастернак, Алесев, Шевчуклар Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда нон ҳамда нон маҳсулотларини харид қилиш, уларни вагонларга юклаб, Самарага юбориш билан шуғулланганлар¹.

Самара губкоми ва ижроқўми муттасил тарзда Туркистон билан товар алмаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ёки жойларда тайёрлаш ҳамда уларни очлар ихтиёрига юбориш масалаларини назорат қилиб борган. Масалан, Самара губкоми ва ижроқўми ўзининг 1921 йил 9 декабрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Туркистон билан товар алмаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш қандай бораётганлиги тўғрисида губсоюзнинг Тошкентдаги вакили Кисловнинг ҳисоботини эшитди. Ҳисоботга кўра, Самаранинг Туркистондаги ташкилотлари томонидан «400 га яқин вагонда ғалла тайёрланиб, ундан кўп қисми юкланган, аммо паравозлар етишмаяпти»² дейилади.

Самгубсоюз Туркистонда озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпини ўз вакиллари ёки тўғридан-тўғри Самарқанд вилояти ва Тошкентдаги бозорлар орқали харид қилишган. Озиқ-овқат маҳсулотларини Турксоюз, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги орқали йиғув жойларидан ҳам олишган эди. Умуман олганда, комиссиянинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1922 йил бошига қадар Самгубсоюз Туркистондан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун 3 миллиард 731 млн. 492 минг 600 рубль сарф қилган эди. Айни шу кўрсатилган давр ичида Самгубсоюз Туркистонга 296 вагон турли товарларни олиб келиб, 93 вагон ғаллага алмаштиришга эришган. Шу даврда Самара учун 340455 пуд ғалла ва яна 1 вагон қуруқ мева тайёрланган эди³.

Самгубсоюзни Туркистондаги ваколатхонасида 1922-1923 йиллари В.С.Орел-Краюшкин раҳбарлик қилган⁴. Самара губерниясининг Бузлук уездидан бўлган В.Х. Павлов эса 1921-1923 йиллари Туркман вилоятида Волгабўйи очларига ёрдам кўрсатиш бўйича марказий кооперация халқ хўжалигининг ваколатли вакили бўлиб ишлаган⁵. Айнан уларнинг саъй-ҳаракати туфайли иқтисодий алоқалар кучайиб борган.

¹ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 754, л. л. 2-3, 8, 15, 17.

² Ўша жойда, д. 446, л. 220.

³ Коммуна (Самара), 7 февралы 1922 г.

⁴ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2568-инч, 272-273 варақлар ва орқаси.

⁵ ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 389, л. 201.

Туркистонда Саратов губерниясидаги олий ўқув юртларига қарашли кооперация ҳам фаолият кўрсатган. Бу кооперация зиммасига Саратовдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юклатилган эди. Масалан, Саратов кооперацияси орқали 1921 йил 3 октябрида Туркистондан 200 пуд кишмиш, 195 пуд гуруч, 30 пуд олча, 25 пуд қуритилган олма, 7 пуд бодом, 5 пуд чой олиб чиқиб кетилган. Шунингдек, 1921 йил декабрида 2510 пуд галла ҳам олиб кетилган ҳамда 1315 пуд галлани кейинроқ олиб чиқиб кетишга рухсат берилган¹.

Оренбург губернияси билан Туркистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар очарчилик бошлангунга қадар ҳам бўлиб турган. Туркистон билан савдо алоқалари ўрнатишда Оренбург губернияси муҳим ўрин тутган. Масалан, 1920 йил апрель ойида Оренбург губернияси озиқ-овқат қўмитаси вакили Тошкентга келади. Олиб берилган музокаралардан кейин Оренбургдан Туркистонга картошка, пиёз, от гўшти, колбаса етказиб бериладиган бўлди ва ўз навбатида, берилган ваъдаларга мувофиқ, Туркистон республикаси озиқ-овқат директорияси олдиндан Оренбург аҳолиси учун 10 вагон кишмишни олиб кетишга рухсат берган².

1921 йил 12 августидан 18 сентябрига қадар Қозоғистон эвакуация бюроси бошқарма бошлиғи Туркистон раҳбарияти билан товар алмаштириш ва эвакуация масалалари бўйича музокаралар юритди. Туркистон бозорини обдон ўрганди. Музокаралар натижаси ўлароқ, ТуркМИҚ қошидаги ОЕ МК Оренбург очлари учун бир вагон озиқ-овқат хайрия қилишга қарор қилди. Шунингдек, Қозоғистон эвакуация бюроси бошқарма бошлиғи ўзи олиб келган 400 та ҳўкиз терисини 100 минг рублдан сотиб, тушган пулга Қозоғистон очлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилди³.

Россиядаги очарчилик йилларида чорва молларини муқаррар ўлимдан, қирилиб кетишдан сақлаб қолишда ҳам Туркистон республикаси катта ёрдам кўрсатган. Маълумки, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида галла-буғдойнинг бўлмаслиги, ўт-ўланларни ўсмаганлиги аҳоли ўртасида ҳайвонларни ҳам қирилиб кетишига олиб келди. Иш ҳайвонларининг қирилиб кетиши далаларни ҳайдаш имкониятидан маҳрум этар ва бу, ўз навбатида яна ҳосилсизликка, очарчиликка гирифтор қиларди.

Самара губерниясида ҳайвонларнинг қирилиб кетиш даражасини қуйидаги жадвал орқали ҳам кўриш мумкин:

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 934-иш, 9-варақ; Р-31 фонд, 1-рўйхат, 540-иш, 7-8-варақлар.

² ГАОО, ф. Р-166, оп. 1, д. 1355, л. л. 1, об. 2.

³ Уша жойда, д. 219, л. 1.

Ҳайвон турлари	1921 йил апрелида	1921 йил ноябрида
Ишчи ҳайвонлар	42717 та	27670 та
Сигир ва ҳўкизлар	404330 та	269995 та
Ёш чорва моллари	265131 та	105462 та
Кичик шохли ҳайвонлар	999590 та	309606 та
Умумий ҳисобда	2096225 та	961772 та

Шундай қилиб, Самара губерниясида, тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, 1921 йили чорва моллари энг камида 54 фоизга қисқариб кетган¹.

Очарчилик натижасида Татаристон республикасининг Мамадиш уездида ҳайвонлар 50 фоизга қирилиб кетган эди². Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, Татаристондаги чорвачиликнинг умумий аҳволи анчагина аянчли ҳолатда эди. 1920 йили Татаристонда отлар 426584 тани, соғин сигирлар 425913 тани ташкил қилган бўлса, 1921 йилга келганда отлар 147686 тага, соғин сигирлар эса 159937 тага тушиб қолган эди. Умуман, йирик шохли ҳайвонлар ва отлар 1922 йилга келиб 1920 йилга нисбатан тегишли тарзда 62,4 фоизга ва 65,37 фоизга қисқариб кетган эди³. Чорва моллари, отларнинг қисқариш жараёни 1923 йили ҳам давом этган ва бу очарчилик оқибатларидан эди⁴. Умумлаштириб олганда, 1920 йилга нисбатан 1923 йили Россиянинг 28 та очарчиликка учраган ҳудудларида фақатгина ишга яроқли отлар 3 млн. 575 мингтага қисқариб кетган эди. Натижада, 1922 йилга келиб 37,1 фоиз, 1923 йилга келганда эса 30,6 фоиз ишчи отларига эга бўлмаган ҳўжаликлар бор эди⁵.

Кун тартибида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликка учраган одамларнигина эмас, чорва молларини ҳам қирилиб кетиш ҳалокатидан қутқариб қолиш масаласи долзарб бўлиб қолди. Чунки одамлар ўз қарамоғидаги мол, қўй, эчки, чўчқа, отларни ҳам еб битиришга киришгандилар. Бундан ташқари, чорва

¹ Деятельность Самарской губернской комиссии голодающим. По отчетам (за декабрь 1921 г. - июнь 1922 г.), Самара, 1922. С. 2.

² Известия (ТуркЦИК), 26 декабря 1921 г.

³ НА РТ, ф. Р-4470, оп. 1, л. 39, л. 51.

⁴ Қаранг: Мухарямов М.К. Труженник революции. Казань, Таткнигоиздат, 1988. С. 76.

⁵ Қаранг: Белокопытов В.И. Борьба с голодом и его последствиями... С. 142.

молларини боқиш учун ҳам ем-ашақ етишмасди. Шу сабабдан, БМИҚ қошидаги фавқулудда комиссиянинг 1921 йил 25 августида Россиянинг очарчиликка учраган ҳудудларидан зотли ҳайвонларни қирилиб кетишдан сақлаб қолиш бўйича махсус буйруғи чиқди. Орадан кўп ўтмай, яъни 1921 йил 5 сентябрида Туркистон ХКК қошидаги Иқтисодий кенгаш Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги иқтисодий аҳвол оғирлашиб бораётганлигини қайд этиш билан бирга, зотли чорва моллари ва отлар борган сари қирилиб кетаётганлиги тўғрисидаги маълумотни ҳам муҳокама қилди. Иқтисодий кенгаш ўз қарориди Туркистон ер ишлари комиссарлигига Самара, Қозон, Уфа, Симбирск ва бошқа очарчилик ҳудудларидан зотли чорва молларини ва отларни озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштириш шарти билан Туркистонга келтиришга рухсат берди¹.

Зотли ва оддий чорва моллари ҳамда отларни Туркистонга келтириш масаласи БМИҚ томонидан ҳам кўриб чиқилиб, аста-секинлик билан кўчириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ерда уй ҳайвонлари нафақат очлар томонидан еб битирилиши мумкинлиги, балки аҳвол шундай давом этаверса, охир-оқибатда чорва молларини касалликдан қирилиб кетиш хавфи ҳам турарди. Ўз навбатида, очарчилик ҳудудлари аҳолиси Туркистонга келтирилган зотли чорва моллари ва отлари учун ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотлари, ғалла олиши мумкин бўларди. Албатта, Туркистон ҳам чорва молларини ўлкага келтирилишидан манфаатдор эди². Чунки Туркистонда йирик ва майда шохли ҳайвонлар қисқариб кетиб, 1920 йилда 6880 минг бошни ташкил қиларди, холос. Бу 1913 йилга нисбатан 3/2 қисмга қисқариб кетганидан далолат берарди. Агар Еттисув вилоятида 1917 йили 7568511 бош ҳайвон бўлган бўлса, улар 1920 йили 2850187 бошга тушиб қолган эди. Бундай қисқариш Каспий-орти вилоятида умумий соннинг ярмидан кўпроғини ташкил қиларди.³ Оғир аҳволдан келиб чиқиб ва топшириқни тезроқ бажариш юзасидан Туркистон МИҚ 1921 йил 30 августида Ренеслац, А. Қушбегиёв, Прибитковлардан иборат комиссия ташкил этган ва унинг аъзоларини Уфа, Оренбург, Самара, Бошқирдистон, Қозонистон ҳудудларига озиқ-овқат ва пичанга алмаштириш йўли билан 5 минг бош ҳайвон олиб келиш учун юборган⁴. Махсус комиссиянинг саъй-ҳаракати билан Волгабўйи, Бошқирдистон ва Қозонистон ҳудудларидан 1921 йил сентябри охиридаёқ 198 та зотли ҳайвонлар Туркистонга келтирилган эди. Аммо махсус комиссия

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 296-иш, 512-варақ.

² Ўша жойда, 4-варақ ва орқаси.

³ Карант: Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. М.: Мысль, 1984. С. 297.

⁴ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 483-иш, 428, 464-варақлар.

зиммасида, уй ҳайвонлари, отларни қирилиб кетишига тезроқ барҳам бериш учун уларни нафақат темир йўл орқали, балки тегишли одамлар билан пода-пода ҳайдаш йўли билан келтириш ҳам назарда тутилган эди.

Шундай қилиб, 1921 йил сентябрь охири ва октябрь ойида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга чорва молларини, отларни олиб келиб, ўзаро манфаатдорлик асосида озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштириш бошланиб кетди. Тузилган шарт-номага кўра, Самара губернияси Туркистонга зотли ва оддий ҳайвонлардан 7046 бошни, 1000 та айгир от, 3200 та ишчи от, 2000 бош сигирни озиқ-овқат маҳсулотларига айрибошлаш учун келтирган бўлса, Бошқирдистондан 2600 бош уй ҳайвони ва Қозоғистон республикасида эса 5000 та уй ҳайвонини келтирилган эди. Бундан ташқари, Самара губернияси озиқ-овқатга алмаштириш учун 2 та ёғ ва пишлоқ заводларининг асбоб-ускуналарини ҳам Туркистонга келтирган эди. Ўз навбатида, Туркистон республикаси юқорида қайд этилган уй ҳайвонлари ва асбоб-ускуналар учун дастлабки 100 минг пуд ғаллани очарчилик губернияларига ажратган¹.

Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги берилган ваколатдан келиб чиқиб, ўз тармоғидаги қишлоқ хўжалиги ходимларини Самара, Оренбург губернияларига юбориб, уй ҳайвонларига озиқ-овқат алмаштириш бўйича шартномалар тузади. Чорва молларига товар алмаштириш мақсадида, 1921 йил охирида Самарқандда 25 минг пуд, Авлиёботада 17 минг 500 пуд, Бухорода 57 минг 500 пуд ғалла тайёрлашга эришилган эди².

Озиқ-овқат етказиб берилгани натижасида 1922 йил январида Бошқирдистон ва Қозоғистон республикаларидан 243 бош от, Челкар истеъмол қилиш жамиятидан 5000 пуд пичан ва 366 та зотли уй ҳайвонлари Туркистонга келтирилган эди³.

Волгабўйи ва Туркистон ўртасидаги чорва молларига озиқ-овқат маҳсулотларини алмаштириш нафақат губерния, республика миқёсида, балки уезд ва ҳатто турли кооперация жамиятлари орқали ҳам амалга оширилаверган. Ҳатто бундай товар алмаштириш операциялири 1921 йил август ойидаёқ бошлангани тўғрисида архив ҳужжатлари гувоҳлик беради. Масалан, 1921 йил ёзида Самара уездининг чорвачиликка ихтисослашган Кошкинск районидан Г.Я. Виснап, Е.Н. Аксенов, Э.В. Эвертлар Туркистон ер бўлими раҳбариятига мурожаат қилиб, «чорва молларига ғалла алмаштиришга рухсат беришларини... шундагина зот-

¹ РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 35, л. 94; Туркестанская экономическая жизнь, 10 октября 1921 г.

² РГАСПИ, ф. 61, он. 1, д. 35, л. 94.

³ Ўша жойда.

дор ҳайвонларнинг бир қисми ва [оч] аҳоли муқаррар ўлимдан сақланиши мумкинлиги»¹ ни асослайди. Шундан кейин Г.Я.-Виснап ва агроном Ё.Н. Аксенов дастлаб 1921 йил 3 августида ва кейин ўша йили 8 сентябрида Туркистон ер ишлари бўйича халқ комиссарлиги билан шартнома тузадилар. Шартномада зотли уй ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ асбоб-ускуналарга Туркистондан озиқ-овқат маҳсулотлари Самара губернияси ҳисобига Кошкинск райониغا юбориладиган бўлган. 1922 йил январига қадар Туркистон ер ишлари халқ комиссарлиги шартнома асосида зотли ҳайвонлар ва асбоб-ускуналардан 44792 пуд миқдорида қабул қилишга улгурган эди².

Туркистонга Россиядан зотли чорва моллари келтирилиш жараёни жуда узоқ давом этмади. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтириладиган уй ҳайвонлари, отлар ҳисобига Туркистон анча-мунча ўлкадаги очарчилик йиллари (1917-1919)да бўлган йўқотишларни тиклаб олиши мумкин эди... Аммо Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги иқтисодий аҳвол 1922 йил бошларидан бирмунча яхшилана бошлаши билан³ Марказ томонидан Туркистонга йирик ва майда шохли ҳайвонлар билан марказий губернияларни таъминлаш тўғрисида шахсан большевиклар етакчисининг жанговар кўрсатмаси берилди. Шу мақсадда Туркистон молия вазирлигидан Ренеслац, Турксоюздан Прибитков, Туркистон пахта қўмитасидан А. Қушбегиевлардан иборат фавқулодда «учлик» комиссияси тузилди. «Учлик» зиммасига очарчилик губернияларини чорва моллари билан таъминлаш учун шартномалар тузиш, шу мақсадни амалга ошириш учун моддий ва молиявий маблағлар топиш, ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш топширилган эди⁴.

Туркистон республикасидан Россиянинг марказий губернияларини чорва моллари билан таъминлаш масаласида Туркистон пахта қўмитаси раиси А. Қушбегиев 1922 йил ёзида Перовск, Чимкент, Авлиёота, Самарқанд ва бошқа уездларга сафарга борди. Сафардан мақсад, уй ҳайвонларини Россиянинг марказий губерниялари учун харид қилиш ва юбориш имкониятларини ўрганиши эди⁵. 1922 йил сентябрида фавқулодда «учлик» комиссияси ва унинг жойлардаги вакиллари орқали олтита шартнома тузишга эришилди. Ана шу олтита шартномага мувофиқ, Туркистондан Россиянинг марказий гу-

¹ РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 35, л. 1.

² Ўша жойда.

³ Иқтисодий аҳвол яхшиланмаган эди, аммо Марказ чорва молларини қайтаришга қарор қилган.

⁴ Ўша жойда, л. 53.

⁵ Ўша жойда, ф. 122, оп. 1, д. 289, л. 75.

бернияларига 3500 та йирик шохли ҳайвон ва 38 мингта қўй етказилиши керак эди¹.

Россиянинг марказий губернияларини чорва моллари билан таъминлаш ишларига Туркистоннинг ҳайвон олиб сотиш билан шуғулланувчи тадбиркор фуқаролари бўлмиш Шокир Қори Розикбоев, Азимжон Абдурахим Қориев, Ҳасан ҳожи Исоқ Ҳожиев, Нуъмонжон Орифжонов, Муродхон Исабоев, Омонхон Эшонбаев, Абдухалиқ Қори Тиллашайховлар ҳам жалб қилинган. Улар 20 минг бош қўйни Туркистон бўйлаб харид қилиш бўйича шартнома тузганлар. Шартномада қўйларни газламагагина алмаштириш мумкинлиги қайд этилган ва бунинг учун Туркистон ҳукумати бир қўйга 200 минг рубль ҳисобидан газлама ажратишга қарор қилган. Ушбу шартномада қўйларни газламага алмаштирувчи тадбиркорларнинг ҳаммаси тошкентлик эканлиги ҳамда қўйларни Чимкентга етказиши қайд этилган².

Наслдор чорва моллари ҳамда отларни яна Россиянинг марказий губернияларига қайтариш 1923-1924 йилларда ҳам давом этган. Масалан, 1923 йил март ойининг бошларида 92 бош мол Туркистондан Самара губерниясига қайтариб жўнатишга тайёрлаб қўйилган эди³.

Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказ ҳамма вақт ҳам бегараз ёрдам бериш билан шуғулланмаган. Туркистонга юборилган саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари эвазига Россияга пахта, қорақўл териси, мева ва сабзавотлар етказиб берилган. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги товар айирбошлаш 1920 йил иккинчи ярмидан ўзгача тус олган. Бунга Россиядаги озиқ-овқат тақчиллиги сабаб бўлган. Туркистон республикасига Россиядан тегишли саноат маҳсулотлари етиб келмаса ҳам, олдиндан, оғзаки ёки қоғоздаги шартнома ваъдаларига ишониб, озиқ-овқат маҳсулотларини юбораверган. Бу соддалик эмас, балки бағрикенглик ҳамда очарчилик азобини тортаётганларга ҳамдардлик билан ёндашиш намунаси эди. Демак, иқтисодий алоқалардан Россиянинг марказий губерниялари манфаатдорлиги Туркистонникидан кам эмасди. Аммо шу билан бирга «Марказ»дан Туркистонга саноат маҳсулотлари юборишдан асосий мақсад — ўлкадан озиқ-овқат маҳсулотларини ва арзон хом ашёни ташиб кетиш бўлган. Айни пайтда Туркистон ҳам Россиядан келтириладиган саноат, қурилиш маҳсулотларига муҳтожлик сезарди.

¹ РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 35, л. 53.

² Ўша жойда, л. 55.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 478-иш, 111-варақ.

4.2. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МУРАККАБ ЖАРАЁНЛАР

Марказ ва айниқса Волгабўйи, Уралолдидаги озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси ечимида Туркистонни қатнашиши оқибатида ўлка аҳолисининг ўзи ҳам яна очарчиликка мубтало бўлди. Аслида Туркистондаги иқтисодий аҳвол ҳам Россиянинг марказий губернияларига ёрдам берадиган даражада жуда яхши эмас эди. Аммо Марказ томонидан олиб борилган зўравонликка асосланган сиёсат Туркистонда фаолият кўрсатаётган Россия эмиссарларининг тутган позицияси натижасида ўлка аҳолиси тўқ бўлмаган ҳолда очлар муаммоси ечимига жалб қилинди.

Иқтисодий муносабатлар «социалистик тақсимот» асосида курилиб, ўлка аҳолиси озиқ-овқат тақчиллигидан қутула олмагани ҳолда, керакли даражада ғалла экишдан, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришдан маҳрум эди. Чунки Россиянинг тўқимачилик саноати учун пахта етказиб бериши керак эди. Натижада, Туркистон аҳолисини боқиш учун ўлка ХККнинг берган маълумотига кўра, 1920 йилда 4 млн. пуд ғалла етишмас ва буни Россиядан келтирилиши кўзда тутилган эди. Аммо Россиянинг ўзидаги озиқ-овқат муаммоси туфайли бунга имконият йўқ эди¹. Боз устига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги қурғоқчилик натижасида минглаб одамларни уюшган ва уюшмаган ҳолда Туркистонга келиши ҳам иқтисодий муаммолар даражасини орттириб юборди. Эндликда иқтисодий муносабатларнинг бош масаласи сиёсий ҳокимиятни сақлаб қолиш учун аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш бўлиб қолди. Туркистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар замирида ҳам озиқ-овқат муаммоси биринчи ўринга чиқди. Ҳатто БМИҚ Москвадаги шарқ халқлари коммунистик университети ходимларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ҳам Туркистон зиммасига юклаган². Туркистондан озиқ-овқат таъминоти турли йўналишларда давом этаверган. Масалан, 1921 йил 18 майида Татаристон ХКК раҳбарияти Туркистон ХКК раиси

¹ Экономическая жизнь, 9 августа 1920 г.

² ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 347-иш, 53-варақ; Р-25 фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 78-варақ.

Қ. Отабоевга мурожаат қилиб, июнь ойида советларнинг VI қурултойи бўлиши ва бу қурултойда мингдан кам бўлмаган вакиллар қатнашиши кўзда тутилаётганини қайд этиб, «мумкин қадар тезроқ вақт ичида кишмиш ва имкон қадар бошқа [озиқ-овқат] маҳсулотлар юборилишини» сўрайди¹. 1921 йил 26 августидан Симбирск давлат унверситети ректори (исми-шарифини ҳужжатдан аниқлаб бўлмади — Р.А.) Туркистон раҳбариятидан П.П. Михерев ва А.В. Красновларга бир вагон озиқ-овқатни университет профессор-ўқитувчилари учун харид қилишга рухсат сўрайди².

Шундай қилиб, Туркистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, асосан, Марказни таъминлашга қаратила бошланди. Туркистондаги Россия эмиссарлари учун маҳаллий эҳтиёжни ҳисобга олмасдан, ҳар қандай ҳолатда ҳам Марказ топширигини бажариш муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади. Масалан, Фарғона вилоятидан пахтани кўпроқ экилишини талаб қилган ҳолда, аҳолини ғалла билан таъминлаш жараёнида оқсашлар вужудга келди. Шу муносабат билан 1921 йил августидан Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги Фарғона вилоятини «10 вагондан ортиқ [ғалла билан] таъминлай олмаслиги»ни ва етказилиши кўзда тутилган яна 45-50 вагон ғаллани Марказнинг бошқа талабларидан келиб чиқиб, етказиб беролмаслигини билдиради³.

Россиядаги иқтисодий ва айниқса, озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ечимида Туркистон республикаси фаол қатнашди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларга ёрдам тадбирларини давлат томонидан уюштирилиши ҳамда турли солиқларни жорий этилиши ҳам муҳим ўрин тутган. Масалан, ана шундай солиқлардан бирини 1921 йил августидан озиқ-овқат халқ комиссарлиги жорий этган бўлиб, у «озиқ-овқат солиғи» деб юритилган. Ушбу солиқни йиғиш жараёнида ўлка аҳолисига Россия билан иқтисодий алоқаларни мустақамлаш зарурлиги ҳамда бу солиқни «унумли йиғиш натижасида очларга ёрдам бериш имконияти кенгайди ва фабрика- заводлар тўла ишга тушади... озиқ-овқат билан таъминлаётган фабрика ва заводлар, кооперациялар билан [товар] алмаштириш деҳқон учун фойда келтиради» чунки айнан ўша завод ва фабрикалар маҳсулоти Туркистон деҳқонига керак, деб таъкидланарди⁴.

Россиядаги озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси ечимида Туркистонда яна қўшимча тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан,

¹ ЎЗР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 69-варақ.

² Ўша жойда, 483-иш, 475, 477-варақлар.

³ Ўша жойда, 654-иш, 3-варақ.

⁴ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1646-иш, 1-варақ.

1922 йил 1 январидан Туркистон ХКК томонидан Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам учун «очлик солиғи» жорий этилган. Ушбу солиқ бутун Туркистон республикасида жорий этилиб, унга кўра «...ҳамма савдо ва саноат корхоналари ва шахсан ҳунармандчилик қилаётганлардан 25 фоиз ... спиртли ичимликлар соғаетганлардан 50 фоиз... шу пайгача тўлаётган солиқлар устига яна 10 фоиз қўшимча» равишда «очлик солиғи» тўлашлари керак эди. Шунингдек, «очлик солиғи»ни тўлашга республикада истиқомат қилаётган ҳамма меҳнатга лаёқатли фуқаролар ҳам тортилган бўлиб, уларга ҳар ойнинг бошида 3 фунт қора нонни бозор нархида тўлашлари шарт қилиб қўйилган. Ушбу қарорни бажаришдан бош тартиб, «очлик солиғи»ни тўламаганлар солиқнинг ўн баравари тарзида жаримага тортилиши ва ҳатто атайин солиқ тўлашдан бош тортганлар эса инқилоб трибунали судига берилиши қайд этилган эди. Қарорга кўра «очлик солиғи» маблағи ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК ихтиёрига топширилади ва бу солиқ «[Волгабўйида]... очарчилик тўла тутагунга қадар жорий этилади»¹.

«Очлик солиғи» жорий этилгандан кейин бир ярим ой ичида Туркистон аҳолисида Волгабўйи, Уралолди очлари ҳисобига 372 млн. 368412 рубль келиб тушган². Ҳатто очарчиликка мубтало Фарғона вилояти аҳолисида ҳам 6600 пуд турли озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланди. Умуман, 1922 йил 1 январидан 1 декабрига қадар 69 млн. пудга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари хайрияси, 14,4 минг дона кийим-бош йиғилган. Юқорида қайд этилган озиқ-овқат, кийим-кечакларнинг бир қисми Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга келтирилган очларга берилган ва унинг аксарияти Россиянинг очарчилик ҳудудларига жўнатилган эди³.

Россиядаги иқтисодий муаммолар ечимидаги саъй-ҳаракатлар қаторида Туркистон МИҚ томонидан 1922 йилнинг 28 февралда «ғалла монополиясига қўшимча декрет» қабул қилинди. Ушбу декретда Россияда ҳамон миллионлаб очлар ўлаётганига қарамасдан, айрим вилоятлар, хусусан Еттисув вилоятида Волгабўйидаги очлар тақдирига бефарқлик сезилаётганлиги таъкидланади. Декретга мувофиқ, бирор пуд ҳам ортиқча ғалла қулоқ-бойлар қўлида қолдирмай тартиб олиниши ҳамда Россиядаги озиқ-овқат тақчиллигини бартараф этишга сарфланиши кўзда тутилган эди⁴.

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 926-иш, 29-варақ ва орқаси; ЎзР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 479-иш, 30-варақ.

² Пролетарий (Самарқанд), 7 марта 1922 г.

³ Тарих шохидлиги ва сабоқлари... 254-255-бетлар.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 923-иш, 19 -варақ.

Иқтисодий муамолар ечимидаги ўзаро муносабатлар охи-роқибатда Туркистоннинг ўзида ҳам айрим қийинчиликларга сабаб бўлди. Хусусан Фарғона вилоятидаги очарчилик амалда 1921 йил кузиданоқ бошланган эди¹. Аммо бу ҳолат «одатдаги озиқ-овқат танқислиги» тарзида қабул қилиниб, Туркистондан Россиянинг марказий губернияларидаги озиқ-овқат муаммосининг ечимига ёрдам бериш давом этди. Натижада, асосий эътибор Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари өчларини боқиш, кийим-кечак, бошпана билан таъминлаш ишларига қаратилди. Дастлабки пайтларда Туркистондаги иқтисодий муаммога нисбатан Россиядаги иқтисодий тақчилликни бартараф этиш муҳим вазифа тариқасида ёндашилди. Аммо аҳвол борган сари оғирлаша борди. Шу муносабат билан Туркистон МИҚнинг мажлисида Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси кўриб чиқилди. Муҳокамалардан сўнг вилоятда йиғилаётган хайриялар эндиликда Волгабўйи ва Фарғона вилояти очларига берилсин деб, қарор қабул қилинган. Натижада, Фарғона вилоятида хайрия тариқасида йиғилган пул, озиқ-овқат, кийим-кечакларнинг ҳаммаси вилоятда очарчилик азобини тортаётган аҳоли ва эвакуация тариқасида Россиядан келганлар учун сарфланадиган бўлди². Аммо бундай тартиб Фарғона вилоят ОЁ комиссиясида ишлаётган «масъуллар» учун маъқул келмади: Шу муносабат билан вилоят ОЁ комиссияси ўзининг «Муҳим вазифалар» рукни остидаги билдиришида, хайрия тариқасида очлар учун йиғилаётган ҳамма нарсанинг (кийим-кечак, озиқ-овқат в.б. — Р.А.) 50 фоизини маҳаллий очларга ажратиш тўғрисида таклиф қиляптилар, дейди ва «Фарғонадаги очарчилик Волгабўйидагидек даҳшатли эмас... [шунинг учун] йиғилган нарсаларни тенг ярмидан бўлиб олиш мумкин эмас. Фарғона вилояти очларига ёрдамни ижтимоий ҳимоя [органи] орқали амалга ошириш керак» деб таъкидлайди³. Лекин бундай норозилик Туркистонни ўзида қолиб кетмаган кўринади... Қарор мазмуни айрим Тошкентдаги эмиссарлар орқали Марказга етказилиб, Москвадаги раҳбариятда норозилик туғдиришга улгурган. Шунинг учун бўлса керак, 1922 йил 3 мартада Москвадан, аниқроғи БМИҚ раиси М.И. Калининдан норозилик оҳангидаги телеграмма келади. Ушбу телеграммада ТуркМИҚ раҳбариятига «...маълумотларга қараганда, хайрия тариқасида йиғилган пуллар, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар қоидага қарши маҳаллий заруриятга сарфланаётган эмиш...»

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 449-иш, 44-варақ.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 311-иш, 114 варақ орқаси, 132-133-варақлар; 449-иш, 44-варақ.

³ Ўша жойда.

ҳолбуки БМИҚ ОЁ МК томонидан белгилаган тартибга кўра, йиғилган хайриянинг аксарият қисми Волгабўйида яшаётган очларга юборилиши керак деб уқтирилади¹. Аммо Фарғонадаги очарчилик ўз қамровини борган сари кенгайтириб борарди. Фарғона вилоят «Волгабўйи очларига ёрдам комиссияси» 1922 йил 20 апрелдан 1 майгача бўлган давр бўйича ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКга берган ҳисоботида, ёрдам кўлами даражаси ҳақида ёзиб, очарчилик «...маҳаллий халқ орасида ҳам кўзга ташланаётгани... улар (маҳаллий аҳоли — Р.А.) кўзларида ёш билан бир бурда нон сўраяптилар, аммо уларни рухсатсиз очлар рўйхатига қўша олмаяпмиз. Маҳаллий очларнинг аксарияти ишсиз ва ишга яроқсиз...»² дейилади. Бундай арзу додлар борган сари кўлайиб борарди, аммо ТуркМИҚ ҳамон Волгабўйи очлари муаммоси билан банд эди. Чунки ТуркМИҚ ва ХКК зиммасида ҳамон Волгабўйидан келатганларни жойлаштириш, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари турарди. Масалан, Россиянинг очарчилик губернияларидан Туркистонга келганлардан 1922 йил мартада Жиззах уездига 335 тасини, апрелда Қўқонга 200 тасини жўнатилган эди³.

ТуркМИҚ ўзининг 1922 йил 11 майдаги мажлисида Фарғона вилоятини очарчиликка учраган деб, қарор қабул қилди. Лекин эътиборнинг энг кўп қисми Волгабўйи, Уралолди худудлари очларини боқишга қаратилган эди. Фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Андижон уезд-шаҳар ОЁ комиссияси раисининг ўринбосари Михайлов 1922 йил 23 майда Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раҳбариятига мурожаат қилиб, «йиғилган озиқ-овқат маҳсулотларини маҳаллий очларга тарқатиш мумкинми?»⁴ деб сўрайди. Бу яна 1922 йил 11 майда ТуркМИҚ томонидан Фарғона вилоятини очарчиликка учраган деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейинги аҳвол ҳисобланади.

Айнан 1922 йил май ойида Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан Самара университетига, Оренбург ўрмон хужалигига, Бузлукка, Астрахань губсоюзига, РСФСР молия ва ер ишлари халқ комиссарликларига, БМИҚга умумий ҳисобда 193 минг 445 пуд ғалла юборилган эди⁵. Бу ҳам Россиянинг Туркистондаги эмиссарлари олиб борган иқтисодий сиёсати натижаси эди. Аммо айти пайтда ўзи оч бўлган ҳолда бошқаларни боқаётган Фарғона вилояти аҳолиси ТуркМИҚ ва Марказга умид кўзи

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 347-иш, 3-варақ.

² Ўша жойда, 927-иш, 115-варақ.

³ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749-иш, 142-варақ; ЎзР ПДА СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 588-иш, 17-варақ.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749-иш, 178-варақ.

⁵ Ўша жойда, Р-31 фонд, 1-рўйхат, 475-иш, 141-варақ.

билан боқишда давом этарди. 1922 йил 3 июнида Андижон уезд ОЁ комиссияси раҳбарияти ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МК раҳбариятига қилган мурожаатида, Фарғонада очарчилик бўлаёт-ганига қарамасдан, ОЁ МК томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрилмаётгани ва «... кўпгина қарорлар Волгабўйи очларини боқишга қаратилаётгани»¹ қайд этилган. Айни пайтда расмий маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида 2 млн. 160 минг киши истиқомат қилгани ҳолда, вилоятнинг фақатгина 74 волости текширилганда, аҳвол қуйидаги тарзда эди:²

7-жадвал.

Уездлар	Текширилган хўжаликлар	Аҳоли сони	Очлар	Кўчиб кетганлар	Ўлганлар	Азият чекканлар
Ўш	22995	139901	54497	8596	6971	70064
Марғилон	50988	210440	87599	16186	23435	128220
Кўқон	54157	267555	157121	14501	21008	192630
Наманган	36320	161059	39751	3211	4750	47702
Андижон	25728	161910	31975	4195	6846	43016
Ҳаммаси	190188	941865	370943	46689	63010	481632

Умуман олганда, Фарғона вилоятидаги очларнинг сони 800 мингтага етган³. Бу очарчиликни баргараф этиш учун Туркистон МИҚ, ХКК ва ТКП раҳбарияти ўлкадаги, айниқса Фарғонадаги озиқ-овқат танглиги муаммолари тўғрисида БМИҚ, РСФСР ХКК, РКП(б) МК раҳбариятига 1922 йил баҳоридан бир неча марта мурожаат қилиб, очарчилик туфайли Фарғона вилоятида экишга яроқли ерларнинг 50 фоизи ҳам экилмай қолиб кетганини ва шунингдек, вилоятдан иш ҳайвонларини темирўл орқали Россиянинг очарчилик ҳудудларига олиб кетиш кўпайганини ҳам қайд этганлар⁴.

ТуркМИҚ раҳбарияти ана шундай мурожаатлардан бирини 1922 йил 15 июнида қилади. Ушбу мурожаатда Марказ эътиборини Фарғонадаги очарчиликка қаратиб, очарчилик ўз қамровига кўра «фақатгина Фарғона аҳли саъй-ҳаракати билангина ёки бутун Тур-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 81-варақ.

² Ўша жойда, 926-иш, 321-варақ; 938-иш, 7-варақ.

³ Ўша жойда, 938-иш, 7-варақ.

⁴ Ўша жойда, 345-иш, 89-90-варақлар ва орқаси.

кистон аҳолиси ёрдами билангина енгилмайди» дейилади. Маълумки, Фарғона вилояти бутун Россияга юбориладиган пахтаинг 45-50 фоизини етиштириб берарди. Шунинг учун ҳам мурожаатда Фарғона вилоятидаги очарчилик ва унга «ёрдам бериш Бутун-россия масъулияти» қарамоғига юклатилиши лозимлиги уқтирилади. Ушбу мурожаатда яна «Фарғона қишлоқ хўжалигини тиклаш учун махсус кредитлар» ажратилиши сўралган эди¹. Аммо бундай мурожаатларга Марказ ҳамон бефарқлик билан қарар, жойлардаги иқтисодий муаммолар ечими йўлида масъулиятли ёндашиш йўқ эди.

Россиядаги иқтисодий муаммолар ечимига жалб қилинган Туркистон халқи, айниқса Фарғона вилояти аҳолисининг ўзи яна озиқ-овқат тақчиллигига дучор бўлди. Эндиликда Россиядан келтирилган очларни ўз юртларига реэвакуацияси масаласи 1922 йил баҳоридан ўзининг долзарблигини яққол кўрсата бошлади. Очларнинг реэвакуацияси масаласини Марказга етказилганда ҳам ҳамон Волгабўйи, Уралолди худудларида очарчилик давом этарди. Туркистон МИҚ, ХКК нафақат Фарғона вилоятидаги, балки бутун республикадаги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, ўлкадаги аҳвол ночорланиб бораётганлиги, эвакуация қилинганларни боқиш борган сари қийинлашиб кетаётганлигини ҳисобга олиб, бир неча марта марказий эвакуация раҳбариятига Россиянинг очарчилик худудларидан Туркистонга келтирилган одамларни, болаларни ўз юртларига реэвакуацияси зарурлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Аммо Марказ ҳар қандай асосли эътирозларни ҳам рад этишдан чарчамаган. Ҳар ҳолда бағрикенг Туркистон халқи, саховатпеша Фарғона аҳолиси очарчилиги Марказ назаридан узоқроқ эди-да... Масалан, 1922 йил 8 апрелда Москвадан марказий эвакуация бошлиги ТуркМИҚ ва ОЁ МКга юборган телеграммасида «ҳозирги пайтда очларни Туркистондан реэвакуация қилишнинг имконияти йўқ»² деб уқтирган эди.

Лекин Фарғонада шундай қийин аҳвол бўлишига қарамасдан, Туркистондаги Россия эмиссарлари «марказ назаридан» қолмасликка ҳаракат қилардилар. Масалан, ТуркМИҚ раҳбарияти қарорига кўра, 1922 йил 5 апрелидан «армияга бир ойлик» ёрдам ўтказишга қарор қилинган. Шу мақсадда Оренбургдаги ярадор ва касал аскарлар учун бир вагон озиқ-овқат ҳамда очлар учун 200 млн. рубль ажратилди³. Айни пайтда Туркистонга ҳамон Россиянинг Қозон ва Воронеж губернияларидан оч-қочқин тариқасида

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1860-иш, 7-варақ.

² ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 347-иш, 7-варақ.

³ Ўша жойда, 927-иш, 177-варақ.

келаётганлар бор эди¹. Бундай аҳвол иқтисодий тангликни янада мушкулроқ ҳолатга олиб келди.

Очларни қутқариб қолиш мақсадида Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раиси ўринбосари М. Хўжаев 1922 йил 9 августда Туркистон МИҚ ва республика ОЁ МК раҳбариятига мурожаат қилиб, вилоятда очлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётгани натижасида Волгабўйидан келтирилган очларни боқиш имконияти чекланиб бораётганини ҳамда «...Фарғона вилоятини Волгабўйидан [келтирилган] очлардан холи қилиш керак»лигини ўқтиради². Бунга ТуркМИҚ ОЁ МК раиси М. Бретт томонидан М. Хўжаевга берилган жавобда «Волгабўйи очларини Туркистон бўйлаб тарқатиш имконияти йўқлиги сабабли, улар Фарғонада қолиши керак»³, дейилади.

Аммо Туркистондаги озиқ-овқат тақчиллиги реэвакуация масаласини кун тартибига қўйган эди. Чунки Туркистон ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлай олмаган ҳолда, Волгабўйи, Урал-олдидан келганларни ҳам боқиши керак эди. Эндиликда «ортиқча оғиз»дан қутулиш керак эди. Бундай «ортиқча оғиз»дан қутулиш чора-тадбирлари 1921-1922 йиллари бошқа очарчилик губернияларида ҳам амалга оширилган. Бунинг учун қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Маълумки, 1917-1919 йилларда Туркистонда бўлган очарчилик натижасида аҳолининг бир қисми очликдан ҳосилдор ҳудудларга ўз оилалари билан қочишга мажбур бўлган эдилар. Орадан икки-уч йил ўтиб, очарчилик фалокати яна уларни Оренбургда истаб топди. Оренбургдаги аҳвол шундоқ ҳам оғир бўлганлиги учун губерния ижроқўми уларни рўйхатдан ўтказа бошлади. 1921 йил 6 июлида Туркистондан Оренбургга келиб яшаётганлардан 168 та оч-қочқин рўйхатга олинди, уларнинг 129 таси яна ўз она юртлари бўлмиш Туркистонга қайтарилди⁴. Оренбургда яшаётган ҳар бир истеъмолчи, яъни овқатланадиган одамни қаердан келгани ва яшаш сабаби билан қизиқиш кучайди. 1921 йил августда Туркистондан Оренбургга 1917-1918 йилларда оч-қочқин сифатида келганлардан 242 таси, Бухородан келиб яшаётганлардан 57 таси рўйхатга олинди. Туркистонлик оч-қочқинларнинг 242 таси, Бухоро фуқороларидан 49 киши ўз ватанларига жўнатилди⁵. Очарчилик фалокати кучайиб боргани сари, Туркистондан Оренбургга келган оч-қочқинларни истаб топиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда ватанларига қайта-

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 927-иш, 49-варақ.

² Ўша жойда, 345-иш, 168-варақ.

³ Ўша жойда, 749-иш, 214-варақ.

⁴ ЦДНИ ОО, ф. Р-1, оп. 1, л. 219, л. 19.

⁵ Ўша жойда, л. 26 об.

риш хоҳиши кучайди. Чунки губерниядаги аҳвол мумкин қадар очлар сонини камайтиришни тақазо қиларди. 1921 йил 7 сентябридаги маълумотларга кўра, Оренбургда 421 та Туркистондан келган оч-қочқинлар ва БХСРнинг 114 та фуқороси рўйхатга олинган. Натижада Қозоғистон эвакуация бюроси юқорида сонлари кўрсатилган Туркистон ва Бухоро фуқароларини ўз ватанларига қайтариб юборади¹. Туркистон фуқароларини ўз ватанларига қайтариш кейин ҳам давом этди. Фақатгина Оренбургдан 1922 йил январь ойи бошидан 16 февралига қадар 300 дан ортиқ оч-қочқинлар ўз ватанларига жўнатилган².

Юқорида келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, ўз пайтида Оренбургдан ҳам «ортиқча оғиз»лар реэвакуацияси бўлган. Шу мақсадда Туркистон марказий эвакуация («Туркмарказэвак») бошлиғи А.С. Сушко 1922 йил 5 июлида ўлкага келтирилган очларни ўз она юртларига қайтариш масаласи бўйича Москвага бориб, Туркистондан реэвакуация муаммолари билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилди. 1922 йил 12 августиди А.С. Сушко Туркистон МИК, ХКК раҳбариятига берган ҳисоботида 3 ой ичида Туркистонга келтирилган очларнинг 50 мингтаси ва 5 мингта ишчилари ўзларининг Россиядаги очарчилик ҳудудларига уюшган ҳолда қайта кўчирилади ва уларга давлат ҳисобидан 4000 комплект кийим-бош ажратилади дейди³.

Шундай қилиб, Россиядан келтирилган очларни уюшган ҳолда қайта кўчириш жараёни 1922 йил август ойининг иккинчи ярмидан бошланиб кетди. Аммо очарчилик ҳудудлари раҳбарияти Туркистондан ўз ҳамюртларининг реэвакуациясини жуда вақтли деб, норозилик билан қабул қилганлар. Ҳатто ўз норозиликлари тўғрисида Марказ раҳбариятига ҳам билдирганлар. Масалан, Самара губернияси ОЁ комиссияси БМИҚ қошидаги ОЁ МК ва ТуркМИҚ қошидаги ОЁ МКларга 1922 йил июль ойи охирида берган телеграммасида, ўз пайтида губерниядан Туркистонга кўчирилганларни Самарага қайта кўчирмай туришларини, чунки шундоқ ҳам Самарада ишсизлар жуда кўплигини қайд этилган. Ушбу телеграммада агар қайта кўчирилган тақдирда ҳам, Самара губерниясида уй-жойи, хўжалиги борларнигина ўз юртларига қайтариш мумкин дейилган⁴.

Туркистондан ўзларини қайта кўчиришларини хоҳламаганлар ҳам кўп эди. Чунки уларнинг айримларини ўз юртларида кутади-

¹ ЦДНИ ОО, ф. Р-1, оп.1, л. 219, л. 24 об.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 311-иш, 364-варақ; 383^А-иш, 15-варақ.

³ Ўша жойда, 350-иш, 503-варақ.

⁴ Туркестанская правда (Тошкент), 2 августа 1922 г.

ган ота-оналари йўқ бўлса, бошқалари бола-чақасидан айрилган, хотини ёки эрини ҳамда ўз юртларида уй-жойи, хўжалигини йўқотганлардан иборат эди. Шунинг учун бўлса керак, БМИҚ қошидаги ОЁ МК ва Марказэвак қарорига мувофиқ, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз пайтида очарчилик туфайли келганларни Туркистондан мажбуран қайта кўчириш мумкин эмас эди¹.

Лекин Туркистондан ўз она юртлари томонга интилганлар ҳам старли эди. Чунки уларни ўз юртларида ота-оналари, хўжаликлари, уй-жойлари қолган эди. Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбарияти қайта кўчириладиганлар учун имкон даражасида шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилган. Рекэвакуация тариқасида Қозон, Уфа, Самара, Симбирск, Оренбург ва бошқа очарчиликка учраган ҳудудларга кетаётганларни озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечак билан таъминлаш каби масалалар ҳам Туркистон республикаси зиммасига юклатилган. Масалан, қайта кўчириш муносабати билан республика хотин-қизлари ўз юртига қайтаётганларни ички ва устки кийим-бош, оёқ ва бош кийим, сочиқ, даструмол билан таъминлаш ишларида фаол қатнашганлар².

Резэвакуация қилинаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Бунинг учун Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбарияти бор имкониятларини ишга солиб, қайта кўчириш жараёнига ёрдам беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, фақатгина 1922 йил сентябрида Самарқанд вилоятидан 2382 та катта-кичик ёшдагилар ўз она юртлари бўлмиш Волгабўйига қайта кўчирилган. Уларни қайта кўчириш муносабати билан Самарқанд вилоят ОЁ комиссияси ҳар бир ўз юртига кетаётган очларга Тошкентга етгунга қадар 1 фунтдан нон билан таъминлаган эди. Шунингдек, кетаётганларга 227 пуд пиширилган нон тарқатилган ҳамда 1922 йил пул бирлигидан 6000 рубль берилган эди³. Энди, бу расман ҳар бир ўз юртига кетувчиларга берилган ёрдам эди. Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан илгарироқ, ҳар бир Россиядан келган киши (агар у хизмат сафарига келган бўлса ҳам-Р.А.)га ўз юртига қайтишида 5 пуддан ортмаган буғдой олиб кетишига рухсат берган эди⁴. Шунингдек, очарчилик ҳудудларига Туркистондан қайтаётган ҳар бир оилага 1922 йил май ойидан 30 пудгача экиш учун уруғлик ва ёйиш учун старли тарзда ун олиб кетишга рухсат берилган эди⁵. Расман резэвакуация бош-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 350-иш, 320-варақ.

² Туркестанская правда (Тошкент), 26 сентябрь 1922 г.

³ ЎзР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 479-иш, 53-варақ.

⁴ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749-иш, 17-варақ.

⁵ Пролетарий (Самарқанд), 16 мая 1922 г.

ланиши билан Туркистон МИҚ ва ХКК ўз она юртларига кетаётганларни ўзлари билан озиқ-овқат, уруғлик олиб кетиш меъёрини қайта кўриб чиқди ҳамда уюшган ҳолда ўз юртига қайтаётганлардан ҳар бир оиллага 10 пуддан уруғлик олиб кетишига рухсат берди¹.

Умуман олганда, реэвакуация жараёни фақатгина Туркистонга келтирилганларгагина тааллуқли эмасди. 1922 йил сентябридан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз пайтида Россиянинг ҳосилдор ҳудудларига кўчирилганлар ҳам ўз юртларига реэвакуация қилинаётган эди. Масалан, фақатгина Оренбург губерниясига 1922 йил 10 декабрига қадар Туркистондан 264 та бола, Орёлдан 36 та, Москвадан 109 та болалар қайта кўчирилган эди. Бу ҳаммаси бўлиб 409 та болани ташкил қиларди².

Туркистондан Россия очларини реэвакуациясида асосий муаммолардан бири болалар эди. Чунки Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган болаларни реэвакуациясини шошма-шошарлик билан амалга ошириб бўлмасди. Бунга сабаб шу эдики, келтирилган оч болаларнинг анча-мунчасини ота-онаси вафот этган ёки бедарак йўқолган эди. Шунинг учун дастлаб ота-онаси ёки яқин қариндоши барҳаётларни реэвакуацияси биринчи ўринда турди. Масалан, 1923 йил июль ойида Туркистон МИҚ қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси Оренбург ва Самарадан келтирилган, ота-онаси барҳаёт 328 та болани аниқлаб, улардан 36 тасини якка тартибда, қолган 292 тасини гуруҳларга бўлиб, она юртларига реэвакуация қилишга тайёрлади. Болаларни жўнатишдан аввал медицина кўригидан ўтказилиб, йўлга ҳамда ўз юртларига боргандан кейин ҳам бир неча кунга етадиган озиқ-овқат, керакли кийим ва поездга билет билан таъминланган эди³. Реэвакуация муносабати билан Туркистон МИҚ қошидаги болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси 1923 йил июль ойи учун яна 2644 та комплект кийим харид қилгани ҳам болаларни она юртларига жўнатиш билан боғлиқ тадбир эди⁴.

Туркистон республикасидаги иқтисодий, молиявий муаммо шу даражага етдики, охир-оқибатда очларни боқишгагина эмас, ҳатто уларни реэвакуация қилишга ҳам тегишли маблағ билан таъминлаш қийин бўлиб қолди. Шу сабабдан, 1923 йил июлидан бошлаб Туркистон болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси ҳамма

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749-иш, 147-148-варақлар; 927-иш, 239-варақ.

² ГАОО, ф. Р-450, оп. 1, л. 457, л. 77.

³ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 37-варақ.

⁴ Ўша жойда.

вилоят ва уездларда болаларни реэвакуациясига сарфлаш учун маблағ йиғишга лоторея, лото, ҳайинчак (арғимчоқ) ўйинларини жорий этишга рухсат берди.

Лекин барибир Туркистондан болалар реэвакуацияси секинлик билан борарди. Айни пайтда Фарғона вилоятида очарчилик ўз домига борган сари кўпроқ кишиларни тортарди. 1923 йил сентябридаги маълумотларга кўра, Фарғонада расман очлар рўйхатига олинган болалар 150807 тани, қатта ёшдагилар 232211 кишини ташкил қилган¹. Эндиликда жойларда нафақат Россиядан келтирилган, балки маҳаллий очларни ҳам боқиш жуда қийин кечарди. Чунки айнан 1923 йил ўрталарида расман 35 мингта Волгабўйи очлари Туркистонда истиқомат қиларди². Бундай аҳволдан ташвишланган Туркистон МИҚ раиси Дадабоев 1923 йил 2 сентябрида собиқ Иттифоқ МИҚига, халқ маорифи комиссарлигига ҳамда Москвадаги Туркистон ваколатхонасига телеграмма юбориб, ўлкадан очлар реэвакуацияси жуда секинлик билан бораётганини баён қилган. Ушбу телеграммада қайта кўчирилмаган болалардан Туркистонда расман 11 мингта атрофида қолгани, айни пайтда Фарғонадаги очарчилик ўз қамровини кенгайтириб борётгани қайд этилади. Шунингдек, телеграммада Туркистонда мавжуд интернатларнинг 50 фоизида Волгабўйи, Уралодди ҳудудларидан келган болалар истиқомат қилаётгани, Фарғонадаги очарчилик уларнинг ҳам иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатаётгани ва ана шу сабаблардан келиб чиқиб, қаҳратон совуқларга қолмасдан, болаларни ўз юртларига реэвакуациясини тезлаштиришни сўраган³.

Москвадан Туркистон МИҚга 1923 йил 16 сентябрда берилган кўрсатмага мувофиқ ҳеч кими ва борар иссиқ паноҳи йўқ болаларни реэвакуация қилиш мумкин эмасди. Туркистон халқ маорифи комиссари Сербазиевнинг берган маълумотига кўра, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан ўлкага келтирилган болаларнинг кўпчилигини ота-онаси очликдан вафот этган ёки улар ўз ота-оналарини йўқотганлардан эди⁴.

Туркистон 1922 йил сентябридан бошлаб Россиядан келтирилган очларни реэвакуацияси билан шуғулланганига қарамасдан, ҳамон ўлкага Волгабўйи ҳудудларидан уюлмаган ҳолда келаётганлар ҳам бўлиб турган. Масалан, 1923 йил 15 декабрдаги маълумотларга кўра, Туркистон МИҚ Москвадаги раҳбариятга

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 119-125-варақлар.

² Ўша жойда, 938-иш, 5-варақ.

³ Ўша жойда, 368-иш, 43-варақ.

⁴ Ўша жойда, 368-иш, 42-варақ.

мурожаат қилиб, Самарадан охирги ҳафтада 400 та болалар Тошкентга келганини, натижада ичтерлама касаллиги ҳамда бандитизм ҳолатлари вужудга келганини қайд этиб, келган болаларни жойлаш, боқиш имконияти йўқлиги ва шу сабабдан Туркистондан реэвакуация қилинаётган айти бир пайтда, ўлка ҳудудига келаётганларни тўхтатиш чораларини кўришни сўраган¹.

Туркистондан болалар реэвакуацияси ҳар хил тарзда амалга оширилган. Кимнидир 30-40 ва ундан кўп ҳолда гуруҳлар таркибида ва яна бошқа бирларини кичик гуруҳларга бириктириб, яъни 3-7 кишидан қилиб жўнатилган. Ҳатто айримларини якка тартибда ўз юртларига қайтишларига рухсат берилган. Масалан, 1923 йил августда Туркман вилоят ОЁ комиссияси томонидан 16 ёшлилардан В. Галиев, С. Мухарямов, М. Усмонова, М. Исҳоқов, 15 ёшли М. Усмонов, 14 ёшли А. Исанчуриларни Оренбург ва Қозонга жўнатилган².

Туркистондан катта ёшдагилар реэвакуацияси якка тартибда ёки оилалари билан ҳамда гуруҳ-гуруҳ тарзида амалга оширилган. Масалан, 1923 йил 30 январидан Туркман вилоят ОЁ комиссиясига С. Волосов бошчилигида И. Сискетов, И. Кузнецов, А. Трещалов, К. Чернов ва бошқалардан иборат, ҳаммаси бўлиб 18 та оиланинг 59 имзо остидаги кишиси муурожаат қилиб, Волгабўйи ҳудудидан Теджен шаҳрига 1921 йил келиб паноҳ топганларини, аммо эндиликда она юртларига, Самара ва Оренбургга, қайтиш учун пуллари йўқлиги сабабли текинга темирийўл билети олиб беришларини сўрашган. Натижада 1923 йил 28 февралда 18 та оилани 59 та авзоси билан Самара ва Оренбургга жўнатилган³. Шунингдек, 1923 йили Туркман вилоятидан И.С. Кочетов хотини ва 3 та фарзанди, К. Гайнуллин ва Ш. Шайдуллинлар ҳар бири 5 кишидан иборат оиласи билан ва Ф. Косов, Бектаировалар ўзлари Қозонга махсус гувоҳномалар орқали жўнатилган эди⁴. Ўша 1923 йили яна Туркман вилоятидан А. Кошелов Саратовга, Ф. Макаров Самарага, Б. Шокирова ва унинг қизи Факия Қозонга, И. Иванчиков икки ўғли ва қизи билан Оренбургга, С. Гиззатуллин хотини ва икки фарзанди билан Симбирскка, М. Хамитова 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 6 та фарзанди билан Қозонга жўнатилган⁵. 1923 йил май ойида Туркистондан Оренбургга 86 киши-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 134-варақ.

² ААП Рес. Туркм.: ф. Р-94, оп. 1, д. 14, л. 383; д. 65, л. 404.

³ Ўша жойда, 9, 9 об.

⁴ Ўша жойда, л. л. 115, 137, 137 об. 196, 328; д. 65, л. 400.

⁵ Ўша жойда, л. 98.

ни ташкил қилган 29 та оила қайтган¹. Туркманистон Республикаси архивида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келиб, Полторацк, Теджен, Марв, Байрамали ва бошқа ҳудудларда паноҳ топганларнинг исми шарифи, Туркман вилоят ОЕ комиссиясига ёрдам сўраб қилган мурожаати, реэвакуация жараёни тўғрисида анчагина ҳужжатли манбалар сақланиб қолган². Бу архив манбалари бизга Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилганларга Туркистон халқи томонидан берилган ёрдам тўғрисида бор маълумотларимизни янада тўлдиришга ва таҳлил қилишга имкон беради.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга келиб, паноҳ топганлар орасида Аҳмад Сафин ҳам бўлиб, у хотини, иккита ўғли, қизи билан 1923 йил апрелида она юрти бўлмиш Қозон губернияси Лашиев уездига жўнаган³. Г.Ф. Федоров, В.Л. Логиновлар ҳам очарчилик сабаб Хўжандга келиб, касалхонада санитарлик қилган эдилар. Улар ҳам 1923 йил апрелида хотини ва утадан фарзандлари билан Қозонга қайтганлар⁴. Айнан 1923 йил апрелида Симбирскдан келган очлардан 27 киши ўз она юртларига қайта кўчирилган⁵.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўз пайтида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келганларни реэвакуация жараёни силлиққина амалга оширилмаган. Туркистондаги ва аниқроқ айтганда, Фарғона вилоятидаги очарчилик ўлка раҳбариятини имкон қадар реэвакуациясини тезлаштиришга ундаган ҳолда, Қозон, Уфа, Самара, Оренбург, Симбирск ва бошқа губерниялардаги раҳбарият эса ўз пайтида ҳосилдор деб топилган ҳудудларга кўчирилган ҳамюртларини қабул қилишни мумкин қадар орқага суришдан манфаатдор эдилар. Масалан, Оренбург губернияси 1921-1922 йиллари уюшган ҳолда 5000 тадан кам бўлмаган болаларни Туркистонга эвакуация қилган эди. Ана шу миқдордаги болаларнинг 80 фоизи Оренбург губерниясида истиқомат қилган болалар эди. ТуркМИҚ қошидаги Қозоғистон ваколатхонасининг 1923 йил июнь оyi ўрталарида берган хабарига кўра, Туркистондан болалар реэвакуацияси оммавий тарзда Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан бошланади дейилган эди. Аммо бу хабар Оренбург губернияси халқ маорифи бўлими (ХМБ)нинг норозилигига олиб келган. Шу муносабат билан губерния ХМБ

¹ ЦДНИ ОО, ф. 1, оп. 1, д. 393, л. 35 об.

² Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: ААП Рес. Туркм. ф. Р-94, оп. 1, д. 14, л. д. 21-22 об., 24, 43-44, 83-83 об., 91, 126, 138-138 об., 137; д. 65, л. л. 90, 133.

³ Архив ЦПИ КП РТ., ф. 5339, оп. 1, д. 214, л. 34.

⁴ Ўша жойда, л. л. 39-40, 42.

⁵ Ўша жойда, л. л. 46-51, 68.

Оренбург ижроқўми раҳбариятига «ҳозирги пайтда бирорта ҳам болани қабул қилиш имкониятимиз йўқ»¹ деб маълумот берган. Лекин шунга қарамасдан, Туркистондан болаларнинг реэвакуацияси бошланган эди. 1923 йил 23 июнда 800 тадан ортиқ болалар Оренбургга келтирилди. Аммо келтирилган болаларни жойлаштириш, овқатлантириш учун Оренбургда имкон топиш муаммо бўлиб қолди. Шу муносабат билан Оренбург губижроқўми ҳайъати 1923 йил 23 июнида қуйидаги мазмунда қарор қабул қилган: «Оренбург губерниясидаги оғир [иқтисодий] аҳволдан келиб чиқиб, губижроқўм шунча [800 тадан ортиқ-диссертант] болаларни қабул қила олмайди. ... Шу сабабдан тегишли ташкилотларга болаларни Оренбург губерниясига қарашли эканлигини ва [шу муносабат билан ўз қарамоғларига] қанча болаларни қабул қабул қилиш мумкинлигини аниқлаш топширилади.»² Оқибатда сарсон-саргардон бўлиб қолган «эгасиз болалар» жой топилгунга қадар Туркистондан бериб юборилган 3-4 кунлик заҳирадаги овқатларини еб туришга мажбур бўлганлар. Чунки ўша 800 тадан ортиқ болалар тақдири 1923 йил 27 июнида ҳам губерния раҳбарияти муҳокамасида бўлиб, бир хулосага келинмаган эди³.

Туркбошэвак 1922-1923 йиллари нафақат Туркистон, балки Бухорода истиқомат қилаётганларни ҳам реэвакуацияси билан шуғулланган. ТуркМИҚ ўзининг 1923 йил 13 сентябридаги қарорига мувофиқ, «Очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси» ва унинг жойлардаги маҳаллий органларини йўқ қилади. Эндиликда ушбу қарор асосида очарчилик оқибатида қаровсиз қолган, етим болаларга ёрдам масалалари билан ТуркМИҚ қошидаги болалар комиссияси ва маориф вазирлиги шуғулланадиган бўлган бўлса, медицина ёрдамига соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги жалб этиладиган бўлган⁴.

Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига реэвакуация жараёни 1924 йилда ҳам давом этган. Эндиликда Россия очларини эвакуацияси билан шуғулланиш Туркистон қишлоқ хўжалиги қўмитаси зиммасига юклатилган эди⁵. 1924 йил 25 мартда очлар реэвакуациясини тезлаштириш учун Туркистон ХКК томонидан 40 минг рубль ажратилган⁶. 1924 йил 3 апрелидаги маълумотга кўра, Туркистондан 53 та Волгабўйидан келган оч-қочқин бола-

¹ ГАОО, ф. Р-450, оп. 1, д. 576, л. 7.

² Ўша жойда, л. 9.

³ Ўша жойда, л. л. 2, 2 об. 8.

⁴ ЎЗР МДА, Р-17 фонд. 1-рўйхат, 359-иш, 234-варақ ва орқаси.

⁵ Ўша жойда, 954-иш, 44-варақ.

⁶ Ўша жойда, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 1623-иш, 96-97-варақлар.

лар ўз она юртларига жўнатилган¹. Туркистондан реэвакуация қилинмай қолиб кетган болаларни топиб, уларни ўз она юртларига етказиш керак эди. Агар оч-қочқин тариқасида Туркистонда қолиб кетганларни махсус назорат остида ўз юртларига жўнатилмаса, улар бозорларда, қишлоқ хўжалик ишларига ва бошқа ишларга ёлланиб, тирикчилик ўтказишга ўрганиб қолган бўлар эдилар. Бундан ташқари, ўша оч-қочқинлар назоратдан чиқиб кетиб, ўғрилиқ, қароқчилик йўлларига кириб кетиш ҳоллари ҳам учраб турган. Шунинг учун ҳам ўша XX аср 20-йилларидан «самаралик» деган сўз назоратсиз, ўғри болаларга нисбатан қўлланадиган ибора тариқасида тушуниладиган бўлиб қолган. Агар қаровсиз болаларни йиғиб, поездга ўтқазиб Россияга юборилса, уларнинг аксарияти йўлда тушиб қолиб, яна Тошкент ёки бошқа шаҳарларга қайтиб «кун кечира» берган. Масалан, шунинг учун ҳам 1924 йил май ойида С.А. Здановичга ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалиги масъул котиби имзоси билан берилган гувоҳномада, Туркистондан самаралик қаровсиз болаларни (болалар сони кўрсатилмаган — Р.А.) Самара шаҳрига қадар кузатиб борувчи деб ҳужжат берилган.²

ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитаси оч-қочқинларни, айниқса қаровсиз болаларни топиш ва уларни поезд орқали ўз юртларига реэвакуацияси ечими билан шуғулланган. Масалан, ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитаси 1924 йил 17 майда Тошкент темир йўл станцияси бошлиғига мурожаат қилиб, Россиянинг айрим станцияларигача билет нархини сўраган. Берилган маълумотда Екатеринбург, Самара, Қозон, Бугурусан, Уфа, Симбирск, Саратов, Сизрангача бўлган билет нархлари кўрсатилади. Демак, реэвакуацияси кўзда тутилаётганларнинг тушиб қолиши юқорида қайд этилган шаҳарлардаги темирйўл станцияларига тўғри келган³.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келганларни жўнатишда фақат билет олиб беришгина муаммо эмас эди. Чунки очарчилик ҳудудларидан оч-қочқин тариқасида келганларни излаб топиш бир муаммо бўлса, уларни тўплаб, уюшган ҳолда (якка ҳолда жўнатиб бўлмасди — Р.А.) маълум миқдордаги озиқ-овқатлар билан жўнатиш учун ҳам тегишли тарзда маблағлар топиш ҳам айрим муаммоларни туғдирарди. Марказ томонидан ёки Туркистон МИҚ, ХКК бу масалалар ечими учун маблағ ажратиш ташвишидан ўзларини холи қилишган эди. Шунинг учун ташкилий масалалар билан боғ-

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 954-иш, 5-варақ.

² Ўша жойда, 17-варақ.

³ Ўша жойда, 9-варақ.

лик иқтисодий муаммолар ечими ҳам яна аҳоли ҳисобидан амалга ошириларди. Масалан, 1924 йил 31 майда Тошкент янги шаҳри ижроқўмига ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитаси масъул котиби мурожаат қилиб, «5 июнь [1924 й.] куни шаҳар боғида оч-қочқинлар ва қаровсиз болаларни реэвакуацияси билан боғлиқ маблағни топиш учун халқ сайли уюштириш»га рухсат сўраган¹. Ана шундай тadbирлар уюштириб, керакли маблағларни топиш натижасида фақатгина 1924 йил июль ойида 436 та катта ёшдагилар ва 98 та болалар Волгабўйи, Уралолди худудларига қайта кўчирилган эди².

ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитасининг Туркистондаги оч-қочқинларни ўз юртларига жўнатиш билан боғлиқ саъй-ҳаракати ҳам амалда 1924 йил июль ойидан тўхтатилган эди. Чунки «1924 йил 2 июлида БМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитасининг махсус секцияси раиси Винокуров ТуркМИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, реэвакуация муносабати билан жойлардан маблағ сўрашаётганини айтади ва «бу йил Волгабўйининг бир қисми ва Жанубий Шарқда ҳосилсизлик белгилари кўриняпти. Шунинг учун кўпчилиги ночор бўлган оч-қочқинлардан иборат гуруҳларни у ерларга қайтариш (реэвакуация) мақсадга мувофиқ эмас. Шу муносабат билан Сизлар вақтинча, Волгабўйи ва Жанубий Шарқдаги иқтисодий аҳволни аниқлашга қадар, оч-қочқинларни қайтариб жўнатишдан ўзингизни тийсангиз...»³ дейилади. Мурожаатда яна реэвакуациядан аввал ўша қабул қиладиган худудлар розилигини олиш зарур, деб уқтирилади. Винокуров ўз мурожаатининг охирида «ушбу кўрсатмани Туркистондан Самара, Саратов, Царицин, Ульяновск, Волгабўйи немислари ва бошқа худудларга жўнаши керак бўлганлар орасида тарқатиш зарурлиги»⁴ қайд этилади. Шундай қилиб, Марказ кўрсатмаси асосида ТуркМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак қўмитаси 1924 йил 3 августидан Волгабўйи, Уралолдидан келганларни ўз юртларига қайтаришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган⁵. Аммо Волгабўйи, Уралолди очлари муаммоси 1924 йил охирларида ҳам ТуркМИҚ назоратида бўлган. Масалан, 1924 йил 5 ноябрида 2259 рублни Россия очлари ҳисобига ўтказиш масаласи кўрилган эди⁶.

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 954-иш, 20-варақ.

² Ўша жойда, 37-варақ.

³ Ўша жойда, 45-варақ.

⁴ Ўша жойда, 45-варақ.

⁵ Ўша жойда, 645-иш, 33-варақ.

⁶ Ўша жойда, 3-варақ.

Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида вужудга келган иқтисодий муаммолар ечимидаги мураккаб жараёнларга бошқарувдаги бошбошдоқлик ҳамда Марказ манфаатларини юқори қўйилиши ҳам сабаб бўла олади. Марказ Туркистонда пахта экишни кескин қисқариб кетмаслигидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам 1922 йил иккинчи ярмидан яна Туркистонни ғалла билан таъминлашга киришилди. Масалан, 1922 йил 1 июлдан 1923 йил 3 июнгача Россиянинг марказий губернияларидан 1 млн. пуддан ортиқ ғалла келтирилган бўлса, 1924 йил мартага қадар бу 3 млн. 555 минг пуд ғаллани ташкил қилган¹. Собиқ Иттифоқ меҳнат ва мудофаа кенгаши 1923 йил 19 октябрида Оренбург, Актюбинск, Самара, Саратов, Царицин (Волгоград), Немкоммуна ва Бошқирдистон республикаларидан Туркистонни буғдой билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, Самара, Саратов, Царицин губерниялари, Қозоғистон республикасида 1 млн. пуд ғаллани 1923 йил ноябрида Туркистонга келтирилиши керак эди².

Волгабўйи, Уралолдидаги иқтисодий муаммолар, айниқса озиқ-овқат тақчиллиги охир-оқибатда Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Туркистон халқи эндигина очарчилик гирдобидан чиқишга улгуриб-улгурмаганига қарамасдан, Москва, Петербург ва бошқа Россия губернияларини озиқ-овқат, пахта, мева, қоракўл териси билан таъминлашга жалб қилинди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этишда кўрсатилган ёрдамлар кўлами кенгайиб кетганидан очларни боқаятган Туркистон халқининг ўзи ҳам очарчилик, қашшоқлик гирдобига тортилиб кетган. Мана шундай қийин шароитларда, яъни ўз қорни ўзига малол келаятган бир пайтда Россиядан келтирилган очларни Туркистондан реэвакуацияси ҳам жуда катта қийинчиликлар билан амалга оширилган. Лекин шундай оғир аҳволда ҳам на Фаргона вилоятида ва на бошқа вилоятларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган очларга нисбатан норозилик чиқишларидан кўра, маҳаллий аҳоли сабр-тоқатни, бир бурда нонининг борини ҳам келганлар билан баҳам кўришни афзал деб билган. Айни пайтда Марказ эса Фарғонадаги очарчиликка қарши ёрдам беришни ўзи учун қўшимча оғир вазифа деб ҳисоблагани ҳолда, Волгабўйи очлари реэвакуациясини жадаллаштиришга шошилмаган. Бу эса мавжуд иқтисодий муаммолар ечимини янада мушкуллаштирган.

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 899-иш, 159-160-варақлар.

² Ўша жойда, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 938-иш, 3-варақ ва орқаси; 1839-иш, 7-варақ.

4.3. ВОЛГАБЎЙИ, УРАЛОЛДИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУРКИСТОН МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Туркистон жаҳон тараққиётининг маданий меросида ўзининг салмоқли ўрнига эга ҳудуд ҳисобланади. Юртимиздан чиққан буюк олим ва фузалолар, шоир ва ёзувчилар дунё миқёсида катта из қолдиришга эришганлар. Аммо тарихий жараёнлардаги қарама-қаршилиқлар, ҳокимият учун кураш, давлат бошқарувидаги парокандалик, диний хурофот охир-оқибатда Шарқ халқларини, хусусан Туркистонни иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий жиҳатдан қолоқ бир ҳудудга айлантирди. Туркистонни Россия томонидан босиб олиниши натижасида маданий-маърифий йўналишлар империя манфаатларига хизмат қиладиган бўлди. Хусусан, Россия империясининг ҳарбий-истилочилик, сиёсий манфаатларига хизмат қиладиган дастлабки ўзбек тилидаги матбуот «Туркистон вилоятининг газети» номида 1870 йилдан чоп этила бошланди. Ушбу газета чоп этилишида Туркистон генерал-губернаторининг таржимони Ш. Иброҳимов ва кейинчалик М.А. Чанишевларнинг муҳаррирлиги ҳам катта роль ўйнаган. Улар қозонлик татарлардан эди¹. Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий аҳвол мурракблаша бошлади. Шу муносабат билан Туркистонга подшо маъмуриятининг сиёсий муҳожирларни юбориши кучайди. Улар бошқа соҳалар қатори газета, китоб босишни ҳам тўла назорат остига олдилар. Рус инқилобчилари ўзларининг чақириқ ва варақаларини нафақат рус, балки ўзбек, туркман, қозоқ тилларида ҳам тарқатар эдилар. Инқилобий руҳдаги мақолалар, шиорлар, чақириқлар яширин босмаҳоналарда чоп этилар эди. Инқилобчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун «Рабочий», «Солдатский листок», «Правда», «Ташкентский рабочий», «Наша газета» каби рус тилларидаги газеталар билан бир қаторда «Тараққий», «Хуршид», «Тужжор», «Самарқанд», «Улуғ Туркистон», «Турк сўзи», «Ал-Ислоҳ», «Кенгаш» каби газеталарни ўлканинг туб аҳолиси

¹ Каранг: Каримуллин А. Татарская книга пореформенной России. Казань: Таткнигоиздат, 1983. С. 229.

тилларида чоп этган. Дастлабки йилларда Туркистондаги даврий матбуот, босмахона ташкилотчиларининг аксарияти татарлар эди. Фикримизнинг далили сифатида 1905-1906 йилларда Қозон бадий мактабида ўқиган И.Обидовнинг фаолиятига тўхталишимиз мумкин¹. У 1906 йили Тошкентда «Тараққий» газетасини ташкил қилган. Ушбу газета билан Ш. Мухтор, И. Алиев каби татарлар ҳамкорлик қилганлар. 1908 йили эса татар маърифатпарвари А. Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» газетаси чоп этила бошлаган. Бу газетада А. Музаффар, Н. Яушев, А. Беги, М. Будаيلي ва бошқа татарлар фаол қатнашганлар. 1917 йил февраль инқилобидан кейин чоп этилган «Улуғ Туркистон» ва 1917 йил 17 майдан Тошкентда чоп этилган «Шўрои ислом» газеталари ҳам татар маърифатпарвари А.Баттала муҳаррирлигида чоп этилган². Шунинг учун ҳам XX аср биринчи чорагида чоп этилган қўллаб газеталарнинг «тили ҳам бошқа ерли газеталар каби татарча, туркча, арабча сўзлари аралашмасидан иборат бўлиб, бу сўзлар ўзбек тилига мослаштирилган шаклда қўлланилган»³. Шундай қилиб, Туркистон ва Қозон матбаачилари ўртасидаги матбуот, нашриёт йўналишларидаги муносабатлар 1917 йилга қадар ҳам ўз тарихига эга. Масалан, Қозон ва Оренбургда 1906-1918 йиллари чоп этилган «Юлдуз» ва «Вақт» газеталари ҳам Туркистон ҳаётига катта эътибор берди. Туркистон шаҳарларида «Вақт» газетасининг Кабир Бакир, А. Бектемиров, Н. Сайфулмулук, М. Будаيلي каби қўллаб муҳбирлари иш олиб бордилар. Шунингдек, Б. Шараф, Ш. Муҳаммадёрлар ҳам Туркистонга келиб, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий аҳволни ёритиб бордилар. Ўзаро муносабатлар тарихига газетада М. Бехбудий, А. Шакурийларнинг туркум мақолалари чоп этилгани ҳам далолат беради. Бундан ташқари, 1908-1918 йиллари Оренбургда чоп этилган «Шўро» журналида ҳам Туркистон ҳаётига оид 323 та материал босилган. Журналдаги барча материаллар 112 муаллиф қаламига мансуб бўлиб, шулардан 84 таси ерли халқ вакиллари бўлган. Улар орасида Фурқат, Бехбудий, Сўфизода, Ҳожи Муин, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермухамедов, Лутфулла Олимий, Садриддин Айний ва бошқалар бор эди⁴.

¹ Қаранг: Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Т.: Академия, 2000. 69-71-бетлар; Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 59-бет; Қосимов С. Кураш саҳифалари. // Гулистон, 1979, 9-10-сонлар.

² Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. Казань, 1997. С. 173, 177.

³ Туркистон матбуоти тарихи... 71-бет; Қаранг: Жизнь национальностей, 29 декабря 1918 г.

⁴ Қосимов Б. Миллий уйғониш... 51-56-бетлар.

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимиятни қўлга кiritган большевиклар ҳам ўз сиёсий, иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонда маданий-маърифий ишларни, даврий матбуот ва нашриётларни жорий этишни, хотин-қизларни янги «тузум»га тарафдорлар тариқасида жалб этишни йўлга қўйдилар. Эндиликда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун нафақат курул, балки тарғибот ва ташвиқот, аҳоли ўртасида большевиклар ғоясини сингдириш вазифалари турарди. Шунинг учун ҳам даврий матбуот ва нашриётларни «замон руҳи»га мослаштириш ва уларнинг сонини мумкин қадар маҳаллий тилларда кўпайтириш муҳим эди. Албатта, маҳаллий газета ва журналлар, адабиётларни чоп этишда, босмахоналарни керакли дастгоҳлар билан таъминлашда, ташкилотчи-журналистлар, тарғиботчилар билан таъминлашда Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Оренбург, Самара ва бошқа ҳудудлардан келган татар, бошқирд, озарбайжон матбаачилари катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбеклардан даслабки матбаачилар қаторида ҳақли равишда Отажон Абдалов, Ҳасан Орифжонов, Юнус Юсуповни келтириш мумкин¹.

Туркистонда даврий матбуот ва босмахона жонкуярлари қаторида Ҳусаин Мақаев ҳам бор. У Қозонда педагогик мактабни тугатгандан сўнг, янги усулдаги мактабда ўқитувчилик билан шуғуллана бошлайди. Аммо шароит тақазоси билан 1903 йили Туркистонга келишга мажбур бўлади. Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида педагогик фаолиятини давом эттириб, мактаб ташкил этади. Орадан кўп ўтмай, унинг ташаббуси билан очилган мактаб ҳокимият томонидан беркитилади. Шундан сўнг Ҳ. Мақаев Наманганга келишга мажбур бўлади ва бу ерда ҳам янги йўналишда мактаб уюштириб, ўзбек ва татар болаларини ўқита бошлайди. Педагогик фаолият билан бир қаторда Намангандаги «Исҳокия» (ҳозирги Ибрат) босмахонасида корректор, ҳарф босувчи ва штампель ясовчи мутахасисликларида ҳам ишлади. 1917 йил март ойида Ҳ. Мақаев муҳаррирлигида «Фарғона саҳифаси» газетаси ўзбек тилида нашр этила бошлади. Аммо газетанинг 40 тагина сони нашр этилди, холос. Ҳ. Мақаев 1917 йил охирларида Қозонга келади. Бу сафардан мақсад — Наманган босмахонасига араб (мусулмон) шрифти² харид қилиш эди. 1918 йил 10 январда Ҳ. Мақаевга М. Идрисов босмахонасидан 71 пуд араб шрифтини Наманган босмахонаси учун берилади. Деярли шу кунлари М. Идрисов босмахонаси Тошкент ва Верный

¹ Дастлабки матбаачилар тўғрисида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Пидяев Т. Матбуот — миллат чироғи. Тошкент, 1990; Ҳуррият, 1998 йил 24 июнь.

² XIX аср ва XX аср 30-йилларига қалар араб имлосидаги ёзувга нисбатан араб, мусулмон, шарқ, татар, турк, осие шрифти номлари қўлланган.

(ҳозирги Олма-ота) шаҳарларидаги босмахоналари учун ҳам тегишли тарзда 90 ва 51 пуд араб шрифтини тайёрлаб берганлар¹.

Қозондан қайтгандан сўнг, Ҳ. Мақаев 1918 йили Наманганда ўзбек тилида чоп этиладиган «Ишчилар қалқони» газетаси ташкилотчиларидан бири бўлди ва 1921 йилдан 1928 йилгача Намангандаги давлат босмахонасини бошқарди. Шундан сўнг 1937 йил қатагон қурбони бўлгунга қадар педагогик фаолият билан шуғулланди. Ҳ. Мақаевнинг педагогик, нашриётчилик фаолиятида унинг хотини Фотима Мақаева ҳам жуда катта ёрдам берган. Фотима Мақаева ҳам ўзбек-татар қизларига 1937 йилгача дарс бериш билан шуғулланган².

1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар олдида янги тузумни ҳимоя қилиш ва унинг тарғиботидек мураккаб вазифа турарди. Шунинг учун бўлса керак, 1918 йили Туркистон халқ комиссарлигининг миллий масала бўйича органига қарашли ўзбек тилидаги «Иштирокиюн» газетаси чоп этила бошланди. Бу газетанинг дастлабки муҳаррирлари ҳам татарлар эди. Биринчи муҳаррир А. Клевлеев бўлган бўлса, унинг вафотидан кейин муҳаррирликни Аҳмад Донской бажарди. Бу газетага яна Ш.Г. Ахмадиев ҳам муҳаррирлик қилган эди³. Шундай қилиб, 1918 йилдан кейин «Қизил байроқ», «Ишчилар қалқони», «Меҳнаткашлар овози», «Меҳнат байроғи», «Туркистон», «Фарғона», «Бухоро ахбори» каби партия-совет матбуоти нашр этила бошланди. Аммо ўша «инқилобий руҳ»даги гоёни илгари сурадиган маҳаллий тилларда чиқадиган газеталар учун қоғоз, мусулмон шрифти, таржимонлар, ҳарф терувчилар, журналистлар, муҳаррирлар етишмасди. Боз устига, Туркистондаги мавжуд босмахоналар ҳам янгиланишга муҳтож эди⁴.

Туркистон республикаси раҳбарияти бир неча марта ШХКТ МБ, ММХК, Қозон губернияси раҳбариятига босмахона муаммоларини йўлга қўйишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Масалан, 1918 йил охирларидаги мурожаатлардан бирида Туркистонга 15 та журналистни юбориш зарурлиги ва улар вилоят, уезд газеталарини чиқаришда зарурлиги уқтирилади ҳамда яна «Тур-

¹ НА РТ, ф. 868, оп. 1, д. 55, л. 83.

² ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^А -рўйхат, 24-иш, 54-варақ; Наманган вилоят ўлкашунослик музейи Х.З. Мақаев ва Ф. Мақаева фонди; Қаранг: Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. Т.: Шарқ, 1994. 53-бет.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 988-иш, 47-варақ; 991-иш, 26-варақ; ЎЗР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 804-иш, 7-8-варақлар ва орқаси; НА РТ, ф. 4034, оп. 5, д. 69, л. 296.

⁴ РГАСПИ, ф. 17, оп. 1, д. 863, л. 2 об.

кистонга мусулмонлар (туркий халқлар — Р.А.) тилларини яхши биладиганлардан имкон қадар кўпроқ юборишни» сўралади¹.

Туркистон халқларини маҳаллий тиллардаги газета ва журналлар, рисола ва китоблар билан таъминлашда Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги ҳам катта роль ўйнаган. Масалан, фақатгина 1918 йил январидан ноябрига қадар Татар-Бошқирд марказий комиссарлиги орқали Туркистон халқлари учун ўзбек, татар, қozoқ ва туркман тилларида 4 млн. нусхадан ортиқ газета, рисола ва турли варақалар чоп этилган эди².

1919 йил 27 феввалида Туркистондан РСФСР халқ маорифи комиссарлигига қилинган мурожаатда ўқув қўлланмалари ва 400 минг варақ қоғоз, 10 та тошбосма юборишлари сўралган³.

Туркистонда қуролли кураш билан бирга ғоявий, маданий-маърифий кураш ҳам энг муҳим вазифалардан бири эди. 1919 йили Турккомиссия аъзоси Я.Э. Рудзутак томонидан Москвага берилган телеграммада Қозон ва Петрограддан зудлик билан мусулмон шрифти юборишни сўрайди. 1919 йил охирида Россиядан 2 минг пуд қоғоз олинади ва Қозондан Туркистонда маданий-маърифий йўналишидаги кутубхона ташкил қилиш билан бирга битта тажрибали босмахона ташкилотчиси, таржимонлар, босмахонада ишлайдиган ходимлар ва «Умид» номли корхонадан мусулмон шрифтини олишга ҳамда турли адабиётларни харид қилишга киришилади⁴. Айнан 1919 йилда Қозондан «ёш бухороликлар»га 45 пуд мусулмон шрифти ва 5 та ҳарф терувчилар ҳамда 1920 йил сентябрида уларга А. Измайлов орқали яна 105 пуд мусулмон шрифти юборилган эди⁵.

Туркистондаги босмахоналарни тўлақонли ишга тушишидан Турккомиссия ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам 1920 йил ноябрида Турккомиссия ўлкадаги босмахоналар ускуналарини янгилаш ва нашриётларга малакали мутахассис кадрларни жалб этиш учун махсус комиссия тузди. Ушбу комиссия аъзолари В.М. Свешник бошчилигидаги олти босмахона мутахассисларига Москва, Петроград, Қозон ва бошқа шаҳарлардан Туркистон АССР, БХСР, ХХСРлар учун қоғоз, мусулмон ва рус шрифт-ларини харид қилиш вазифасига юклатилган эди. Комиссия таркибидаги Г.А. Сагидов

¹ РГАСПИ, ф. 17, оп. 1, д. 863, л. 2 об.

² Жизнь национальностей, 9 марта 1919 г.

³ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-руйхат, 192-иш, 77-варақ ва орқаси.

⁴ РГАСПИ, ф. 17, оп. 60, д. 863, л. 3; Культурное строительство в Туркестанской АССР (сборник документов). Т.: Узбекистан, 1973. С. 452.

⁵ Каримуллин А. Татарское государственное издательство и Татарская книга России (1917-1932), Казань: Татарское книжное издательство, 1999. С. 146; НА РТ, ф. Р-828, оп. 1, д. 55, л. л. 213, 225.

ўз пайтида Қозон босмаҳоналарида ишлаган эди. Г.А. Сағидовга берилган гувоҳномада Туркистонга зарур босмаҳона ускуналарини харид қилиш ва юборишда ёрдам беришини сўраш билан бирга унга «босмаҳоналарда ишлашга мутахассис ва ходимларни ёллашга руҳсат берилади...» дейилади¹. Комиссия саъйи ҳаракати туфайли Туркистонга Москва, Петроград, Қозондан 32 та босмаҳона, тош босмаҳона ва бошқа ускуналар, 400 пуд турли босмаҳонага керакли буюёқлар, 5000 пуд қоғоз, 500 пуд рус шрифти, 1300 пуд мусулмон шрифти олиб келинган. 1921 йил баҳорида Қозондан 300 пуд мусулмон шрифти ва озгина ўтиб, яна 5 та тош босмаҳона, 200 пуд мусулмон шрифти келтирилган эди². 1921 йил май ойида Қозонда яна Туркистон учун 300 пуд мусулмон шрифти тайёрланиб, Тошкентга юборишга тайёрланган эди³.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларини Туркистонда даврий матбуот ва нашриётларни йўлга қўйишдаги иштироки натижасида аҳвол бир мунча яхшиланди. Аммо мутахассис кадрлар, босмаҳона ускуналари бўйича аҳволни яхшилаш борасида яна бир қанча ташкилий тадбирларни ечиш мақсадга мувофиқ эди. Ўрта Осиё республикалари ва Татаристон республикасидаги архив манбалири бу тўғрида маълумот беради. Масалан, ХХСР Нозирлар Кенгаши раиси томонидан 1921 йил охирида Қозондаги 1-сонли давлат шрифти тайёрлаш корхонасига қилинган мурожаатда мусулмон шрифти йўқлиги аҳволни янада мушкуллаштираётганлиги сабабли ёрдам беришларини сўралган⁴. 1921 йил августида Татаристон республикасидан БХСРга 58 пуд мусулмон шрифти ва ҳарф терувчилар ҳам юборилган⁵. 1922 йил июлидаги маълумотларга қараганда, «Татаристон маркази Қозондан Бухорога 13 та мусулмон ҳарф терувчилари келди. Ҳарф терувчиларнинг деярли ҳаммаси... тажрибали, ўз ишининг устаси... Яқин кунларда 400 пуд мусулмон шрифти келади ва шундан кейин Бухорода наш-риёт ишларини кенгайтириш мумкин бўлади» дейилади⁶. 1922 йил октябрь ойининг бошларида БХСРга Қозондан яна 770 пуд мусулмон шрифти қабул қилиб олинган⁷. Мусулмон шрифтини Қозондан таъминлаш кейинги йилларда ҳам давом этган. Масалан, 1923 йил январидан 319 пуд мусулмон шрифтини Қозондан харид қилиш

¹ РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 57, л. 65, 139; д. 292, л. л. 5, 7-8; РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 132, л. 194.

² РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 69, л. л. 22-24; Пролетарий (Самарқанд), 24 апреля 1921 г.

³ Правда (Верный), 5 мая 1921 г.

⁴ НА РТ, ф. 828, оп. 1, д. 158, л. 260.

⁵ Ўша жойда, л. 218.

⁶ Туркестанская правда (Тошкент), 21 июля 1922 г.

⁷ Известия (Бухоро), 7 октября 1922 г.

бўйича ТуркМИҚ қарори чиққан¹. Туркистонга мусулмон шрифти, босмахона асбоб-ускуналарини келтириш товар алмаштиришга ҳам асосланган эди. Масалан, 1920 йил январьда Петроград ва Москвадаги марказий босмахона ходимлари учун Туркистондан 6 пуд гуруч, 2 пуд қуритилган мева юборилган бўлса, 1921 йил майда Қозондаги босмахона ходимларига 60 пуд ун ва гуручни юборилган эди².

Татар ва бошқирлардан Туркистонда даврий матбуотни йўлга қўйганлар қаторига ҳақли равишда Г.А. Хусаинов, Н. Бикяшев, Х. Хановларни ҳам қўшиш мумкин. Улар 1918 йили Бузлук шаҳридан ҳарбий сафарбарликка жалб қилинган бўлиб, Каспийорти фронтидаги «Қизил Юлдуз» газетасида фаолият кўрсатганлар. Улар 1921-1938 йиллари Туркманистондаги марказий матбуот органларида масъул лавозимларда ишлаган. Г.А. Хусаинов умрининг охиригача Туркманистон Республикасида давлат нашриётида директор бўлиб ишлаган³.

Хоразмда 1920 йили Хива хонлиги ўрнида совет андозасига мос республика ташкил топиши муносабати билан маълум мафкура тарғиботи ва янги тузум ҳимояси учун «Инқилоб куёши» газетаси ташкил қилинди. Бу газетанинг ташкилотчиси ва муҳаррири А.М. Тагиров эди⁴. 1921 йили қозонлик З.Ш. Баширов Тошкентда уйғур тилидаги «Камбағала аувази» газетасида муҳаррирлик қилади. Туркистон ўлкасидаги газеталарга муҳаррирлик қилишга Қозондан Тошкентга юборилганлар қаторида С.Г. Купер ҳам бор эди. У Тошкентда рус тилида нашр этилаётган «Известия ТуркЦИКА» газетасига муҳаррирлик қилган⁵.

Татаристондан Туркистонга матбуотчи кадрлар, керақли асбоб-ускуналарни юборилишидан ташқари, Қозон нашриётларида ўзбек, қozoқ, қирғиз тилларида ҳам дарсликлар чоп этилган. Айрим дарсликлар ҳатто татар тилида ҳам Туркистонга юборилган, чунки татар тилидаги китобларни ўқиш, тушуниш ўлкадаги туркий халқлар учун жуда катта қийинчилик туғдирмас эди⁶. Татаристон давлат нашриёти БХСР учун Қозонда 1924

¹ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 324-иш, 5-варақ.

² ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 87, 98-варақлар; ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1068-иш, 25-варақ; Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 52-54-варақлар.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 2-рўйхат, 297-иш, 224-варақ ва орқаси, 225-варақ; ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, л. 120, л. л. 34-35, 78-79 об; д. 220, л. л. 7, 7 об; д. 237, л. л. 335-336 об; д. 389, л. л. 73-74, 89.

⁴ РГАСПИ, ф. 17, он. 61, л. 122, л. 119; л. 188, л. л. 145-146. ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 223-иш, 85-варақ.

⁵ ЎЗР ПДА 60-фонд, 2-рўйхат, 52-иш, 130, 134-135-варақлар; 60-фонд, 2-рўйхат, 717-иш, 39-варақ; 98-иш, 18-варақ; НА РТ, 868-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 25-варақ; 56-иш, 90-варақ.

⁶ РГАСПИ, ф. 583, он. 1, л. 55, 47, л. 216; РГВА, ф. 17, он. 1, л. 86, л. 37.

йил февралда 110 номдаги китобларни ўзбек ва тожик тилларида chop этган¹.

Большевиклар совет ҳокимиятини Туркистонда мустаҳкамлаш йўлида янги тузум ғоясини аҳолига сингдириш учун ғоявий-сиёсий тарғиботни кучайтириш ва бунинг учун ўзини Шарқда «инқилоб яловбардорлари» деб билган татар ва бошқирдлардан «унумли» фойдаланишга эришдилар².

Шу мақсадни амалга ошириш учун 1919 йил мартида Туркистон ўлка партия қўмитаси раиси А.Ф. Солькин Марказга юборган телеграммасида Туркистонда совет ҳокимияти манфаати йўлида ғоявий-сиёсий ишларни юритиш учун тарғиботчи-йўриқчи поезди юборишни сўраган³. А.Ф. Солькинга Москвадан юборилган жавоб телеграммасида «Оренбург тиқини» очилиши билан тарғибот поездини тегишли йўриқчи ходимлар ва адабиётлар билан юбориш чора-тадбирларини амалга оширилажаги қайд этилган⁴. Дарҳақиқат, «Оренбург тиқини»га барҳам берилгандан кейин Туркфронт инқилобий қўшинлар қўмондонлиги билан ҳамкорликда, Самара губерниясининг фаол иштирокида 1919 йил кузида темир йўл ёқаларидаги аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун М.В. Фрунзе номидаги «Қизил Туркистон» поезди юборилган. Ушбу поезддаги тарғиботчи-йўриқчиларнинг аксарият қисми Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида истиқомат қиладиган татар ва бошқирдлардан иборат эди. Поезд таркибида тарғиботчи-йўриқчиликка Самара, Симбирск, Қозон, Уфа ва бошқа губерниялардан сафарбар қилинган бўлса, поезддаги туркий тиллардаги адабиётлар билан Қозон губернияси таъминлаган. Поездда газета ва адабиётлардан ташқари кўчма кино, оркестр, кутубхона ҳам бор эди. Поезд нафақат темир йўл ёқасидаги аҳолига, балки Туркфронт таркибидаги ва Туркистондаги ҳарбий миллий қисмларда ҳам «инқилоб манфаат»лари йўлида хизмат қилиши керак эди. Туркистоннинг асосий аҳолиси рус тилини билмагани сабабли, тарғибот учун кўпроқ бадийий ва кўргазмали қурооллардан фойдаланишни афзал кўрилган⁵. Тарғибот поездини ташкил қилишда ММХК ҳам катта роль ўйнаган. ММХК кўплар қатори тарғибот поездида ишлаш учун тарғиботчи-ташкилотчи сифатида А.И. Ёкубов ва С. Гиззатулинларни юборган эди. Натижада А.И. Ёкубов

¹ Эрназаров Т. Расцвет народной печати в Узбекистане. Т.: Узбекистан, 1968. С. 62.

² Қаранг: Мирсаид Султон-Ғалиев. Статъя. Выступления. Документы. Казань: Татарское книжное изд-во, 1992. С. 150-172.

³ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 92, л. 4.

⁴ Қаранг: Известия (Наманган), 28 марта 1919 г.

⁵ Коммуна (Самара), 5 декабря 1921 г.

поездда адабий қисм мудири лавозимини эгаллаган¹. Ушбу поезд Туркистондаги фаолияти бўйича Самара, Қозон губкомларига доимий ҳисобот юбориб турганлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган².

Шўро ҳокимиятини Туркистонда мустаҳкамлаш йўлида Марказ яна битта тарғибот поезди ташкил қилишни мақсадга мувофиқ деб топади. Чунки Туркистондаги большевиклар сиёсатига нисбатан қаршилик ҳаракатини синдириш учун қуролли кураш билан бирга ғоявий-сиёсий, психологик тарғиботни ҳам амалга оширишни зарур деб топилди. Шу сабабдан 1919 йил охири ва 1920 йил бошларида РКП(б) МҚ ва ШХКТ МБ ташаббуси билан «Қизил Шарқ» тарғибот-йўриқчи поезди ташкил қилинди. 1919 йил 24 сентябрда ШХКТ МБ «Қизил Шарқ» поездини Туркистонга юборишдан мақсад «инқилоб ғоя»ларини тарғибот-ташвиқот орқали ерли аҳолига синдириш деб билади³. Аммо «Қизил Шарқ» тарғибот поезди большевиклар томонидан шу пайтгача тузилган тарғибот поезди, пароходларидан⁴ ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши керак эди. Биринчидан, бу поездда фаолият кўрсатадиган тарғиботчи-йўриқчилар Туркистон халқларининг тилини, динини, турмуш тарзи ва урф-одатларини яхши биладиганлардан иборат бўлиши керак эди. Иккинчидан, тарғиботчи-йўриқчиларга жойларда нафақат «инқилоб ғоя»ларини тарғибот қилиш, балки маҳаллий ҳокимият фаолиятини назорат қилиш ва керак бўлса, уларни ҳам «инқилоб манфаатларидан» келиб чиқиб, «тўғри йўлга» солиб қўйиш ваколати берилган эди. Учинчидан, ушбу тарғибот поезди Марказга Туркистондаги иқтисодий, маданий-маърифий ишлар, «социалистик инқилоб»га ерли халқларнинг муносабати тўғрисида керакли маълумотларни йиғиши ва махфий ҳолда етказиши керак эди⁵.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, «Қизил Шарқ» тарғибот-йўриқчи поездини ташкил қилишга Москва, Петроград ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан татар ва бошқирларни са-

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3281-иш, 224-варақ; ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 128, л. л. 267-268; д. 359, л. 266.

² СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 257, л. 33.

³ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 249, л. 142.

⁴ Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида «Красный казак», «Советский Кавказ», «Октябрьская революция», «В.И. Ленин», «Красный Север», «Красная звезда», «Михаил Калинин», «Памяти Я.М. Свердлова», «Володарский», «Красное знамя» ва бошқа тарғибот поезди, пароходлари «инқилоб ғоя»ларини оммага ёйиш ишлари билан шугулланган.

⁵ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 249, л. 142, 142 об; ф. 583, оп. 1, л. 59; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 209, л. л. 29-29 об.; л. 243, л. л. 5-5 об.

фарбар қилинган. Айниқса, бу борада Қозон губернияси ва бу ерда жойлашган ММХК поездда фаолият кўрсатиш учун ташвиқотчи, сиёсий ходим, йўриқчи, муҳаррирларни сафарбар қилишда алоҳида ўрин тутган. ММХК яна тарғибот поездини босмахона, ҳарф терувчилар, техник ходимлар ва туркий халқлар адабиёти билан таъминлашда ҳам фаол қатнашган. Масалан, «Қизил Шарқ» тарғиботчи-йўриқчи поездини Туркистонга юборишга тайёргарлик муносабати билан 1919 йил октябридан Марказ топшириғига мувофиқ, Қозондаги босмахоналарда мавжуд «инқилобий руҳда»-ги китоб ва рисоаларни ўзбек ва қирғиз тилларига таржима қилишга киришилган. 1919 йил 15 ноябрга келганда «Қизил Шарқ» тарғиботчи-йўриқчи поезди учун туркий тиллардаги китоб ва рисоаларни чоп этиб бўлинган эди¹.

Москва, Қозон, Самара, Симбирск ҳамда бошқа шаҳарлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари (собиқ партия — Р.А.) архивлари ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Марказ ўзининг жойларда, хусусан Туркистон, Бухоро, Хоразм, республикаларида совет ҳокимиятини мустақкамлаш йўлидаги сиёсатини ўтказишда татар ва бошқирдлардан унумли фойдаланган. Ўз навбатида, ўзларини «Шарқда инқилоб яловбардорлари» деб ҳисоблайдиган бошқирдлар ва айниқса, татарлар большевиклар сиёсатидаги «адолат ва ҳақиқат»га ишонганлар ҳамда бу сиёсатнинг фаол тарғиботчилари бўлиб хизмат қилганлар². Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида Шарқда «инқилоб жарчиси» тариқасида жонбозлик кўрсатган М.Х. Султан-Галиев³ 1919 йил 15 ва 17 декабрь кунлари ШХКТ МБ раисининг ўринбосари тариқасида Қозон губкомига қилган мурожаатида «Қизил Шарқ» тарғибот поездига зудлик билан беш кишини сафарбар қилишни ва туркий тилларда адабиётлар ҳамда араб шрифти харид қилиш учун «Шарқ адабиёти» босмахонаси ихтиёрига 300 минг рубль ўтказишни сўрайди⁴. Қозонда истиқомат қилувчи татар маъри-

¹ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 44, л. 157.

² Фақат айрим татар ва бошқирдларгина туркий халқлар, хусусан Туркистон халқларига «социалистик инқлоб» ҳеч қандай наф келтирмаслигини, бильакс зарар келтиришини очиқ-ойдин баён этганлар. Бу тўғрида кенгрок маълумот олиш учун қаранг: Заки Валиди Тоған. Воспоминания (борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры). Книга I, II. Уфа, Китап 1994, 1998; Ахметзаки Валиди Тоған. Не сочтите за пророчество... Уфа, Китап, 1998.

³ Қаранг: Мирсаид Султан-Галиев. Статьи. Выступления. Документы. Казань: Татарское книжное издательство, 1992. С. 193-198; Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды. Казань: Гасыр, 1998. С. 215-222.

⁴ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 45, л. 3; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 218, л. 337; Акрамов А. Братская помощь русского народа в строительстве социализма в Узбекистане. Т.; Узбекистан, 1982. С. 84-85.

фатпарварлари «Қизил Шарқ» поездининг Туркистонга «инқилоб ғоя»ларини тарғиб қилиш учун бориши тўғрисидаги хабарни ўзига хос хурсандлик билан кутиб олдилар. Қозон губерниясидаги турли анжуманларда туркий халқлар ичида татарларнинг Туркистондаги тарихий вазифасига тўхталиш билан бирга «Қизил Шарқ» поезди «ёруғ кунларга тўғри йўлни очиб беради» деб умид қилдилар¹. Марказ талабига мувофиқ, дастлабки сафарбар қилинувчилар қаторидан Будаилов, Шагит Аҳмадиев, Мухитдинов, Султанбек ва бошқалар ўрин олган эди. Туркистонга жўнаш олдидан 6 декабрда ўтказилган 1919 йил мажлисида ташвиқот поезди ходими Ялимов берган маълумотларга кўра, фақатгина «...сиёсий бўлимда 13 та мусулмон ходимлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги татарларлардан иборат эди. Мусулмон тилларидаги (туркий тилларни назарда тутилган — Р.А.) адабиётларнинг аксарияти Қозонда чоп этилган»². «Қизил Шарқ» поезди 1920 йил 13 мартда Тошкентга етиб келган. Поезднинг ходимлари Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ҳамда республиканинг бошқа шаҳарларида бўлдилар ва жойларда аҳоли орасида сиёсий-тарбиявий, тарғибот ишларини олиб бордилар. Поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, татар ва рус тилларида «Қизил Шарқ» газетаси чоп этила бошланди. Бу босмахонада бир кунда 5-6 минг нусха газета чиқариш ва турли мавзуларда варақалар чоп этиш имконияти бор эди. Газета ва варақаларни поезд босмахонасида чоп этилишида Вақиф Жалол, Абдулла Гайсин, Низомидинов, Аюпов, С. Муҳаммадиев, Хисматуллин, Шамсутдинов, Сагдеевлар катта рол ўйнаган³.

Қозондан 1920 йили «Қизил Шарқ» тарғибот поездида Туркистонга келганлар қаторида Ш.Г. Аҳмадиев ҳам бор эди. У поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз, туркман, тожик, татар ва рус тилларида чоп этиладиган «Қизил Шарқ» газетасининг муҳаррири эди⁴. Ш.Г. Аҳмадиев учун газета муҳаррирлиги янгилик эмас эди. Чунки у 1918 йил Қозондаги биринчи совет газетаси бўлмиш «Эш» («Меҳнат»)да ва «Қизил Шарқ» поездига сафарбар қилинганга қадар ММХКнинг органи бўлмиш «Қизил Армия» газета-

¹ ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 88^А, л.133.

² Ўша жойда, д. 229, л. 62; д. 547, л. 2; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 74^А, л. 10; ГАРФ, ф. Р-1252, оп. 1, д. 136, л. 13.

³ ГАРФ, ф. Р-1252, оп. 1, д. 136; д. 163, л. 7; л. 35 об; РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 115, л. 390; ф. 583, оп. 1, д. 10, л. л. 510-52; д. 33; л. 72; д. 45, л. 36; РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 109, л. 229.

⁴ Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. Т.: Ўзбекистон, 1971. С. 226.

сида муҳаррирлик қилиб, маълум бир тажрибага эга эди¹. У расман тарғибот поезди газетаси муҳаррири бўлганига қарамасдан, Туркистонда чоп этилаётган газеталар билан ҳам ҳамкорлик қилган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида маданий-маърифий ишларни олиб бориш, ҳатто масжидларда ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланган. Маҳаллий аҳоли томонидан бойбадавлат кишиларнинг ўтказётган зуғумига қарши чора-тадбирлар кўришда ҳам катта фаоллик кўрсатган. Ш.Г. Аҳмадиев кейинчалик Туркистон республикаси халқ маорифи комиссари ва шунингдек «Иштирокиюн» газетасининг муҳаррири бўлиб ҳам ишлаган. Ш.Г. Аҳмадиевнинг фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, у оддий халқ манфаати ва туркий халқлар ҳамкорлиги йўлида жонкуярлик хислатларига эга бўлган². У Туркистон халқ маорифига 1920 йилдан Қозон, Уфа, Оренбург, Самара ва бошқа ҳудудлардан ўқитувчиларни, маданий-маърифий йўналишларда ишловчиларни жалб қилишга ҳамда ўлкадаги босмаҳоналарга мусулмон шрифтини, асбоб-ускуналарни келтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Шунингдек, Ш.Г. Аҳмадиев ўз фаолиятида БХСР инқилобий кўмитасининг аъзоси тариқасида ҳамда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият олиб борган³.

Асосан Қозон, Уфа, Самара, Симбирск губернияларининг татар, бошқирд миллатига оид тарғиботчиларини ўз ичига олган «Қизил Шарқ» поезди 1920 йил январидан июнига қадар Туркистонга қилган биринчи сафарбарлигида 5 та вилоят, 31 та шаҳар ва уезд маркази, 95 та қишлоқ ва овул, 49 та волостларда бўлиб, омма орасида ўлкадаги гоъвий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш бўйича 394 та митинг ўтказган. Ушбу митингда 123 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли қатнашган. Поезд босмаҳонасида Туркистон халқлари ва рус тилларида 37 минг нусха деворий газета, 187 нусха варақалар босилган. Шунингдек, 68 та маъруза ўқилиб, унда 37485 киши қатнашган, 30 тадан ортиқ мажлис волостларда ўтказилган ва бунда 153 минг киши қатнашган, 178 та киносеанс қўйилган. Поезддан турли ташкилот ва одамларга 3078 та тарғибот кутубхоналари, 186 мингта ҳар хил китоблар, 58 мингта варақа, 5500 та плакатлар берилган⁴.

¹ Мухарямов М.К. Труженик революций. Казань: Таткнигоиздат: 1988. С. 53; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, л. 242, л. 252.

² ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 785-иш, 37-варақ; 1717-иш, 9-варақ; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, л. 242, л. л. 206, 251; Қаранг: Известия (ТуркЦИК), 5 марта 1920 г.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 691-иш, 86-варақ; 980-иш, 44, 50-варақлар; 984-иш, 211-варақ; 1163-иш, 22-24-варақлар ва орқаси; 1516-иш, 43-варақ; 1686-иш, 30-варақ; 1691-иш, 16-варақ; 1717-иш, 9-10-варақлар.

⁴ Меженина Е.М. Агитпоезд «Красный Восток». Т.: Госиздат УзССР, 1962. С. 46.

1920 йилнинг 15 июлида «Қизил Шарқ» тарғибот поезди Туркистондан Москвага қайтди. Марказга берилган ҳисоботдан большевиклар раҳбарияти ушбу поездни яна қайтадан совет ҳокимияти манфаатлари йўлида Туркистонга қайтаришни мақсадга мувофиқ деб топди. Эндиликда тарғибот поезди ходимларида Туркистондаги ижмий-сиёсий аҳвол тўғрисида назарий тушунчалар амалиёт билан тўлдирилган эди. Поезд ходимлари бўлмиш татар ва бошқирлардан иборат сиёсий ходимлар ва йўриқчилар Туркистондаги ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятни кучайтириш учун нималарга эътибор бериш тўғрисида илгарига нисбатан яққолроқ тушунчага эга эдилар. Шунинг учун ҳам «Қизил Шарқ» поездини иккинчи марта Туркистонга жўнатишдан аввал, поезд ходимлари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига ташриф буюриб, тарғибот поездида, Туркистондаги вилоятларда ишлаш учун малакали кадрларни ва адабиётларни, мусулмон шрифти, босмахона ускуналарини харид қилишга киришганлар. Масалан, ШХКТ МБ томонидан «Қизил Шарқ» тарғибот поезди ходимлари Ш.Г. Аҳмадиев ва М.К. Будаиловларга берилган гувоҳномада «...шошлинч равишда Қозон, Чистополь, Мамадиш, Самара, Уфага шарқий адабиётлар, шрифт, босмахона ускуналарини харид қилиш ва Турккомиссияда ишлаш учун лойиқ кадрларни топиш учун сафарбар қилинади» дейилади¹.

«Қизил Шарқ» тарғибот поездида ишлаш учун кадрларни жалб қилишда қозонлик В.С. Шафигуллин ҳам фаол иштирок этди. У Қозон губерниясида чоп этилаётган «Эш» («Меҳнат») ва ШХКТ МБ органи бўлган «Қизил Шарқ» газеталарининг муҳаррири, таниқли журналист сифатида нашриёт билан боғлиқ ишларни, ҳарф терувчиларни ва ўз ҳамкасабаларини яхши билгани учун ҳам тарғибот поездини тайёрлашда фаол қатнашди ва ўзи ҳам кейинчалик йўриқчи тариқасида Туркистонда фаолият кўрсатди².

«Қизил Шарқ» тарғибот поездида шикоят ва ариза бўлими бюроси мудир лавозимида ишлаган Ф.Ф. Султанбековнинг хизмати ҳам катта бўлган. У Қозон губерниясининг Мамадиш уезидан сафарбар қилинган эди. Ушбу бўлим маҳаллий совет ҳокимияти ва партия, совет ходимларининг аҳолига нисбатан ноҳақ фаолиятларини ўрганиши керак эди. Ф.Ф. Султанбеков бошчилигидаги бўлим аъзолари қишлоқ ва овулларда, уезд-шаҳарларда бўлиб, совет ҳокимияти органлари ва партия, совет ходимлари томонидан олиб борилаётган ноҳақликларни аниқлаш иши билан шуғулланганлар.

¹ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 185, л. л. 205-206.

² Уша жойда, д. 10, л. л. 51-52; д. 44, л. 156; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 242, л. л. 153, 170, 206.

Масалан, Самарқанд вилоятидаги 15 кунлик фаолият давомида шикоят ва ариза бюроси бўлимига 394 та шикоят тушди. Натижада, ушбу шикоятларнинг асосли бўлганлари ўз жойида ҳал қилинган. Тушган ариза ва шикоятларни адолатли ечимида шикоят ва ариза бўлими мудирини Ш.Х. Муратовнинг ҳам хизмати катта бўлган. Кейинчалик у Андижон уезди партия қўмитасида йўриқчи бўлиб хизматга жалб қилинган¹.

«Қизил Шарқ» тарғибот поезди 1920 йил 18 сентябрида БХСРга келди. Поезднинг сиёсий ходимлари, йўриқчилари аҳоли ўртасида асосий эътиборни Бухорода амирлик ўрнига келган янги халқ демократик тузумининг афзалликларини тушунтиришга қаратдилар. Яқиндагина эълон қилинган БХСРнинг партия ва совет органларини шакллантиришда тарғибот поезди ходимлари фаол қатнашдилар. БХСРга малакали мутахассислар, ўқитувчилар, муҳандислар, хотин-қизлар ичида ишлашга аёллар, журналистлар, партия ва совет ходимлари етишмасди. Масалан, БХСР халқ маорифи нозирини илтимосига кўра, «Қизил Шарқ» тарғибот поезди ходимлари Ориф Алпаров, Ходи Файзий, Биккуловлар жойларда маданий-маърифий ишларга ва маориф нозирлигига жалб қилинган эди. Ш.Г. Аҳмадиев, Х. Чанишев, Ф.Ф. Султонбековлар БКП ва БХСР ички ишлар нозирлигига жалб қилинган бўлса, М.К. Будаилов, Ҳабибуллинлар эса Бухорода давлат нашриётини ишга туширишга сафарбар қилинган эди. Шу ерда тарғибот поездининг «Қизил Шарқ» газетаси котиби ва поезднинг ҳарбий бўлим йўриқчиси М.К. Будаиловнинг БХСРда нашриётни йўлга қўйишдаги фаолиятига кенгроқ тўхталиш жоиз.²

М.К. Будаилов асли Мамадиш уезидан бўлиб, она тили бўлмиш татар тилидан ташқари ўзбек, қирғиз, араб, рус тилларини яхши билиши муносабати билан маҳаллий ва русийзабон аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда қийналмади. У Бухорода янги матбуот ва давлат босмахонасини йўлга қўйиши керак эди. Аммо керакли мутахассислар ва босмахона асбоб-ус-

¹ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 33, л. 7; д. 45, л. 7; д. 61, оп. 1, л. 17; д. 93, л. 578; ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1704-иш, 172-варақ; НА РТ, ф. 868, оп. 1, д. 226, л. 123; Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 90-фонд, 1-руйхат, 99-иш, 20-варақ ва орқаси; Борцы за счастье народов. Казань, Таткнигоиздат, 1988. С. 314-318.

² М.Д. Будаилов Туркистон шарт-шароити билан яқиндан таниш эди. Айни пайтда босмахона билан боғлиқ муаммоларни ечимида унинг 1912-1915 йиллари Троицкдаги «Энергия» босмахонасида дастлаб ҳарф терувчи, кейин шу ерда чоп этилаётган «Оқмулла» журнали ҳамда Тошкентда чоп этилаётган «Садои Туркистон» газетаси билан ҳамкорлик қилгани, шунингдек, 1914 йилдан Тошкентда «Оқмулла» журнали муҳбири бўлиб ишлагани қўл келди. Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Гарифуллин Д. Мэхмуг Бодэйли. // Гасырлар авазы — Эхо веков. №1/3, 2003. С. 147-149.

куналари, ҳарф терувчилар, ташкилотчи-журналистлар, мусулмон шрифти йўқлиги сабабли давлат босмахонаси фаолият кўрсатмасди. М.К. Будаилов ва бир нечта ҳарф терувчилар «Қизил Шарқ» поездидан Бухорода нашриётни йўлга қўйиш учун қолдирилди. Уларнинг қилган саъйи ҳаракати туфайли 1920 йил сентябрида-ноқ «Ахбори Бухоро» номидаги газета М.К. Будаилов муҳаррирлигида чоп этила бошланди. Бундан ташқари, айна вақтда рус тилидаги «Известия Бухары» газетаси ҳам чиқа бошлади. Кейинчалик М.Д. Будаилов чиқарилаётган газета, чақириқ, варақа ва плакатларга мунтазамлик бериш учун Бухоро амири боғига ташлаб қўйилган босмахона анжомларини тузатиб, ишга солди. Аммо эндиликда босмахона бўлишига қарамасдан, ҳарф терувчилар, тош босмахонаси мутахассислари, мусулмон шрифти йўқ эди. М.Д. Будаиловнинг ташаббуси орқали Қозондан тегишли мутахассислар ва мусулмон шрифти келтирилди. Шундай қилиб, М.К. Будаилов БХСРнинг биринчи давлат нашриёти раҳбари бўлиб ишлади¹. Кейинги йилларда у Туркистон ва ХХСРлардаги турли лавозимларда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатган².

«Қизил Шарқ» тарғибот поездиди иккинчи марта Туркистонда 1920 йил августидан 1921 йил февралига қадар бўлди. Бу гал поезд тарғиботчилари ўз фаолиятларини Қўқон, Наманган, Хўжанд, Андижон, Скобелев уездларида хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларини тузишда, ғоявий-сиёсий ишларни амалга оширишда қатнашишдан бошладилар. Шунингдек, «Қизил Шарқ» поездиди Каспий-орти, Самарқанд вилоятлари ҳамда БХСРда партия ва совет ташкилотларида ғоявий-сиёсий ишларни мустақамлаш бўйича иш олиб борди. Аҳоли ўртасида эса сиёсий-ғарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳамда ҳокимиятни мустақамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди³.

«Қизил Шарқ» тарғибот поездиди ходимлари Туркистон ва БХСРдаги аҳоли орасида янги «инқилобий ҳукумат»ни мустақамлаш йўлида маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият кўрсатдилар. Ушбу тарғибот-йўриқчи поездиди сиёсий ходимлар, ҳарф терувчилар, йўриқчилар билан таъминлашда Вол-

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1090-иш, 47;-варақ. 60-фонд, 2-рўйхат, 69-иш, 42-43-варақлар ва орқаси, 46-варақ; РГАСПИ, ф. 17, оп. 12., д. 570, л. л. 15-16; ф. 122, оп. 1, д. 66, л. 109; д. 67, л. 10^а; ф. 583, оп. 1, д. 74, л. 58; ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 226, л. 123; д. 229, л. 62; ГАРФ, ф. Р-1252, оп. 1, д. 163, л. 7.

² БХСРдаги фаолиятидан кейин 1921 йилдан дастлаб ТуркМИҚ қошидаги Қирғиз бўлимида масъул котиб ва кейин РСФСРнинг ХХСРдаги ваколатхонасида ўринбосар бўлиб ишлаган. Қаранг: РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 93, л. л. 76-77; д. 10, л. 71; ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1681-иш, 64-варақ.

³ Қаранг: ААП Рес. Туркм., ф. 4, оп. 1, д. 146, л. 126.

габўйи, Уралолдидаги губернияларда истиқомат қилувчи татар ва бошқирлардан фойдаланилди. Ана шулар қаторида Ш.Г. Аҳмадиев, В.С. Шафигуллин, М.М. Муштарий, Ф.Ф. Султанбеков, А. Алпаров, М.К. Будаилов, Х.А. Чанишев, К. Ҳуснитдинов, А. Ҳуснитдинов, Г.С. Латипов, Б.Д. Белоусов, И.Х. Муратов ва бошқалар бор эди. «Қизил Шарқ» тарғибот поездининг кўплаб ходимлари Туркистон АССР ва БХСР раҳбарияти илтимосига биноан, Ўрта Осиё республикаларида ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ишларида кейинги йилларда ҳам қатнашганлар¹.

Кўриниб турибдики, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасида маданий-маърифий алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чунки, большевиклар янги тузум ғояларини кенг ёйишда Россиянинг марказий губерниялари билан Туркистон ўртасида ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эдилар. Масалан, 1920 йил ёзида ТКП МҚ томонидан Россиянинг марказий губерниялари партия қўмиталарига ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш таклифини киритди. Шу муносабат билан Самара губкомига юборилган ҳужжатда: «Туркистон КП Сизларга информацион ва йўриқномаларга оид материаллар билан ўзаро алмаштириш алоқаларини юритишни таклиф қилади. ... умид қиламизки, [муносабатларни йўлга қўйишда] даврий матбуотларни ўзаро алмаштириб туриш ҳам ёрдам беради» дейилади². Ўз навбатида Самара губкоми 1920 йил 1 июлидан губернияда чоп этиладиган даврий матбуот материаллари ва йўриқномаларни Туркистонга юбориб турган³. Ўзаро алоқалардан нафақат Туркистон республикаси, балки Россиянинг марказий губерниялари, хусусан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги губерниялар ҳам манфаатдор бўлган. Мавжуд архив манбалари бизга Пенза, Оренбург, Самара, Қозон, Калуга губернияларидан Туркистон республикаси ҳамда бевосита Самарқанд, Фарғона, Каспийорти (Туркман) вилоятларининг раҳбариятига жойлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий аҳвол тўғрисида тўлароқ маълумотларга эга бўлиш учун ахборотлар, матбуот материаллари юбориб туришларини сўраб қилган муносабатлари тўғрисида гувоҳлик беради⁴.

¹ ГАРФ, ф. Р-1252, оп. 1, д. 163, л. 6; РГАСПИ, ф. 17, оп. 12, д. 670, л. л. 15-16; ф. 17, оп. 60, д. 17, л. 8; ф. 583, оп. 1, д. 220, л. 129; ЎзР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^А -рўйхат, 188-иш, 78-варақ; АВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 20-21-варақлар ва орқаси.

² ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 689-иш, 4-варақ ва орқаси.

³ СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 257, л. л. 23-24.

⁴ Қаранг: ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 689-иш, 1,4-варақлар ва орқаси; 61-

Кейинчалик Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари орқали даврий матбуотлар алоқаси янада кенг тус олган. Туркистон бу йўналишда Москва, Петроград, Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Самара ва бошқа ҳудудлар билан узвий алоқаларни йўлга қўйган. Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан даврий матбуот алоқаларини чуқур илдиз отишига сабаблардан бири шу эдики, кўплаб партия, совет ходимлари, ҳарбийлар, маданий-маърифий ходимлар ўша ҳудудлардан сафарбар қилиниб, Туркистонда «инқилоб ҳимояси»га жалб этилган эди. Масалан, 1921 йили ТКП Каспийорти вилоят партия қўмитаси Пенза губкомига қилган мурожаатида доимий равишда пензаликлар учун «Красное Знамя» газетаси ва бошқа даврий матбуот материалларидан юбориб турилишини сўраган¹. Узаро даврий матбуот алоқалари Симбирск, Екатеринбург губерниялари ва Татаристон республикаси билан ҳам ўрнатилган².

Туркистоннинг Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан халқ таълими йўналишларида ҳам алоқалари ривожланди. Шўро ҳукумати олдида Туркистондаги маориф тизимини тубдан ўзгартириш вазифаси турарди. Ўлкадаги саводсизликка барҳам бериш билан большевиклар маҳаллий халқ орасида ўзлари юритаётган сиёсат афзалликларини янада чуқурроқ етказиш имкониятига эга бўлардилар. Аммо муаллимлар етишмас эди. Бор ўқитувчилар ҳам «инқилоб манфаатлари»ни мустаҳкамлаш учун партия ва совет ишларига жалб қилинган эди. Боз устига, янги очилган мактабларда дарсликлар етишмас эди. 1918 йил майидан Туркистонда ҳамма учун бир хил мактаблар ташкил қилишга киришилганига қарамасдан, ўқитувчилар, дарсликлар етишмасди³. Мавжуд аҳволни яхшилаш учун Туркфронтда хизмат қилаётган татар ва бошқирд миллатига мансуб ўқитувчилар ҳам халқ таълими ишларига жалб қилинган. Бундан ташқари, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга ўқитувчилар сафарбарлиги кўпайиб борди. Масалан, Ю.И. Кириш 1919 йилгача Сизранда халқ таълими бошқаруви мудири бўлиб ишлаган бўлса, 1920 йилдан Фарғона вилоятидаги халқ таълимида бошқарув мудири бўлиб фаолият кўрсатган.

фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 170-171-варақлар; ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 578-иш, 49-варақ; ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 118, л. 60; ЦГА ИПДРТ, ф. 80, оп. 1, д. 24, л. 50; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 257, л. л. 23-24; д. 526, л. л. 4, 21.

¹ ААП Рес. Туркм.: ф. 4, оп. 1, д. 118, л. л. 60, 194; д. 344, л. 244; СОГАСПИ, ф. 1, оп. 1, д. 526, л. 4

² ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 298-иш, 86-варақ; РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 34, л. л. 170-171; ЦДНИ УО, ф. 43, оп. 1, д. 74, л. л. 3, 50, 52-53, 77.

³ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1070-иш, 410-варақ ва орқаси; Қаранг: РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 103, л. 7.

1921 йилга келганда, уни Туркистон халқ маорифи комиссари ўринбосари лавозимига тайинлаб, Тошкентга ўтказишган¹.

Ўқитувчи кадрларни етишмаслиги натижасида, Татаристон, Бошқирдистон республикалари, Оренбург ва бошқа губерниялардаги татар, бошқирларни жалб этиш — муаммолар ечими бўлган. Масалан, 1920 йил августида Д.Г. Бахтияров ва унинг хотини Татаристоннинг Спасск уездидан Туркистонга ўқитувчи тариқасида юборилган. Бахтияровлар оиласи Тошкентга келиб, эри Фарғона вилоятида ташкилотчи-ўқитувчилик билан шуғулланган бўлса, хотини вилоят хотин-қизлар бўлимида ишлаган. Д.Г. Бахтияров ўқитувчилик фаолиятини юргизар экан, ўз кўзи билан ўқув қуроллари етишмаслигини кўрди. Ўз навбатида, тегишли дарсликлар, ўқув қўлланмаларисиз аҳоли ўртасида саводхонликни жорий этиб бўлмас эди. Шунинг учун у Туркистон республикаси раҳбариятидан туркий халқлар тилларидаги адабиётларни харид қилиш учун 100 минг рубль ажратилишига эришади ва 1920 йил ноябрь ойида Қозонга келиб, тегишли адабиётларини харид қилади. 1920 йил 1 декабрида Тошкентга қайтиб, яна Фарғона вилоятида педагогик фаолиятини давом эттиради².

Туркистонни керакли ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда ШХКТ МБ, ММХК ва Қозон губернияси раҳбарияти катта ташкилий вазифаларни бажарган. Масалан, ШХКТ МБ томонидан 1920 йил 13 апрелида И. Алимбеков, У. Габиқов, Стаковларга берилган ҳужжатда уларни ўқитувчи сифатида Туркистонга сафарбар қилинаётгани қайд этилган³. Айрим татар ўқитувчилар ўзлари яшайдиган губерния ХМБга ариза бериб, Туркистонга мутахассисликлари бўйича сафарбар қилинишларини сўраганлар. Масалан, Вятск губерниясидан Г. Шарафитдинов ММХКга 1920 йил мартада берган аризасида ўзини Туркистонга саводсизликни тугатиш бўйича сафарбар қилишларини сўраган. ММХК томонидан Туркистонга сафарбарлик муносабати билан унга берилган ҳужжатда Г. Шарафутдинов 1918-1920 йиллари халқ таълими йўналишида ишлаганлиги ҳам қайд этилган⁴. Шундай

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2403-иш, 113-варақ; 2578-иш, 80-варақ ва орқаси; 60-фонд, 2-рўйхат, 160-иш, 14-20, 23-30, 35,37-39-варақлар; ЎЗР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 809-иш. 1-2-варақлар ва орқаси, 7-варақ; ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^а -рўйхат, 15-иш, 193-варақ; 191-иш, 1-варақ; РГАСПИ, ф. 61, оп. 1, д. 92, л. 16; ЦДНИ УО, ф. 1, оп. 1, д. 148, л. л. 85, 95.

² ЎЗР ПДА, 60-фонд, 2-рўйхат, 52-иш, 64, 68-72-варақлар; ЦГА ИПДРТ, ф. 868, оп. 1, д. 360, л. 5; ЎЗР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^а-рўйхат, 205-иш, 37-38-варақлар.

³ РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 185, л. 54.

⁴ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 61, л. л. 144-145.

мазмундаги ариза билан ММХКга 1920 йил мартида Н. Халиуллин, Н. Абдурахманов, Н. Бахтияров ҳам мурожаат қилишган эди¹. 1921-1923 йиллардаги очарчилик кўплаб ўқитувчиларни Туркистонга келиб қолишига сабаб бўлди. Натижада Волгабўйи, Урал-олди ҳудудларидан келган татар, бошқирд ўқитувчилар маҳаллий аҳоли фарзандларини ўқитишга жалб қилинган². Келган ўқитувчилар учун ўқитишга ўқув қўлланмалари етишмас эди. Шу сабабдан айрим ўқитувчилар ўзлари Қозон, Уфа, Самара, Оренбург каби губерниялардан дарсликлар, ўқув қўлланмаларни (асосан татар ва бошқирд тилларида — Р.А.) олиб келишарди. Масалан, 1920 йил августда Туркистондан Назиров Қозонга керакли ўқув қўлланмалари учун бориб, 75 та китоб олиб келишга муваффақ бўлади³. Аммо бундай йўл билан Туркистонни ўқув қўлланмалари билан таъминлаш мутлақо етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам Туркистон марказий нашриёти 1921 йили Москвадан рус тилида нашр этилаётган ҳамма китобларнинг 5 фоизини, мусулмон тилларида (татар, бошқирд, озарбайжон тилларидагиларни назарда тутилади — Р.А.) 40 фоизини Туркистонга юборишини сўрайди. Шунингдек, Қозонда нашр этилаётган татар тилидаги адабиётлардан 20 фоизини Туркистонга ажратилишини ва айти пайтда БХСР ва ХХСР таъминоти ҳам алоҳида бўлишлигига эътиборни қаратади⁴.

Ўз навбатида БХСР ва ХХСРдан ҳам Татаристон республикаси билан маданий-маърифий йўналишлардаги муносабатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, 1920 йил 10 февралда ХХСР сиёсий бошқармаси бошлиғи Ф.Мусаев Татаристон вилоят партия қўмитасига юборган телеграммасида «Кўп маротаба Хивага мусулмон ходимларни юбориш тўғрисида қилган мурожаатимизга қарамасдан, ҳеч қандай натижа йўқ. Бешта ўқитувчи, иккита лектор, ўнта масъул ходимларни сиёсий бошқарма ихтиёрига юборишингизни сўраймиз» дейилади⁵.

Шундай қилиб, Марказ Туркистонда большевиклар ҳокимиятини мустақкамлаш йўлида ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида истиқомат қиладиган татар ва бошқирдлардан фойдаланган. Татар ва бошқирдларни «инқилоб ғояси»ни тарғибот қилиш борасидаги фаолликлари салбий оқибатларига олиб келишига қарамасдан, матбуот,

¹ РГВА, ф. 17, оп. 1, д. 61, л. л. 141-143.

² ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 502-варақ.

³ Ўша жойда, Р-34 фонд, 1-рўйхат, 606-иш, 8-варақ.

⁴ Ўша жойда, 40-варақ орқаси.

⁵ РГАСПИ, ф. 17, оп. 65, д. 377, л. л. 44-44 об.

даврий нашриётларни жорий этишдаги фаолиятлари кейинчалик ижобий натижаларга ҳам эга бўлди. Ўзаро алоқалардаги бундай мураккаб жараёнга тарихий холислик нуқтаи назаридан ёндашиш керак.

Умуман, Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўрта-сидаги иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларда Марказ инон-ихтиёри юқорироқ турган. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг ўз кадрлари билан Туркистонда гојавий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти ҳам ўз даврининг ҳамма мураккабликларини қамраб олган. Шунинг учун ҳам ўзаро муносабатлар ўзининг холисона талқинига эга бўлмоғи керак.

Х У Л О С А

Ватанимиз тарихида шу пайтга қадар ҳали ҳолисона ўрганилмаган, ўзига хос мураккаб, мунозараларга асос бўла оладиган даврларни қамраб олган мавзулар мавжуд. Бу даврлар Ўзбекистон тарихида ўзига хос из қолдирган бўлсада, аммо социализм қуриш йилларидаги мафкуравий таъқиблар, тарих ва тарихий жараёнларга ноҳолисона ёндашишлар туфайли, бу муаммоларни совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида чуқур, илмий асосланган ҳолатда ўрганиш кун тартибига қўйилмади. Чунки совет ҳокимияти йилларидаги мавжуд тизим ҳамма йўналишларда ва айниқса, мафкура ҳамда маънавиятнинг илдизи бўлган тарихий меросни ўрганишда социализм ҳамда Марказ манфаатларини ҳисобга олиб ўрганишни талаб қиларди. Бу охир-оқибатда тарихни ҳолисона ўрганиш, унинг муаммо ва ечимларидаги мураккабликларни ҳамда зиддиятли муносабатларни ёритишга йўл қўймади. Шундай ҳолат совет ҳокимиятининг дастлабки йилларига ҳам тегишли эди.

Большевиклар чекка ўлкаларда, хусусан Туркистонда Россия империяси олиб борган сиёсатни қоралаган ҳолда, амалда ўзлари ҳам ўлкада «советларча ўмариш» ва миллий бойликларини ўзлаштириш, асрлар давомида шакланган диний ҳамда миллий қадриятларни оёқости қилишга тушдилар. Тугри, улар подшо маъмурларидан фарқли ўлароқ, бу «тадбир»ларни амалга оширишда қизил сўзларни ишлатишдан, ҳар бир ҳаракатларига мазлум халқлар манфаати йўлида жонбозлик кўрсатаётганликларини таъкидлашдан чарчамаган ҳолда ҳаётга татбиқ этдилар. Охир-оқибатда, «қолоқ» ва ҳар томонлама эзилган Туркистон халқлари учун рўшноликни Марказ берган «бегараз» ёрдам туфайлигина амалга оширилганини кўплаб илмий тадқиқотлардан ўргана бошланди.

Маълумки, совет ҳокимиятининг ҳукмрон мафкураси тазйиқи остида тарихий тадқиқотлар ҳам Марказ манфаатларига мос равишда талқин қилинган. Миллатлараро муносабатларни ёритилганда Россиядан Ўрта Осиё халқларига кўрсатилган ёрдамларга «байналмилал» либосини кийдирилган. Ўзаро муносабатлардан Россия ҳам Туркистондан кам бўлмаган ҳолда манфаатдор бўлганлиги ёритилмаган. Бу ҳам совет даврига хос тадқиқот талқинла-

ридан эди. Умуман олганда, мустақилликкача ёзилган тарихимизнинг аксарияти бир томонлама талқинларни ўз ичига олиб, ноҳолис ёндашилган ва Марказ манфаатларига хизмат қиларди. Президент И.А. Каримов совет даврида ёзилган тарихга ўз муносабатини билдириб, мустамлакачи «ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон ҳолис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-гайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар»¹ деганда тўла ҳақ эди.

Туркистон ва Россия ўртасидаги 1917-1924 йилларда бўлган муносабатлар ўзига хос мураккабликлари ва зиддиятлари билан ажралиб туради. Ўзаро муносабатларда Марказ ўз манфаатлари йўлида Туркистон халқларининг бағрикенглиги, меҳр-муруввати, болажонлигидан устамонлик билан фойдаланганликларини кўрсатади. Сўзи билан амалдаги фаолияти ҳамма вақт ҳам бирига мос бўлмаган Марказ охир-оқибатда Туркистон халқларининг саховат ва меҳр-мурувватини суистеъмол қилган. Масалан, РКП(б) МҚ очарчилик ҳукм сурган йилларда жойлардаги ўз вакилларига қатъий кўрсатма хати юбориб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик азобини тортаётганларга ёрдам бериш ҳеч қандай юқоридан мажбурлаш йўналишида бўлмаслиги ва фақат аҳолининг ўз хоҳиш-иродаси билангина амалга оширилиши кераклигини қайд этганига қарамасдан, яна шу хатнинг ўзида бирорта ҳам ташкилот доимий-узлуксиз тарзда ўз хоҳиши билан хайрия қилмайдиганлар қаторидан ўрин олмаслигини касаба уюшмалари томонидан эришилиши лозим, деб қайд этилади². Айнан мана шундай ихтиёрий-мажбурий хайриялар уюштириш сиёсати охир-оқибатда очарчилик азоб-уқубатларидан ҳали тўла бош кўтаришга улгуриб-улгурмаган маҳаллий аҳолини қийин иқтисодий аҳволга солиб қўйди. Боз устига, йиғилган хайрияларни Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган 500 мингдан³ кам бўлмаган очларга тақсим қилиниши охир-оқибатда очларни боқишга бел боғлаган Туркистон халқининг ўзини яна очарчилик азобларига гирифтор қилди.

Аммо, аини пайтда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларга ихтиёрий-мажбурий ёрдам компанияси Москва, Петроград каби марказий губернияларда кузатилмаган. Тўғри, Москва, Петро-

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. VII том, Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 137-бет.

² ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2148-иш, 4-варақ.

³ Туркистон ўз қарамоғига 320 минг кишини қабул қилиши кўзда тутилганига қарамасдан, аслида, бизнинг талқиқотимиз таҳлилига кўра, 500 мингдан кам бўлмаган очларни паноҳига олган.

градда чоп этиладиган газета ва журналлар очарчилик даҳшатлари тўғрисида кўплаб ёзишларига, озиқ-овқат сотиладиган дўконнинг кираверишига ва кўчаларга очларга ёрдам бериш тўғрисида хитобномалар осиб қўйилганига қарамасдан, амалда аҳолидан хайрия ундириш сиёсати ҳеч бир йўналишда амалга оширилмаган. Марказ раҳбарияти бундай хайрия тадбири вазифаларини бажаришни Туркистон ва бошқа «ҳосилдор» ҳудудлардан талаб қилишдан зерикмагани ҳолда, ўз ҳузур-ҳаловатини ҳам эсдан чиқармаганлар. АҚШ, Англия, Дания, Норвегия, Финляндия, Чехословакия ва бошқа чет эл давлатлари, шунингдек Украина, Туркистон халқлари очларга ёрдам қўлини чўзиб турган бир пайтда партия арбоблари РКП(б) МҚ ташкилий бюросининг 1922 йил 27 мартдаги мажлисида раҳбарларни чет элда даволаниши учун «олтин фонд» ташкил қилишга қарор қиладилар. Бу олтин фондга 200 тонна олтин сўми давлат ҳисобидан ажратилади. Бу воқеа айнан Туркистон халқлари ўз нонини Россиянинг очлари билан баҳам кўраётган ва Фарғона вилояти аҳолисининг ўзи очарчиликка мубтало бўлган пайтга тўғри келганини ҳисобга олсак, партия раҳбарларининг сўзи билан иши XX аср бошларидаёқ бир-бирига номувофиқ келганига гувоҳ бўламиз¹.

Россиядаги баъзи бир илмий-тадқиқотларда, оммавий-ахборот воситаларида ҳамон тарихга ноҳолис ёндашув кўзга ташланади. Масалан, Оренбург вилоятида чоп этиладиган газетада XX аср 20-йиллари бошидаги очарчилик даҳшатини кенг маълумотлар асосида ёритиш билан бирга, очарчиликдан ўлаётганлар кундан-кунга кўпайиб бораётган бир пайтда «...Кавказда тайёрланган кабобдан ҳузур қилганлар, Ўрта Осиёда мевалар чириган»² деб ҳозирги ёш авлодни алдашдан ўзларини тия олмайдилар. Аммо ана шу «тадқиқотчилар» Туркистонга Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинганлар тўғрисида, уларни очлик азобидан қутқаришда ўз ризқини баҳам кўрган ўзбек, туркман, тожик, қирғизлар тўғрисида ёзмайдилар... Ушбу китоб Россиядаги айрим «тадқиқотчилар» томонидан ҳанузгача биз Ўрта Осиё халқларини боққанмиз, кийинтирганмиз, деб айюҳаннос солувчиларга илмий асосланган жавоб бўла олади.

¹ Сабадаш И. Голод, который мог и не быть. Сакарские вести, 17 октября 1991 г.

² Ўша жойда.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	5

I боб. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги аҳвол ҳамда ўзаро муносабатлар

1.1. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий танглик. ...	8
1.2. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият.	20

II боб. Туркистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари иштироки

2.1. Озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш масалалари	34
2.2. Бошқарув тизимига кадрлар сафарбарлиги	53
2.3. Ҳарбий-сиёсий муносабатлар	70

III боб. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни баргараф этишда Туркистон халқларининг ёрдами

3.1. Очларга ёрдам кўрсатиш бўйича Туркистон комиссияси фаолияти	84
3.2. Туркистонга эвакуация қилинганларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари	101
3.3. Бошқирдистон МИҚ ваколатхонасининг Туркистондаги фаолияти	122

IV боб. Иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги ўзаро муносабатлар

4.1. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар	140
4.2. Ўзаро муносабатлардаги муаммолар ечимида мураккаб жараёнлар	159
4.3. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг Туркистон маданий ҳаётида тутган ўрни	177
Хулоса	197

